

КИМ КИЙОСАКИ

БОЙ АЁЛ



Сармоялашда
аёлларнинг
бошқаруви

Замонавий
аёллар
учун

УДК: 336.91

ББК: 65.26 К-43

КВК 65.26

Бой аёл / Таржимон: Азизбек Аҳмаджанов – Т.:
«Adabiyot uchqunlari», 2016 йил, 224 б.

ISBN 978-9943-4659-3-0

УДК: 336.91

ББК: 65.26 К-43

КВК 65.26

*Менинг назаримда Ким замонавий аёлларнинг намунаси:
қувноқ, яхши дўст, чиройли, ақлли ва бой. Пул ва сармоядор-
лик ҳақида гап кетса, ишонинг, у нима деяётганини яхши
билади. Тўғри, у қачонлардир ҳеч нарсани билмасди, аммо у
кўз олдимда шогирдликдан экспертга айланди. У бошқалар-
га ўргатаётганини ўзи ҳам амалда қиласди. Мен бу китобга
сўзбошини чуқур эҳтиром билан – энг яқин дўстим, иши юза-
сидан ҳамкорим ва рафиқам учун ёздим.*

Масъул муҳаррир:

А. Абдусамедов

Таржимон:
Азизбек Аҳмаджанов

ISBN 978-9943-4659-3-0

© «Adabiyot uchqunlari» нашриёти, 2016

*Ота-онам, Уинни ва
Билл Мейерларга багишила-
нади.*

РОБЕРТ КИЙОСАКИДАН СҮЗБОШИ

Айтишларича, ҳар бир муваффакият қозонған тадбир-корнинг ортида кучли аёл турган бўлади. Мен рафиқам Ким бўлмаганида бунчалар муваффакият ва ютукларга эришмаган бўлардим. Баъзан “Агар уни учратмаганимда ҳозир ҳолатим қандай бўлар эди?” деб ўйлаб қоламан.

Олдинига унинг гўзаллиги ром қилганди. Биринчи учрашувдаёқ унинг чиройини янада безаб турадиган акл-заковати ҳам борлигини сездим. Рафиқам Ким жуда ақлли аёл. Яқиндан танишганимиздан кейин унинг ички олами ташкисидан-да гўзаллигини тушуниб етдим. Ва мен уни янада қатикроқ севиб қолдим.

Қолаверса, унинг феъл-авторининг кучли томонлари ҳаётимизнинг оғир кунларида кўрина бошлади. Аёлимнинг қатъиятлилиги тўсиқларни бирин-кетин енгигб ўтишимизда катта ёрдам берди, рафиқамсиз буни ўзим аниқ эплай олмаган бўлардим. Кўп бора пулсиз қолганимизда, уйсиз кўчада сарсон бўлганимизда, тагимизда бирор харакатланадиган автомобилсиз юрганимизда у мени сабрга чорларди, юпатарди, мен эса ёш боладай тинмай кўз ёш қиласдим. Рафиқам менинг суянчиғим эди, у мен ҳатто ўзимга ишончимни йўқотганимда ҳам барибир менга ишонарди.

Ҳамма оиласалар қатори бизникида ҳам тортишувлар ва жанжаллар бўлиб турарди. Энг муҳими шундаки, ҳаётимиздаги барча йўқотишлар, оғирликларга қарамай, рафиқамга бўлган севгимга севги, унга нисбатан юрагимнинг тубидан ҳурмат қўшилиб борди. Бу аёл ҳар қанча мақтовга лойик. Ким ўзига ишончи баланд, ҳар қандай чигалликка тўғри ечим топа оладиган, менинг кўмагимга қараб ўтирадиган

аёл эмас. У замонавий, кувнок, бадавлат, меҳрибон, гўзал ва мустакилдир.

Агар биз биргаликда гольф ўйнасан, биринчи зарбани у доим эркаклар зарба берадиган жойдан беради. Унга аёл бўлгани учун ютқазиб беришларини истамайди. Ачинарлиси, афсуски, мен доим ўйинда унга ютқазаман. Худога шукурки, менинг устимдан ғалабасини қандайdir катта воқеага айлантирумайди.

Биз илк бор танишганимизда елкамда қарз, ўтмишдаги хатолардан олган дарсларим ва орзулар бор эди, холос. Ким дардимга шерик бўлиб, бу орзуларни биргаликда амалга оширишимга ёрдам беришга тайёр эди. Бироқ ҳозирги кунда нафақат орзу қылганларимизга, ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаган ютуқларга эришдик.

Ким менга пулларим учун турмушга чиқмаган, чунки ўша пайтда менда пулнинг ўзи йўқ эди, сармоядорликка келсан, мен оз-оздан бой отамдан ўрганганларимни ўргатдим, холос. Рафиқам Ким бу соҳага дарров мослашиб, ўзини сувдаги баликдай ҳис қилиб, сармоялашда мендан ҳам ўтиб кетди. Бу аёл ўз-ўзини бой қилган аёлдир.

Шунинг учун ҳам унинг китобларига биринчилардан бўлиб кириш сўзини ёзиш мен учун катта баҳт. Менинг назаримда Ким замонавий аёлларнинг намунаси: қувноқ, яхши дўст, чиройли, ақлли ва бой. Пул ва сармоядорлик ҳақида гап кетса, ишонинг, у нима деяётганини яхши билади. Тўгри, у қачонлардир ҳеч нарсани билмасди, аммо у кўз олдимда шогирдликдан экспертга айланди. У бошқаларга ўргатаётганини ўзи ҳам амалда қиласди. Мен бу китобга сўзбошини чукур эҳтиром билан – энг яқин дўстим, иш юзасидан ҳамкорим ва рафиқам учун ёздим.

ШЭРОН ЛЕКТЕРДАН СҮЗБОШИ

Биз Ким билан ўн йилдан бери дүстмиз ва биргаликда бизнес билан шуғулланамиз. Бу китобга сўзбоши ёзиб беришмдан жуда мамнунман.

Кўпчилик одамлар Ким учун сармоядорлик билан шуғулланиш осон, чунки у Робертнинг рафиқаси, деб ўлашади. Унга қарата кўпинча куйидагича сўзларни ҳам эшитишимиз мумкин: “Сизга гапириш осон!” Аммо бундай таникли ва узокни кўра биладиган шахснинг рафиқаси бўла туриб, муваффакиятга эришиш ва мустакил бўла олиш қийинрок масала. Йигирма йилдирки, Ким ва Роберт пул билан қандай муомала қилиш ҳамда сармоядорликни ўргатиш илинжида дунё кезишади. Шу билан бир қаторда Ким ўзининг сармоядорлик режаси билан шуғулланган ҳолда, ҳозирда кўчмас мулк соҳасида кўп миллионли ўзининг империясига эга.

Мен чин дилдан айта оламанки, у ўзига ўхшаган ажойиб гўзал жинс вакилаларига молиявий озодликка эришишларида вижданан ёрдам бера олади. Аммо Ким бошқа бир савобли ишга кўл урди: аёлларни ўз ҳаётларини назорат қилишга ўргатмокчи.

Биз Ким ва Роберт билан «Rich Dad» компаниямизни ташкил қилганимизда компаниянинг бу савдо белгисини Роберт тақдим қилишини истадик. У компаниямизда энг ёрқин шахс ва шундай бўлиб қолади ҳам. Ундан ташкари, Роберт таникли бестселлер асарларнинг муаллифи. Биз Ким билан компаниянинг ривожланиши учун ҳар томонлама ёрдамлашамиз. Ҳозирда “Бой ота” китобининг 23 та туркуми 45 та тилга таржима килинган, бизнинг маҳсулотимиз 97 та давлатда сотиляпти. “Бой ота, камбағал ота” китобимиз беш йилдан бери «The New York Times»нинг бестселлерлар рўйхатидан тушмай келаётган бир пайтда компаниямиз ва ўзимизнинг олдимизга янги мақсадлар кўйиш вақти келди, деб ҳисобладик.

Охирги йилларда Роберт Ким иккимизга кўп бора: “Аввало иккингизга катта раҳмат! Менинг орзуларимни рўёбга чиқаришга ёрдам бердингиз. Энди навбат сизларга... Энди

сизлар нимани хохласангиз, ўшанга ўз эътиборингизни қаратишингиз вақти келди”, деб айтиб келарди. Биз шу китоб орқали “Бой аёл” туркум китобларини ёзишга аҳд қилдик. Тез кунда мен “Бой оила” туркум китобларини ёзишни бошлайман.

Кимдаги кучли истак – ҳамма аёлларга молиявий мустақилликка эришишга ёрдам бериш. Менинг истагим – ота-оналар болаларини фақат яшаб қолишгагина эмас, бу замонавий молия дунёсида гуллаб-яшнашга ҳам ўргатишсин.

Бу китобни ўқир экансиз, унинг қаҳрамонларидан бири эканингизни кўра оласиз. Ким аёлларнинг сармоядорлик билан шуғулланмасликка қаратса айтиб юрадиган кўп баҳоналарини кўрсатади:

- * “Мен ҳақимда эрим қайғуради”;
- * “Менинг вақтим йўқ”;
- * “Менда пул йўқ”;
- * “Менинг ақлим етмайди”;
- * “Мен болаларимга керакман”;
- * “Бу қийинчиликларнинг менга кераги йўқ”...

Шу ва шунга ўхшаш тўсиқларни қандай енгиб ўтиш ҳақида Ким астойдил гапириб беради.

Аёл турмушга чиқар экан, ажрим ҳақида ўйламайди. Аммо ҳамма никоҳлар ҳам кўнгилдагидай бўлавермайди ва кўпинча ажримлар моддий томонга бориб тақалишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ишда қанча кўтарилишга ҳаракат қилиб, юқори чўққиларга чиққанингиз сайин бошқа ишларга кам вақт қолади. Сармоядорликда эса, аксинча, муваффақият қанчалар кўпайса, бўш вақтингиз ҳам шунча кўпайиб бораверади. Маблағлаштириш сиз учун меҳнат қила бошлайди ва керакли даромад келтиради, сизга эса пул учун ишлашингиз шарт бўлмай қолади.

Бир неча ҳафталар олдин мен отамни ва энг яқин дўстимни ўқотдим. Онам ва дўстимнинг рафиқаси энди ёлғиз колишиди. Улар келажакдаги ҳаётларига қўркув билан қарашяпти. Иккаласи жуда ақлли ва турмушга чиққунларича

ҳам ишлашган. Энди эса улар яна маблағларини бошқаришга қайтадан ўқишларига түғри келяпти. Бу шундан гувохлик берадики, аёллар сармоялаш ҳақида күпроқ билишлари керак.

Ҳаёт бизни кутылмаган синовларга дуч келтиради. Бу китобдан оғир күнларда қийинчиликларни енгиш учун фақат ўзингизга ёндашишингиз кераклиги ҳақида билиб оласиз. Келиб чиқишимиз қандайлигидан, билимимиз, олдинги молиявий аҳволимиз қай тарзда бўлганидан қатъий назар, ҳар қандай тўсиқларни енга олиш учун, ҳаётингизни тубдан ўзгартира олишингизга бўлган истакни уйғота олиш учун ўзингизда куч топа олишни ўрганасиз.

Энг яхши ўқиб-ўрганиш – шахсий малака. Ким сармоялашнинг илк даврларида қандай тўсиқларга дуч келгани ва уларни қай даражада енгиб ўтгани, «Rich Dad» компаниясига умуман алоқаси бўлмаган молиявий империя барпо қилганини сўзлаб беради? Сиз ким бўлишингиздан қатъий назар: яқинда ажрашган онамисиз, эри йўқ ёши ўтиб қолган аёлми, бева ёки баҳтли рафиқами, келажақдаги нафакага чиқишингиз ҳақида қайгураётган бўлсангиз, шуни билингки, сиз дунёда ягона эмассиз.

Одатда, биринчи қадамни босиши энг қийини бўлади. Молиявий келажагингизни ўз назоратингизга олиб, муваффакиятга эриша олишингизга ва ҳаётингиздаги бошқа соҳалар бўйича ҳам ҳаммасини улдалай олишингизга ўзингизда ишонч уйғотасиз. Бундай ишончга эга бўлгач, озодликни кўлга киритасиз ва нимани хоҳласангиз, ўшанга эриша оласиз.

КИРИШ

Нега мен айнан аёллар учун китоб ёзишга жазм қилдим?

Сармоялаш билан қандай шуғулланиш – қандай ижарапи күчмас мулкни сотиб олиш, акцияларнинг танлови, сармояланган маблағдан қандай яхши даромад олиш мумкин – бу саволларга эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам бир хилдаги жавобни олиш мумкин. Қиммат қоғозлар ёки күчмас мулк бўладими, сотиш, сотиб олиш, эгалик қилишми ёхуд уйни ижарага беришми, бу жараёнларни амалга ошириш жинс танламайди.

Нега бўлмаса сармоялашдаги бошқарув ҳақида айнан аёллар учун алоҳида китоб ёзиш керак бўлиб қолди?

Чунки пул аралашган ҳамма соҳаларда муомала қилишда аёллар ва эркаклар ўртасида тавофут (азалий, руҳий ва ҳиссиётлардан келиб чиқиб) ҳамиша бор.

Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик аёллар сармоялаш ва пул бошқаруви борасида тўлиқ тушунчага эга эмаслар. Жинсларга бўлиш айнан уларга тегишли ва шунинг учун ҳам аёлларга бағишилаб бу китобни ёзишга қарор қилдим.

Менга нима қилишимни ўргатишса, чидамай кетаман!

Китобнинг сарлавҳаси – қалбим қичғириғидир. Бир куни биз – эрим ва бир неча дўстларимиз билан тушлик дастурхонида бирга ўтириб қолдик, сухбат менинг китобим ҳақида кета бошлади. Китоб номи дарров ўйлаб топилди: “Бой аёл”. Аммо китобнинг сарлавҳалари ҳали йўқ эди ва бу борада ғояларимизни ўртага ташлай бошладик.

Шу пайт Роберт менга ўгирилиб каради-да, сўраб колди: “Айт-чи, сен нега бунчалар молиявий эркинликка ин-

тиляпсан? Бу бирдан хаёлингга келган нарса эмас, сен буни доим хохлаб келгансан. Сенинг бу интилишинг қалбингнинг қаеридадир янграйяпти. Сени эркин бўлишга нима чорла-япти? Айт-чи, нима сени ҳаракатлантирияпти”.

Ёнимда дугонам Сьюзи ўтирганди. Биз асосан бир хилда фикрлаганимиз учун бир-биримизга бир қараб олиб, бараварига барагла жавоб бердик: “Менга нима қилишимни ўргатишса, чидамай кетаман!” Шунингдек, бизнинг устимиздан ҳукм ўтказишганда қанчалар ёқмаслиги ва бундан кейин бундай бўлишига йўл қўймаслигимиз ҳақида гапирдик. (Менимча, кўпчилик аёллар гап нима ҳақида кетаётганини тушишига керак. Улар қаторида сиз ҳам.)

Биз сўзимизни тутатиб индамай қолганимиздан сўнг мен ўтирганларга назар ташладим. Улар жилмайиб ўтиришарди. “Сен китобингга сарлавҳа ҳам топганга ўхшайсан”, деди Роберт.

Ёшлик пайтимдан

Мен ҳамиша шундай бўлганман. Кўрсатмалар бўйича ишни бажаришга бўлган салбий карашим болалар боғчасидан бошланган. Менчалик кўп жазо олиб боғча коридорида тик турган бола бўлмаган бўлса керак. Тушликдан кейин ухлашни истамасдим – ўйнаш учун ташқарига интилардим. Эртак эшитишни хоҳламасдим ва бўёқни мўйқалам билан эмас, бармоқларим билан қофозга чаплардим. Боғчада бериладиган ўнг келган овқатни ейишни ҳам хуш кўрмасдим.

Тарбиячилар мени “ўзбошимча” деб аташарди, менга эса, шунчаки, айтилган нарсани қилиш ёқмасди, холос.

Коллеждан сўнг мени икки бор биринчи иш жойимдан бўшатишиди. Тасаввур қилиб кўринг, икки бор ўша иш жойидан бўшатилдим, мен жуда ўрганишни истаганим учун иккинчи бор ишга қабул қилишганди, аммо иккинчи уриниш ҳам зое кетди. Гап шундаки, мен кўп саволларга жавобни билардим. Кон билан кирган жон билан чиқади, ўзимга ўта ишонишим ва кўрсатмалар бўйича ишлай олмаслигим туфайли ўша компанияда муваффақиятга эриша олмасдим ҳам. Ҳатто менга

фойдаси тегадиган кўрсатмалар бўлса-да, мен рад этаверардим. Ҳаммасига сабаб менга буйруқ қилишлари ёқмаслигида эди.

Бир томондан, бу феълим туфайли анча нокулайликларга дуч келдим, лекин охир-оқибат айнан шу хусусиятим мустакилликка эришишимга, айниқса, молиявий томондан озод бўлишимга ёрдам ҳам берди.

Сиз бир иборани эшитган бўлсангиз керак: “Ким пул тўласа, ўша мусиқага буюртма беради”. Бошқача қилиб айтганда, кимда пул бўлса, эрк ашуласига сўзларни ёзади. Шунинг учун ҳам ёшлик пайтимдан қоидани ўзим ёзаман ва менинг устимдан ҳеч ким буйруқ чиқармайди, деб қарор қилдим.

Аёллар қиласиган тентакликлар

Бир куни Роберт уйга кириб келганида мен телевизорга қараб қичкираётгандим:

– Уйғон! Аҳмоқ бўлма..! Ўзингни кичкина тентак қизчадай тутишни бас қил! Катта бўлиш вақти келди..!

Роберт кулиб:

– Нима бўляпти? – деб сўради.

– Аёлларнинг бунчалар тентаклик қилаётгандарига жим қараб тура олмайман! Анави аёл ўзига умуман нотаниш бўлган, шунчаки ўзини телевизор орқали реклама қилмоқчи бўлаётган қандайдир молиявий режалаштириш бўйича маслаҳатчи одамдан ўзининг тўплаган пулларини нима қилиш кераклигини сўрайпти. У эса нотўғри маслаҳат беряпти, аёл бўлса унинг айтганларини, албатта, қилишини айтиб хурсанд. Ахир, бу тентаклик-ку! Шундай калтабин аёллар туфайли сармоялаш ва пул соҳасида аёллар ортда қолишяпти.

– Назаримда, бу сенинг ғашингга тегяпти, шекилли, – деди Роберт жилмайиб. Балки аёллар нима қилаётгандарини ўзлари билмаслар. Уларга тушунтир бўлмаса!

Шунинг учун ҳам мен бу китоб орқали сиз аёлларга ҳар қандай вазиятда ҳамиша тайёр туриш зарурат эканини ва

сизнинг молиявий келажагингиз нимага ёки кимга боғлик эканини аниклаб олишингизга ёрдам бермоқчиман.

Тентакликлар рўйхати

Бу ҳолат менга жуда салбий таъсир қилди, биз аёллар чиндан ҳам агар иш бориб пулга тақалса, кўп тентакликлар қилишга қодирмиз. Ўлашимча, ақли бўлиш пайти келди.

Аёллар тентак бўладилар, демоқчи бўляпманми? Албатта, йўқ! Шунчаки биз айнан пул масаласида баъзан охирини ўйламай иш қилиб қўямиз.

Қўйида улардан баъзилари:

*Турмушга пул учун чиқамиз.

*Никоҳимиз баҳтсиз бўлса ҳам, яшайверамиз ёки омадсиз муносабатларни қўллаб юраверамиз, чунки ўзимиз ўз кучимиз билан хаётий эҳтиёжларимиз учун пул ишлаб топа олмаймиз, деб қўрқамиз.

*Биз молиявий масалаларда карор чиқаришни эркакларга бериб қўйганмиз.

*Биз молиявий ишларни эркаклар яхши бажаради, деган афсонага ишонамиз.

*Биз сармоялашни эркаклар яхши тушунишади, деган фикрдамиз.

*Пул борасида эркаклар билан тортишмаймиз, чунки уларнинг ўзларини яхши кўриш ҳиссиётларига тегингимиз келмайди.

*Биз маслаҳатни ўнг келган экспертлардан олаверамиз, чунки ўзимизни ақдлимиз деб ҳисобламаймиз.

*Биз гапирмаймиз, чунки тинчликни хоҳлаймиз.

*Биз эркакларка узоқ эргашамиз (айниқса, молиявий томондан), чунки шу биз учун қулай деб ўйлаймиз.

*Биз уларга кўп ишониб эргашганимиз учун улар ёш аёлларга кетиб қолишади ва ёлғиз қоламиз.

*Биз уларнинг ўзгаришларига ишонамиз ва умид қиласиз.

*Биз ҳаммаси “яхши”га кўнамиз, аслида эса ҳаммаси “аъло” бўлиши керак.

*Агар эркак киши нотұғри йўлдан кетаётган бўлса ҳам, унинг ортидан эргашаверамиз.

*Биз ўзимизни ўзимиз алдаймиз.

*Биз ишдаги ноҳақликларга ҳам маош туфайли чидаймиз.

*Биз болаларимиз билан вақтимизни ўтказиш ўрнига ишда керагидан ортиқ ишлайверамиз ва бунда ўзимизни гуноҳкор ҳам сезиб қўямиз.

*Биз кўтарилишимиз керак бўлган лавозимга бошқа киши ўтиrsa ҳам, ишлашни давом эттираверамиз.

*Болаларимиз ҳаётидаги зарурый вазиятларни ўтказиб юборишимиз мумкин, чунки биз ишлаймиз.

*Биз аёллар кўпинча келажакка бокиб “Қачондир...” деб ўйлаб ҳам қўямиз.

Кўпчилигимиз бундай хатоларни қилганмиз (ёки қилишни давом эттиряпмиз). Бу бир нарсадан дарак беради: биз пулга кўнглигимизни сотамиз. Бу хатолар ўзимизга бўлган ишончга, ўзимизнинг қийматимизга ва ғуруримизга салбий таъсир кўрсатади. Китоб “Сармоялашда аёллар бошқаруви” номли сарлавҳа билан чиққан бўлса-да, у чуқур маънодаги муаммоларга жим қараб кетмайди. Гап аёл ўз ҳаётини ўзи бошқара олиши, ўзини ҳурмат қилиши ва ғурури ҳакида боради.

Эр, қариндошлар, иш берувчи ёки ҳукумат

Олдинига китобнинг мантиқий номи ўзгачароқ: “Эрга, қариндошларга, иш берувчи ва ҳукуматга қараб қолмасдан молиявий мустақил бўлишга интилаётган аёллар учун”. Бу – китобнинг асосий мавзуси. Азалдан одамзот тарихи шундай тарбия тизимига асосланган, яъни аёл молиявий жиҳатдан эрига ёки қариндошларига қарам бўлиши керак. Ҳозирги замонда бу жиҳат хавфли бўлиб қоляпти. Дунё жуда тез ўзгариб кетяпти.

Эркак

Ҳаёт қадимдан шундай тузилганки, аёл ва эркак, пул ва муҳаббатни бир-бирига уйғуналаштирумай, уларни алоҳида муҳокама қилиб бўлмайди. Муҳаббат, аёл ва пул бир-бирла-рига боғлиқ, қолаверса, униси ёки бунисининг бир-бирига таъсирини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмаймиз, чунки асрлар мобайнида жамиятимизда шундай бўлиши одатий ҳол деб ҳисобланган. Айнан аёлнинг эркакка нисбатан муҳа-ббати ҳаммаси шундай бўлиши керак, дейишимизга мажбур қиласди. Биз ўзимизга керагини эркак кишидан муҳаббати-миз орқали олишга ўрганиб қолганмиз. Аммо бу тизимда ҳали ёш ва чиройли эканмиз иш беради. Лекин вақт ўтган сайин ҳаммаси ўзгариб боради.

Бурилиш даври

Ёшим ўн тўртда эди. Мактабдан келсан, онам билан ду-гонасининг сұхбатига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолдим. У мени кўриб, кўз қири билан хонага кирмаслигимга имо қилди. Мен ошхонага чиқиб, ўзимга егулик тайёrlамоқчи, музлат-гичдан сут олмоқчи бўлгандим, уларнинг сұхбати барибир қулоғимга чалинаверди.

Онамнинг дугонаси Глория жуда хафа эди.

– Мен нимадир бўлаётганини сезиб юргандим, – деди у, – болаларни ўйлаб ҳам у кетиб қолмайди, деб ўйлардим.

– У сенга нима деди? – сўради онам.

– У бир йилдан бери бошқа мендан ёшроқ аёл билан уч-рашиб юрар экан, айтишича, унинг олдида у ўзини қаҳра-мондай ҳис қиласмиш. Менинг олдимда у ўзини омадсиздек сезгани аниқ.

– Сен бу алоқани билармидинг? – сўради онам.

– Тўғрисини айтсам, гумонларим бор эди, аммо тагига етишни истамасдим, қолаверса, бу шунчаки ҳавас ва вақти келиб ўтиб кетади, деб ўйлагандим.

– Қалбан ҳаммасини ҳис қиласдинг, тўғрими? – сўради онам.

– Ҳа! Фақат буни тан олишни истамасдим, - деди Глория. – Бизнинг никоҳга дарз кетганига анча бўлганди, йилдан-йилга қизиқишиларимиз иккига бўлиниб бораётганди. Унда карьера, менда болалар. У иш юзасидан доим жўнаб кетади, мен эса уйда қоламан.

– Никоҳингиз яхши эмас экан, унинг ҳаётида бошқа аёл борлигини билар экансан, нега ажрашмайсан?

– Ахир, болалар бор, - ўйлаб ҳам ўтирумай жавоб берди Глория.

– Болалар бор, дейсанми? Ахир, Глория, болаларинг катта бўлиб қолишган, ўғлинг коллежни битирди, болалар учун эмас, бу ерда бошқа нарса бор, - деди онам хайрон бўлиб.

Глория дудукланиб, секин овозда деди:

– Тўғриси, у билан ажраша олмаслигимга сабаб пул. Муносабатларимиз яхши бўлмаса-да, лекин моддий жихатдан ҳаммаси жойида. Мен яна бурда нон учун ўзим ишлашимга тўғри келишидан қўрқдим. Ахир, мен йигирма йилдан бери ишламайман. Ўзим бу ёғига бирор нимани уddaрай олмайман. Ҳа, бизнинг никоҳ йўқ ҳисоби, аммо эрим билан молиявий ҳимоялиниш учунгина муроса қилишимга тўғри келади, - деб кўзига ёш олди Глория. – Нима қилишни билмайман, ҳақиқатга тик боқищдан қўрқаман: ёшим қирқ бешда, ёлғизман ва ўзимни ўзим таъминлашим керак. Мен бундай вазиятга тушиб қолишими хәёлимга ҳам келтирмагандим. Ўзимни ўзим таъминлай олармиканман, билмадим...

Бу сўзлар баданимни жунжитиб юборди ва ўйлаб қолдим: “Бундай хиёнатли никоҳга Глория эрининг пуллари учунгина рози бўлиб яшаб келяпти”. Мен тушундимки, ҳаёт эртаклардагидай эмас, гўё “шахзода билан малика турмуш қуриб, узок ва тинч умр кечиришганидай”. Ўша куни ўзимга қарор қилдим ва дедим: “Менинг молиявий келажагим эримга ёки бошқа бировга боғлик бўлмайди”.

Хозиргача ўша қароримни ҳаётимга тадбиқ қилиб келмоқдаман.

Тизимни ўзгартириш пайти келди

Мени тўғри тушунишга ҳаракат қилинг: менинг эркакларга қарши ҳеч нарсам йўқ. Мен уларни севаман. Шунчаки мен уларга молиявий томондан қарам бўлишни ёқтирмайман. Бугунгилик кунда бу фикримга кўпчилик аёллар кўшилишади. Мен қирқ-эллик ёшга кириб никоҳлари бузилган ва маблағ масаласида қийинчиликка дуч келган аёлларнинг кўпини кўрганман. Уларнинг тарихи қуидагича: “Ёшлиқда жуда бахтли эдик..! Кейин ажрашдик... У мендан ёш аёлнинг ёнига кетди. Ҳаётимда биринчи бор ёлғизланиб қолдим”.

Менга ота-онам борасида бахт кулиб боқди. Бахтли эр-хотинлар тимсолида улар менга ўрнак бўлишди, улар эллик йиллик турмушларида муҳаббатни ва ўзаро ҳурматларини сақлаб қола олишди.

Афсуски, баъзи оиласида вақт синовидан ўта олишмайди. Ажралишлар кўпайиб кетяпти. Мен ажралишни ўйлаб олдиндан режа тузинг, демоқчи эмасман. Шунчаки ҳақиқатга тик боқинг ва ҳар қандай вазиятда ўз молиявий ҳәтингиз ҳақида ҳам қайғуришни ўрганинг. Глорияда захира режа бўлмаган, унда асосий режа нима қилиб бўлса ҳам, молиявий қулайлик учун никоҳни сақлаб қолиш бўлганди, холос.

Молиявий истакнинг эркак томонидан қондирилиши гўзал ва латофатли бўлган йигирма, ўттиз ёшлар даврингизда амалга ошиши мумкин, аммо кирқ, эллик ёшларда бошқа йўлини қидириш керак. Эркак бир адашиб, яна қайтади, деб ўйлаш бефойда. Аёл ўзи ўзгариши лозим. Ва ҳозирга келиб, формулани ўзгартириш вақти келди. Бунда асосий ролни пул ўйнайди. Ёшлигимизда бизга гўзаллигимиз ҳокимиятни берган бўлса, ёш ўтган сайин вазиятни фақат пул назорат қиласди.

Бу борада яхши сўзни Кэтрин Хепберн айтган: “Аёллар, агар сизда ишқ ёки пулни танлаш имконияти бўлса, пулни таёнланг. Ёшингиз ўтган сайин пул сизга ишқий саргузаштларни беради”.

Замон ўзгаряпти ва биз аёллар ҳам у билан бирга ўзгаришимиз лозим. Буни қандай қилишни китобим орқали айтиб

бераман. Агар сиз яхши молиявий стратегия – бой эрга тегиш, деб ўйласангиз, унда сизга омад тилайман. Ўз ҳаётини ўзгартириш, уни ўз қўлига олишни ва ҳаракатни бошлишни истаган аёлларга эса мен алтернатив йўл таклиф қиласман.

Қариндошлар

Баъзиларимиз қариндошларимиз туфайли оилада қулайликларда яаш учун имкониятларимиз бор. Аммо бу баҳт ҳаммада ҳам эмас. Баъзи дугоналарим қариндошларидан қандайдир ёрдам олиш у ёқда турсин, ўзлари уларни қарамоғларига олишга мажбур бўлишяпти. Улардан бири ёши ўтиб қолган онасини уйига олиб келишга мажбур бўлди, онаси ўзини ўзи эплай олмай қолгандан сўнг уни оқ ювиб, оқ тараш дугонамнинг зиммасига тушди. Қолаверса, касал қари одамга қарашнинг ўзи бўлмайди, бунинг учун ҳам маълум микдорда маблағ зарур бўлади ва ишининг бир қисмидан воз кечиши керак, бу келиб турган даромад камаяди, дегани.

Яқинда бир дугонамга онаси вафот этгандан кейин мерос бўлиб ота-онаси ўттиз йил яшаган каттагина уй қолди. Қарангки, бу уй шу пайтда қимматлаган ва кўчмас мулк сифатида даромад солиғидан қарзи ҳам кўпайиб кетган экан. Қарз шунчалар кўп эканки, аёл уйни сотиб қарзларни тўлашга мажбур бўлди, оқибатда мероссиз қолди.

Яна бир дугонам Сьюзеннинг ҳолати ҳозирда кўп тарқалаётган ачинарли вазиятлардан. Унинг отаси керакли пулни топган, бизнес билан шуғулланган, кўчмас мулк ва қиммат қофзлар эгаси бўлган. Сьюзеннинг онаси вафот этгандан сўнг у бошқа аёлга уйланади, аёл эса Сьюзеннинг отаси бетоб ётганида вазиятномани ўзгартиришга муваффақ бўлади, албатта, отасининг розилиги билан. Карабсизки, отаси ўлгандан сўнг ҳамма катта мерос аёлга ўтди, Сьюзен, унинг aka-укалари ва сингиллари ҳеч вақосиз қолишиди.

Мен бу мисолларни сизни қўрқитиш ёки муаммоларни санаб ўтиш учун айтиётганим йўқ. Мен, шунчаки, доим кутилмаган вазиятларга тайёр туришни таъкидламоқчиман ва

молиявий келажагингиз нимага ёки кимга боғлиқ эканини тушунтиromoқчиман.

Иш берувчингизга ёки ҳукуматга ишониш ҳам маъносиз.

Иш берувчи ва ҳукумат

«Time» журналида “Нафақаҳўрларни хароб қилишди” деган ном билан бир мақола пайдо бўлиб, “Қарилик нафақасига ишонган миллионлаб америкаликларни нохуш “сюрприз” кутиб турибди: конгресс ёрдами билан корпорациялар ўз ходимларини қандай шилишяпти” сарлавҳаси билан чиқди. Мақолада айтиладики, кўпгина катта компаниялар ўзларининг нафақа фондларини ишлатиб юборишган, аникрофи, ўз ишчиларининг чўнтағидан ўмаришган, қонун бўйича эса улар ишчилари нафақага чиққанларидан сўнг ойлик нафақа пулларини ва кексаликдаги тибиёт хизмати учун пул тўламай, вавъдаларининг устиларидан чикмасалар ҳам бўлаверади.

Мени «Time» журналида мисол қилиб келтирилган беш кишининг нафақа билан боғлиқ муаммолари қизиктириб колди. Беш ҳолатда ҳам зарар кўрганлар аёллар. Воеа қаҳрамони олтмиш тўққиз ёшли аёлга эри ишлаб иш жойида жароҳат олган компания эрининг ўлимидан сўнг ваъда қилинган 1,2 минг доллар ойлик нафақани беришдан бош тортади. Эндиликда у очдан ўлиб қолмаслик учун 60 доллар ойликка алюмин банкаларни йигиб тирикчилик қилишга мажбур.

Бошқа бир воеада айтилишича, олмиш ёшли аёл «Polaroid» компаниясида котибаликдан ижроия қўмитаси аъзолигигача ўттиз йил фаолият кўрсатади. У хизматчилар қатнашадиган компаниянинг мулк акционерлик режасига ёзилган, келажакда ўзининг улушини сотиб, қарилик нафақасига чиқиб, хотиржам яшаб ўтишга ишонган ва ҳар ойда маошининг 8 фоизини ҳисоб рақамига ўтказиб турган. Аммо бошқарувчиларнинг лоқайдлиги ва омилигидан компания акцияси нархи тушиб кетади ҳамда конгресснинг аралашуви туфайли аёл 200 минг доллар йўқотди. Ундан ташқари, аёл кўп миқдор-

даги нафақага кўз тикканди, аммо у 47 долларлик бир вақтли чек билан қолди.

Хуллас, ҳамма бешта воқеадаги аёллар нафақага чиқиб, моддий таъминотга эга бўламан, деб ишонишган, оқибатда эса ҳеч нарсасиз қолишган. Бу ачинарли ҳолат.

Бундай вазиятга нафақат аёллар, балки эркаклар ҳам тушишяпти. Бу инқироз жинс танламайди. Агар сиз мени эрим ёки хукумат қўллайди, деб юрган бўлсангиз, юқорида айтилганларга эътиборингизни қаратинг.

Танлов сиз томонда

Балки келажакда сизга эр, оила, компания ёки хукумат ёрдам берар. Аммо мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, бунга умид қилмаган бўлардим. Мен ўзим назорат қила олмайдиган молиявий келажагимга бор-бурдимни тикмасдим.

Сиз ўзингиз учун ўзингиз ечим топишингиз керак, молиявий мустақил бўлишни истайсизми-йўқми? Бу ақлан қилинган танлов бўлиши лозим. Агар сиз кимгадир боғланиб қолишини хоҳласангиз, унда сиз ўзингизнинг моддий манфатдорлик жавобгарлигинги ўшанга ўтказган бўласиз ва бу ечимингизнинг барча яхши ва ёмон томонларини ўзингиз баҳам кўрасиз.

Агар молиявий мустақилликни танласангиз, оз муддатли қуладилек туфайли узоқ вақтга озодликка эришасиз. Бу йўл бошланишида кийин, кўпчилик ярим йўлдан ортга қайтишади ҳам, аммо охиригача борсангиз, хизматларингиз учун катта мукофотга эга чиқасиз.

Мен ишонч билан айта оламанки, молиявий ҳаётини ўз назоратига олган ҳар қандай аёл муваффақиятга, албатта, эришади. Миллионлаб биз кабилар бу баҳтга эришганмиз.

Бу китобда гап молиявий мустақиллик ҳақида кетяпти, чунки аёлнинг озодлиги дейилганда унинг молиявий озодлиги назарда тутилади, деб ўйлайман.

БИРИНЧИ БОБ

ДУГОНАЛАР БИЛАН ТУШЛИК

Мен аввало аёлман!

Жаклин Кеннеди Онасис

Мен Нью-Йоркни севаман. Бу чиндан ҳам ягона, ўзи хос, жозибали шаҳар: сершовқин, фаолият қайнайди. Таймс-скверга етмасдан такси тўхтатдим. Атрофдаги костюм-шим кийган одамлар одатдагидек қаергадир шошилишар, арzon соат, катмончалар ва ерёнғоқ сотувчилар хаridорларни ўзлари томон чорлашар, очиқкан хизматчилик яқин атрофдаги ошхоналарга ошиқишарди.

Мен ҳам тушлик килгани отландим.

– Қаёққа борамиз? – сўради таксичи.

– «Plaza» меҳмонхонасига, - дедим.

Жуда ажойиб кун эди: майин шаббода эсадри, кўзни қамаштирадиган кўм-кўк осмонда бирорта ҳам булут кўринмайди.

Йўл мен ўйлаганимдан-да оз вақтни олди. Меҳмонхона ёнига келиб, тўхтаган таксичига пулини бердим. Машинадан тушар эканман, бироз хаяжонда эдим. Мана шу тушлик учун йироқ йўл босдим, Финиксдан Нью-Йорккача. Мени нима кутиб тургани ҳақида тасаввурга эга эмасдим, ростини айтсан, ким билан учрашишимни ҳам аниқ билмасдим. Бу тушлик мен учун байрам бўлади ёки хато. Аммо бир нарсани билардим, зерикарли бўлмаслиги аниқ эди.

Ҳаммаси икки ой олдин олган электрон почтамдан бошлианди:

“Салом, қизлар!

Хуллас, ҳаммаси жойида! Биз эски дугоналар учрашув учун жой ва вақтни белгиладик. 22 март куни Нью-Йоркдаги «Plaza» меҳмонхонасида куннинг ярмида учрашамиз! Гонолуудан Нью-Йоркка... Ҳа, замон ўзгаряпти. Сизнинг

жикояларингизни эшиштишини жуда интиқлик билан кутаб
қоламан.

Ўниб қолувчи Пэт”.

Биз Пэт билан Гавай университетида бирга ўқиганмиз ва
дугона бўлганмиз. У билан фалсафа маъruzасида танишган-
дим ва биргаликда квартирада ижарага турғандик. Биз йи-
гирма йилдан бери кўришмагандик. Шунинг учун ҳам Пэт
учрашувни ташкил қилишга қарор қилганди.

Биз олти қиз дўстлашгандик. Биргаликда Гонолулуда кўп
унутилмас кунларни бошимиздан ўтқазганмиз. Биз ёш ва эр-
кин ҳолда Гавай оролларида яшардик. Бу ҳаётимиздаги энг
яхши дамлар эди.

Пэт буни қандай қилди, билмадим-ку, аммо учрашувни
уюштириди. Олти қиз бутун мамлакат бўйлаб тарқаб кетган
бўлсак-да, у бизни қидириб топди. Кимдир турмушга чиқиб
фамилиясини ўзгартирган, кимдир Гонолулудан кўчиб кет-
ганлиги сабабли бу натижага у кўп куч сарфлагани аниқ.
Аммо Пэт кичкина мўъжизани амалга ошириб, ҳаммамизни
бир жойга тўплашга муваффақ бўлди.

Охирги марта ҳаммамиз йигирма йил олдин университетни
тутатганимизда тўпланғандик. Ўшанда келажак учун
олдимизга улкан режаларни қурғандик. Ўқиш мобайнида
биз бир-биrimизнинг кўз ўнгимизда ўзгардик, катта бўлдик,
шуниг учун улар билан учрашув мен учун ғоят ажаб эди,
уларнинг ҳар бирининг ҳаётларига қизиқишим қаттиқ эди.

Мехмонхона пиллапоясига қизил гилам тўшалганди.
Швейцар эшикни очиб бергандан сўнг мен ичкарига кирга-
нимда гўё вақт тўхтаб қолгандай бўлди. Мендан уч-тўрт қа-
дам нарида Пэт ва Лесли туришарди. Пэт олдингидай жози-
бали кўринишида эди ва у шляпасини ечганда соч турмагидан
бирорта соч толаси ўрнидан силжимади ҳам. У доим бир хил
услубда кўринарди: жиддий костюм, янги туфли ва шу туф-
лига мос кўлқоп. У доим ўзига ярашиб турадиган кийимда
юради. Бирор майдада нарса ҳам эътиборидан четда қолма-
ган. У доим шундай бўлган.

Пэт ҳамма нарсанинг ўз вақтида ва ўрни-ўрнида бўлишини яхши кўради. Шунинг учун ҳам у меҳмонхонага бир соат олдин келиб, унинг буортмаси айтганидек бўлдими-йўқми, кўздан кечириб чиққанди.

Унинг ёнида Лесли турарди. Ташки кўринишидан мисоли судья, лекин у айни пайтгача санъат билан шуғулланади. Унинг эгнида очиқ рангдаги кўйлак, кенг юпка, жилет, шарф, каттагина пальто – Пэтнинг кийиниш услубининг умуман тескариси эди. Лесли гўё тасодифий шаббода билан учиб келиб, деразага урилгандай турарди. Елкасида қаппайган сумка, унинг ичидан, албатта, ҳамма нарсани топиш мумкин эди. Мусаввирлардан нимани қачон кутишни билмайсан киши. У кўринишдан енгил табиатга ўхшаса-да, аслида истеъоддли ва ақлли аёл эди. Агар у ўн тўққизинчи асрда курилган бинони чизмоқчи бўлса, олдин унинг тарихини, ўша даврдаги мусаввирларнинг услубларини ўрганиб чиқарди. У чин дилдан санъатни севарди ва ўзи санъатнинг тирик тимсоли ҳам эди.

Биз кучоқ очиб кўришдик ва шу оннинг ўзида бир-бirimizni саволларга кўмиб ташладик. Йигирма дақика бир зумда ўтиб кетди, агар Женис халлослаб кириб келмаганида, билмадим, яна қанча турардик?! У мамлакатнинг қарама-карши томонидан етиб келганди. У жойида бир тўхтаб олиб, нафасини бироз ростлаб, бошдан-оёқ бизга разм солди-да, баланд овозда гапира кетди:

- Сизларни кўрганимдан жуда ҳам хурсандман! Наҳотки, ҳаммамиз Нью-Йоркдамиз. Бугунги кун қанчалар ажойиб, тўғрими?! Бу ерга етиб келгунимча йўл бир асрга татиб кетди-я!

У бу сўзларни бир нафасда гапириб ташлади. Мен, Пэт ва Лесли унга қараб жимгина турардик. Ҳа, баъзи нарсалар ва баъзи одамлар ҳеч қачон ўзгармайди. Женисни қандай таниган бўлсак, ўшандайлигича қолибди. У доим ўнта ишни бир вақтнинг ўзида қиласди. У жуда тез гапирав, тез юрар ва серғайрат аёл эди. У каерда пайдо бўлса, ўша ерда шовқин ва ғала-ғовур бошланарди. Биз эндигина Пэт тайёрлаган жой томон юрган ҳам эдик, Пэтнинг телефони жиринглаб қолди.

- Афсус, - деди у телефонини қулоғига туттан ҳолда, - сен оқшомгача ишлар экансан-да, майли, сенга ҳаммасини кейин айтиб бераман, учрашунча, - деб бизга юзланди. - Трейси кела олмас экан. Бир ойдан бери тайёрлаётган лойиҳасини топшириши керак эди. У ҳаммаси тайёр, деб ўйлаган экан, аммо бошлиғига кўрсатса, бир-икки ўзгартиришлар киритиши кераклигини айтибди, мен сизларга айтсан, Трейси ишда кўтарилиш учун жуда кўп меҳнат қилди, афсуски, ишдаги кўтарилиш баъзан шахсий ҳаётдан устун келади, у учрашувга кела олмаганидан жуда афсусдалигини айтди, - деб бизга ҳисоб берди Пэт.

- У қаерда яшайди? – сўради Лесли.

- Чикагода. Мобил телефонлари билан шуғулланувчи катта компанияда ишлайди, - жавоб берди Пэт.

Меҳмонхона ходими столга тузалган дастурхонга бизни кузатиб қўйди. Пэт ўзи учун қулай бурчакка ўтирди. Гаваййани эслаб туришимиз учун шоколадга қорилган австралия ёнғоқларини ҳам тарелкаларда ҳар биримизнинг олдимизга қўйдирганди. Яна бир сюрприз эса – йигирма йил олдин охирги марта Гонолулуда ҳаммамиз биргаликда тушган суратимизни рамкага солиб қуиб қўйганди. Бизни унутилмас тушлик кутаётганди.

Суратларга қараб биз баробарига ҳеч қайсимизнинг ташки кўринишишимиз ўзгармаганини тасдиқлаб қўйдик.

- Айтгандай, Марта қани, у келадими? – сўрадим мен.

- У келмокчи эди, кутилмаганда унинг онаси бетоб бўлиб ётиб қолибди. Марта онасини уч кунга ёлғиз қолдиришни истамади. Унинг отаси ўлган, энди онасига қарашиб Мартанинг зиммасида. У сизларга қизғин салом айтишимни сўради, - деди Пэт.

- Нима ҳам қилардик, олти кишидан тўрт киши, бу ҳам ёмон эмас, - деб қўшиб қўйди Женис.

Кейин эса узоқ ва хотиржам бўладиган сухбатга тайёргарликни бошладик.

ИККИНЧИ БОБ

ДУГОНАЛАР

Бир-биrimизга айтадиган гапларимиз кўп эди. Секин гапира олмайдиган Женис Леслига қараб:

- Хўш, гапир-чи, йигирма йил ичидаги нималар билан шуғулландинг?

Биз саволни эшитиб, Леслига юзландик.

Леслининг ҳикояси

- Ёдингизда бўлса, охирги учрашувимизда мен катта имкониятлар кидириб Гонолулудан кетмоқчи бўлгандим.

Биз тасдиқлаб бош силкидик.

- Олти ойдан сўнг Нью-Йоркка етиб келдим. У ерда санъат оламига кира олишимиз учун имкониятлар кўп эди. Менга омад қулиб бокди: Графика дизайнери билан шуғулланадиган, унча катта бўлмаган фирмага ишга жойлашдим. Бу менга шаҳар билан танишишимга ва нима билан шуғулланмоқчи эканимни англаб етишимга ёрдам берди. Олдинига кўникишим қийинроқ бўлди: Гонолулудан Нью-Йоркка кўчиб ўтишим мен учун ҳақиқий маданий талваса бўлди. Олдин мен ҳатто метрода ҳам юрмагандим. Мен баланд пошна туфлида юриш ўрнига уни қўлда кўтариб юришни ўргандим. Кейин мен иш жойимни бир неча бор алмаштирдим ва ҳатто иккита катта универмаг бўлимларининг рассомчилик ишларида қатнашдим.

Бўш вақтларимни чизишга бағишиладим. Ўзимнинг кичкинагина хонамнинг бир бурчагида ўзим учун мольберт ва бўёқларни куйиб, студия ташкил қилдим. Кўпроқ менга ёққани чизиш анжомларимни ўзим билан олиб, шаҳарнинг қандайdir манзарали жойларига бориб чизиш эди. Бир неча йил олдин муаллифлик кўргазмам ҳам бўлди. Кўп пул тушмаган бўлса-да, бир нечта суратларим сотилди, қолаверса, ёқимли томони – асарларим кенг оммага тақдим қилинаётгани бўлди.

Кейин мен орзуимдаги эркак - Питерни учратдим. У ҳам мусаввир. Бир-биримизни севиб қолдик ва бир йилдан сўнг никоҳдан ўтдик. Иккита фарзандимиз бор - ўғил ва қиз. Лекин икки мусаввир учун ҳаётда яшаш қийинроқ экан. Асл оиласвий ҳаёт мен ўйлагандай бўлиб чиқмади. Питернинг ўз студияси бор эди. У ўзининг суратларини муваффақиятли дарражада сотарди ва чизиш билан шуғулланарди. Муаммо, менимча, иккимизнинг ҳам мусаввир бўлганимиз бўлса керак. Иккимиз ҳам ҳиссиятли бўлганимиз учун пулни ўйламай ишлатишга уста эдик-ку, уни тежашни билмасдик. Никоҳимиз олти йилга чўзилди, холос ва биз дўстларча ажрашдик.

Ўшандан бери болаларни ўзим катта қиляпман. Питер ҳам оз-моз ёрдам қилиб турибди, лекин у оз ишлаб топади.

- Болаларни ёлғиз катта қилишни хаёлимга ҳам келтира олмайман, - деди Женис. – Ахир, мен ўзимни аранг эплай оламан-ку. Шунинг учун ҳам мен турмушга чиқмагандирман. Лос-Анжелесда ҳам яшаш қийин, аммо Нью-Йоркка солиширганда анча осон. Сенга қойилман, Лесли.

- Раҳмат, - деди Лесли.

- Лос-Анжелесда ҳаёт қандай? – сўради Пэт Женисдан. – Мен Калифорнияни унчалик яхши билмайман.

Жениснинг ҳикояси

- Мен у шаҳарни севаман, - гап бошлади Женис. – Ва ундан ҳам кўра кўпроқ ўз ишимни севаман. Олдин ҳам айтганимдек, мен турмушга чиқмадим, саккиз йилча олдин бутантанали воқеа юз бериши мумкин эди, аммо биз таклифномаларни тарқатмоқчи бўлиб турган пайтимизда йигитим “Олдин мен ўзимни англашим керак”, деб Европага жўнаб кетди! Олти ойдан сўнг эса “Ҳали никоҳга тайёр эмас эканман”, деб мактуб йўллади. Нима, мен шундай бўлишини ўйламабманми?! Аслида эса, Балидами ёки Фижидами йигирма ёшли гўзал билан яшаб юрганмиш. Менимча, у “ўзини” топибди. Иккинчи бор уриниб кўриш менга эса эриш туюлди, қолаверса, ёшим ҳам... Йиллар ўтган сайин эркаклар ёшларни истаб қолади, улар билан тенглашишнинг фойдаси йўқ.

Шунинг учун мен бор эътиборимни ишимга қаратишга жазм қилдим. Ёдингизда бўлса, мен Гонолууда экзотик совғалар билан савдо қиласидиган бир жуфтлик билан танишиб қолгандим, мен улар билан узоқ муддат ишладим. Олдинига уларда битта дўкон бор эди, кейин учтага чиқди, бора-бора мамлакат бўйича уларнинг дўконлари очилди. Улар билан мен беш йил ишладим. Керакли пулга эга бўлганимдан сўнг мен ўз бизнесимни очишга қарор қилдим. Чакана савдо бўйича укувим бўлгани учун бу ишни осонликча амалга ошираман, деб ўйлаб, деликатеслар дўконини очдим. Гонолууда бундай дўкон биттагина эди ва унинг иши яхши юриб тургани кўриб, мен ҳам очмоқчи бўлгандим. Мен бор йикканимни ва банкдан ссуда олиб, одам гавжум кўчадан жойни ижарага олиб, дўконни маҳсулот билан тўлдириб, ишни бошладим. Тўрт кунгача одам киришини пойлаб, калламга бир фикр келиб қолди: одамлар ўзлари топиб келаверишади, деб ўйланманми, билмадим, ахир мен дўкон очганимни ҳеч кимга айтганим йўқ-ку. Ва яна бир нарсани тушуниб етдимки, менинг маҳсулотларим тез айнийдиган-ку. Ундан ташкари, мен ўз вақтида ижара ҳақи тўлашим керак, акс ҳолда ҳолим хароб.

Мен ҳаммасидан воз кечмоқчи бўлдим-ку, лекин олдинги иш берувчимга қўнғироқ қилдим ва ундан ёрдам сўрадим. “Тадбиркорлик оламига хуш келибсиз! – деди хурсанд ҳолда. – Нима бўлди?” У менга ўзига хос етакчи бўлди. Унинг кўрсатмаларисиз мен бирор нарсага эриша олмаган бўлардим. Секин, аммо тўғри йўл танлаганим учун ишларим кўтарила бошлади. Қандай хурсандчилик билан менга ёрдамчи кераклиги ҳақида эълон берганимни тасаввур ҳам қила олмайсизлар. Дўконимга кирувчилар кўпайиб кетди ва менга яна бир жуфт кўл керак бўлди. Биринчи дўкон муким даромад бера бошлагандан сўнг иккинчисини очдим. Олдинига унда ҳам муаммолар бўлди, лекин кейин ҳаммаси изига тушиб кетди ва икки дўкондан даромад ола бошладим.

Мен жойимда туролмай қолгандим ва калламга ажойиб ғоя келиб қолди: аёллар териси учун юқори сифатли маҳсулотлар сотиш дўкони очиш. Дўкон ўйлаганимдан-да ажойиб

чиқди. Нихоят, Гонолулудаги ҳамма дўконларимни сотиб, Калифорнияга йўл олдим. “Ҳаммаси осон!” деб ўйладим, - шу ерда Женис бир хўрсиниб олди. - Мен боримдан айрилгандим. Лос-Анжелесда бизнес умуман бошқача экан. Бу ерда қоидалар ўзгача, мижозларда ўзгача талаб, муносабати ҳам ўзгача. Ҳаммасини бошидан бошлаб, қайта ўрганишга тўғри келди. Ҳозирда менда учта дўкон: иккитаси Лос-Анжелесда ва биттаси Сан-Диегода. Олдинига мен дўконларни фақат аёллар учун мослаштиргандим, аммо ҳозир эркаклар борасида ҳам кўп мижозларга эгаман. Сал олдинроқ интернет-нинг имкониятларини ўрганиб чиқдим ва ҳозирда бир нечта интернет-дўконларим бор. Бу ажойиб хусусиятларга эга олам!

Менинг жуда кўп ишлашимга тўғри келди. Ҳозир қўл остимда ўн иккита одам ишлайди, бу энди алоҳида ҳикоя. Мен доим Лос-Анжелес ва Сан-Диего ўртасида бўзчининг мокисидай қатнайман ва бизнесни кенгайтириш илинжида янги лойиҳалар устида ишлайман. Кўп пул топяпман, дейишим мумкин, аммо даромаднинг кўп қисми бизнесни ривожлантириш учун кириб кетяпти, - тан олди Женис. – Мен ишимни яхши кўраман, лекин барибир пул менинг учун ишлаб, ишлашдан қачон фориғ бўлишни кутиб яшаб келмоқдаман. Лекин бунга мен кутганимдан-да кўп вақт керакка ўхшайди. Шу йигирма йил ичидаги нималар бўлмади, дейиз, бу вақт менга асрларга татиб кетди. Аммо бизнинг Гонолулудаги бирга ўтказган кунларимизни эсласам, худди кечагидай эсимда. Ўша кунларга қайтгим келади, - деб сўзини тугатди Женис, сўнг бакалини кўтариб, қуйидагиларни деди:

- Танлов учун! Келинглар, олдинги қилган танловларимиздан керагини олайлик ва келажакда тўғри қарор қабул қиласли!

Биз ўша бирга юрган кунларимизни кўз олдимииздан бир зумга ўтказа бошладик. Кейин эса Лесли Пэтга мурожаат қилди:

- Мен сенинг биринчи ишингни эслайман. Сенга ўша газетада ишлаш шунчалар ёқардики, ўз мақолаларингни бизга айтиб берардинг. Сен ҳалиям ёзяпсанми?

Пэтнинг ҳикояси

Пэт ёзишни яхши кўрарди ва воқеалардан боҳабар бўлиб туришни ундан-да яхши кўрарди. У сиёсатшуносликни ва журналистикани ўрганганди, қолаверса, анча олдин чет эл журналисти сифатида дунёнинг турли чеккаларидаги воқеа ва ҳодисаларни ёзиб ёритишини исташини айтганди. Университетни тугатиб, у ўзи ҳақидаги резюме (маълумот)ни Гонолулудаги иккита катта газеталарга жўнатди, холос. Ундан: “Агар иккисидан ҳам рад жавобини олсанг, унда нима қиласан?” деб сўралганда у: “Мен бу сұхбатга тўрт йил тайёр гарлик қилдим. Рад жавобини олсан, “ҳа” жавобини олмагувимча тинчмайман”, деб жавоб берганди.

Пэт доим ўзининг қатъиятилиги билан ажralиб турарди ва нафақат бирор воқеанинг охирига етишда ажralиб турарди, балки кўп вақтини у китоб, газета ва журналлар тўла стол олдида ўтказарди. У доим бирор аниқ маълумот ёки янгилик топиш илинжида бўларди. Пэт бешта нашрга обуна бўлганди ва кун мобайнida янги ахборотларга эга эди. Агар бирор кишига оламда нима бўлаётганини билиш керак бўлиб қолса, Пэтга мурожаат қилгани маъкул. Биз унинг ўз ишига пишиклигидан хайратга тушардик. У ўзининг нимани исташини ва нима килаётганини аниқ биларди.

Аммо ҳаёт бизнинг орзуласаримизга ўз белгиларини қўя олади.

- Мен газетада муваффақиятли ишладим, - ҳикоясини бошлиди Пэт, - ҳар доим янги жавобгарли ишларни олдим. Менинг ишдаги ўсишим ва шахсий ҳаётим ўзим ўйлаганимдек, режам бўйича барпо бўлди. Мен бўлажак турмуш ўртоғим Грант билан газетага ишга кирганимдан уч йил ўтгандан сўнг танишдим. Иккимизнинг режаларимиз улкан эди. Тез ўтмай, Грантни Далласга – мамлакатдаги катта банклардан бирига ишга таклиф қилишди. У менга турмуш қуришни таклиф қилди ва мен рози бўлдим. Мен Гонолулуни ва, албатта, ишимни соғинишимни билардим, аммо молиявий томондан бу таклифни рад этишим нотўғри бўлган бўларди.

Үзимизда бор-йўқ юкларимизни йиғиштириб, Далласга йўл олдик. Мен ўша ердаги бирор газетадан иш топишимга ишонардим, аммо кутилмаганда ҳомиладорлигимни билиб қолдим. Бу кўзланмаган ҳолат эди.

Пэтдек аёлнинг ҳаётидаги бу ҳолат олдиндан назарда тутилмаганига ишониш қийин эди. Биз ушбу вазиятда Пэт ўзига ўхшамаганини айтиб, у билан ҳазиллашдик.

- Балки, - деб у бизга қўшилди. - Энди ҳомиладорликда иш топишни ўйлаб кўр! Үзимни ўзим бу унчалик қийин эмас, деб юпатдим. Аммо хато қилгандим. Ишга кириш учун бўладиган сухбатларда ҳомиладорлигимни, қолаверса, ёш она бўлишимни эслатсам, сухбат ўша захоти тўхтарди. Ҳаммалари бир гапни қайтаришарди: “Нега вақтни бекорга сарфляпмиз? Мен сенга ҳаммасини ўргатаман, олти-етти ойдан кейин эса сен кетасан-ку”. У пайтларда ҳомиладор аёлни ишга ҳеч ким олмасди. Шунинг учун баъзи бир нарсаларни четда ёзиб турдим, асосан Грантнинг пулига яшардик. Бу мени жуда толиқтиради. Нихоят, бир қарорга келдик, агар биз икки ёки учта фарзандли бўлмоқчи эканмиз, буни ҳозироқ қилишимиз керак ва улар каттароқ бўлишганда мен яна ишга қайта оламан, деб ўйлагандим, аммо бу икки-уч йил ўн йилга чўзилиб кетди, мен учта болали, ишламайдиган онага айландим. Грантни бир неча бор иш юзасидан кўтаришди, бугунги кунда у компания бошликларидан бири, яхши маош олади. Арз қиладиган жойим йўқ. Биз ҳечам иккинчи даромадга муҳтож бўлмадик, шунинг учун ҳам журналистикага қайтмадим. Эндиликда болалар коллежга қатнашга тайёрликларида ишлашим мумкин, аммо янгиликлар олами жуда ўзгариб кетган, мен жуда кўп вақт йукотдим, олдинги мавқеимни тикилашга кучим етмайди, деб қўрқаман.

Даврага сукунат чўмди. Пэтнинг овозидан афсусланиш оҳангি сезилиб турарди. Биз нима дейишимизни билмай, жимгина ўтирадик. Шунда Пэт бошини кўтариб, гўё менинг фикрларимни ўқигандай:

Эшитинглар! Ҳар биримиз ўз танловимизни қиласиз ва мен буни бажардим. Агар бошқа бир вазиятда менда яна ик-

кинчи имконият бўлганда шундай қилган бўлармидим? Албатта! Ўшанда ҳам оналикни танлаган бўлардим ва бундан ҳечам афсусланаётганим йўқ, - деб қатъийлик билан ҳикоясини тугатди Пэт. У ҳаммасини ўз жойига куйиб, дастурхон атрофидаги нокулайликни даф қилди. Женис бакалини кўтарди ва деди:

- Танлов учун! Келинглар, олдинги қилган танловларимиз ичидан керагини олайлик ва келажақда фақат тўғри карор қабул қиласли!

- Менимча, энди биз Кимни эшишишимиз керак, - деди бакалини бўшатган Лесли.

УЧИНЧИ БОБ

МЕНИНГ ҲИКОЯМ

Агар ҳамма қоидалар бажарилса, яшаш қизиқарли бўлмайди.

Кэтрин Хепберн

- Хўш, Ким, шу ўтган йиллар мобайнида сенинг ҳаётингда нималар рўй берди? – сўради Лесли.

- Умр бўйлаб саёҳат, - бошладим мен. – Бундан ўттиз йилча муқаддам ёш йигитчалар ва кизларнинг Европа бўйлаб саёҳатлари ҳақида ўқигандим. Унда уларнинг яхши ва ёмон саргузаштлари ҳакида яққол ёритилганди. Ўша пайтлари биз Нью-Жерсида яшардик. Мен ўша ерда туғилганман ва ўша китоб менинг кўзларимни очган. Мен жонажон шаҳрингдан, штатингдан ташкарида ҳам ўзгача бир олам борлигини ўша китобни ўқиб тушунганман. Айнан ўша сабаб мен Гавайига кўчиб ўтганман.

- Билишимча, ота-онанг Орегонада яшашарди, - гап ташлади Пэт.

- Ёшым ўн түртдалигига биз күчіб ўтдик, - аниклик кирилдим мен. – Ўшанда ўша менинг болалигим ўтган дунёчанинг чегарасини биринчи бор босиб ўтдим. Мен яна қанча нарсаларни, жойларни күришим мүмкін эканини ҳам түшүндім шунда. Шунинг учун ҳам гап бориб ўқишиңга тақалғанда мен Гавайи университетини тәнладим. Ота-онамга бу танловым унчалик ёкмади, “У ерда ўқыйсанми ёки умрингни пляжда ўтқизасанми?” дегандай гапларни килишди. Улар мен одатий ўқув масканларида ижобий томондан ажралиб турадиган ўқувчи эмаслигимни билишарди. Билимга бошқа-чароқ қарайдиган бўлиб келади, деган умид билан бир йилга рухсат беришди.

- Сен кейин чиндан ҳам бир йилдан сўнг Гавайидан кетиб ва яна қайтиб келгандинг, - деди Пэт.

- Ха, мен қайтиб келдим, ўзимнинг саёҳатга бўлган иштиёқим туфайли тўрт йилда бешта университетни алмаштиредим, охир-оқибат Гавайи университетини маркетолог дипломи билан битирдим. Ота-онамга мендан олдин ҳам икки қизларини ўқитишлирига тўғри келган. Шунинг учун ҳам дипломни яхшилаб ўраб, “Табриклайман! Бунга мендан кўра сизлар ҳаклисизлар”, деган ёзув билан почта орқали уларга жўнатдим.

- Ота-онанг Гонолулуга келишган, биз кўришгандик, - эслади Пэт. – Шундай ажойиб, қувноқ эдилар.

- Менга бу томондан баҳт кулиб боққан, - кўшилдим мен. – Ота-онам ҳамиша менга ўрнак бўлиб келишган. Улар доим “Сен нимани истасанг, унга ета оласан”, дейишарди. Улар мени мустақил фикрлашга ўргатишиди ва доим бир сўзни та-корлашарди: “Энг асосийси, баҳтли бўлсанг бўлгани”. Улар менга нимани ўргатишган бўлса, ўзлари ўшандай яшашарди. Онам ўрта мактабда ўқитувчи бўлиш билан бирга ногирон болаларга ҳам тарбиячилик қиласарди, у оптимист аёл бўлган. Ундан мен меҳрибонликни, жонкуярликни ва салбий нарсаларга аҳамият қаратмасликни ўргандим. “Ўша нарса шунчалар хафа бўлишга арзийдими?” - бу сўзларни онамдан кўп эшитардим. Отам бизнес эгаси, профессионал сотувчи, у мен учун ҳақгўйлик ва ҳалоллик тимсоли эди. У мени ваъда-

ни қандай қилиб бўлса ҳам бажариш ва келишувни бузмасликка ўргатди. Ҳозирда ҳаммадан кўра кўпроқ Роберт билан биз шуғулланаётган ишимизни ота-онам қўллашади.

- Хуллас, сен ҳам биздек оролларни севиб қолиб, қолиб кетдинг, – деди Женис.

- Аммо, тан олинглар, биз ёш, озод эдик, Гонолулуда яшардик, хеч қандай устимизда мажбурият йўқ эди. Буни севмай бўладими??

- Сен ҳақсан, - кўшилди Женис. – Ажойиб кунлар эди.

МЕНИНГ БИРИНЧИ ИШИМ

Мен ҳикоямни давом эттиридим:

- Мен Гонолулуда катта реклама агентлигига қарашли СМИ билан алокалар бўлимига ишга кирдим. Иш менга ёкарди. Гонолулу унчалик катта шаҳар эмас ва мен кўпчилик реклама агентлари билан танишиб олдим. Айтишим керак, улар ҳаммалари жуда ажойиб одамлар эди.

У ердан ишдан кетиб, ўша соҳа бўйича, реклама жойларини сотиш борасида ишга жойлашдим. Айнан ўша пайтларда сизлар билан охирги марта учрашгандик. Ёдингизда бўлса керак, мен туғма сотувчи эмасдим, ишда эса ўргатиш дастури йўқ эди. Шунинг учун ҳаммасини амалда ўрганишга тўғри келди. Йигирма беш ёшимда мен Гонолулу меҳнат оламини акс эттирувчи журналга бошчилик қилдим. Менинг вазифам реклама майдонларини сотиш эди. Мен билан яна икки савдо агенти ишлашарди. Агар савдо бўлмаса, журнал ҳам йўқ эди. Ҳар бир сонни чиқаришимиз учун янада кўп реклама савдосини кучайтиришимизга тўғри келарди. Ҳар ой яшаш учун курашардик ва қанақадир бу ҳолатдан ғолиб бўлиб чиқардик.

Роберт менга ўргатган бой отанинг биринчи дарсларидан бири куйидагича эди: сармоядор бўлишда пул учун эмас, пул сен учун ишлаши керак.

- Охирги бор учрашганимизда сен ўша ерда ишлардинг. Кейин нима бўлди? – сўради Лесли.

- Журналда икки йил ишлаганимдан сўнг ҳаммасини ўзгартиришга аҳд қилдим. Менинг ўз режам бор эди: биринчидан, дунё рекламаси қайнаётган Нью-Йоркка бориш; иккинчидан, ишда карьеранинг юқори погонасига чиқиш; учинчидан, Америка реклама саноати маркази Мэдисон-авенюдаги компаниянинг бошқарув амалдорларидан бўлиш. Режам шундай эди ва шунга интилардим. Тўғриси, мен шундай деб ўйлардим.

Кейин аниқландик, бу катта хато экан. Карьера погоналаридан кўтарилиш учун бўйсуниш керак экан, биласизки, менга азалдан устимдан буйруқ қилишлари ёқмайди. Амалда бировларнинг кўрсатмаси ва кўлланмалари – менинг феълимга тўғри келмайди. Олдин ҳам айтганимдек, мени бир жойнинг ўзидан айнан шу феълим учун ишдан бўшатишган.

Захирадаги режани қўллашга тўғри келди. Ўзга киши учун ишлай олмаслигимни тушунган ҳолда, ўзимга ечим тоғдим: “Мен ўзимга ўзим бошлиқ бўламан!”

Шу ерда бир нарса ўйлантириб қолди: мен ўз ишимни очиш масаласида ҳеч нарсани билмасдим. Танишларим ичида ўз бизнесини очганлари ҳам йўқ. Нимадан бошлаш керак? Қандай бизнес билан шуғулланиш зарур? Бу саволларга жавобни кимдан олишни тасаввуримга аранг сиғдирдим. Аммо бир нарсани аниқ билардим: менга ўз ишим керак. Буни қандай қилиш – бу бошқа масала. Йигирмадан ўтганимда ҳаммасини ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш учун Нью-Йоркка боришга қарор қилдим.

РОБЕРТ БИЛАН ИЛК УЧРАШУВИМ

Бир куни дугонам Каренни режаларимни мухокама қилиш учун кафега таклиф қилдим. Машғулотлардан кейин биз бирга кафега бордик, дугонам у ерда дўсти Робертни учратиб қолди. Биз у билан ўша ерда танишдик ва ўша кунданоқ бу учрашув хақида унутдим, тўғри, мен шундай деб ўйлагандим. Аммо...

Кисқаси, Роберт сал кам олти ойгача учрашувга таклиф қилиб юрди, мен чиқмадим. Унга мен Нью-Йоркка кетишим-

ни ҳам айтдим, Гонолулуда таниш орттиришимдан фойдаси йўқ, деб кўп бор гапирдим. Бундан ташқари, дугонам Карен ва Роберт олдин саккиз йил учрашиб юришган экан. Роберт Каренга кўнғироқ қилиб: “Карен, биламан, сизлар Ким билан яхши дугонасизлар”, дебди. Карен ундан: “Нимани ўйладинг?” деб сўрабди. Роберт профессионал сотувчилардек: “Менга кўрсатма керак!” дебди.

Ва шу билан дугонам менга Робертни яқиндан таништиришни бошлади. Муаммо шунда эдики, у Робертни шунчалар мақтардики, дугонам ҳалиям уни ёқтиради, деб ўйлардим. Қолаверса, ўзим ҳам дугонам севган одам билан учрашувга чиқиши истамасдим. Орадан икки ой ўтди. Бу орада Карен Робертнинг мен билан фақат иш юзасидан учрашмоқчилигига ишонтирди. Олти ой мобайнида у менга гуллар ва табрикномалар жўнатиб, кўнглимни кўтариб юрди. Бир куни у қирғоқ бўйидаги меҳмонхона ресторанига чакирди, у шундайин менга мулозамат кўрсатдики, мен у билан бўлишга рози бўлдим, мана ҳозиргача биргамиз.

БИР КЎРИШДАЁҚ... ҲАМКОРЛАР

Биринчи учрашув кунимиз биз тунги учгача гаплашиб ўтиридик. Ҳозиргача Робертнинг менга берган асосий саволини ёдимдан чиқара олмайман. “Ҳаётда нима билан шуғулланишни истардинг?” сўради Роберт. “Ўз ишимни очмокчиман. Мен ҳеч кимга бўйсунишни истамайман ва бизнес билан шуғулланишни ёқтираман, шунга мен учун энг яхши йўл шахсий бизнесим”, дея ўйлаб ўтирмай ҳам жавоб бердим мен.

“Бунда мен сенга ёрдам беришм мумкин”, деди у. Бир ойдан сўнг бизда ҳамкорликдаги корхона учун биринчи режамиз пайдо бўлди. Биринчи учрашувдаёқ биз ҳаётдагина эмас, ишда ҳам ҳамкор бўлдик.



Үша кече менга Роберт бой отаси айтиб берган бизнес мөделини тушунтириди ва чизмани чизиб күрсатди...

Мен сумкамдан бир варақ қофоз олиб, дугоналаримга чизиб күрсатдим.

– Бу пул оқимининг квадранти деб аталади, – деди Роберт.
– Унда тўрт турдаги одамлар кўрсатилган: “Р” – ёлланиб ишлайдиганлар (мардикорлар), “С” – ўзларига иш топиб, ўзлари учун ишлайдиганлар, яъни якка тартибдаги тадбиркорлар. “Б” – шахсий бизнесларига эга одамлар (бизесменлар), “И” – сармоядорлар (инвесторлар).

– Ҳозирда мен “Р” турига кирар эканман-да, – дедим ва яна сўрадим, – якка тартибдаги тадбиркор билан бизнес эгасининг қандай фарки бор?

– Якка тартибдаги тадбиркор шифокор, ҳисобчи, чилангар ёки косметолог бўлиши мумкин, – деб тушунтириди. – Улар ўзлари учун ишлашади, шунинг учун ўзларини ўзлари даромад билан таъминлашади. Бизнес эгаси эса ёлланма меҳнатдан фойдаланади ва корхонани бошқаради, холос. “Б” турдагиларга мисол қилиб «Microsoft» ёки «Harley Davidson»ни олсак бўлади. Агар якка тадбиркор оғриб қолса ёки татилга чиқса, у даромадсиз қолади. Бизнес эгаси иш жойида бўлмаса, корхона ишлайверади. Сармоядор бўлиш учун эса сен пул учун эмас, пулни сен учун ишлашига мажбур қилишинг керак, - деди Роберт.

- Демак, пулларим ва бизнесим мен йўклигимда ҳам даромад келтиришини истасам, “Б” ва “И” томонга ўтишим керак, - дедим мен.

- Бизнинг режа айнан шу, - тасдиқлади Роберт.

Икки ойдан сўнг биз кўшма бизнесни ташкиллаштиридик: «Win/Win» (win – ютуқ) сўzlари билан логотип ўйлаб топдик; бу логотип бўйича икки томон ҳам ютуқли бўлиб қолаверади (*изоҳли сўз*); уни майка ва курткаларга ёпиштириб, мамлакат бўйича турли конференцияларда, семинар ва йиғинларда сота бошладик. Бизга яроқли билим дастурини сотиб олиб, кейин янги иш очишимиз учун пул керак эди.

Изоҳ: аёлларга бизнес ва сармоялаш ҳақида гапириб, уларни “Р” ва “С” табақадан “Б” ва “И” томонга ўтишларига қизиқиш

үйғотаман, айнан шу қадам харакатлар эвазига катта фойда бера олади. (Бу ҳақда аникрок билишни истасангиз, “Пул оқимининг квадранти” китобини ўқинг.)

1985 ЙИЛ - ДЎЗАХ ТОМОН

Биз 1984 йили оз бўлса-да, боримизни сотдик ва Гонолу-лудан Калифорниянинг шимолига ўз ишимизни очиш учун ўйл олдик. Икки ой ҳам ўтмай, пулларимиз тугади. Бизнинг ҳеч вақоимиз йўқ эди, ишимиз ҳам. Ўз бизнесимиз учун етиб боришига эса ҳали анча йўл босишимиз керак эди. Баъзан ётгани ҳам жойимиз бўлмасди ва менинг кичкинагина машинамда ухлашга мажбур бўлардик. Ортимга бокиб, 1985 йил бизнинг энг ёмон, даҳшатли йилимиз бўлганини айта оламан.

Сизларга нима бўлди ўзи? – сўради Пэт.

Бир гапни эшитганмисизлар: “Пул баҳт келтирмайди”? – сўрадим мен.

Албатта, - жавоб берди Лесли.

- Мен шуни ўз бошимдан ўтказдим, айнан пулнинг йўклиги одамни энг баҳтсиз қилиши мумкин экан. Мен доим бойлар хасис, бешавқат ва қалбсиз бўлишади, деб ўйлардим. Аммо бу аксил “фазилат”лар факат уларгагина тааллукли эмас экан. Ўшанда иккимизда ҳам ҳеч нарса қолмаганди, биз Роберт билан ҳар куни бу бошимизга тушган қийинчиликларда бир-биримизни айблаб тортишардик. Муносабатларимизда қандайдир салбий ҳиссиётлар пайдо бўлаётганди. Биз иккимиз ҳам жуда қаттиқ ҳадикда эдик. Энг ёмони бу – ўзимни баҳолашимга қаттиқ таъсир қилди. Мен доим оптимист, кувноқ, барқарор ва ўзига ишонган аёл эдим. Лекин ўша пайтда билганларимга ва ишончимга нисбатан ўзимда иккиланиш ҳисси пайдо бўлаётганди. Ўзимдан сўрадим: “Мен ўзи бирор нарсани биламанми?” Менинг пойдеворимдаги кичкинагини дарз ҳеч қачон чиқиб бўлмайдиган катта жарликка айлангандай эди.

Бу қийинчиликлардан қандай қутиддингиз? – сўради Пэт.

БИР КЕЧАГА БОШПАНА

Биз Роберт билан кимни таниган бўлсак, ётишга жой қидириб уларнинг эшигини қоқдик. У кунларимизнинг бир тунини иккимиз ҳам ҳеч ёдимииздан чиқара олмасак керак. Пулимиз йўқ, кредит карталаримизда ҳам ҳеч вақо қолмаган. Ўша пайтларда кредит карталарини текширувчи аппаратлар ҳамма жойда бўларди. Бир танишимиз бир куни оқшом бизни Сан-Диего четроғидаги арzon меҳмонхоналардан бирига олиб келди. Мен ичкарига кириб карточкамни столга кўйдим, аммо ўзим Яратганга карточкамни текширmasin, деб илтижо қилардим. Ходим ундан керакли маълумотларни ёзиб олиб, қўлимга хона калитини узатди. Мен қувончимни ичимга ютиб, ўзимни иргиб кетишдан аранг тийиб, машина томон чопдим. “Бизнинг хонамиз бор! Бизнинг хонамиз бор!” деб секин-секин қичкирадим. Яна ортимга қараб ҳодим эшитиб қолмасин-да, деб ичимдан ўтказиб қўярдим.

Кўпчилик учун бу шунчаки арzonгина меҳмонхона эди. Биз учун эса ўша тун, ўша хона ердаги жаннатдай эди. Биз якинроқдаги дўконга кириб, товук оёқларини олиб хонага кирдик. Ўша пайтнинг ўзида биз учун ҳаммаси жойида эди. Чунки бошпанамиз бор эди. Шу кеча эртанги кун бизга нима беришини билмаган ҳолда, шунчаки маҳкам қучоқлашиб ётдик. Нима бўлгандаям ўша қисқа дамлар ҳам биз учун яхши эди.

Мен аминманки, Роберт ҳам, мен ҳам бу оғир кунларни ёлғиз босиб ўта олмаган бўлардик. Қариндошларимиз бизни тушунишмасди. “Нимага бирор бошқа ишда ишлаб тура қолмайсизлар? Ахир, ишингизни очгунингизча оз бўлса-да, даромад бўлиб туради-ку”, деб маслаҳат беришарди. Биз билардикки, агар уларнинг маслаҳатларига юрсак, бир қадам олдинга эмас, аксинча, ортга чекинган бўлардик. Биз шунчалар узокқа кириб боргандикки, энди қайтишнинг иложи ҳам йўқ эди. Агар яна мустаҳкам маош томон борсак, кейин ҳеч қачон ўз ишимизни очолмаслигимизни тушунардик. Ортга боқиб англайманки, ўша оғир, машаққатли кунларимизда

бизга куч бериб, олдинга чорлаган ягона нарса - айнан ўз бизнесимизни очиш истаги бўлганди.

НАЗОРАТНИ ҚЎЛГА ОЛИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Нихоят, бу инқирозни туттиш пайти келди, деб қарор қилдик. Роберт бир тўхтамга келди, унинг ҳаётини ўзидан бошқа одам яхши томонга ўзгартирмаслигини тушуниб, ечимли қарорларни қабул қилиш вақти келганини англаб етди. Мен ўзимга ўзимни авайлашни тўхтатишим, бўлган ишларда атрофдагиларни айблашни бас қилишим кераклигини айтдим. Иккимиз ўз келажагимизни назоратимиз остига олиб, ҳаракат бошлашга қарор қидик. Ва уни қилдик ҳам.

- Нима билан шуғулландинглар? – сўради Женис.
- Биз одамларни тадбиркорликка ўргатиш компанияси ни ташкил қилдик, Гонолурудан Калифорнияга келмасимиздан аввал, Роберт у ерда ўз ишини очишдан олдин одамлар қандай янги методика бўйича таълим олишаётганини кузатган экан. Натижада бизнинг компания ўн битта мамлакатда ўз шахобчаларини очиб кенгайди. Биз доим мамлакатлараро йўлда эдик.
- Қачон никоҳдан ўтдинглар? – сўраб қолди Лесли.
- Бу 1986 йилда Калифорнияда содир бўлди, - жавоб бердим мен. – Бизнесимиз гуллаб-яшнашдан йирок эди-ку, аммо бизни ёруғ келажак кутаётганди.
- Ўша очган компанияларингни нима қилдинглар? – сўради Пэт.
- Ўн йилдан сўнг 1994 йил биз уни сотиб ишлашдан фо-риғ бўлдик. Мен ўшанда ўттиз етти ёшда, Роберт эса кирк еттида эди. Биз, нихоят, эркин эдик.
- Демоқчисанки, молиявий томондан озод эдинглар, шундайми? – аниқлаштириди Пэт.
- Ҳа, биз энди пул учун ишлашимизнинг зарурати йўқ эди, - жавоб бердим мен. - Бу ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган ҳиссиёт эди.

Лесли қизинкираб сўраб колди:

- Сенинг айтишингта қараганда компанияни катта пулга сотганга ўхшайсизлар, агар ўшанды ўттида бўлсанг, у пул яна эллик йилга очилиб-сочилиб юришингга етса керак.
- Кўпчилик шундай деб ўйлашади. Ишлашдан фориг бўлишимизга имкониятни компания бергани йўқ, у пулни астойдил сарф қилсак, икки йилга ҳам етмасди.
- Унда мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, - деди хайрон бўлиб Лесли.
- Бизнинг ишлашдан фориг бўлишимизга сабаб кўчмас мулкка ташлаган *сармояларимиз*. Ҳар ойга бу сармоямиз берадиган даромадимиз харажатларимизга бемалол етарди. Молиявий озодлик деганимда айнан шуни назарда тутгандим.

БИРИНЧИ МАБЛАҒ ҚЎЙИШИМ

- Мен сармоялашда ҳеч нарсани тушунмайман, - тан олди Пэт. – Бу мен учун умуман нотаниш ҳудуд.
- Мен ҳам ҳеч нарсани тушунмасдим, - дедим. – Бошлинишида ҳатто “сармоялаш” сўзининг нималигини ҳам билмасдим. Мен кўп нарсани ўрганишим керак эди.
- Пулларингни нимага қўйдинг? – сўради Женис.
- Мен кўчмас мулқдан бошладим, бу йўналишнинг келажаги порлок кўринди. Ижарага бериладиган биринчи уйимни 1989 йилда сотиб олдим. Бу унча катта бўлмаган, ихчамгина, иккита ётокли ва битта ванна хонали, Портлендаги уйимиздан унча узоқ бўлмаган котеж эди. Тан оламан, жуда хавотирда эдим. Биринчи ишим - пул тикишим ва, албатта, биринчи ишимдаёқ ҳато килиб қуишидан кўркар эдим. Олдинда мени нима кутиб турганини билмасдим. Майдачудаларга тўхталиб ўтирамайман, тўғрисини айтаман, биринчи ойда олган 50 доллар миқдордаги ижара ҳаққим ҳамма ҳадикларимни ювиб ташлади, мендан баҳтли аёл йўқ эди. Ўшандаёқ кўчмас мулк сармоясига ишқим тушди. Бугунга келиб мен кўп миллионлик кўчмас мулк сармоясига ва бошқа хил сармоядорликларга эгаман. Айнан уларнинг орти-

дан тушаётган ҳар ойлик нақд пул орқали мен ҳозирда моли-
явий томондан озод ва мустақилман.

– Сармоялаш деган сўзни эшитсан, менинг хаёлимга
акциялар, облигация, манфаат фонdlари келади. Нимагадир
мен буни кўчмас мулкка боғлаб кўрмаган эканман. Сен уй-
ларнинг олди-сотдисидан пул топяпсанми? – деб сўраб қол-
ди Женис.

– Йўқ, уй олди-сотдисидан эмас, сотиб олиб эгалик қи-
лиш ортидан. Бу кенг доирали мавзу, истасангиз, бу ҳақда
кейинроқ мулоҳаза юритамиз.

«RICH DAD» КОМПАНИЯСИ

– Ишлашдан фориғ бўлганингиздан сўнг Роберт иккин-
гиз нима билан шуғулландингиз, албатта, ҳар куни бассейн
олдида офтобга тобланиб ётмагандирсизлар? – сўради Лес-
ли.

– Тўғри айтинг, – жилмайдим мен. – Ўша йили Аризона-
нинг шимолидаги тоғли Бисби шаҳарчасидан 34 гектар ман-
зарали ер сотиб олдик. Ерда ёввойи ғарб замонидан қолган,
ярим вайрона почта кареталарига бекат учун фойдаланилган
бино бор эди. Биз уни қайта тиклаб, бир ётоқхонали бино ва
алоҳида хонасини дарёга қаратиб курдик. У ерда телевиди-
ние, радио ҳам йўқ, жуда осуда жой эди. Ўша ерда Роберт
ўзининг “Бой ота, камбағал ота” номли китобини ёзди, у
китоб “Бойлар болаларини нимага ўқитишади, камбағаллар
нимага ўқитишади?” сарлавҳаси билан чоп этилди. Роберт у
ерда ишлаётган пайтда мен кўп хонадонлик уйда курилаёт-
ган меҳмонхонамиз ишлари билан танишиш учун Финиксга
кетдим. Бу менинг учун биринчи амалиёт эди ва у муваф-
фақиятли чиқди.

Айтгандай, муваффакият ҳақида. “Бой ота, камбағал ота”
китоби «The New York Times»нинг бестселлерлар рўйхатидаги
тўртта китобнинг бири бўлди. Унинг чикиши олдидан биз
одамларни ўзимиз қилган ишларни қилишга ўргатиш учун
– молиявий мустақилликка эга бўлишлари учун “Пул оқи-

ми - 101” стол ўйинини ҳам яратдик. Одам уни ўйнар экан, сармоялаш ва пулни бошқаришда амалиётга эга бўла олади. Мақсад – баъзи одамлар ўралишиб қолган қаламуш пойгасидан чиқиш ва катта маблағларни сармоялаш мумкин бўлган тезкор йўлакчага ўтиш. Бундай йўлга ўтиш учун бир нарса керак, у ҳам бўлса, пул оқими. Сармоялаган маблағингиз даромади ойлик чиқимингиздан ортиши билан сиз қаламуш пойгасидан чиқа оласиз!

Биз Роберт ва ишдаги ҳамкоримиз Шэрон Лектер билан китобни ўз маблағларимизга нашр қилдик. У 1997 йилнинг апрел ойида чиқди, унинг адади мингта нусхадан иборат эди. Бизнинг бу китобдан умидимиз катта эди. Аммо ўша пайт ҳеч қайси китоб дўкони сотишни истамади, дистеблютерлар (юриб сотувчилар) қўлларига ҳам олишмади, улгурчи сотувчиларнинг бирортаси ҳам бизга қўнғироқ қилмади. Ва биз китобни ўзимиз сотишга аҳд қилдик. Биринчи уринишини танишимизнинг ёқилғи шахобчасидан бошладик. Биз китобларни кўз тушадиган ҳамма жойга териб чиқдик. Китоб оз-оздан сотилишни бошлади ва икки йилдан сўнг “Бой ота, камбағал ота” «The Wall Street Journal»нинг бестселлерлар рўйхатидан жой олди. Биз севинганимиздан еттинчи осмонда эдик.

Тўғрисини айтсам, биз яна бир компания очамиз, деб ўйламагандик, лекин «Rich Dad» ўз-ўзидан ташкил бўлиб, кенгайиб кетди. Ҳозир Робертнинг китоби кирқ бештага яқин тилга таржима қилинган ва тўқсон еттита мамлакатда сотиляпти. “Пул оқими - 101” ўн олти тилга таржима қилинди ва бу охири ҳам эмас. “Бой ота” китобининг кўп туркумлари чиқди, яна бир “Бой ота тавсия қиласи” китоби бизнинг маслаҳатчиларимиз билан ҳамкорликда тадбиркорлик ва сармоялаш ҳақида ёзилган. Бу бизнес халқаро миқёсда қулоч ёзди ҳамда молиявий озодлик ва мустақилликни ўзида мужассам қилди. *Бу ҳеч кимга Роберт иккимизгачалик қувонч бағишиламайди.*

Мана бу ҳаёт! - деди Лесли. – Шу йигирма йил ичida уйизиз ҳам бўлиб кўриб, ишлашдан фориғ бўлиб, муваффақиятли халқаро компаниянинг эгаси ҳам бўлишга улгурибсан.

Сенга омад кулиб бокибди! Ҳозирда қанийди мен сенинг ўрнингда бўлиб қолсам.

Тўғри, чиндан ҳам менга омад кулиб бокди, - қўшилдим мен. – Аммо ҳамма ҳам биз босиб ўтган ҳаётни босиб ўтишни истайвермаса керак.

Биз Роберт билан буларга осонликча эришганимиз йўқ. Бу оғир йўлни танладик – ундан боришга кўпчилик бош тортади. Лекин олдиндан бизга енгил бўлишига ишонардик ва баҳтимизга умидларимиз рўёбга чиқди. Менинг ҳикоям шулардан иборат. Мен бир нарсани айта оламан, шу йигирма йил ичидаги ҳаётимда нималар бўлган бўлмасин, аммо зери-карли бўлмади.

АЁЛЛАР УЧУН АЛОҲИДА ИЗОҲ

Мен компания ишлари билан юриб, кўп аёллар билан учрашаман ва қуйидагича илтимосларни эшитаман: “Сармоялаш ҳақида аёлларга гапириб беролмайсизми?” Айнан мана шу савол бу китобнинг ёзилишига сабаб бўлди. Китобнинг асосий вазифаси – молиявий мустақилликка эришиш унчалар оғир иш эмаслигини аёлларга тушунтириш ва уларда бу ишга иштиёқ уйғотиш, харакатларига шижоат қўшишdir. Буни ҳаммангиз қилишингиз мумкин. Фақат баъзи нарсларни ўрганиш учун бир оз вақт ажратиш керак.

Китобни ўқир экансиз, ҳозирги кунда фақат эрларига, қариндош-уруғларига, иш берувчи ва хукуматга қараб қолган аёллар унчалик кўп эмас. Бувиларимиз ва оналаримиз бугунги кунда бизга мисол бўла олишмайди. Менинг фикримча, аёл ўзи ва болаларининг келажаги учун сармоялаш билан ҳам шуғулланиши керак. Қоидалар ўзгаряпти, молиявий келажагингизни ўз қўлингизга олиш вақти келди.

ЙИГИРМА ЙИЛ ОЛДИН...

Аёлларга кераги - эркаклар, карьера, пул, фарзандлар, дўстлар, ҳашамат, қулайлик, мустақиллик, озодлик, ҳурмат, севги... бу нарсалар "үқчидা" бўлмайди.

Филлис Диллер

Ўтган йигирма йилда хаётимизда бўлиб ўтган нарсалар хақида гаплашиб бўлиб, Гавайида биргаликда ўтказган кунларимизга қайтдик. Хотираларнинг чеки йўқ эди.

Пэт сўради:

— Охирги бор биргаликда қилган тушлигимиз ёдингиздами?

Бир-икки сония биз жим қолдик: хаёлан ўтмишга шўнгидик. Биз Гавайига мамлакатнинг турли бурчакларидан келгандик, ҳаммамизнинг калламиизда бир фикр - у ҳам бўлса, кумли пляж, илиқ океан, мўътадил тропик иклим ва охири йўқ ўйин-кулги. Мен биринчи марта Гавайига мактабда ўқиб юрган пайтларим ота-онам билан келгандим. Ўша бир ҳафталик бу жаннатмакон жойда хаёлимга келган нарса “Бу ерда баҳти одамлар яшашади, мен ҳам бир кун келиб улар қаторида бўламан!” деган фикр эди.

Бир неча дақиқаларга биз мажбуриятсиз кунларимизга хаёлан яна қайтдик. Нихоят, сукунатни Женис бузди:

— Бу йигирма йил олдин «Tahitian Lanai» кафесида бўлганди.

Лесли кулиб юборди:

— Январ ойи эди. Ажойиб қуёшли кун. Эсимда, Женис катта шляпада ва Марта эса кичкинагина алвон рангли нўхот гулли майкачада. Эркаклар бўйниларини қайириб олишай, деганди ўшанда.

— Биз шундоққина пляж ёнидаги кўчада ўтирадик, — кўшиб қўйди Пэт. — Ажойиб кунлар эди... Ҳеч қандай мажбу-

рият, ҳеч қандай хавотир йўқ эди. Биз унчалик пул ишлаб топмасак-да, ажойиб кун кечирардик.

- Коматларимиз ҳам яхши эди, - эслади Женис.
- Биз биргаликда кўп нарсани бошимиздан ўтказдик, - дедим мен. – Марта билан Трейси кела олишмагани чакки бўлди-да. Ҳаммамиз тўла йиғилган бўлганимизда бундан ҳам яхши бўларди. Пэт, сенга раҳмат, ҳаммамизни топиб, бу учрашувни ташкил қилдинг. Биз сендан қарздормиз.

МАРТАНИНГ ТАРИХИ

Лесли хотирлашни бошлади:

- Ёдимда, Марта доим чўмилиш кийимида юради. Кўп вақтини қўлида серфинг тахтасини кўтарганча соҳилда ўтказарди. У Жанубий Калифорниядаги пляжларда вояга етган. Унинг океанолигия факультетини танлаганига океанга бўлган муҳаббати бошлаган бўлса, ажабмас. Биз охирги бор у билан учрашганимизда Марта эндиғина Океанография институтида иш бошлаганди. Марта ўшанда курсандлигидан еттинчи осмонда эди – ахир у доим океан ва ундағи жонзотларни асраб-авайлашни истарди-да. У Жак Кусто билан унинг таникли «Calypso» кемасида бирга ишлашни орзу қиласарди. Бирортангиз билмайсизми, унинг орзуси рўёбга чиқдимикин? Сен у билан гаплашдинг-ку, тўғрими, Пэт?

- Бир неча дақиқа, холос, - деди Пэт. – Мен нега у Калифорнияга қайтганини сўрадим. Айтишига қараганда, отасининг ёрдамчиси ишдан бўшаб кетгани боис унга қарашиб туриш учун Калифорнияга бир неча ойга борган экан. Аммо кетгиси келмай қолибди: у ерда серфинг билан қанча истаса, шунча шуғулланиши мумкин экан, қолаверса, ўзини у ерда кулай сезаётганимиш. Бироқ унинг сўзларида чарчоқ аломатлари сезиларди. Отасининг ўлимидан сўнг Марта онаси билан яшаб қолибди. Олдин ҳам айтганимдек, бугун келолмаганига сабаб онаси ўзини ёмон хис килаётган эмиш, бетоб онасига қарашга ундан бошқа одам йўқ. Менимча, унга ҳозир оғир.

- Демак, у океанографияга қайтмабди-да? – сүрадим мен.
 - Шундай шекилли, ундан бу ҳақда сўрагандим, мавзуни ўзгартиришга ҳаракат қилди, - жавоб берди Пэт.
 - Таажжуб, - дедим мен.
 - У эри, болалари ҳақида гапирмадими, бор эканми? – сўради Женис.
 - Бу ҳақда гапирмади, - деди Пэт.
 - Трейсини ишлари қандай экан? – қизиқдим мен.
 - Эрталаб гаплашганимда у жуда хафа эди, - деди Пэт.
- Аввало, учрашувга келолмаганига жуда афсусланди ва “корпоратив оламдан қаттиқ чарчаганини” айтди. Билмадим, бу гапни қўлидаги охирги лойиҳасини назарда тутиб гапирдими ёки умуман олиб айтдими? Ҳар ҳолда биз олдин ҳам гаплашганимизда баҳтли эмасди. Унинг овозида жўшқинлик етишмасди, фақат чарчоқ акс этарди. Биламан, эри ва икки фарзанди бор. Компанияни бошқариш, икки бола ва эрга қараш осон иш эмас. У ҳаммасига улгуроётганига хайрон коламан.
- Трейси беғараз, ўзи истаганларига эришганга ўхшайди, - дедим мен. – Ахир, бизнинг танишувимиз ҳам иш юзасидан бўлганди. Эсингизда бўлса, ҳар жума куни Гонолулу марказидаги асосий кўчалар ёпиларди. Ресторанлар эрталаб-гача ишлар, ҳамма ёқда мусиқа овозлари, одамлар ўйин-кулги қилишарди. Учрашув учун қулай жой ва шаҳарнинг ўртасида ишлашнинг устун томонлари ҳам кўп эди. Айнан ўша ерда мен Трейси билан танишганман. Дарров тил топишиб, иккимиз ҳам битта Гавайи бизнес мактаби университетида ўқишимизни билиб олгандик. Трейсини коорпоратив олам ўзига жалб қиласарди. У бу оламнинг энг чўққисига чиқмоқчи эди, кўринишдан амаллаганга ўхшайди. Эсимда, у ўқишини битиргандан сўнг қайсиdir озиқ-овқат савдоси билан шуғулланадиган катта компаниялардан бирига амлиётчи бўлиб ишга жойлашганди ва жуда тез хизмат поғоналаридан кўтарилиб, қандайдир жавобгарлиги бор амалга эга бўлганди. У менга қўшни оролларга қилган командировкалари

ҳақида гапириб, мижозлар билан сұхбатлашишни қанчалар яхши күришини айтганди. Ўша пайтда у бундан завқ оларди. Ўйлашимча, вазият ҳозир ҳам ўзгармаган күринади.

– Ажабланарли, шу ўтган йигирма йил ичида шунча нарса содир бўлибди! – деди Пэт. – Менинг ҳаётим биринчи қадамларни қўйишни бошлаганимда ўзим тасаввур қилганимдек бўлмади. Жараённинг бундай бурилиб кетишини кутмагандим.

– Ҳаёт шунаقا экан-да, - деб гапга қўшилди Лесли. – Ёдингиздами биз ўша учрашувимизнинг охирида нима деганимиз?! Айнан ўша нарса бизни бу учрашувга етаклаб келди.

Биз уни тушунмаганимизни айтдик.

– Ўшанда, чамамда, қуйидагича бўлганди, - эслашга ҳаракат қилди Лесли. – Женис ўша куни ҳам учрашувга ярим соатга кечикиб, юргурганча келди ва паравоздек пишиллаб уни нима ушлаб қолганини айтганди.

– Баъзи нарсалар ўзгармайди, - деб унинг сўзини бўлди Пэт.

– Ҳой, бу ноҳаклик! – кулиб юборди Женис.

БИЗНИНГ КЕЛИШУВ

Лесли эслашни давом этди:

– “Бу ерда нима тўғрисида гаплашдинглар менсиз? – сўради ўшанда Женис елкасидан тушиб кетаётган сумкасини ушлашга ҳаракат қилиб ва бир кўлида катта шляпасини ушлаб тураг экан. – Мен нимани ўтказиб юбордим? Қани айтинглар”, деди. Биз қисқача қилиб у йўқлигига гаплашганимизни айтиб бердик. Кейин Пэт: “Кизиқ, йигирма йилдан сўнг биз нима билан шуғулланарканмиз?” деганди. Шунда Марта: “Йигирма йилдан кейин, дейсанми?! Ҳозир тушлиқдан сўнг нима бўлишини билмаймиз-ку, сен йигирма йил, дейсан”, деганди. Трейси эса гапга қўшилиб: “Йигирма йилдан кейин биз қариymиз! Бу ҳақда ўйлашни истамайман”, деганди. Ҳаммамиз кулиб юборгандик. Келажак ҳақида ўйлашни истамасдик. Мажбуриятсиз яшаш ва дугоналар бир-

галикда тушлик қилишимиз ўша пайтда бизга жуда ёқарди. Аммо Пэт эса: “Қани, қизлар, келажакда ўзингизни қандай тасаввур киласиз, нима билан шуғулланасиз?” деб ўз сўзида туриб олганди. Женис биринчи бошлаб: “Мен бой ва мустақил аёл бўлмоқчиман, қаттиқ севиб қолишни ва олам бўйлаб саёҳат қилишни истайман”, деб ўз орзулари билан ўртоклашганди. Ҳаммамиз унга бир овоздан қўшилгандик.

Ҳар биримиз ўшанда ўзимизча: “Яратганга шукр! Шундай ажойиб кунда келажак ҳакида узун ва жиддий гапларни гапиришимиз етмай турувди. Болалар боғчасидан эшитиб келинган “Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан?” деган гапларни яна эшитиш жонга тегди, яхшиси, ҳозирги вазиятдан роҳатланайлик”, деб ҳам ўйлаганмиз.

Аммо барibir Пэт охирги уринишни қўллади: “Мен яна учрашишимизга ишонаман, аммо эртами-кеч турли томонларга тарқалиб кетамиз. Келинглар, йигирма йилдан кейин яна учрашайлик. Ахир, сизларга қизиқ эмасми йигирма йилдан сўнг ким нима билан шуғулланаётгани?”

Биз йигирма йилдан сўнг учрашишга келишиб олдик. Албатта, буни ким уюштиришини, қандай бир-биримизни тошишни белгилаб олмагандик. Аммо карор қабул қилинганди ва ҳеч қандай мажбуриятий йўқ тушликка йўл очилганди.

Биз ҳаммамиз кулиб юбордик ва Леслининг хотирасига қойил қолдик.

- Мен учрашишга келишганимизни эслайман, аммо бошқа гаплар умуман ёдимдан кўтарилиб кетибди, - тан олди Пэт.
- Ваъда бер, бу сафар бизларни узоқ ва жиддий сўзларни айтишга мажбур қилмайсан, – деди жилмайиб Женис.
- Бу сафар бу хуқуқни бирорталарингизга ҳавола эта-ман, - деди Пэт.
- Десерт хоҳлайсизларми? – деган официантни овози эшитилди.

БЕШИНЧИ БОБ

ГАП ФАҚАТ ПУЛДА ЭМАС

Ҳамма нарсага эришии мумкин. Фақат бирданига эмас.

Опра Уинфри

Үзимизни ушлаб тура олмай, биз түрт кишига иккита десерт буюрдик. Официант кетгандан сұнг Лесли мендан сүради:

- Ким! Агар түғри тушунган бўлсан, сен бир неча йил олдин ишлашдан фориг бўлдингми?
- Түғри, 1994 йилдан, - дедим.
- Сен барибир ҳеч нарса билан шуғулланмай яшаганга ўхшамаяпсан. Ишлашдан фориг бўлиш – менинг тушунчам бўйича – ҳеч нарса билан шуғулланмай, фақат дам олиш: гольф клубига бориш ёки саёҳатга чиқиш. Сен эса олдингидан-да кўпроқ ишлаётганга ўхшайсан.

Мен кулиб юбордим:

- Түғри, чиндан ҳам мен бекорчи эмасман. Аммо сен ажойиб мавзуни кўтардинг. Ўйлашимча, кўпчилик одамларнинг “ишлашдан фориг бўлиш” тушунчалари қуидагича кўринишга эга: иккита нафақаҳур қумли пляжда куёшда тобланяпти, кўлларида гольф клюшкаси билан юришибди ёки олам бўйлаб саёҳат қилишяпти.

- Менга саёҳат ва оппроқ кум ҳақидаги фикр ёқади, - деди Женис.

- Менга ҳам ёқади, - қўшилдим мен. – Лекин менга кўпроқ янги тўсиқларни енгиб ўтиш ва ўрганиш севимли. Иш менга кўп нарсани англатади. Ишлашдан чиқдим, деганда мен нафақага чиқдим ёки умуман ишламай қўйдим, деганим йўқ, айтмоқчи бўлганим – хоҳламасам, ишламасам ҳам бўлади, демоқчиман. Мен яшашим учун ишлашим шарт эмас. Мен истаган ишимни танлаб қилишим мумкин. Мен молиявий озодликка эришдим: хоҳласам - ишлайман, хоҳласам - йўқ. Мана шу ишлашдан фориг бўлиш дегани.

– Ножўя саволим учун кечирасан, лекин сен буни қандай қилдинг? Сармоялаш даромад олиб келяпти, деяпсан, қандай қилиб ишламасдан бу пулга яшаш мумкин? Балки бу оддий даромад эмас, каттагина бойлик бўлса керак. Бунга қандай эришдинг, шуниси менга қизиқ? – яна сўради Лесли.

– Биринчидан, мен ҳеч қандай бойликни ишлаб топганим йўқ, – жавоб бердим мен. – Ҳаммаси бир неча йиллар олдин бошланди. Робертнинг бой отаси унга доим айтар экан: “Сен пулларни сен учун ишлашига мажбур қилишинг керак, сен пул учун ишлама”. Унинг гапи бўйича, одам маошга қараб қолган эканми, у озод бўла олмайди, чунки у доим бир хилда келиб турадиган даромад учун ишлашига тўғри келади.

– Робертнинг бой отаси ким ўзи? – сўради Женис.

– У Робертнинг дўстининг отаси, у одам ўн уч ёшида оиласини боқиши учун мактабни ташлаб ишлашни бошлаган. Оқибатда у Гавайининг энг бадавлат одамларидан бирига айланган. Роберт сармоялаш ва пул ҳақида ўргангандари учун бой отасига карздор. Роберт тўққиз ёшлигида унга бой отаси пул унинг учун ишлаши ҳақида гапиришни бошлаган. Мен буни 1989 йилдан ўрганишни бошладим. Айнан ўшанда мен ўзимнинг илк самоялашимга қадам ташлаганман.

– Сен бу сўзни биринчи бор кайтармаяпсан, – сўради Лесли хотиржамлик билан. – Шахсан мени сармоялаш бир оз чўчитади. Кўп одамлар шунинг ортидан пул йўқотишиади! Бу ўта таваккалчилик ва тушунарсиз. Бунинг учун молия соҳасида гений бўлиш лозим! Мен эса мусавирман, ҳатто ўзимнинг чек дафтарчамда тартиб ўрната олмайман. Мен сармоялаш билан шуғулланаман, деб ўйламайман.

– Бундай нарсалар билан оиласизда одатда эрим шуғулланган, – деди Пэт. – Мен бу соҳада йўқман. Менинг учун бу жуда мураккаб. Биржа маклерларининг тилини ҳеч қачон тушунмаганман. Сен биржада ўйнайсанми? Акция олди-сотдисидан пул топасанми? Эрим уриниб кўряпти, ютказиб кўймаяпти-ку, аммо ютуқдан дарак йўқ.

– Менда ҳам акциялар ва манфаат фондларида улушла-

рим бор, лекин мен уларга унчалик аҳамият қаратмайман. Мен уларни бир неча йил олдин сотиб олганман. Мен узок муддатли сармоялашнинг ҳамма стратегиялари ортидан боргим келади, сотиб оламан ва сотаман, аслида эса унчалик ишонмайман. Қолаверса, бизнесимдан орттириб вақт ажрата олмайман, - деб қўшилди Женис.

Уларни эшишиб, бироз жимиб қолдим, улар мендан жавоб кутиб кўзларини узишмасди. Жавоб берар эканман, сўзларни эҳтиёткорлик билан ишлатишга ҳаракат қилдим.

– Мен шунчаки сармоялаш сўзини айтдим, сизлар эса унга дарров аҳамият қаратдингиз. Лесли айтадики, бу ўта таваккалчилик, Пэт бу жуда мураккаб, дейди, Женисда эса бунга вақт йўқ. Сиз сармоялаш билан шуғуллана олмасли-гингиз баҳоналарини менга айтяпсиз. Келинглар, ўйлаб кўрайлик. Лесли менинг қандай эрта ишлашдан фориғ бўлганимни сўради, мен сармоялаш туфайли, деб жавоб беряман. Тушунмовчиликдан қочиб шуни айтмоқчиманки, менинг асосий мақсадим пул қўйиш ва бойиб кетиш бўлмаган, мен молиявий мустақилликка эришмоқчи бўлганман, холос. Мен моддий жихатдан кимнингдир қўлига қараб қолишини истамаганман: эримга, иш берувчига, ота-онамга ҳам. Молиявий мустақиллик менинг учун озодликка тенг. Мен очдан ўлиб қолмаслик учун кимгадир тобе эканман, демак, озод эмасман. Сабаб шунчалар оддий. Молиявий мустақилликни мен ўзимга куйидагича белгиладим: ҳар куни эҳтиёжимдан ташқари ҳам кўп пул топиш ва буни ишламасдан амалга ошириш. Бунга эришишнинг йўллари кўп. Лотерея ўйнаш ҳам мумкин, лекин менинг тушунчам бўйича, жек-потга эришиш нолга тенг. Менда азалдан олдиндан ниманидир кўзлаш одатим йўқ, шу билан бирга турмушга ҳам пул учун чиқмаганман.

Шу жойда гапимни Женис бўлди:

– Эрика эсинглардами, соғломлаштириш марказида ишларди-ку?! У ўзидан ўттиз ёш катта бир қарияга турмушга чиқди. У менга нималарни гапириб берганди, дейсиз. Ўша чолда кўп аёллар бўлганмикан, Эрикада кўп эркаклар

бўлганмикин, билмадим... - Биз унга хайрон бўлиб қараганимизни сезиб давом этди. - Кечирасизлар, мен шунчаки уларни ҳам мисол қилиб кўрсатса бўлади сухбатимизда, деб ўйлабман.

- Олдин айтганимдек, мен бирор моддий томонни кўзлаб эрга тегмадим, - сўзимда давом этдим мен. - Кимлардир бизнес билан шуғулланиб бойиб кетишади. Аммо Роберт иккимизнинг бир нечта компаниямиз бўлгани билан доим муваффақиятга эришаверишимизга ҳеч ким кафолат бера олмайди. Хўп, муваффақиятга эришиб юрган бўлсак ҳам, қачонгача? Бирор киши бизнесимиз гуллаб-яшнаб, бадавлат қариликни бизга беришига кафолат бера оладими? Йўқ! Шунинг учун ҳам менга сармоялаш оламини таништиришганда унга нисбатан қизиқиши уйғонди.

- Биласанми, мен бу сўзга дарров эътибор қаратдим, - деди Лесли. - Ҳозир ўтирибман-ку, бу ишнинг чиндан ҳам аҳамиятини билмаслигим ҳақида ўйлаб қолдим.

- Мен ҳам билмаганман. Мени бир нарса ўзига тортиди, пул қўйиш ғояси ҳам эмас, ҳар ойда мустаҳкам даромад олиш ва шу билан бирга бу пулни ишламасдан олиш. Лесли, сен айтганингдек, ишламай еб ётиш учун жуда катта бойлик керак. Агар сармоя ортидан ҳар ой ўзингга керакли пулни олиб турсанг, сенга катта пулнинг кераги йўқ. Энди тушуняпсанми?

Учта дугонам ҳам ишонкирамай бош чайқашди.

- Демак, кўп пулга эга бўлишдан кўра ҳар ой керакли даромадни олган афзал, шундайми? - сўради Пэт.

- Ҳа, бу пул оқими, дейилади. Пул ўзи кўлингга оқиб келади.

- Хўш, сенга бир ойга қанча пул керак бўлади? - сўради Пэт.

- Яхши савол. Мен ишлайманми-йўқми, сармоядан келаётган пул бир ойлик чиқимимни қоплаб, яна оз-моз ортиб ҳам қолиши керак.

Илк мақсадим ҳар ой менга даромад келтирадиган, чиқимларимни қоплайдиган маблағ қўйилмасини топиш

бўлган. Нимага бу энг кераги? Чунки мен бу мақсадимга етганимда тўла озод бўлдим, ўшанда ўттиз етти ёшда эдим. Менинг энди ишлашимга ҳожат қолмаганди, истамаган нарсамни қилмасдим, устимда буйруқ берувчи бошлиғим йўқ эди. Ўйлашимча, факат ўшандан кейингина ўзимдан сўрай бошладим: “Ўз ҳаётимдан энди қандай фойдаланаман?” Мен ўзимга бу саволни йигирма йил олдин, шахсий ҳаётими ни бошлаётганимда, олдимда кенг имконятилар турганида Гонолулуда бергандим, аммо бу сафар ўша пайтдан фарқли ўлароқ, пул ҳақида ўйламасдим. Энди менда танлов бор. Мен буюрилганини эмас, истаганимни қила оламан. Молиявий мустақиллик танлов қилиш имкониятини беради. Ва яна бир нарса: кўпчилик аёллар баҳтсиз никоҳ тўрига тушиб қолиб, ундан чиқиб кета олмай қолишади, чунки улар эрларига суюниб қолишган ёки аниқ белгиланган маош олиб ишлашади. Улар ҳеч нарсани ўзгартиришни истамасликларига сабаб ўзларига кулагай бўлса бўлгани, буни мен ҳаётга бўлган жиноят деб ҳисоблайман. Кўпчилик аёллар молиявий нуқтаи назардан ўзлари учун фойдали танлов қилишмайди ва кейин: “Пул унчалик зарурат эмас”, деб ҳам қўйишади. Бироқ пул аёл ҳаётида муҳим ўринлардан бирини эгаллади. Ўзингиздан сўраб кўринг, агар пулингиз бўлганда нимани бошқача килган бўлардингиз? Пул аёлни тузокқа тушириши ҳам, озод килиши ҳам мумкин. Бунга аёлнинг ўзи ечим топади.

Дугоналарим овоз чиқармай мени эшитишди. Менинч, мен уларнинг эътиборларини торта олгандим.

АЁЛ НЕГА САРМОЯЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ЕРАК

Яқинда ёшгина журналист киз таклиф билан мурожаат қилиб қолди: “Биз аёлларга ўз пулларига ўзлари қайғуришлари кераклигини исботлаб беришимиз лозим. Улар ҳеч кимнинг қўлига қараб қолмасликлари керак!” У билан гаплашиб, унинг қуйинишларини тушундим. Кейин билиб қолдим, унинг эллик уч ёшли онаси ажрашиб, ҳеч вақосиз

қолиб, қизнинг уйига келиб яшаётган экан. Ушбу аянчли воқеа бу журналист қизни ўйлантириб қўйибди. Келажакка боқиб шуни тушунибдики, агар у ишини йўқотса, кора кунларга олиб қўйган етти минг долларга яшашлари керак. Шу ҳолат қатъий ҳаракатларга бошлабди.

Олдин ҳам айтганимдек, сармоялаш бўйича саволларга жавоб: у акциялар олди-сотдиси бўладими, ижарага бериладиган кўчмас мулкни бошқаришми, бизнесни маблағ билан таъминлаш имкониятларини тафтиш қилишми – аёлларга ҳам, эркакларга ҳам бир хил. Бирок “Нега сармоядор бўлиш керак?” деган саволга жавоб турлича.

Балки биз оналаримизга қараганда умуман бошқача яшаётгандирмиз, аммо қанчалик даражада эканини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Аёлларнинг сармоялаш номли ўйинда иштирок этиши кераклигини тушунтира оладиган олтида сабаб бор.

СТАТИСТИКА

Аёлларнинг молиявий аҳволлари ҳақидаги статистика ачинарли аҳволдаги кўринишга эга. Қуйидаги АҚШга тегишли статистика бошқа айrim мамлакатларга ҳам тегишли, дея оламан. АҚШда:

- 47 фоиз элликдан ошган аёллар ёлғизлар (аксарияти ўзини ўзи таъминлашга мажбур);

- аёлларга нафақа ажратмалар эркакларга қараганда кам, қолаверса, бу иқтисодиётнинг тез ўсиш жараёнида улар ўртacha 14,7 га йиллик ишлашади, бу пайтда эса эркакларники 1,6 (аёллар одатга кўра уй-рўзғор ишларини ва болаларни ўз зиммаларига олишади). Маошлари озлигини ҳисобга олсак, нафақалари ҳам эркакларницидан оз;

- 50 фоиз никоҳлар ажralиш билан якун топади. (Хўш, кўп ҳолларда болалар ким билан қолади? Албатта, оналари билан. Оқибатда у ёлғиз ўзини ҳам, болаларни ҳам таъминлаши керак.) Эр-хотинлар можароларининг асосий сабаби нима? Албатта, пул;

- ажримнинг биринчи йили аёлнинг юксалиши 73 фоизга тушиб кетади;

- маълумотларга қараганда, аёллар эркаклардан кўра етти-үн йил кўпроқ яшашар экан, бу дегани яна шунча вақтга аёллар ўзларини таъминлашлари керак;

- аёллар тўплаган пулларининг миқдори озлиги ва нафақа фондларининг етишмовчилиги сабабли ишчилар сафида етмиш тўрт ёшгача ушланиб қолишлари мумкин;

- ночор қарияларнинг 3/4 қисмини аёллар ташкил қиласди; 80 фоиз аёллар эрлари тирикликларида камбағал бўлишмаган;

- тахминан ўнта аёлдан еттитасини камбағаллик кутиб турибди.

Бу рақамлар нима ҳақида гапиряпти? Шу ҳақдаким, борган сайин кексаликка яқинлашиб бораётган кўпдан-кўп аёллар молиявий қийинчиликларга тайёр эмаслар. Биз бир умр оиласизни ўйлаб югуриб-еламиз, аммо ўзимизни кексаликдаги бадавлатлик билан таъминлай олмаймиз. Биз доим бир нимага қўз тикамиз, бирор кишидан мурувват кутамиз, эримиздан, қариндошлардан, иш берувчи ва хукуматдан умидвор бўламиз ёки бир кун келиб ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўзимизни овутамиз. Тўғри, биз ўсиб-улғайган эртакларда айнан шундай бўлган-да.

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИШ УЧУН ЯНА БИР НЕЧА РАҚАМЛАР

- 90 фоиз аёллар хаётларининг маълум бир вақтида ўзларини ўзлари таъминлашади, яна 79 фоиз аёлларнинг эса бу борада ҳеч қандай режалари йўқ.

- 58 фоиз беби-бумер аёлларининг авлодлари нафақа фондлари ҳисоб рақамларида 10 мингдан ошмаган пуллари бор.

- Фақат 20 фоиз аёллар нафақага чиққач, молиявий ҳимояга эга бўла олишади. (Бу дегани 80 фоизимиз яшаб қолиш учун курашишимиз керак. Агар сиз бу китобни охиригача ўқисангиз, ўша оз миқдордаги таъминланган аёллар ҳисобини кўпайтиришингиз учун имконият туғилади, яъни уларга

қўшила оласиз. Сармоялаш билан қанча қўп аёллар шуғулланса, бу узилиш шунча қисқаради.)

МУСТАҚИЛЛИК

Турмушга чиқаётганда аёл зоти ажралиш ҳакида умуман ўйламайди, ишга жойлашишдан олдин ҳам бўшашиб ҳакида бош қотирмайди. Аммо ҳозирда бу салбий ҳолатлар кўп содир бўляпти. Мен айтганман ва яна айтаман: аёллар, агар сизнинг молиявий аҳволингиз эрингизга, иш берувчига, қариндошларингизга ёки яна кимгадир қараб қолган бўлса, чукур ўйлаб кўринг. Ахир, сиз ёлғизланиб қолишингиз мумкин. Биз одатда бешавқат ҳақиқатга дуч келмагунимизча кимгадир қараб қолиш оқибат-даражасининг салбий томонларини олдиндан англамаймиз.

Мисол қилиб менинг ҳолатимни олишимиз мумкин. Биз Роберт билан биринчи учрашувимиздан бир ой ўтгандан сўнг иш бўйича ҳамкор бўлдик. Кўп йиллар давомида биз бир неча компанияларни ташкил қилдик.

Компаниямиз олти йилдан бери фаолият кўрсатаётган пайтда менинг никоҳим бўлди. Айнан шу нарса менинг кўзимни очди. Компаниянинг Австралияда, Янги Зеландияда, АҚШ, Гонконгда, Сингапур, Малайзия ва Канада мамлакатларида шахобчалари бор эди. Компаниянинг асили эгаси, бошқарувчиси ва ғоя юритувчиси ҳам Роберт эди. Бу, албатта, компаниянинг ривожи учун яхши эди. Бир куни биз тортишиб қолдик ва бу ҳолат қарама-каршиликни вужудга келтирди. Мен зарда билан уйдан чиқиб кетдим. Ўша пайтда иккимиз ҳам серқирра фикрлаш даражасида эмасдик. Менинг ўйлаб кўришимга вакт керак эди ва мен токқа йўл олдим. Ёлғизликда юриб, фикрлаб ҳақиқатни излаб топгандай бўлдим.

Мен бир умр ўзимнинг мустақил эканимдан ғуурланиб келардим. Биринчи ишим пайдо бўлгандан бошлаб мен билардим: энди ўзим ишлаб пул топар эканман, ҳеч кимга қараб қолмайман. Биз компанияни Роберт билан бирга ташкил қилган бўлсак-да, аслида ҳолат қандайлигини тушуна бо-

шладим. Агар мен Роберт билан ажрашсам, нафақат эрсиз қоламан, бизнесимдан ҳам айриламан-ку! Ҳужжат бўйича Роберт бошлиқ эди, агар у кетган тақдирда ҳам компания қуларди. У қолиб, мен кетсан-чи?! Икки ҳолатда ҳам мен молиявий жиҳатдан эримга боғланиб қолаверардим. Роберт-ку бундай тахминларга менинг назарим билан боқмасди, аммо мен шундай қарайпман-ку. Бу огоҳлантириш товуши эди. У менинг уйғонишимга туртки бўлди ва ўзимга бундан кейинги ҳар қандай чиқарган қарорларим нафақат банк ҳисоб рақамлари учун, балки ўзим учун фойдали бўлиши керак, деб ваъда беришимга унади.

Натижада биз Роберт билан ярашдик ва ҳар доим бирга бўлишимиз кераклигини тушундик. Лекин ўша кун менинг ҳаётимни ўзгартириб юборди. Ўшанда менда арзимаган ижарага бериш ҳуқуқили кўчмас мулк бор эди ва мен унга хобби сифатида қарадим. Энди бўлса, у менинг учун озодлик тимсоли. Айнан ўшанда менда сармоялашга интилиш пайдо бўлди ва сармоялаш миссияга айланди.

Сармоядорлик фаолиятим жараёнида битта плюс томон пайдо бўлди: ўйиннинг моҳиятини тушуниб, ишламай пул топишни ўрганиб, ҳаётимда биринчи бор шуни билдимки, мен энди Робертга зор эмасман. Мен у билан бирга бўлгим келади, лекин унга молиявий қарам бўлганимдан эмас, у менга инсон сифатида керак. Ўша пайтда бизнинг муносабатларимиз янгича маънога эга бўлди. Биз иккимиз бирга эдик, чунки айнан шуни истардик.

Ундан ташқари, сармоялаш менга яна бир устунликни берди: ўзимга баҳо беришим ортди. Натижада эса иккимизнинг ўртамиизда ҳурмат кўпайди, севги, баҳт ва муносабатлар тенг ҳуқуқлиликка чиқди.

“ОЙНАВАНД ШИФТ”НИНГ ЙЎҚЛИГИ

Коorporativ оламда аёлларнинг муваффақиятга эришишларида “ойнаванд шифт” хақидаги афсона халақит берали, унга биноан аёлларни юқори амалларга кўйиш мумкин

эмас. Сармоялаш оламида эса сиз аёлмисиз-эркакмисиз, оқмисиз-қорамисиз, колледж битириувчисимисиз ёки ўкишда иккичимисиз, буларнинг аҳамияти йўқ. Бу ерда пул билан муомала қилишни билиш керак. Бунинг учун аниқ билим ва малака зарур. Сармоядорлик қарорлари қанчалар ақлли бўлса, бозорда шунчалар муваффакият келтиради. Бу ерда аёллар учун ҳеч қандай чегаралаш, ҳеч қандай шифт – ойнаванд ҳам, бошқасининг ҳам кераги йўқ.

ЧЕГАРАЛАНМАГАН ДАРОМАД

“Ойнаванд шифт” туфайли ва ҳозиргача маош масаласидаги аёллар ҳамда эркаклар ўртасидаги тафовут даромадлар бўйича ҳақиқатнинг ҳеч бир тарозусига тўғри келмайди. Изланишлар шуни кўрсатадики, аёл эркак билан тенг таълимга ва малакага эга бўла туриб, эркак киши оладиган маошнинг 74 фоизини олар экан, холос. Сармоялаш оламида даромад чегараланмаган, қанча пул ва даромад олиш ўз қўлингизда, ҳаммасини ўзингиз бошқаришингиз мумкин.

ЎЗ БАҲОСИНИ ОШИРИШ

Менимча, бу фазилат аёл учун сармоялаш фаолиятида яхши устунликни бера олади. Аёлнинг ўзига баҳо бериши ўзини таъминлаш қобилияти борлиги билан боғлиқ. Молијавий қарамлик бу қобилиятни сусайтиради ва аёлнинг пул керак бўлмаган пайтда ҳам бирор нарса қилишига тўскинилик қиласди. Яъни, ундаги ижодкорликни йўқ қиласди.

Мен аёлдаги қобилият ўзи учун қайғура олиш ишончини мустаҳкамлай олишини ва ўзида ғуурурни ҳис қилдира олишини кўп кўрганман. Ўзини баҳолаш ошиб борса, атроф-мухитга бўлган муносабат ҳам яхшиланади. Аёлнинг ҳаёти сифатли яхши босқичга кўтарилади, чунки у ўзида уйғунликни ҳис қила бошлайди ва унга айнан нима керак бўлса, ўшани қиласди. Ҳар бир кичик ғалабадан ўзини юқори баҳолашга унинг ишончи ортиб боради. Ўзини юқори

баҳолаши уни муваффакият сари бошлаб, оқибатда ундан-да яхши нарса бўлмаган – озодликни беради.

ВАҚТНИ БОШҚАРИШ

Аёлга сармоялаш билан шуғулланишига энг асосий тўсиқ (эркақдан кўра олдин) бу – вақт етишмовчилиги. Айниқса, бу болали аёлларда сезиларли даражада бўлади. Мен аёллардан кўпинча эшитадиган гапим: “Ишдан келиб, кечки овқатни тайёрлайман, болаларга дарс қилишга ёрдам бераман, уйни йиғишираман. Ҳаммасини тугатганимдан сўнггина ўзимни ўйлашимга вақт қолади, аммо бу пайтда чарчаб бўлган бўламан!”

Сармоялашга сизда қанча вақт бўлса, ўшани бағишлишингиз мумкин. Сармоялаш билан уйда, оффисда - ўнг келган жойда шуғуллансангиз бўлади.

Бундан ташқари, бу фаолиятга болаларни ҳам жалб қилиш мумкин. Кўп болали оналар менга айтиб беришганди, улар бизнес ёки кўчмас мулкни сармоялашдаги имкониятларни тафтиш қилишни болаларига тушунтиришган. Бу билан болалар ёшликлариданоқ сармоядор бўлишни ўрганишади. Бу ҳолатда Робертга бой отаси ўқитувчилик қилганидек, сиз ҳам болаларингиз учун ўқитувчи бўласиз.

Бизнинг болаларимиз йўқ, аммо мен биламан, ҳамма оналар ўзларининг кўп вақтларини кичкинтойлари билан ўтказишни, улар қандай катта бўлишаётганини кузатишни ва уларнинг муваффакиятларига қувонишни яхши кўришади. Вақт – бу озодликнинг бир қисми. Сармоядор бўлиш билан бирга сиз ундан ўзингиз истаганингиздек фойдаланишингиз мумкин: уни болалар билан ўтказиш ёки севган одамингиз билан саёҳат қилиш, ишдаги имкониятларни ўрганиш... Вақтни ўзингиз назорат қиласиз.

ХУЛОСА

Шу олтида сабаб аёлларнинг сармоялаш билан шуғулланишлари кераклигини тушунтиради. Статистика шуни

кўрсатадики, жамиятда аёлларнинг ўринлари анча ўзгарди ва молиявий таълим уларнинг ҳаётларида энг керакли та-мойилга айланиб боряпти. Моддий эркинликка эришиш – бу казинога суяқ ташлаган билан баробар: ютуқ кўп бўлиши мумкин, аммо таваккалчилик жуда улкан. Аёллар асрлар мобайнида маош тенглиги учун курашиб келишмоқда. Сар-моядорлик оламида бундай чегаралашлар олиб ташланади. У яна иккита устунликни бера олади: ўзига баҳо беришни ошириш ва вақтдан ўзи истаганича фойдаланиш. Ҳозирда аёл нафақат сармоялаш билан шуғуллана олади – бу билан шуғулланиши шарт.

ОЛТИНЧИ БОБ

“МЕНИНГ ВАҚТИМ ЙЎҚ”

Биз ўз қарорларимизга ўзимиз жавоб берамиз ва ҳаракатларимизнинг ҳар қандай ҳоси-ласини қабул қилишимиз керак, деб ҳисоблай-ман.

Элизабет Кублер – Росс

Биринчи бўлиб Пэт гап бошлади:

– Мана ўша ҳаётнинг очилмаган ҳақиқати! Кимга қа-нақа билмадим-ку, эрга моддий томондан тобе бўлиб яшаш қандайлигини мен жуда яхши биламан. Мен усиз ҳеч қандай молиявий қарорларни амалга ошира олмайман, чунки фақат угина пул топяпти. Тўғри, ўзимнинг баъзи эҳтиёжларимга йиғиб қўйган пулим бор. Энг ёмони - менинг бир яхши ду-гонам бор, у айнан шу статистика ичидаги бўлса, ажабмас. У ҳозирда йигирма икки йиллик никоҳини бузиб, ажрашяпти. Ажралишдан сўнг унда алиментдан бошқа ҳеч нарса қол-майди. Охирги ўн саккиз йил ичидаги у ишламаган. Ҳозир унинг ёши элликка яқинлашиб қолган, бирини бирига улаш-

ни ўйлашдан ташқари, ишга кириш учун ўзи ҳақида қандай маълумот (резюме) тўлдиришга боши қотган. У жуда ачинарли вазиятда қолган.

Жениснинг нимадандир хавотирдалиги билиниб қолди.

— Сендан бир нарсани сўрамоқчиман, - гап бошлади Женис. — Мен ўз компниямни яхши кўраман, мен уни, истасам, қаригунимча яна ишлатаман ёки яхшигина пулга сотиб юбо-ришим ҳам мумкин. Менимча, режам ишончли ва ёмон эмас. Нега энди мен сармоялаш билан шуғулланишим керак?

— Сенинг режанг ажойиб, - қўшилдим мен. — Лекин мен танлов ҳақида гапирияпман. Агар режанг амалга ошса, мен жуда хурсанд бўламан ва сени билганим учун ҳам ниятинга етишингга ишонаман ҳам. Биз «Rich Dad»ни молиявий мустақил бўлганимизда ташкил қилганимиз ва бу унинг ривожла-нишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Биз пулга муҳтоҷ бўлмаганимиз учун компанияни қандай ривожлантиришга ҳамма эътиборимизни қаратганимиз. Шунинг учун ҳам компания тез ри-вожланиб кетди. Молиявий мустақиллик боғланган қўлларимизни ечди ва бизнесни янада ривожлантиришимида тўғри қарорлар кабул қилишимизда ёрдам берди. Мана яна ўз ишини бегараз яхши кўрадиган аёл ҳақида бир мисол: менинг яқин дугонам Кэрол тиш доктори бўлиб ишлайди ва ўзининг шахсий ишхона-сига эга. Яқинда унинг кўкрагида саратон (рак) борлиги аниқланди. Худога шукр, враchlар унинг олдини олишди. Ҳаммаси ортда қолгандан сўнг у менга қўнғироқ қилди: “Биласанми, бу ҳодиса менга огохлантирувчи товуш бўлди ва мени сергаклантирди. Та-саввур қил: мен муваффақиятли тиш докториман, яхши пул то-паман, ишимни севаман, қарагинки, кутилмагандан менда хавфли касаллик, яъни саратон. Менинг биринчи калламга келган нарса шу бўлдики, ишломай қолсан, нима қиласман? Даромад келади-ган ўзак ёпилади, йиғган пулларим эса бир йилга етиб-етмайди. Мен қўркиб кетдим. Мен нафакат бешавқат касалликка, молиявий инқирозга ҳам бирданига дуч келдим”. Кэрол бу огаҳланти-рувчи салбий товушдан холоса чиқариб, ҳар ой ишламаса ҳам, ойлик-даромад келтирадиган, ижарага бериш хукукили кўчмас

мулкка эгалик килиб, ўз бизнеси билан ҳам шуғулланиб юрибди. Хулоса шуки, ҳаммаси танловга боғлиқ.

Женис мени маъқуллаб бош кимирлатди.

АЁЛЛАРДАГИ АСОСИЙ БАҲОНАЛАР

– Биласанми, Женис, сен менга эркак ҳам, аёл ҳам янги ишни ва, албатта, сармоялашни бошлашдан олдин жавоб бера олиши керак бўлган саволни бергандинг...

– Қандай савол эди?

– У саволга берилиган нотўғри жавоб муваффақиятга бўлган имкониятни нолга тушириб қуиши мумкин, – дедим мен. - Фақат сиз ўйламанг, мен бу ерга сизларни сармоядор бўлишга унdagани келганим йўқ, аммо бу хақда ўйлаб кўрсангиз, ёмон бўлмасди. Биз бу ерга хаётимиз ҳакида гапириб бериш, яхши ўтириш, ўтмишни ёдга олиш ва шунчаки маза қилиш учун тўпланганимиз.

– Хижолат чекма, - деб мени тинчлантириди Пэт. – Бу биз учун қизиқарли.

– Яхши, мен ўзимга яқинлардан ўз билим ва малакамни қизгонишни ёмон кўраман, шунинг учун ҳам ўз фикрларими тушунтиришга ҳаракат қилавераман. Бир гапга тушсам, мени тўхтатиш қийин. Олдиндан кечирим сўрайман, факат мени вайсақи деб ўйламангар. Мен бу ютуқларга менда қанақадир алоҳида истеъодод борлиги учун, ақлли ёки бошқалардан қўпроқ билганим учун, калламда қандайдир гоялар ўз-ўзидан пайдо бўлганидан эришганим йўқ. Менинг ўқитувчиларим ажойиб одамлар бўлишган, кўплари эса менга ўқитувчилик қилишаётганларини ўзлари ҳам билишмаган. Уларнинг орасида – бизнесменлар, сармоядорлар, ёзувчилар, менинг дўстларим ва ота-онам бўлишган. Шунинг учун ҳам сармоядорлик ва ўзимнинг илк бор бу соҳага кирганларим ҳакида гапириб берар эканман, ўша одамларнинг ҳам малақа ва билимлари ҳакида сизлар билан ўртоқлашаман. Мен сизларни мажбур килмоқчи эмасман. Шунчаки, мен агар аёл сармоядорлик билан шуғулланса, ҳаёти қанчалар ижо-

бий томонга ўзгариб кетишини тасвирлаб бермоқчиман, холос! Шунинг учун ҳам менда шунча шижаат. Агар сизлар бу ҳақда кейин гаплашамиз, десангиз, бу ҳақда унутамиз ва шунчаки учрашувимиздан роҳатланамиз.

САВОЛ ҚАНДАЙ ЭДИ

– Шошмай тур, - деб тўхтатди мени Женис. – Сен айтдингки, мен сенга қандайдир зарурий савол берганимни. Қандай савол эди?

Мен Пэт ва Леслига қарадим ва дедим:

– Сизлар ҳам билишни истайсизми? Бу ҳақда Денис билан кейин алоҳида гаплашишим ҳам мумкин.

– Йўқ, давом эт, - деди Лесли. – Мен чиндан ҳам эшитгим келяпти. Бу мавзу менга жуда қизиқарли, тўғрисини айтсан, мен анчадан бўён шунга ўхшаш нарсани ўйлаб юргандим.

– Менга ҳам қизик, сен айтганларнинг баъзилари менга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Давом эт, - деб қўшилди унга Пэт ҳам.

– Яхши, - деб давом этдим мен. – Женис чиндан ҳам зарур саволни берди. Аммо уни эслатишдан олдин сизга бир нарса айтмоқчиман. Айтайлик, мен сизларга ҳафтада уч кунга спорт залда машғулот ўтказишни таклиф қилсан-чи. Бунга нима деб жавоб берасиз?

– Мен жуда бандман. Компаниямни бунчалар кўп ўз ҳолига ташлаб кўя олмайман, - деди Женис биринчи бўлиб.

– Мен ҳам уч кунга ишимдан кета олмайман, бу жуда кўп муҳлат, - қўшилди Лесли ҳам.

– Мен рози бўлган бўлардим, агар вақтим бўлганда қоматимни эпакага келтиришим зарур, аммо вақт масаласи... – деди Пэт иккиланиб.

– Вақт! Ҳамма гап вақтда, мен ҳақманми? – сўрадим мен.

Улар тасдиқнамо бош қимирлатишиди.

– Биз жуда бандмиз. Бизда вақт йўқ. Бизга фойдаси бўларди, аммо вақтимиз йўқ.

– Нима демоқчисан? – сўради Лесли.

– Биз бирор нарсани қилишни хоҳламасак, кўпинча сабаб билан ниқобланган баҳоналарни ўйлаб топамиз. Бу сабаблар балки хурматга лойикдир ҳам, аммо унинг ортига истамаслик яширинган бўлади. Ва қайси баҳонани биз кўпинча ишлатамиз?

– Менинг вақтим йўқ! – кичкирди Лесли.

– Тўғри! Баъзи ҳолларда ҳақиқатдан ҳам вақт бўлмайди.

Ҳаммамиз жуда бандмиз, бир кунда 24 соат борлигига, ундан кўпроқ бўлмаганига афсусланиб ҳам кўямиз. Айникса, бу аёлларга тегишли. Ишдаги кўтарилиш, болалар, эримиз, қандайдир майда-чуйда ишлар билан шуғулланишимиз керак. Агар бирор кимса бу ишлар рўйхатига яна бир ишни қўшиш кераклигини айтса, рад этамиз. Қилиб юрган ишларимиз керакли ва етарли, деган маънода “Вақтимиз йўқ”, деймиз. Ҳар бир одам вақтим йўқ, дейишга ҳақли. Аммо шу билан бирга ўзидан “Нима зарурроқ?” деб сўраши ҳам даркор. Биз шунчалар ишга кўмилиб кетганимизки, қўшимча юклама ҳақида ўйлаб кўришни истамаганимиздан бу сўз оғизимиздан ўзи “тўкилиб тушиши” ҳам мумкин.

– Чиндан ҳам иш билан банд бўлсак-чи, бизда ҳақиқатда бўш дақиқа бўлмаса-чи? – сўради Женис.

– Яхши савол, - дедим мен.

– Кўринишидан менинг саволларим сенинг жавобла-
рингдан осонга ўхшайди, - деди жилмайиб Женис.

– Бироқ эслатишда менда ҳаммаси жойида, - дедим мен.

– Аёлларни сармоялаш билан шуғулланишга даъват қилар эканман, “Менинг вақтим йўқ”, деган сўзни кўп эши таман. Ахир, ўша вақтни сиз оила, иш, спорт, дўстлар ва кундалик ишлар билан тўлдириб ташлаган бўлсангиз, қандай топиш мумкин? Афсуски, кунни чўзиб бўлмайди. Аёллар билан сухбатлашиб шуни аникладимки, “вақтни топиш” учун Женис берган саволга жавоб бериш керак.

– Ва бу савол... – чидамай кетди Женис.

– Сен сўрагандингки: “Нимага мен сармоялаш билан шуғулланишим керак?”

Дугоналарим тушуниб-тушунмай, менга күзларини лўқ қилиб қараб қолишиди.

– Нима учун бу энг асосий савол? – сўради куйиниб Лесли.

СИЗНИНГ ШАХСИЙ САБАБИНГИЗ

– Сабаби кўпчилик сармоялаш билан шуғулланиш учун биринчи навбатда буни қандай қилишни ўрганиш керак, деб хато тахминга йўл қўйишади, – жавоб бердим мен. – Қандай қилиб сармоялашдаги жараёнлар учун яхши брокерни топиш, опционларни қандай сотиб олиш, пулни қўйиш учун қандай қилиб яхши компанияни топиш?.. Бу ҳамма “қандай-”ларга ўрганиш қийин эмас. Озгина вақт керак ва ўрганишга қобилият ҳам. Қолаверса, сармоялаш билан шуғулланишдан олдин сиз нима учун бунга кўл уряпсиз ёки буни нима учун килмоқчисиз, шуни аниқлаб олинг. Бунинг нима кераги бор? Пул ва вақтингизни сарфлаб, яхши сармоядор бўлишингизга мажбур қилаётган нарса нима?

– Мен шунчаки ҳар куни ишга қатнайвермасдан катта пул топишни истайман, – ўзининг қарашини баён қилди Лесли.

– Бу сабабинг етарлимикан, китоб ўқишига, семинарларга боришга, сармоялаш бўйича экспертлар билан учрашишга – буларга бўш вақтингни ажратадар олармикансан? – сўрадим мен.

– О-ҳо! Ишларим кўп! Ҳаммасидан чарчаб келиб, яна бундай ортиқча дахмазани ўз бошимга ортиришим керак экан-да, – жавоб берди у.

– Демак, сенинг ҳақиқий “нимага”нг бу эмас! Агар сабаб сени руҳлантирмас экан, бу асил сабаб деб ҳисобланмайди, – тушунтирдим мен.

– Қайсиниси ҳисобланади? Бирорта мисол келтира оласанми? – сўради Пэт.

Мен бир сонияга ўйланиб қолдим.

– Майли! Ёдингиздами, мен сизларга бир хафтада учкун спорт залда машғулот ўтказа оласизларми, деб сўраган-

дим? Сизлар бирортангиз “хўп” дейишга асил сабаб айта олмадингиз, рад қилишга эса сабаблар топдингиз. Тўғрими? – сўрадим мен.

Улар бош силкитиши. Мен давом этдим:

– Агар врач сизларда бирор оғир касални аниқлаб, уч кун спорт билан шуғулланмасангиз – ўласиз, деганда-чи? Сизда менинг таклифимга қўшилишингизга сабаб топилармиди?

Улар хайрон бўлиб, жим қолиши. Мен давом этдим:

– Мен рози бўлган бўлардим, - деди Лесли. – Доимий машғулотлар менга даво бўлган бўларди-да.

– Ана шунақа! – дедим мен. – Олдинига менинг таклифим сен учун унчалик қийматга эга эмасди, аммо асил сабаб пайдо бўлгандан сўнг эса бу ҳаётингдаги асосий ишга айланди. Мен ўзингнинг асил “нимага”нгни топишинг керак, деганимда айнан шуни назарда тутгандим.

– Бундан чиқдики, асил сабабни аниқлай олмас экансан, сармоялаш сенинг мақсадинг бўла олмайди ва бу билан сен шуғулланмайсан? – аниқлик киритди Пэт.

– Ёки узоқ муддатга сармоядор бўла олмайсан. Аникроғи, маълум вақтдан сўнг қизиқиши йўқотасан ва ташлайсан, - сўзини тўғриладим мен. – Кўп ишларни бошлаб, унчалик керак эмас экан, деб охирига етказмаганмиз. Фоя ўшанда яхши кўринган, аммо ўзимиздаги асил “нимага”ни топа олмаганмиз. Сармоялашда муваффақиятга эришиш учун кўп нарсани ўрганиш керак, шунинг учун ҳам “Мен кўп пул ишлаб топмоқчиман” ёки “Ишлашдан озод бўлишни истайман”, деган сўзларнинг ўзи камлик қиласи. Булар, албатта, яхши сабаблар, лекин улар яна олдинга одимлашингизга қаттиқ мажбур қила олмайди. Бу сабаблар битта қийинчиликда ва натижа кўринмаганда панд бериши мумкин. Сизда шундай сабаб кучли бўлиши керакки, сизни ҳар дақиқа олдинга боришга мажбуrlай олсин.

– Демак, мен ўзимга “Мен сармоялаш билан шуғулланишим керак” ёки “Фалончи айтди, фоя яхши, менга ёқди”, десам, бу мени ҳаракат қилишга мажбур қила олмайди, чунки

мен ҳали менга нимага кераклигини аниқлаган бўлмайман,
- деди Лесли.

БАЪЗИ БИР САБАБЛАР

– Тўғри! Мана сизга шунчаки ғаройиб сабаблардан бири, - дедим мен. – Мен яқинда етти ёшли ўғлини ёлғиз тарбиялаштган Питер исмли йигит билан сухбатлашдим. Унинг ҳикояси қуидагича: “Ўзим муҳандисман, ишларим кўп. Ўғлим билан эрталаблари бир неча дақиқага кўриша оламан, холос, қолаверса, уни синфдошларининг ота-оналари мактабга олиб кетишади. Мен ишдан баъзан эртароқ бўшасам, унинг ухлаб қолмаганига етиб кела оламан, кўпинча ухлаб ётганида келаман. Менинг молиявий мустақилликка эришишга ҳаракат қилишимга сабаб - ҳар куни ўғлимни ўзим мактабга ташлаб кўйишини истадим. Бунга мен тўрт йилда эришдим ва ҳозирда озодман. Сармоялашдан олаётган даромадим кунлик харажатимга бемалол етади ва мен ўғлим билан шаҳар бўйлаб айлана оламан. Лос-Анжелас кўчаларидаги тирбандликларда ушланиб жиги-бийрон бўлаётган бошқа ота-оналардан фарқли ўлароқ, менинг чехрамда ҳамиши табассум”. Менимча, бу сабабни ишончли сабаблардан деса бўлади.

– Қўшним ёдимга тушиб кетди, - кўшилиб кетди Лесли. – У аёл ҳам ёлғиз болаларни тарбия қиласди. Бир куни у менга кўнглини очиб қолди. Айтишича, унинг ҳам ота-онаси беш ёшлигига ажрашиб кетишган экан ва у отаси билан қолган. Отаси эса унинг ёнида деярли бўлмаган: у ишлаган ёки бирор сабабларга кўра доим йўқ бўлган. Уни доим алмашиб турувчи энагалар тарбия қилишган. Хуллас, у ота-она меҳри ва тарбиясига муҳтоҷ бўлиб вояга етган. Ўзининг болалари пайдо бўлгандан кейин эса ўзи ёшлигига ҳис қилмаган, кўрмаган меҳр ва илтифотларни болаларига бермоқчи бўлиб интилади. Аммо менинг қўшним ҳам ҳамма ёлғиз оналар тўқнаш келадиган муаммога дуч келган: оилани бокиши учун кўп ишлаши керак, баъзан тунлари ҳам. Унда ҳам ҳақиқий сабаб бор, лекин бу вазиятдан қандай чиқишни билмай боши гаранг.

— Мен синглим ҳақида айтиб беришим мүкін, - деди Пэт. — У илк бор китобни ўқишиңи бошлашни ўрганғандан бери саёхатга чиқишиңи орзу қиласы. Унинг мактабдаги ёзған баёнларыда доим қандайдыр экзотик саёхат акс этиб турған. У бормоқчи бўлган мамлакатлар ҳақида унда шунчалар кўп сурат ва лавҳалар борки, асти қўяверасиз. У доим кексайиб қолмасимдан саёхатга чиқиб, ўша орзуларимга эришишни истайман, деб таъкидлайди. Менимча, бугунги суҳбатимизнинг мавзуси уни қизиқтириб қўйган бўларди.

— Бунга ўхшаш сабабларни юзлаб топиш мумкин. Мен ишонаман, бундай сабаб ҳаммамида бор, фақат шунчаки ўтириб, яхшилаб ўйлаб кўриб, уларни топиш керак, холос. Аммо баъзан шундай бўладики, улар нокулай пайтда “кўрқинчли товуш”лар билан ўzlари намоён бўлишади.

— “Кўрқинчли товуш” деганда нимани назарда тутяпсан? – сўради Женис.

— Тиш доктори бўлган дугонам ҳақида айтиб бердим-ку! У ўзининг асосий сабабини врач унда ракни аниқлаганидан сўнггина англали. Унга бирданига иккита товуш эшишилди. Биринчиси соғлиги ҳақида қайғуриш, ракнинг пайдо бўлиши ва даволаш ўйларини аниқлаши кераклиги ҳақида огоҳлантирган бўлса, иккинчиси молиявий ахволига боғлиқ огоҳлантириш товуши эди. У тушундикни, агар ишламаса, биргина келиб турған даромадидан айрилади. Йигиб-тергани хеч қанчага етмайди ва у хеч вақосиз қолади. Бу фикр уни ақлан иш кўришга ва молиявий келажаги ҳақида қайғуришга уннади.

— Гап соғликка бориб тақалса, хамиша шундай бўлади, – қўшилди Женис. – Биз соғлигимиз ҳақида бирор муаммо юзага келмагунча ўйламаймиз. Мисол учун мен ҳар сафар соат жиринглаб уйғотганда доим иккиланиб қоламан: спорт залга борайми ёки бошқа томонга ёнбошлаб, ухлашни давом эттирайми?

— Бир-икки бор мен шундай қилдим, - деди Лесли.
— Мен кўпроқ шундай қилдим, - дедим мен. - Келинглар, яна ўша асосий баҳонамизга қайтайлик: “Мени вақтим йўқ”.

Агар сиз сармоялаш ва, борингки, янги ишни бошлаш учун асил сабабни топсангиз, бу баҳона ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

– Чунки бу иш бизнинг ҳаётимизда биринчи ўринни эгаллайди, - деб тугатди менинг фикримни Пэт. – Негаки, биз бу иш нима учун кераклигини аниқ биламиз-да.

– Амалда бундан йигирма йил олдинги нарса қайтариляпти-да. Ўша пайтларда биз учун асосийси каръера эди ва бор эътиборимиз айнан унга қаратилганди. Биз унга учрашув ва пляжлардан ҳам кўра кўп вақт ажратгандик. Биз ўзимизни бошқа бир мавқеда кўришни жуда истардик! Ва биз нимагадир эришдик ҳам. Бироқ, менимча, мен ҳаммасини ўз ўрнига қўйишнинг ўрнига вазиятнинг менинг устимдан хукмронлик қилиб, ҳаётимни бошқаришига йўл қўйиб берганга ўхшайман, - деб қўшиб қўйди Лесли.

– Биз фалсафий фикрлашга келиб, бош билан урилганга ўхшаяпмиз, - ҳазиллашди Женис. – Аммо ростини айтсам, сухбатимиз ажойиб бўлди. Мен ўзимга биргина йўналишни танлаганимни тушуниб боряпман: ўз бизнесимни ташкил қилиш ва уни сотиш. Агар ўйлаганларим амалга ошса, нур устига аъло нур. Лекин кутилмаган бирор иш бўлса-чи ёки касал бўлиб қолсам-чи? Бошқа йўналиш ҳам аслида бўлгани маъкул ва менга ишламай, ҳар ой даромад олиш ғояси ёқяпти. Бу ҳақда менга аниқроқ қилиб гапириб берсанг, чунки мен бу соҳада умуман олганда “ғалча”ман. Шунда балки мен ҳам асил сабабларни топиб, ўз бизнесимда молиявий мустақил бўлишга эришарман.

– Бу гаплардан кейин мен ҳам тушунишни бошлайпман, - деди Пэт. – Ўз ҳаракатларим сабаблари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Мен ҳамиша зарур нарсаларни қилибман. Бирор марта ҳам ўзимга: “Мана шу менинг йўналишларим”, демабман. Мен шунчаки “Буларни нима учун қиляпман?” деган саволни бермай, кунларни ўтказаверибман. Сезяпман, бугундан бошлаб ўз ҳаётимга жиддий ёндашаман.

Шу пайт Лесли гапга қўшилди:

– Бундай сухбат қуришимизга донолик бизда қаердан пайдо бўлди? Мажбуриятсиз ширин хотиралардан бошлаб,

энди бўлса, келажак ҳаётимизни ўзгартириш ҳақида мулоҳаза юритяпмиз! Ким бу мавзуни очди ўзи? – жимгини атрофга аллангладик. – Майли, ким бўлишидан қатъий назар унга раҳмат. Бу айнан мен эшитишим керак бўлган нарсалар эди.

Хайрлашар эканмиз, бир-биримизни кўздан қочирмасликка ва келаси сафар олтитамиз биргаликда учрашишга ҳаракат қилишимизни айтдик. Учрашув ажойиб бўлди! Биз яна бир бор учрашувни ўюштирган Пэтга миннатдорчилик билдиридик ва совуқ ҳавога чиқиб, такси чақиришни бошладик. Женис таксига ўтирас экан, соатига қараб қичқириб юборди:

– О, йўқ! Мен презентацияга ярим соат кеч қолибман-ку! Соатга қарашни унугибман! – Ва эшикни ёпар экан, - Сизларни кўрганимдан хурсандман! Қўнғироқ қилинглар! – деб қўшиб қўйди.

У бўрондай учиб кетди. Биз ортидан қараб колдик: ҳа, нарсалар бор, одамлар бор – ҳеч қачон ўзгаришмайди.

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ БЎЛИШ УЧУН ЎЗИДАГИ САБАБНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН

Осуда жойни топинг, сизга ҳеч ким халақит бермасин. Шошилманг. Балки жавоб дарров топилар, балки эса бунга бир оз вақт керак бўлар.

I. 1. Ўзингиздан сўранг: “Молиявий мустақил бўлишни исташимнинг асили сабаби нима?”

Куйидагиларни ўйлаб кўринг:

*Агар ишлашингиз шарт бўлмаганда нима қилган бўлардингиз?

*Агар вақтингизни истаган нарсангизга кетказиш имконияти туғилса, қандай йўл тутардингиз?

*Пул ҳақида қайғуришингизнинг ҳожати бўлмаганда ҳаётингиз қанчалар ўзгаради?

2. Каллангизга келган ҳар қандай ғояни қофозга ёзинг.

II. 1. Ўзингиздан яна бир бор сўранг: “Юрагим тубининг қаериадadir молиявий мустақилликка интилиш илдизи яшилинган. Қаерига?” Ўз ичингизга назар солиб кўринг.

2. Яна ҳамма ғояларни ёзинг.

III.1. Яна савол беринг: “Молиявий мустақилликка эришиш йўлидаги энг асосий ва энг қимматли истагимнинг сабаби нима?”

2. Ҳаммасини ёзинг.

Шу саволларни ўзингизга қайта-қайта беришни давом ёзинг, қалбингиз тўрига етиб бориб, ўз “нимага”нгизни топмагунингизча саволларни тўхтатманг.

ЕТТИНЧИ БОБ

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК НИМА ЎЗИ

Мен аёллар эркакларни бошқаришини истамайман; аёллар молиявий жиҳатдан эркин бўлишиларини хоҳлайман.

Мэри Уолстонкрафт

Молиявий мустақиллик нима ўзи? Кўп маошли ишми? Ўттиз-қирқ йилга етадиган пул жамғармасими? Балки алиментлардир? Кўпчилик одамлар молиявий мустақилликни қўйидагича изоҳлашади: “Олтмиш беш ёшга киргунимча ишлайман ва нафақага чикиб, ўзим учун яшайман”.

Хар ким бу тушунчани ўзича изоҳлайди. Менинг ҳам бу ҳақда ўз қарашим бор, у менинг ўттиз етти ёшимда ишлашдан фориғ бўлишимга сабаб бўлди. Лекин бу ҳақда гапириб беришимдан олдин турмуш ўртоғим Роберт ёзган “Бой ота, камбағал ота” китобини ўқишингизни таклиф қилмоқчи-ман. Бу унинг икки отасининг бошидан ўтган чин воқеалар ҳақида ёзилган китоб. У камбағал ота деб олий маълумотли, фалсафа фанлари доктори, Гавайи штатининг моариф Департаменти бошлиги бўлган ўз отасини айтади. Камбағал деганига сабаб у ҳар қанча пул ишлаб топса ҳам, ойнинг охирида пулсиз қоларди. Бой отаси, олдин ҳам дугоналаримга айтганман, унинг яқин дўстининг отаси бўлган. Унинг

унчалик билими бўлмаган, шунга қарамай, у Гавайида ўзининг кўчмас мулк империясини барпо қила олган. “Бой ота, камбағал ота” – бу икки отанинг ўз ўғилларига пул ҳақида гапиргандари тўғрисидаги китоб.

Пул, бойлик ва молиявий озодлик ҳақидаги ҳамма нарсаларни мен Робертдан ўргандим ёки бой отаси ҳақидаги ёзганларидан, десам ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам учинчи қўлдан унинг дарсларини олишингиз ўрнига мен ўша китобни ўзингиз ўқиганингиз маъқул деб ҳисоблайман. Сиз ундан бу фалсафанинг ўзак тамойилларини ўрганасиз ва ўша пойдеворга кетадиган маҳсулотларнинг нималигини билиб олиб, молиявий келажагингизни куришда ишлатасиз.

Мени хайрон қолдирган нарса - бой ота ўз бойлигини қандай тўплагани. Улар баъзи “молиявий эксперталар” берадиган маслаҳатларнинг умуман аксиdir. Унинг таълими илк қарашда қийин кўринса-да, аслида осон. Уни ўрганиш учун фақат озгина вақт, қобилият ва соғлом ақл даркор.

Хўш, молиявий мустақиллик ўзи нима? Мен уни кўп йиллар давомида ўзимча талқин қиласман ва ўз формулам бўйича ҳаракатланаман, у менга молиявий томондан кучли ва мустаҳкам бўлишимни таъминлаб келяпти. Мен кўп молиявий мустақилликлар ҳақида эшитганман ва бунда тўғри ёки нотўғри йўналишлар бор, деб ҳисобламайман. Ҳар ким ўзига ёққанини танлайди, мен шунчаки шахсан менга молиявий томондан озод бўлишимга ёрдам берганини айтиб бермоқчиман.

Бу формулани Робертга бой отаси ўргатган. Яна айтаман, аниқроқ билишни истасангиз, китобни олиб ўқиганингиз маъқул. Формула қуйидагича: мен пул оқими келтирувчи активларни сотиб оламан. Бу пул оқими менинг кунлик чиқиммимни қоплади. Агар активлардан келаётган пул оқими чиқимларимга teng бўлса ёки улардан ошиб кетса, демак, мен молиявий мустақилликка эга бўламан. Мен озодман, чунки активларим даромад келтиряпти ва мен учун ишляпти. Энди менинг ишлашимнинг ҳожати йўқ.

АКТИВ НИМА

Робертнинг бой отаси жуда оддий тилдан фойдаланаарди. У активларни қуидагича белгиларди: “Актив – бу сен ишламасанг ҳам, чўнталингга пул солувчиидир”. Ва нукта. Ҳаммаси оддий. Агар сиз ҳозирда ишламай қўйсангиз, албатта, маош олмайсиз, унда яшаш учун пулни қаердан топасиз?

Кўпчилик аёлларга шу савонни берсам, улар “Ҳеч қаердан!” деб жавоб беришади.

Бир аёл гапириб қолди:

- Ахир, менинг олмос браслетим активим-ку.
- Сиз уни сотасизми? - сўрадим мен.
- Албатта, йўқ! - хайрон бўлди аёл.
- У сизга ҳозирда пул келтиряптими?
- Йўқ, - секин тан олди аёл.

Унда бу бой отанинг ҳисобига кўра актив эмас. Агар сиз уни сотиб, пулини чўнталингизга солсангиз, унда актив бўлиши мумкин. Ижарадан пул оқимини олиб келадиган кўчмас мулк актив бўла олади. Бу бизнес ҳам бўлиши мумкин, сиз унга пул ташлагансиз ва у сизга йилига даромад келтиряпти. Бу акциялар бўлиши ҳам мумкин, чунки сиз улар учун улуш оласиз. Асосийси – бу доим сизга пул келиб турадиган, пул қўйилган мустаҳкам пул оқими бўлиши керак.

Пассив, бой отанинг айтишича, бу - сизнинг чўнталингиздан пулни оладиган нарса. Масалан, сиз ишламай қўйдингиз, дейлик, сотиб олган автомобилингизнинг кредитига, ёқилғи олиши мумкин, масалан, ипотека кредити учун, кўчмас мулк солиғи, суғурта тўловлари ва уни ушлаб туриш учун тўловлар дегандай. Бу салбий пул оқимининг кўриниши.

Бой ота айтганидек, одамларнинг молиявий қийинчиликларга дуч келишларига сабаб аслида пассив саналган нарсаларни кимларнингдир сўзларига кириб, актив деб олиб қўйишларидир.

Хуллас, формуланинг биринчи қисми - сотиб олиш ва активларни ташкил қилиш. Актив, бой отанинг айтишига қарандан, ижобий пул оқимини олиб келади.

ПУЛ ОҚИМИ НИМА

Активга эга бўлишдан олдин мен икки ҳолатга аҳамият қаратаман: биринчи ва ташқи - ПУЛ ОҚИМИ.

Айтайлик, сиз нимагадир пул қўйдингиз. Бу акция, кўчмас мулк ёки бизнес бўлиши мумкин. Ҳар ойда (чорақда ёки йилда) сиз ташлаган пулингиз устидан фойда оласиз.

Агар бу акция бўлса, у улушни пайдо қиласди.

Бизнес бўйича мисол келтираман. Сиз дугонангизнинг озиқ-овқат дўконига 25 минг доллар микдорида пул тикдингиз (мен дўстларнинг дўконларига пул қўйишни тавсия қилмаяпман, бу алоҳида ҳикоя). Ҳар ойда сиз у ердан 400 доллардан даромад оляпсиз. Бу сизнинг пул оқимингиз.

Энди мисол кўчмас мулк соҳасига қаратилади. Сиз 100 минглик ижарага бериш ҳуқуқили уйга бошланғич 20 минг доллар тўлов қиласиз. Ойнинг охирида сиз рентни йиғасиз, кўчмас мулк билан боғлиқ ҳамма тўловларни қиласиз ва кўлингизга 300 доллар оласиз. Шу сизнинг пул оқимингиз.

ПУЛ ОҚИМИ УЧУН САРМОЯЛАНМАСА, ЯНА НИМАГА САРМОЯЛАШ КЕРАК

Кўпчилик одамлар пул оқимини ташкил қилиш ёки маблағли фойда олиш учун пул қўйишади.

Маблағли фойда – бир марталик даромад. Пул оқими эса – доимий даромад. Мисол учун сиз 100 минг долларлик уйни сотиб олиб, 130 минг долларга сотасиз. Савдо-сотиқдаги ҳамма чиқим-тўловлардан сўнг сизга 20 минг доллар соғ фойда қолади. Бу сизнинг маблағли даромадингиз ҳисобланади.

Агар сиз бир дона акцияни 20 долларга сотиб олиб, 25 доллардан сотсангиз, бундан ҳам олинган даромад маблағли даромад саналади.

Маблағли даромад кўриш учун активни сотиш керак бўлади. Яна даромад кўриш учун эса яна актив сотиб олиш зарур ва яна сотиш керак.

Агар сиз активга эга бўлиб, уни билимдонларча бошқарсангиз, пул оқими ҳеч қачон тўхтамайди. Уни сотишингиз билан эса ундан тушган пул маблағли даромадга айланади.

ПУЛ ОҚИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН

Акция улуши ёки бизнес туридан келаётган пул оқимининг самарадорлигини (сиз ундан пул оляпсиз-ку, аммо бошқармаётганингизни) аниклаш жуда осон. Агар сиз акциялар ортидан улуш олаётган бўлсангиз, бу ўз-ўзидан сизнинг пул оқимингиз. Бунда ҳисоблайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ бунда пул оқимидан ташқари яна бир нарсани эътиборга олиш керак, аммо бу ҳақда кейин гаплашамиз.

Бизнеснинг бошқарувидаги пул оқими бошқача ҳисобланади. Ҳар ой ёки чорақда сиз маълум бир микдорда пул оласиз. Бу сиз бизнесга сармоялаган пулингиз учун бериладиган пул бўлади. Бунда сизнинг пул оқимингиз бизнеснинг даромадидан ажратилади.

Бу омонат ҳисоб рақамига ўхшаб кетади. Асосий пулдан ҳисобланган фоизлар сизнинг пул оқимингиздир. Бироқ муаммо шундаки, омонат ҳисоб рақамларига одатда 2 фоизгина фойда белгиланган, шунинг учун пул оқими унчалик кўзга кўринарли эмас. Пуллар сармоядорга ишлаши керак. Бир-икки фоиз эса – яхши иш эмас.

Кўчмас мулкка келсак, котеж, кўп хонадонли уй, офис учун бино ёки савдо марказими, формуласи ўша, яъни: рент даромади – чиқимлар – қўйилма бўйича тўлов (кредит) = **пул оқими**.

Асосийси, пул оқими ижобий бўлиши лозим.

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН НЕГА ПУЛ ОҚИМИ ЗАРУР

Мен учун молиявий мустақиллик бир нарсани англатади: бу – ОЗОДЛИК.

Озодликда истаган нарсангиз билан шуғулланинг, хоҳланг – бекорчилик билан, истасангиз – янги бизнес билан. Озодлик ўзингиз ёқтирган одамлар билан учраширади. Озодлик вақтни ўзингизга мослаб сарфлашингизга изн бера олади. Умуман олганда, молиявий озодлик танлов имкониятини беради. Кўпчилик одамларда танлов ягона – арzon буюм, арzon жой, арzon овқат.

Агар мен яшашим учун ишлашим керак экан, бу молиявий озодлик эмас. Пул оқимининг ижобий деб аташ мумкин, қачонки сиз ишламасангиз ҳам, ҳар ой пул чўнталингизга тушса.

Асосий вазифа шундан иборатки, кирим харажатдан кўп бўлиши керак. Шундай нарса сотиб олиш керакки, сиз ишламасангиз ҳам, ишламасангиз ҳам, пул оқимини пайдо қилсин. Бу сотиб олинган нарса актив деб аталади.

Активлар менга ишлаши керак, токи мен пул учун ишламай.

Шунинг учун ҳам мен учун маблағли даромад иккинчи даражали ва асосий мақсадим эмас. Унга эга бўлиш учун мен активимни сотишим керак. Бу пулларни эса мен эртами-кечми ишлатиб қўяман ва яна актив сотиб олиб-сотишимга тўғри келади. Бу жараён доим такрорланаверади. Бундай ёндашиш озодликни кафолатламайди. Баъзилар айтишади: “Мен ҳаётимнинг охирига етадиган пулни тўплайман”. Жуда яхши. Ўйлаб кўринг, сиз бунинг учун қанча ишлашингиз керак бўлади, факат тўплаган пулингизга бемалол яшаб бўлармикан? Улар у пайтгача қийматини йўқотиб қўймасмии? Тўплаган пулингизнинг ҳар бир тийинини хисоблаб сарфлаш ва тугаб қолишидан қўрқиб яшаш яхшими? Ўйлаб кўринг...

Бизнинг Роберт билан мақсадимиз – сотиб олиш ва актив пайдо қилиш, у бизга пул оқимини беради. Биз 1994 йилдан бери шу ишни кўллаб, тўкин-сочин яшаб келяпмиз. Бундай ёндашишнинг ажойиб томони шундаки, молиявий мустақиллик учун катта даромаднинг кераги йўқ. 1994 йилларда кўчмас мулк бизга ойига ўн минг доллардан даромад келтирган,

харажатларимиз эса уч минг доллар эди. У пайтда биз озодликка эга бўлдик. Биз керагидан ортиқ даромад кўрдик.

Албатта, биз тўхтаб қолмадик, активларимизни қўпайтиришда давом этдик. Пул оқими қўпайди, яшаш шароитимиз янада яхшиланди.

АКТИВЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА ЯНА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК

Олдин ҳам айтганимдек, активларга эга бўлишдан олдин эътиборни икки нарсага қаратиш лозим: биринчиси – пул оқими; иккинчиси – сармояга ташланган маблағ даромади.

САРМОЯЛАНГАН МАБЛАҒ ДАРОМАДИ НИМА

Бу пулни сизга қўйган мабалағингиз беради. Бошқача қилиб айтганда, улар қанчалар жон кўйдириб сиз учун ишлапти?

Сармояланган маблағнинг даромадини турлича йўл билан ўлчаб аниқлаш мумкин. Мен одатда “нақд пул нақд пул учун” жадвалини ёқлайман. Мени сармоям қанча нақд пул келтираётгани қизиктиради.

Баъзи формуласарда сармояланган маблағ ҳисобланадётганда амортизация ҳам ҳисобга олинади. Бошқасида пул оқимидан келган пул яна сармояланади. Икки формула ҳам истаганингиздек. Мен оддийликни ёқтираман, шунинг учун факат пул оқими қизиктиради.

САРМОЯЛАНГАН МАБЛАҒНИНГ ДАРОМАДИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ КЕРАК

Жуда оддий. У одатда ҳар йили ва фоизларда кузатилади. Формула қуидагича: йиллик пул оқими: маблағ сармояланган восита = сармояланган маблағдан фойда (нақд пулга нақд пул).

Масалан, мен ижарага бериш учун кўчмас мулк сотиб

оламан. У 100 минг доллар туради. Мен бошланғич түлов 20 фоиз ёки 20 минг доллар нақд пул түлов қиласман. Ҳар ой мен 200 минг доллар миқдорида пул оқимига эга бўламан, бу йиллик 2.4 минг доллар. Агар 2.4 минг доллар (йиллик пул оқими)ни 20 мингга (кўйилган восита)га бўлсак, сармояланган маблағ даромади 12 фоизга тенг бўлади.

Акциялар бўйича мисол қилиб кўрамиз. Сиз акцияни 2,5 минг долларга сотиб оласиз, у сизга йиллик 100 доллар миқдорда улуш келтиради. Бу ҳолатда сармояланган маблағ даромади 4 фоизни ташкил қиласди.

Энди солиштириб кўриш учун ҳозирги омонат ҳисоб рақамлари имкониятларини кўриб чиқайлик. Белгиланган даромад ўртача 2 фоизни ташкил қиласди. Агар сиз ҳисоб рақамга 1000 доллар қўйсангиз, банк сизга йиллик 20 доллар миқдорда пул тўлайди.

Формула жуда оддий, қанча нақд пул қўяман? Қанча нақд пул оламан?

Ҳамма эътиборни пул оқимига қаратишда нима маъно бор? Чунки пул сиз учун ишлаши керак, сиз пул учун эмас. Сармояланган маблағ даромадининг “нақд пулга нақд пул” жадвали шуни кўрсатадики, пулларингиз сиз учун астойдил ишляпти. Агар у 2 фоиз бўлса, дангасалик киляпти, агар 50 фоиз бўлса – бор кучини ишлатаётган бўлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ

Менинг қандай молиявий мустақилликка эришишимда унчалик қийинчилик йўқ. Ютуқ формуласи жуда оддий. Бу дегани енгил дегани эмас. У вақт ва ўрганишни талаб қиласди. Озодликка бир кечада эришиб бўлмайди. Аммо мен кафолат бераман: биринчи пулни қўлингизга олишингиз билан ҳаммаси янада қизиқарли туюлади ва қилган меҳнатингизни оқлайди.

Агар бу формула шунчалар оддий экан, аёлларга ўз молиявий келажакларини назоратга олишларига нима халакит беряпти?

Биз олдин ҳам аёлларнинг асосий баҳоналари ҳакида гапирдик: улар вақтлари йўқлигини тасдиқлашади. Аммо биз биламизки, ўзингиз учун чиндан ҳам керакли вақтни ҳамиша топса бўлади.

Гап сизда вақт йўқлигига эмас, аксинча, сиз вақтни бошқа нарсаларга сарфлашингизда. Шуни билингки, агар сиз ҳалиям ўзингизга “Менда вақт йўқ”, деб юрган бўлсангиз, демак, ўзингиз учун сармоялашдаги қийматни, ўз асил сабабингизни топмабсиз. Аммо мен биламанки, агар аёл моливий мустақилликка чиндан интилса, уни ҳеч нарса бу йўлдан тўхтата олмайди. Ҳозирда жуда кўп аёллар озод бўлишяпти.

Биз аёлларга моливий ҳаётимиз билан шуғулланишимизга яна нималар ҳалақит беряпти? Аёллардан кўп эшигадиган иккинчи кенг тарқалган баҳона нафақат нокулай, аҳмоқона деса бўлади, у умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Хуллас, иккинчи баҳона...

САККИЗИНЧИ БОБ

“МЕНИНГ АҚЛИМ ЕТМАЙДИ!”

Аёл учун асосийси – ўзи учун чеклов белгиламаслиги.

Мартина Навратилова

Нью-Йоркдаги тушлигимиздан бир ҳафтача ўтгандан сўнг мен учрашувга кетаётгандим, телефоним жиринглаб колди.

– Салом, Ким, мен Леслиман. Менга бир дақиқа ажрата оласанми?

– Албаттаг!

– Мен сармоялаш ва моливий мустақиллик ҳакидағи сухбатмиздан сўнг кўп ўйладим. Менимча, мен нимани хоҳлаётганимни аниқ биламан, аммо қайта ва яна қайта бир муаммо мени иккилантиряпти.

– Қанака муаммо? – сўрадим мен.

— Мен умрим мобайнида санъат, гуллар, услублар, усуллар ва техника билан шуғулланиб келаман. Менинг ўй-хаёлларим шунга мослашган. Мен сен айтган ишларга йўқман, рақамлар, ҳисоб-китоблар менга бегона. Сармоялаш билан шуғулланишга ақлим етмайдиган кўринади. Биринчи қадам ҳакида ўйлашни бошлишим билан хаёлларим чалкашиб кетяпти. Мен ҳатто молия борасидаги газеталарни ҳам ўкиш учун қўлимга олдим. Менда улар гўё хитой тилида ёзилгандай тасаввур уйғотяпти! Менимча, баъзи одамлар табиатан математиклар ва уларда формула, рақамлар бўйича муаммо йўқ, мен эса улардек эмасман, - деб тушунтиришга ҳаракат қилди Лесли.

Леслининг чиндан ҳам боши қотганди ва бир оз жаҳли ҳам чиққанди, шунинг учун мен эҳтиёт бўлиб унга тушунтиришни афзал билдим.

— Биринчидан, менинг бир саволимга жавоб бер-чи: сен нега сармоялаш билан шуғулланмоқчилигингни аниқладингми?

— Бу борада ҳаммаси тушунарли, - жавоб берди у. – Мен чизишни истайман. Бу менинг эҳтиросим. Муаммо шундаки, мен кўп вақтимни галереяда ўтказишимга тўғри келади, чунки турли кундалик эҳтиёж тўловларни амалга оширишим керак, чизишга вақтим қолмайди. Қўлимга бўёқ ва мўйқаламимни олиб, табиат кўйнига ёки қандайдир манзарали жойга бош олиб чиқиб кетгим келади. Аслида-ку, Европага боргим келади ва у ердаги улуғ рассомларнинг ишини ўргансам, дейман. У ерда ажойиб сураткашлик курсларига борса ҳам бўлади. Агар менинг яшашимга бир неча кун қолган бўлса ҳам, ўша кунни чизиб ўтказган бўлардим. Ўзимнинг сабабимни, ха, аниқ топдим, деб ўйлайман.

- Табриклайман. Жараён бошланибди, - дедим мен.
- Қанақа жараён? – сўради Лесли.
- Бир кунда бойликка ёки молиявий озодликка эришиб бўлмайди. Бирор янги нарсага ўрганиш учун вақт керак. Ўрганишнинг бошланиши қийин бўлиши мумкин, чунки биз умуман нотаниш бўлган таълимга дуч келамиз.

— Мен машина ҳайдашни ўрганаётганимда шундай бўлганди, - ёдига олди Лесли. — Олдинига мен ўзимни галварсдай ҳис қилганман, қаттиқ газ босардим, бирдан тормоз бериб юборардим, бир куни олд ойнадан отилиб чиқиб кетишинга оз қолганди. Биринчи бор кўчага чиққанимда машинани уриб олаёзганман.

— Мен айнан шу ҳақда гапиряпман. Сен бугунга келиб газ дастаги ҳақида ўйламаяпсан, тормоз ва рул ҳақида ҳам муаммоинг йўқ. Машинага ўтиришинг билан ҳаммаси ўз-ўзидан амалга ошаётти. Сен ҳайдашни ўрганишингдан олдин кўп нарсани ўрганишингга тўғри келган, ҳозир эса бу сен учун одат тусига кирган, - деб унга уқтиридим.

— Демак, бу жараён ва мен бунга ўрганишим керак, - давом этди Лесли. — Билмадим, бунга ақлим етармикан? Менимча, бу сармоялаш ўйини эркаклар учунмикан? Улар рақамларга аёллардан фарқли ўлароқ яхши тушунишади. Билмадим, улар билан рақобатлаша олармиканман?

— Биринчидан, - дедим мен, — сен ҳақсан. Тўғри, эркаклар рақамларга яхши тушунишади ҳар ҳолда. Мисол учун 90 га 60 ва 90 ни, - Лесли кулиб юборди. — Майли, сен менга жиддий айт-чи, нега бу эркаклар ўйини, деб ҳисоблайсан?

— Сармоядор аёллар ҳақида янгиликларда кам эшитаман. Шунинг учун менда бу эркаклар иши, деган тасаввур уйғонади. Шахсан менга ўрнак бўла оладиган сармоядор аёлни билмайман.

— Менда сенга бир савол бор, - дедим хотиржам ҳолда. — Нимага олдинлари сайлаш ҳуқуки уларда бўлган? Эркаклар ҳукумат раҳбарларининг яххисини сайлашадими? Нимага олдинлари университетда аёлларнинг ўқиши мумкин эмасди? Нима, эркаклар аёллардан яхши ўқишадими? Нимага суд ҳайъати фақат эркаклардан иборат бўлган? Нима, улар аёллардан яхши эшитиб, ҳаммасини тўғри тарозига қўя олишадими?

— Албатта, йўқ! — деди овозини кўтариб Лесли.

— Тушун: бир нимани аъло даражада қилиш ва бирор нарса билан узоқ муддат шуғулланиш — иккиси бир хил

нарса эмас, - таъкидладим мен. – Сенинг шахсан ақлий қо-
билиятингга иккиланишишингта сармоялаш назари билан қа-
раганимизда сен учта нарсани билиб олишиңг керак ва ик-
киланишишинг дарров йўқолади. Бу менинг бошимдан ўтган.

– Майли, мен ҳаммасини тушунаман, хўш, улар нима?
– сўради у.

Мен унга ҳозир сизларга айтиб берадиганларимни айт-
дим.

БИЗГА ЎРГАТИШГАНИ

1. Таълим.

Тан оламан, фақат аёлларга тегишли пул ҳақида ахборот
ҳозирда етишмаяпти. Бизга ўргатишашётган нарсалар баъзи
холатларда одамнинг ғурурини ерга уради: оиласвий бюджет-
ни қандай юргизиш, автомобилни қандай суғурта қилиш,
пулни маҳсулот сотиб олаётганда қандай тежаш... Ростини
айтсам, биз аслида ақллироқмиз.

Албаттага, ўз молиявий ишларингизни тартибга келтири-
шингиз керак, асосларни билишиңгиз ҳам лозим. Тўғри,
бу ҳаммаси зарур. Аммо ушбу ахборотларнинг ўзи ҳозирда
етарли эмас. Бу фақат бошланиши. Юксак молиявий мақсад-
га эришиш учун янада олдинга бориш шарт.

Мен баъзан эркакларнинг “Бизнинг оиласда ҳамма молиявий масалалар билан хотиним шуғулланади”, деган сў-
зини эшитсам, қичкириб юборгим келади. Ўнта ҳолатнинг тўққизтасида аёллар бундай иш билан шуғулланишмайди.
Аёл ҳисобларни тўлайди ва чиқимни ҳисоблаши мумкин,
холос. Қолган ҳамма молиявий ишлар эркакларнинг кўлида.
Айнан эркак молиявий қарорларни қабул килади, акция ва
кўчмас мулк билан шуғулланади.

Агар эр ўлиб қолса, хеч нарсани тушунмаган, ўрганма-
ган аёл буларнинг ҳаммасини ўз зиммасига олишига тўғри
келади. Статистикага қараганда, 80 фоиз аёллар эрлари ти-
риклигида яхши яшашган ва улардан кейин камбағалликка
юз тутишган. Яна шуни ҳам унутманг, 90 фоизимиз қанча-

дир вақт мобайнида ўз молиявий қулайликларимизга ўзимиз жавоб берамиз. Эрнинг ўлимидан сўнг аёлдаги малаканинг, молиявий билимнинг йўклиги боис у нотўғри қарор қабул килиши мумкин ёки ҳаммасини сиз учун мен қиласман, дейдиган молия бўйича “маслаҳатчи”га учрайди. У айтади: “Келинг, мен сизнинг пулларингиз билан муомала қиласман. Сизга аъло даражадаги қиммат қофозлар портфелини яратиб бераман ва сизнинг ўйлаб бош қотиришингизга хожат йўқ”. Хурматли аёллар, агар сиз ўз пулларингиз ва ишларингиз ҳакида қайғурмасангиз, бошқа бирор сиз учун қайғурадими?

Сент-Луислик Доуннинг ҳикояси

Мана у нима деб ёзяпти: “Ёшим эллик саккизда. Яқинда эрим юрак хуружидан вафот этди, мен эса бизда қанча пул бор ва у қаерда сақланади, билмайман. У молиявий ишлар билан фақат ўзи шугулланарди ва мени ҳеч нарсага зор қилмай олиб юрганидан фахрланиб ҳам қўярди. Ва биз ҳеч қачон пул масаласида сұхбатлашмагандик ҳам.

Унинг ўлимидан кейин бир ёшли боладек ўзимни ҳис қиляпман, ўрнимдан турман, яна ииқиласман, турман, ииқиласман. Мен пул масаласида умуман тушунчага эга эмасман, ҳатто эримни кўмишга қанча пул тўлашини ҳам дугонамдан сўрашимга тўғри келди. Мен умуман ўзимни йўқотиб қўйдим”.

Агар сиз Доуннинг ўрнида бўлишни истамасангиз, ўз келажак молиявий аҳволингизни назоратингизга олишга жазм қилган бўлсангиз, вақтни сарф килишга ва хато қилишга ҳам тайёр бўлишингиз керак. Молиявий мустақилликка эга бўлиш – бир кунлик жараён эмас. Мен бир нарсани илтимос қилардим, эркаклар биздан кўп билишади, деб хато фикр юритманлар. Агар кимдир мен молиявий экспертман, деса, бу унинг сиздан кўп нарса билишини англатмайди. Агар сиз шундай ўйласангиз, кўп нарса йўқотишингиз мумкин. Пулларингизни ўзингиз назорат қилишга ўрганинг.

Биринчи қадам – таълим. Бу нима дегани? Ахборот уммонига чўкиб кетмаслик учун нимадан бошлаш керак?

Ҳар бир аёлда силжиш нуқтаси бўлади. Сармоялашдаги бор нарсалардан бошлаш ҳам мумкин. Балки уларнинг бирортаси сизни қизиктириб қолар. Мен учун кўчмас мулк, хисобчи дугонам учун эса – фонд опционлари маъқул. Яна бир дугонам бизнесмен, у янги ёш бизнесларни ривожлантиришга пул тикади. Ўқиб-ўрганиш мобайнида сиз қайси сармоялаш асбобини танлашни аниқлаб оласиз.

Ўрганиш жараёнини қандай бошлаш кераклиги ҳақидаги ахборотни сиз куйидагича олишингиз мумкин:

- Китоб ўқинг. Пул ва уни тикиш ҳақида ўрганаётгандар ва малакали сармоядорлар учун ёзилган юзлаб китоблар мавжуд.
- Аудио ёзувларни эшитинг. Машинада кетаётиб ҳам, уларни тингланг. Шахсий ривожланиш учун пулни бошқариш мавзуси турли-туман бўлиши мумкин. Муваффақият йўлидаги ҳар қандай бошланиш асосий ролни ўйнайди. Генри Форд айтган: “Агар сиз муваффақиятга эришаман, деб ишонсангиз ҳам ва бунга эриша олмайман, десангиз ҳам, сиз икки ҳолатда ҳам ҳақсиз”.
- Ўрганиш учун семинарларда, курсларда ва конференцияларда қатнашинг. Бири пулли, бошқаси бепул бўлиши мумкин. Ҳатто аёллар учун ишлаб чиқилган алоҳида дастурлар ҳам бор.
- Бизнес ҳақидаги нашрларга обуна бўлинг. Унда сиз яшаб турган жойингиздаги сармоялашлар ҳақидаги имкониятлардан воқиф бўласиз.
- Кўчмас мулк брокерлари, биржа маклерлари ва бизнес брокерлари билан гаплашинг. Савол беришдан уялманг. Улар сизга керакли бўлган ҳамма ахборотни беришлари мумкин. Фақат бир нарсани унутманг, уларнинг аксарияти сизга бирор нарсани сотиш илинжида бўлади, жуда берилиб ҳам кетманг. Ўз малакамдан биламан, кўп яхши ахборотни муваффақиятли брокер бериши мумкин.

Учта маслаҳат:

1. Ёмон брокерга учраш имконияти яхши сига учрашдан күпроқ; ёмон вазиятга тушиб қолмаслик учун улар ҳақида таниш-билишларингиздан суриштириб олинг, балки дўстларингиз синалган брокер билан таништириб кўйишар.

2. Агар сиз кўчмас мулк сармояси билан қизиқиб қолган бўлсангиз, яшаш-жой бўйича шуғулланадиган брокерга эмас, кўчмас мулкни сармоялаш билан шуғулланадиган брокерга мурожаат қилинг, чунки биринчисининг вазифаси сизга уйни сотиш бўлади; бу брокерлар турлича тилда гапирадилар;

3. Иложи борича ўзи сармоялаш билан шуғулланадиган брокер билан ишланг: у сизнинг эҳтиёжингиз ва қизиқишлирингизни яхши тушунади.

- Бошқа сармоядорлар билан сухбатлашинг. Сиз сармояламоқчи бўлган нарсани сармоялаган одамларни топинг ва улар билан гаплашинг. Бу ҳолатда омилкор сармоядорлар сўзамон бўлишади.

- Аёллар сармоядорлик клубига киринг. Статистика маълумотларига қараганда, ҳозирда сармоядорлик клубларининг кўпчилик аъзолари аёллар экан.

- Ўз клубингизни яратинг. Бошидан ўз клуб аъзоларингизга жиддий талаблар қўйинг: шундай аёлларни аъзоликка олингки, улар ўз молиявий келажакларига бефарқ бўлишмасин ва мақсад йўлида доим елкама-елка туриб бир-бирларини қўллашсин.

Сармоядорлик клуби нима билан шуғулланиши мумкин:

- Ишни пул ва сармоялаш ҳақидаги аудио ёзувлар ва китобларнинг жамоавий мухокамаси билан бошлаш мумкин.

- Ташқаридан эксперtlарни, муваффакиятга эришган сармоядорни, маклерни, кўчмас мулк бўйича менежерни, савдо-сотик бўйича мутахассисни таклиф килиш ҳам мумкин. Токи улар сармоялашдаги ўз билганлари билан ўртоқлашишсин.

- Салоҳиятли маблағ қўйишни тафтиш қилишни ўрганиш мумкин. Ўрганиш ва малакани ошириш учун аниқ

битимлар ва сармояларни мухокама қилинг. Маблағ қўйиши қоидаларини ўрганиш учун профессионал сармоядор ва бро-керни топинг. Қанча кўп мисолларни кўриб чиқсангиз, яхши ва ёмон имкониятларни ажрата олишингиз шунча осон бўлади.

“Пул оқими” клубига ёзилинг. Дунё бўйича ҳозирда икки мингта шундай клублар ҳисобланган (www.richdad.com сайтига қаранг). Ҳар бир клубнинг ўзига яраша жиҳатлари бор. Кўпларида одамлар “Пул оқими” ўйинини ўйнашади, сармоя мақсадларини мухокама қилишади, таклиф қилинган экспертларни эшлишида ва энг асосийси молиявий келажакларини қуришни биргаликда ўрганишади.

Интернет ресурсларидан фойдаланинг. Сиз ундан сармояга боғлиқ кўп нарсаларни топишингиз мумкин. Сиз қайси китобни ўқиши, қачон қаерга семинар ва конференцияга боришингиз кераклиги ҳакида ҳам билиб олишингиз мумкин.

Кўчаларни айланинг. Ўз яшаш худудингиз ҳолатини ўрганинг. Кўпчиликнинг фикрича, сармоялаш учун “тўғри” шаҳарни ёки бозорни танлаш керак, бу фикр билан эса бурниларининг тагидагини бой беришлари мумкин. Сармояланадиган нарсага қанча яқин бўлсангиз, муваффакият сари имкониятларингиз шунча юқори бўлади.

Молия ҳақидаги янгилик ва телекўрсатувларни томоша қилинг. Гарчи сиз унчалик тушунмасангиз ҳам, янги нарсаларни билиб, сармоялаш тилини ўрганиб оласиз. Қанча кўп эшишиб, кўрсангиз, шунча тушунишингиз осон бўлади.

Молиявий бюллетенга обуна бўлинг. Унда ҳамма сармоя бозорларидаги молиявий маълумотлар (резюмелар) келтирилади. Савол беришдан тўхтаманг. Бу борада биз аёлларга мумкин, чунки шу пайтгача бизга пул билан қандай муомала қилишни ҳеч ким ўргатмаган, ўзимизни ҳамма нарсани биладиган қилиб кўрсатишимишиз ноўрин. Қанча кўп савол берсангиз, шунча ақлли бўлиб бораверасиз.

Бундан ташқари, ахборот тўплаш жараёнида сиз ўзингизга етакчи ҳам топишингиз мумкин.

Ўрганиш жараёни умрбод давом этади. Сиз сармоя по-трфелингизни кенгайтирган сайингиз доим ўқиб-ўрганиш

учун бирор нарса топилади. Бозор ҳамиша ўзгариб туради, менинг сармоям ошиб боряпти, шунинг учун доим молия борасидаги билимларимни янгилашиб түлдириб боришинга тұғри келади.

2. Жараён натижага қарши

Мен доим ўзимга эслатиб тураман, сармоялаш – бу жарайән. Тез бойиб кетишнинг ва муваффакиятнинг ҳеч қандай сирли формуласи йўқ. Кечқурун камбағал бўлиб ётиб, эрталаб бой бўлиб уйғониш мумкин эмас. Балки бирор кимса шунга ўхшаган тез бойиб кетишни ваъда қилас, аммо мен бундай муваффакиятга эга тизимни билмайман.

Сармоялаш учун биз ўқиймиз ва малакамизни оширамиз. Биз хатолар қиласиз ва ундан керагини олиб ўрганамиз. Малака ортидан билим захираси бойииди, ўзига ишонч ортади, қобилият юксалади, банкдаги пулингизнинг ошишини гапирмаса ҳам бўлади. Аммо, асосийси, жараён - мақсаддан кўра зарурроқ, чунки биз учун билим олганимиздан сўнг ким бўлишимиз мухим.

ЙЎЛНИНГ ЎЗИ - МУКОФОТ

Бизнинг ҳаётимизда 1985 йил жуда ёмон йил бўлганди. Менинг ўзимни баҳолашим пасайиб кетган эди. Биз доим кучли салбий ҳаяжонда бўлардик. Менинг ички ишончларим салбий хусусиятларни ўзига мужассам қилганди: “Сен буни қила олмайсан, амалга ошира олмайсан, сен ҳеч нарсанни билмайсан, сенинг ҳолатинг яхшиланишига умид йўқ”.

Баъзи кунлари уйқуга кетсам-да, қайтиб уйғонмасам, деган фикрларга ҳам боргандман. Бу менинг ҳаётимдаги жиддий емирилиш эди.

Лекин шунча йиллардан кейин ўйлаб кўрсам, ўша биз Роберт иккимизнинг оғир давларимиз ҳам жараённинг бир қисми бўлган экан. Биз ачинарли ахволда қолгандик, аммо чукурнинг охиригача тушиб, бор кучимизни тўплаб, қайта яна юзага чиқдик. Ўша пайтда мен чиндан ҳам ўзимга

бўлган ишончни йўқотгандим. Аммо иккимиз қўлни қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилдик ва натижада муваффақият қозондик. Биз бебаҳо ҳаётий малакага эга бўлдик, ўша ҳаёт бизнинг феъл-авторимизни чархлади. Қийинчиликлар бизни кучли ва ақлли қилди, бир-бирилизга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Мана шу бизнинг мукофотимиз бўлди.

Мен биламан, сиз ҳам жараён мобайнида хатолар қиласиз, баъзан жиддий ҳам бўлиши мумкин. Олдингизда оғир синовлар турибди, натижа нима бўлади, олдиндан билиб бўлмайди. Мана шундай пайтларда сизнинг хусусиятларингиз юзага чиқади. Қийинчиликдан қочиб ривожлана олмаймиз ва бирор янгиликни ўрганолмаймиз. Агар биз чақирик олган бўлсак, натижадан қатъий назар, бошқа одамга айланамиз. Бу ошган интелектли ва ҳаяжонли маблағ бебаҳодир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ТЕЗРОҚ АҚЛЛИ БЎЛИШ

Менинг яна қайтадан яшашимга тўғри келганда ўша хатоларни қайтарган бўлардим, лекин тезроқ.

Таула Бэнкхед

Мен нима ҳақида гапираётганимни Лесли тушуна бошлади.

– Гап шундаки, мен унчалик ақлли эмасман, - бошлади у, - булар ҳақида менга ҳеч ким гапирмаган ва тушунтирмаган. Қандай ўйлашни ўргатмаган. Бу от минишни ўрганишга ўхшайди. Мен қадамма-қадам аста олдинга ҳаракатланишим керак.

– Яхши ўхшатиш.
– Ҳа, сенга айтишим керак, - тан олди Лесли, - бир неча бор молия ҳақидаги янгиликларни кўришга ҳаракат қилдим,

лекин бирорта сўзни тушунмадим. Бу мени ажаблантирияпти. Сўзнинг ярмини тушунмасанг, қийин экан.

3. Молиявий жаргонлар (атамалар)

– Сен керакли саволни кўтардинг, - дедим мен. – Аслида ҳам бу - учинчи пункт. Бу профессионал жаргон деб номланади, бу сўзларни сармоя ва пул соҳасида фаолият юритадиган одамларнинг луғат захираларида учратиш мумкин. Кўпинча сармоялашда бўладиган тушунмовчиликлар айнан шу терминларни ишлатадиган эксперталар ёки ўзини шундайман, дейдиганлар туфайли бўлади. Баъзан менда шундай тасаввур уйғонадики, шундай сўзларни бъязи ўзларини ақллиман, дейдиганлар атайин ўз фойдалари учун ишлатишади. Биз бўлса уларни тушунмаётганимизни тан олишни истамаймиз. Мен бундай ҳолатни бошимдан ўтказганман. Бир куни брокер билан гаплашиб туриб, унинг сўзларининг ярмини ҳам тушунмадим, ўшанда мен сизни тушунмаяпман, дегани уялиб, мени аҳмоққа чиқармасин, деб ҳамма гапини тасдиқлаб тураверганман.

– Тан олайнин, икки ой олдин мен ҳам шундай хатога қўл урдим, - деди кулиб Лесли. – Мен янги Италия ресторанинг очилиш маросимига бордим, унинг эгаси менинг мижозим эди. Меҳмонлар фонд биржаси ишларини муҳокама қилишарди. Гап ўзининг акцияларини кенг оммага сотаётган қайсиdir янги компания ҳақида бораради. Компания ҳақида яхши гаплар бўлаётганди, аммо гапларнинг ичидаги тушунарсиз сўзлар ҳам эшитилиб қоларди. Мен эса унда (жаргон) сўзларни тушунмайман. У ерда акцияларга нисбатан баҳо ва биржа чиқим катировкалари ҳақида ҳам гап бораради. Улар ўта шижаот ва ишонч билан гапиришарди. Мен ҳеч нарсанни тушунмасам-да, менда тасаввур уйғондики, бу ерда ҳеч ким билмайдиган бир сир бордай туйилди. Эртасига мен акциялардан сотиб олдим. Бу икки ой олдин бўлганди, бугунга келиб, акциялар нархи икки баробарга тушиб кетди, компаниянинг келажаги ҳақидаги ижобий гаплар пуч бўлиб чиқди.

Мен кулиб юбордим.

– Сенинг акцияларни сотиб олиб, бир оз пул ишлайман, деган истагингнинг хайрон қоларли жойи йўқ. Ҳаммамиз эртакларга ишонишни хоҳлаймиз, албатта, – Леслини тинчлантиридим. – Агар сени қуида айтадиган сўзим тинчлантиrsa, айтай, мен ўзим олтин тухум қўядиган товуқни сотиб олдим, деб ўйлаганман! Мен пулларимни хусусий акциядорлик фондига қўйдим. Менга айтилган даромадларга эртакка ишонгандай ишонгим келган. Мен бойлик оқиб келадиган формуласи топдим, деб ўйлаганман. Лекин ўшанда экспертилар айтган сўзларни тушунмаганман. Мен улар ҳаммасини билишади, деб ўйлаганман, сўзларининг ростлигини текшириб ҳам кўрмаганман. Охир-оқибат билсам, компаниянинг ишлари пачава ва унинг эгаси қамалаётган экан. Бу масаланинг хотимаси шуки, мен профессионал жаргон сўзларни билмасдим ва уни ўрганишни истамадим, чунки эртакларга ишонишни афзал билардим.

Лесли енгил тин олди:

– Бундай бўлгани яхши бўлмабди, лекин мен энди ҳамма ҳам хато қилишини ва бундай тушунарсиз сўзларни тушунмайдиган фақат ўзим эмаслигимни билиб, сал кўнглим тинчланди.

– Менимча, сенга қуидаги ҳикоям ҳам ёқса керак, – дедим мен. – Бир куни Роберт Нью-Йоркнинг молияга таалуқли телекўрсатувларидан бирида чикиш килаётганда бошловчи кийин ибораларни ишлатади. Муҳокама ўртасида Роберт бошловчининг сўзини бўлиб: “Мен оддий сўзларни ишлатишни ёқтираман”, деди. Кўрсатув давомида Роберт тушунарли, ҳаммага етиб борадиган сўзларни ишлатиб сухбатни ўтказди. Кўрсатув тугагач, олдимизга ўттиз ёшлардаги яхши кийинган киши келди-да, унинг қўлидан тутди. У Уоллстритда ишлашини айтди ва: “Мен ҳозир кўрсатувни кўрдим, сиз ҳаммасини барча тушуна оладиган тилда гапирганингиз учун миннатдорчилик билдиromoқчиман”, деди. Кўринишидан молияга алоқаси бор одам сифатида бу гаплар сидқидилдан айтилганди.

– Раҳмат! Анча енгил тортдим, – деди Лесли. – Ўйлашымча, кўп аёллар сармоялаш оламида ўзларини ақлсиздек хис қиласалар керак, чунки менга ўхшаб ҳеч нарсага тушунмайдиган одам фақат ўзимман, деб ўйлашлари аниқ. Энди мен тушундим, асосийси ўқиб-ўрганишни бошлаш ва аста-секинлик билим захирасини тўлдириш экан.

Хайрлашиш олдидан у қуидагиларни айтди:

- Менга вақт ажратганинг учун раҳмат! Мен кўп нарсани тушундим ва билиб олдим. Яна қачон Нью-Йоркка келасан?
- Икки ойлардан кейин, – жавб бердим мен.
- Вақтинг бўлса, кел, учрашайлик, – таклиф килди Лесли. – Тушлик мендан!

НИМАНИДИР ТУШУНМАЁТГАНИНГНИ ҚАНДАЙ ТУШУНИШ МУМКИН

Бу саволга жавоб беришимда кўп йиллардан бери ўқитиш методи (услуби) билан шуғулланиб келаётган дугонам ёрдам берди. У мендан сўради:

- Сен бирор сатрни ўқийсан-ку, тушуна олмайсан, сенда шундай бўлганми?

Ҳа, – тан олдим мен, – бундай нарса кўп бўлади.

Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, агар одам ўқиши пайтида тушунмаган сўзга дуч келса, унинг эътибори мазмундан чалғииди ва тушунмаган ҳолда гапни қайта ўқииди ёки сатрни бир неча бор тақрорлайди. Сўзнинг нима ҳақдалигини тушунмаса, у бир бутун гапни тушунмайди. Бу муаммони қандай ечишни дугонам билан сұхбатлашдим.

- Ҳаммаси оддий, – жавоб берди у. – Шунчаки ўша нотаниш сўзни тушуниш учун луғатга қараш керак ва ўқишини давом эттириш лозим.

Шунинг учун ҳам мен ҳамиша ўзим билан луғат олиб юраман ва агар бирор сўзни икки бор қайтариб ўқишини бошласам, дарров луғатга қарайман.

Профессионал жаргонлар сармоялаш соҳасида жуда кўп. Баъзида мен тўртта тушунмаган сўзлар билан келадиган

гапларга дуч келаман ва уларни ўзимча кераксиз, деб ҳисоблаб, ўқигим келмай туради. Лекин барибир луғатни очиб, уларнинг аҳамиятини билишга ва эслаб қолишга ҳаракат қиласман. Баъзан мен мактаб дарслкларини ёдимга оламан ва янги сўзлардан гап ҳосил қилишга ҳаракат қиласман.

Ва бу ёрдам беради! Олдинига кўп вақт кетади, бироқ ўқиганларимни тушунишим осонлашиб боради ва менинг луғат бойлигимга кўп янги иборалар қўшилиб боради.

КЎП НАРСАНИ ТУШУНИШ – ЯХШИ НАТИЖА

Кўп хонадонли кўчмас мулк борасидаги битимлар ҳақида бир брокер билан сухбатлашдим. У менга ибораларни айта бошлади:

Қарз микдорига тегишли баҳо 80 фоизни ташкил қиласди. Молиялаштириш нормаси - 9 фоиз. Даромаднинг ички қўйилмаси – 19 фоиз.

- Молиялаштириш нормаси нима ўзи? – сўрадим.
- Норма қанча баланд бўлса, битим шунчалик фойдали, - жавоб берди у.
- Хўп, майли, лекин бу тушунча нимани англатади? Ўша норма қандай ҳисобланади? У нимани ўлчайди?

У нима деб тушунтиришни билмай деди:

- Бу унчалик керакли нарса эмас, асосийси бу уй – фойдали молиялаштириш.
- Аслида эса у ўзи нима ҳақда гапираётганини ўзи тушунмасди. У ибораларнинг аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб ишлатаётганди. Бундан ташқари, у айтадиган рақамларнинг ҳам мазмун-моҳияти йўқ эди. Битим эса умуман фойдали эмасди ҳам.

УЧТА ОДДИЙ ҚОИДА

Сармоядорнинг профессионал жаргонларини ўрганиш учун учта қоидага амал қилинг:

2. Ҳар куни луғат бойлигингизни кенгайтириб боринг.

Тушунарсиз сўзни эшитиб ёки ўқиб чўчиманг, асосийси лоқайдлик қилманг. Агар нотаниш ибора сухбатда учраса, сухбатдошингиздан тушунтиришини сўранг ёки лугатга қаранг. Агар бундай иборалар телевизор орқали гапирилдими ёки сатрларда учрадими, дарров яна лугатни очинг.

2. Сўранг.

Қизикинг. Бу мавзуда маълум бир тушунчага эга бўлсангиз ҳам, сўранг. Ҳамиша бирор янгиликни билиб олишингиз мумкин. Ундан ташқари, агар сиз экспертга савол берсангиз, ўргангизда тушунча пайдо бўлади, мутахассис сифатида у сизнинг мавзу бўйича қизиқишингизни кўра билади.

3. Аҳмоқ бўлиб кўринишдан кўрқманг.

Билмаганингизни қўрқмай тан олаверинг. Ҳамма нарсани билгандай ўзингизни тутсангиз, ҳеч нарсани ўрганолмайсиз. Бу манманлик одамнинг билим олишига халақит беради.

Мен аёлларнинг устун томонини бир нарсада кўраман, бизни ҳеч ким пул билан муомала қилишга ва сармоядорлик билан шуғулланишга ўргатмаган. Бу бизга ҳеч қандай виждон азобисиз билимга эга эмаслигимизни айта олишимизга изн беради. Биз савол беришдан чўчимаймиз, ҳаммасига чиндан ҳам бизда жавобнинг ўзи йўқ, аслида ўзимизни мукаммал аёл деб ҳисобласак ҳам, молиявий томондан анчагина билимсизмиз.

Сизни тушунарсиз иборалар ва профессионал жаргонлар тўхтатиб қўйишига йўл қўйманг. Ахир, булар шунчаки сўзлар-ку. Уларнинг йўналишларини лугатдан топиш мумкин. Қўрқишидан кўра доим янги сўзларни эшитсангиз ёки учратсангиз, кувонинг, унинг моҳиятини тушуниб, малакали сармоядор сингари ақллироқ бўласиз.

ЎНИНЧИ БОБ

«МЕН ЎЛГУДЕК ҚҮРҚАМАН!».

*Ҳар доим тўхтаб, қўрқув юзига тик боқча-
нингда довюрак ва кучлироқ бўлиб борасан ва
ўзингга ишонч ошади. Сен қила олмайман, деб
ўйлаган ишингга қўл уришинг керак.*

Элеонора Рузвельт

Кўркув ҳакида гаплашамиз.

Кўпчилик аёллар сармоялаш ҳакида гап кетганда ўзла-
рида қўркув ҳиссини туйишларини инкор қилмаслигимиз
керак. Доим бир хил саволни эшитаман, айниқса, янги сар-
моядорлардан: “Кўркувни қандай енгиш мумкин?” Агар сиз
ижарали кўчмас мулк сотиб олишингизда ёки бирор бизнесга
пул тикиш олдидан ўлгудай қўркувни ҳис қиласман, деб ўй-
ласангиз, хато қиласиз, шуни билингки, сиз ёлгиз эмассиз.

ҚЎРҚУВНИНГ ФОЙДАСИ ВА ХАВФЛИСИ

Кўркувнинг ижобий томонлари ҳам бор. Хавфли вазият-
ларда кучларимизни бирлаштириш салоҳиятимизни уйғоти-
ши мумкин. Мисол учун тун ярмида ғалати овозни эшитасиз.
Уйга бирор бегона киши кирди, деб ўйлаб ҳамма чораларни
кўрасиз. Ёки қоронғуда парк ичидан кетяпсиз, шу пайт бир-
дан сизни қўркув босади ва сиз тезроқ ҳавфсиз жойга чиқиб
олиш учун шошиласиз. Ёхуд кучли кор бўронда машина ҳайд-
аб кетаётганингизда қўркув сизни машинани тўхтатиб, чет-
га чиқиб бўроннинг тугашини кутишга мажбурлайди. Шунга
ўхшаш вазиятларда қўркув фойдали бўлади.

Аммо у бузғунчи кучга ҳам эга. Қўркув бизни ҳимоя қи-
лиши ва огохлантириши билан бир қаторда орзуларимизни,
умидларимизни, шахс сифатида юксалишимизни, тўкин
ҳаётда яшашга бўлган интилишларимизни сўндириши ҳам
мумкин.

Агар нотаниш ҳудудга бориб қолганингизда енгил кўркув ҳам халақит қилмайди. У яна бир бор диққат билан ўша ҳудудга боғлиқ бўлган рақамларни, янгиликларни, сизни қизиқтирга нарсаларни кўриб чиқишига мажбур қиласди. Енгил кўркув доим сергак бўлишга чорлаб, баъзан жиддий хатолардан сақлаши мумкин. Бу ҳолатда у биз учун беминнат хизмат қиласди.

Лекин шу билан бирга кўркув бизни шол қилиб қўйиши ва бу вазиятда биз ҳеч нарса қила олмай қолишимиз ҳам мумкин. Бундай пайтда ўйлаб ҳам ўтирамай, автоматик тарзда ҳар қандай имкониятларга рад жавобини берамиз. Биз фақат таваккалчилик салоҳиятини кўрамиз ва ҳар қандай молиялаштиришга қарши бўлган баҳоналарни қидирамиз. Оқибатда хато қилишдан кўркиш, пул йўқотишдан кўркиш, ажабланиб қолишдан кўркиш ғолиб чиқади.

Нима учун кўркув бизни тўхтатишига изн берамиз? Бунга иккита сабаб бор.

Биринчиси, «Мен ўламан!»

Онгнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, у бизнинг ҳаётдаги хавфли вазиятларда кўркув салоҳиятимизни огоҳлантиради. Бироқ онгимиз баъзан хавфсиз вазиятларни ҳам хавфли деб баҳолаши мумкин. Мисол учун: “*Сармоялаш таваккалчиликка асосланган! Мен кўп пул йўқотаман! Ҳисобларимни тўлай олмасам-чи?! Кредитга сотиб олган уйимнинг тулини тўлай олмасам-чи?! Банк уни олиб қўяди! Мен бошпанасиз қоламан! Кўчада қоламан! Эй Худо, мен ўламан!*”

Йўқ нарсага ваҳима! Ҳа, онг биз билан шундай “ҳазиллашиши” мумкин. Нима, биз биргина сармоялашга жазм қилиб, чиндан ҳам ўлиб қоламизми? Албатта, йўқ. Аммо баъзан автоматик тарзда пайдо бўлган тушунарсиз ҳаракат бизнинг қилмишларимизни бошқаради.

Сармоялашда сизни шол қилувчи кўркув эгаллаб олаётганини сеза бошласангиз, биринчи навбатда шуни билингки, бу ҳолат ҳаётингизга хавф солмайди; иккинчидан, ҳаммасини тарозига кўйинг ва ўлчаб кўринг. Фойда нимада? Тавак-

калчилик нимада? Уни қандай камайтириш керак? Бошқача қилиб айтганда, серкирра фикрлашга ҳаракат қилинг.

ҚҮРҚУВ БАҲОНАГА ЎХШАЙДИ

Иккинчи сабаб – ўзимизни тутишимизда. Бизни қўркув бошқаришининг боиси – қўркувни босиб ўтиш ўрнига биз нохуш вазиятлардан қочишни афзал биламиз. Бирор билмаган нарсамизга ёки қийинчиликка дуч келсак, дарров нокулайликни ҳис қиласиз. Бу ҳолатда биз учун оддий қарор – умуман ҳеч нима қилмаслик.

Мисол учун сизнинг катта йиғилишларда гапиришингизга тўғри келганми? Мутахассисларнинг айтишига қарангандо, одам ҳаммасидан ҳам кўпчилик олдида гапиришдан кўркар экан. Қўркувни енгишдан кўра гапирмай қўя қолган яхши-да.

Яххиси, қўркувга тик боқиши керак, машқ қилиш учун сўзларингизни қофозга ёзинг, кўпчилик олдида чиқиши қилишни ўрганинг, қайта-қайта машқ қилинг ва кейин минбарга чиқинг. Бу жараённи босиб ўтсангиз, сиз ривожланасиз ва кучли бўласиз. Агар чўчитадиган вазиятлардан қочаверсангиз, кучсизланиб бораверасиз.

Агар бирор нарса сизнинг ҳаётий ривожингизни оширса, янги босқичга олиб чиқса ва янги маъно бағишлиса, сиз буларга қўркув туфайли эришсангиз-чи?! (Масалан, сармоялаш соҳаси бўйича қўйилган биринчи ёки кейинги кадам.) Бу ҳолатда қўркув сизни олдинга итариши ёки, аксинча, ҳаракат қилмасликка баҳона ҳам бўлиши мумкин. Ўз танловингизни ажратинг: қўркувга тик боқиб, чакириққа пешвоз чиқиши ёки нохуш ҳолатдан қочиб, жойингизда қотиб қолиши? Аслида биз ҳеч қачон бир жойда қотиб колмаймиз: биз ўсамиз. Оламнинг атрофимизда мисли қўрилмаган тезликда ҳаракатланиши ва ўзгаришини ҳисобга олсак, бу танлов ҳаётимизни кенгайтириши ҳам мумкин ёки охиригача эзиб ташлаши ҳам мумкин. Учинчи имкониятнинг ўзи йўқ.

ҚҮРҚУВ БЕБАХОДАЙ

Қўрқувни яхши шерикка айлантириш мумкин, агар у ҳаёт учун хавф солмаса, шахсий ўсиш ва ривожланишда имкониятлар туғдирса. Қўрқувни енгиб ўтиб, ғалабангиздан руҳланниб, ўзингизда тасаввурга сифлас даражада ёқимли ҳиссийтни ҳис қила бошлайсиз ва бу ҳолатда сиз умуман бошқа одамга айланасиз. Қўрқувга ривожланишнинг бир қисмидай қарашга ҳаракат қилиб кўринг. Ундан қочиши ўрнига унга тик бокинг ва англанг, у сизни мукаммалликка чорлаяпти, албатта, сиз уни енгиб ўтсангиз.

Ралф Уолд Эмэрсондан бир ажойиб айтилган гап бор, у менинг ҳаётимни ўзгартириб юборган: “*Кимки қўрқув билан ҳар куни курашмас экан, у ҳаёт сирларини билмабди*”.

ОГРИҚНИНГ ИККИ ТУРИ

Қариб қолган одам: “Агар менда бўлганда ...” (қолганини ўзингиз тўлдиринг); “Агар мен қилганимда ...” (буни ҳам ўзингиз давом эттиринг), у шундай гапларни гапирса, жуда ачинарли. У кўп нарсаларни қилиши, олиши мумкин эди, аммо омадсизликдан қўрқиши, ажабланиб қолишдан қўрқиши, топганидан айрилиб қолишдан қўрқиши туфайли ортга чекинган. Қўрқув қандай бўлишидан қатъий назар, у истакдан, яхши ҳаёт кечиришдан, ўзини шакллантиришдан устун чиқкан. Таниқли лектор Энтони Роббинс қачондир айтганди: “Иккита оғрикли нарса бор: омадсизлик оғрифи ва афсусланиш”.

Менга қолса, ҳар куни муваффақиятсизлик оғригини ҳис қилишни истаган бўлардим, чунки афсусланиш оғрифи – жуда ёмон жазо. Баъзан жавобдан қочаман. Баъзан таслим бўламан. Ўша пайтларда менда танлов бор бўлган, аммо мен қўрқоқликни танлаб, мардлик қила олмадим.

Мени ҳеч ким бирор нарса қилишга ундумаган, ҳаммасини ўзим танлаганман. Буларни эсласам, юрагимни тирнайдиган нарса бу – афсусланишдир.

Кимдир каръерасидан воз кечгани учун афсусланади. Кимдир бирор аёл унинг ва оиласи ўртасига тушиб қолғанидан афсусланади. Аёллар орасида энг кўп тарқалган афсусланиш оғриғи бу – “кулайлик” ва “енгиллик” учунгина самарасиз никоҳни сақлаб қолиш.

Мен ҳеч бирингиз ўз молиявий қизиқишиларингизни эътиборсиз қолдириб, уни бошқа кишининг измига топшириб қўйиб, кейин афсусланишингизни истамасдим.

Албатта, номаълумликка тик боқиши ва ўз ҳаётини ўзгартириш учун оз-мунча ғайрату мардлик керак бўлмайди. Лекин биз ҳар сафар кўрқоқликни мардликка алмаштирасак, ўйиндан ғолиб бўлиб чиқамиз, чунки биз ўсамиз ва зўр бўлиб борамиз. Бундай танлов ҳеч қачон афсусланишга олиб келмайди.

ЖАСУРЛИК ОНЛАРИ

Ҳаммамиз ҳам ўтмишимизни эсласак, бирор вазиятда ўзимиз жасурлик кўрсатган ёки бирор кишининг шундай йўл тутганига гувоҳ бўлган бўлишимиз мумкин. Яқинда мен шундай ҳолатни кузатдим.

Етти ёшли қизча ҳаётида биринчи бор бассейнга баландликдан сакрашга чоғланди. У юрагида қўркув билан пиллапоялардан чиқиши бошлади, оёқларида қалтироқ, қўллари билан ушлагичларни маҳкам ушлаганча тепага чиқиб бораради. Белгиланган тепаликка чиққандан сўнг унга гўё бу баландлик бир километрга тенгдай эди. Нихоят, ушлагичлар тугади, у сакраш тахтаси билан юзма-юз қолиб, турган жойида бироз туриб қолди. У гўё у ерда бир умр туриб қолгандай эди.

Ишончсизлик билан тиззалари қалтираганча у тахтанинг қирғогига келди, мана ҳақиқат онлари келди: бу қўрқинчли сакрашни амалга оширсинми ёки ортга қайрилиб, пиллапоялардан қайтиб тушиб: “Мен буни қила олмайман!” десинми? У яна бир неча дақиқа туриб, бор жасурлигини жамлаб, чукур нафас олиб, кўкрагини ҳавога тўлдириб, вужудини қотирганча мавҳумлик томон сакради.

Сувда сакраш ҳосил бўлди. Сувдан қалқиб чиққанида эса қизчанинг юзларини табассум эгаллаганди. “Мен буни уддаладим!” қичкириб юборди у. У буни килишдан олдин ўлгудай кўрқанди. Кейин-чи, кейин нима? У пиллапоядан чиқиб, яна сакради... яна ва яна...

Бу қизалоқнинг ҳаракати бизнинг ҳолатимиздан ўзгача эмас. Вазият бошқачадир, аммо кўрқинч ва карор қабул килишдан олдинги даҳшат – сакрашми ёки сакрамасликми, бассейнгами ёки бошқа бирор янги нарсагами, барибир, биз ҳам шундай ҳолатни ўзимизда ҳис қиласиз.

ҚЎРҚУВНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ КЕРАК

Сармоядорлик ишларида биз кўпинча нотаниш ҳудудларга дуч келамиз. Кўпчилигимиз ҳеч қилмаган ишимизни қилишни бошлаймиз. Бизда малака бўлмаслиги мумкин ва, албатта, саволларга тайёр жавоблар йўқ, бирорта сармоядорда ҳам. Кўп нарсани ўрганишга тўғри келади. Хато қилиш эҳтимоли катта. Ҳаммасига ўз пулларимиз билан ҳам таваккал қиласиз ва бу вазиятнинг мураккаблигини оширади.

Кўрқув турли кўринишга кира олади. Мисол учун пул йўқотишдан кўрқиши ёки хато қилишдан кўрқиши (аслида бундан чўчиш шартмас, чунки биз ечим топганмиз, хато қилишдан қочиб бўлмайди). Эшитган бўлсангиз керак, аёллар кўпроқ кафтларини очганча кўчада қолишдан кўрқишиади (ёши ўтиб қолган аёлларнинг ҳолатлари бўйича статистикага назар солсак, бу кўрқув ўзини оқлади ҳам). Кўрқувингиз қандай бўлмасин, унинг борлигини тан олинг. У билан курашишнинг йўли - ўқиб-ўрганиш ва малака. Сармоядорлик илмини қанчалар кўп ўргансангиз, шунчалар ишонч билан қарорларни қабул қиласиз. Тез-тез маблағ қўйсангиз, шунча тез ўзингизга ишочингиз ортиб, мослашиб бораверасиз. Бора-бора кўркувнинг таъсир кучи сусайиб бораверади.

ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН МАШҚ

Вақти-вақти билан ҳаммамиз қўркувни ҳис қилиб турмиз, баъзан эса даҳшатга тушамиз. Буни қандай енгиси мумкин? Кўп йиллар олдин яшашни ўрганиш курсига қатнашдим, у ерда асосан қўркувни бошқаришни ўргатишарди. Машқларнинг бирида телефон бўткасига ўхшаш ёғочли устунга чиқиб тик туриб, кейин бир қадам ташлаб, ёнидаги арқонга осилиш керак эди. Менга ўша тепада бир қадам ташлаш жуда қийинга ўхшаганди. Лекин мен хато ўйлаган эканман. Устунни қучоқлаганча тепага чиқар эканман, ўзимча “Унчалик қийин эмас экан-ку”, деб ўйладим. Аммо деаметри 26 сантиметрлик ёғочнинг устига қўлим текканида менинг вужудимни ҳақиқий даҳшат эгаллай бошлади. Машқнинг энг қийин жойи шу ери экан: устун учига чиқиш ва ҳеч нарсани ушламай тик туриш. Мени қўркув шол қилиб қўяёзди. Мен турган жойимда ёпишиб қотиб қолдим.

- Нима бўлди? – деди ўргатувчи.
- Қўркувни қандай енгишим керак? – қичқирдим мен.
- Ундан халос бўлишга ҳаракат қилма, уни бошқаришни ўрган, шунчаки бир қадам ташла, - деди у.

Мен ҳамма кучимни йигиб, бир оёғимни устун учига кўйдим, кейин иккинчисини. Мен кичкинагина майдончада товонларимнинг ўзигина сифадиган жойда мувозанатни сақлаш учун икки қўлларимни ёйганча тик турардим. “Мен уddaладим!” деб ўйладим. Кейин мени яна қўркув босди: энди мен икки метрча нарида турган арқон томон қадам ташлаб, уни ушлашим керак эди. Мен ўзимча ўргатувчининг сўзларини ичимда қайтарардим: “Қўркувни бошқариш керак. Шунчаки навбатдаги қадамни ташла”. Мен ўпкамни ҳаво билан тўлдириб, арқон томон сакрадим. Мени ерга туширишганида чиқишимдан олдингидан кўра баттар қалтиардим.

- Сен машқни ўргандингми? – сўради ўргатувчи.
- Бўлмасам-чи! Мен уни вужудимнинг ҳар бир заррача-си билан эслаб қолдим.

ИЛК САРМОЯЛАШДАГИ ҚҰРҚУВНИ ЕНГИШ

Мен таниқли компаниянинг офисида ўтириб, биринчи ижара хуқуқига эга күчмас мулкимни сотиб олиш учун шартнома қилаётганимда құрқувни ҳис қилғанманми? Ҳа, мен даҳшатта тушгандим!

1989 йили Роберт ўша яшашга ўргатувчининг овози билан айтиб қолди:

– Ким, сенинг сармоялаш билан шуғулланиш вақтинг келди.

– Сармоялаш билан? Нима демоқчисан? – дедим мен уни тушуна олмай.

Роберт қисқача қилиб унга бой отаси сармоялаш ва күчмас мулк ҳақида айтган гапларини менга гапириб берди:

– Карор қабул қилиш сендан.

“Фақат бу эмас! – хаёлимдан ўтказдим мен. – Наҳотки, яна устунга чиқишимга түғри келса”.

Сармоялашга ўрганиш жараёним шундай бошланди: Роберт менга биргина маслаҳат берди: “Ўз ҳудудингни ўрганиб чиқ”. Мен шундай қылдым. Яшаш жойимиздан унчалик узок бўлмаган жойда кичик-кичик уйлари билан шаҳарча жойлашганди. Марказдаги манзарали боғ, дўкончалар ва ресторанчалар ўтмишни эслатиб турарди.

Ҳамма сотувга кўйилган уйлардан икки ҳабхонали, боғчаси ва гаражи бор коттежни танладим. Кираверишда бўяб кўйилган, темирдан ясалган капалакчаси ҳам бор эди. Уй қойилмақом эди. Унинг сотилиш баҳоси 45 минг доллар, олдиндан тўлов 5 минг доллар эди. Мен ҳисоблаб чиқдим, ойлик рент тўлови, солиқ, коммунал тўловлар, сугурта ва кўйилма тўловлардан кейин менинг чўнтағимга тахминан 50-100 доллар келиб тушар экан.

Бу менинг биринчи битимим бўлгани учун тўла тушуниб етмагандим, нима қилиш кералигини ҳам билмасдим, шунинг учун ҳам ҳаммасини қайта текшириб чиқдим: томни, сув тизимини, бино структурасини, солиқлар, сугурта – хуллас, ҳаммасини. Бир неча кўчмас мулк мутахассислари би-

лан ҳам рент микдорини белгилаб олиш учун сұхбатлашдим. Мен ҳамма майда-чуйдаларгача күриб чиқишига ҳаракат қилдім.

Аммо барибир пулни беріб, ҳужжатларни имзолашға келгандың күлларим ҳадикдан қалтирарди. “Ҳаммасини бир неча бор күриб чиққан бўлсам-да, нега бунчалар ҳадиксирайман?” деб ўзимга савол берардим. Кейин яна ўзимга дедім: “Шунчаки бириңчи қадамни бос!”

Олдин ҳам айтганимдек, бу менинг кўчмас мулкка бириңчи бор пул тикишим эди, ҳаммасини бир бошдан күриб чиққан бўлсам-да, лекин бу илк қадам бўлгани учун ҳам барибир менда тўла ишонч йўқ эди. “Агар адашган бўлсам-чи? Бирор нарсани қўздан қочирган бўлсам-чи? Ойига даромад кўрмай, зарар кўраверсан-чи? Уйда муаммо туғилса-чи, сув тизимидали, томдами? Пулларимдан айрилиб қолсам-чи?” деб ўзимдан сўрардим. Битимга имзо қўйиш учун ўтирибман-ку, бошимда шунча савол айланарди.

“Балки битимни рад қилганим маъқулдир? Бу ҳаммасидан осонроқ-ку. Балки сотиб олишдан олдин яна бир бор мукаммал текшириб чиқсаммикан? Бу шунчалик фойдали битим экан, нега бошқа одамлар буни қилишмади?” Ҳамма тахминлар ўринли эди. Мен битимдан воз кечишимни қўллайдиган ўнлаб одамларни топишим ҳам мумкин эди.

Аммо мен ўзимга дедим: “Ким, сен бу уй ҳақида билишинг керак бўлган ҳамма нарсани билиб бўлдинг, битим фойдалига ўхшаб турибди. Агар ҳозир рад қилсанг, сен шу билан умуман кўчмас мулк билан шуғуллана олмайсан. Ҳозир ёки ҳеч қачон! Бириңчи қадамни кўй”. Шундай ўй-хаёллар билан қоғозларга имзо чекдим ва офисдан боши баланд кўтарилигандай аёл, кўчмас мулк эгаси бўлиб чиқдим.

Бу уйни сотиб олиб хато қилдимми? Ҳа, хато қилдим. Бу хатоим пулга тушдими? Ҳа, тушди. Мен кўзлаган даромадимни олдимми? Йўқ, олмадим. Бу сармоялашим менинг ҳаётимда муҳим рол ўйнадими? Ҳеч қандай, ажабланишсиз... Ҳа, албатта, у бириңчиси эди. У менинг бириңчи қадамни босишимга ёрдам берди. У менга сармоядорлик оламиининг

шикларини очиб берди. Ундан сўнг мен кўп битимларни имилга оширдим. Ҳар бир сармоялашдан сўнг мен янги битимга эга бўлиб бордим. Шу билан бирга ақли ҳам. Чиндан ким бу жараённи қадамма-қадам босиб ўтиш лозим.

БИР САРМОЯДОРНИНГ ТАРИХИ

Менимча, бир аёлнинг кўчмас мулкка пул сармоя кири-таётганда кўркув юзига тик қараб, ишини бажариб, муваффакиятли сармоядорга айлангани ҳақидаги ҳикоя сизларни рухлантирса керак.

ВАЙДАНИНГ ҲИКОЯСИ

“Эrim иккимизнинг унча катта бўлмаган хусусий иши-миз бор эди. Биз жуда тез олдинга қадам босардик-ку, аммо қаёққалиги аниқ эмасди. Кундан кунга заарга кириб борардик.

Ёшим қирқ еттида, икки фарзандимиз коллежда ўқиса, яна учтаси биз билан яшарди. Ўз билимимни ошириш ва кўчмас мулк бўйича яхши битимни кўриб чикиш мен учун жуда қийин эди, лекин ўзим ва оиласам учун бирор нарса қилишим керак эди. Эrim мени қўллаб турарди ва иккимиз ўқиб-ўрга-нардик. Биз мен кўчмас мулк билан, у эса сармоядорликнинг бошқа соҳаси, яъни акция ва опцион билан шуғулланишга келишиб олдик.

Нихоят, биринчи битимни тузиш вақти келганда қарор қабул қилишга қийналардим. Мен бу битимга бор пулимни тикишимга тўғри келаётганди-да. Шунинг учун ҳам ҳар солда ўз қароримни ўзгартирадим. Менга азиз бўлган яқинларим қўллашмаганда, билмадим, бу битимдан воз кечган бўлармидим?

Шу ўтган икки йил мобайнида ўқиб-ўрганиш учун оз-мунча пул сарф қилмаганимни мен ўзимга доим эслатиб турардим. Бу эслатишнинг фойдаси шунда эдики, у ичимдаги овозни, мен ҳеч нарсани тушунмайман, мен ҳеч нарсани

уддалай олмайман, мен бу кетишда ҳамма оилавий йиққан пулимизни йўқ қилишим мумкин, деган ичимда бақираётган овозни босиб турарди.

Хозирги кунда мен ортимга қарамайман ва чин дилдан кувониб кетаман. Мен ўша биринчи битимимни амалга оширдим ва ҳозирда доим яхшигина рент пулини олиб турибман. Мен янги сармоядорликларни амалга оширишим учун яна кўп ўқиб-ўрганишим керак. Борган сайин акллироқ бўлиб, ўзимга ишончим ортиб боряпти ва бундан ўзим жуда роҳатланиб кетяпман.

ҮН БИРИНЧИ БОБ СИЗ ҚАНЧАЛАР БОЙСИЗ

Аёл зоти борки, агар унинг ўз ҳамёни бўлмаса, доим қарам бўлиб қолаверади.

Элизабет Кейди Стентон

Бир куни эрталаб электрон почтамни очиб, анчадан бери кўрмайтган манзилга кўзим тушди. Хатда қуйидагилар ёзилганди: “*Салом, Ким! Бу Женис! Мен Финиксга эртага бораман. Мен билан тушлик қилишга бир соат вақт ажратма оласанми? Чao! Женис*”.

Мен жавоб ёздим: “*Салом, Женис! Мен эртага чиндан ҳам бўйман. Ўзимнинг ҳам сен билан учрашгим келиб турганди. Учрашгунча! Ким*”.

Биз учрашув вақти ва жойини келишиб олдик. Охирги хатида Женис қуйидагиларни ёзганди: “*Биласанми, Ким, Нью-Йоркдаги суҳбатимиз ҳақида кўп ўйладим. Мен сенинг сўзларингни борган сайин тушуниб боряпман, айниқса, ўз бизнесим борасида. Мен сен билан ҳаммасини яна ўтириб муҳокама қилмоқчиман. Эртагача хайр! Женис*”.

Бундан кўриниб турардики, бу учрашув Женис учун жуда муҳим эди. Чунки у ҳаётида биринчи марта учрашувга ол-

динроқ етиб келди! Мен кириб борганимда у стол атрофида ўтириб, ким биландир телефонда хайрлашаётганди.

У ўрнидан туриб, мени маҳкам қучоқлаб сўрашди.

- Кўринишингга гап йўқ! – деди жилмайиб.
- Менга қўнғироқ қилганингдан жуда хурсандман, - дедим мен. – Сенинг ҳам кўринишинг жуда яхши.

Биз икки соат тинмай гаплашдик, ҳатто овқатланганимизни ҳам билмай қолгандик.

– Қани айтиб бер-чи, қандай яшаяпсан? - бошладим мен.

“Мени пул бошқаряпти!”

Охирги учрашувимиздан кейин жуда кўп ўйладим. Ҳали ҳаммасини тушуниб етмаган бўлсам-да, аммо баъзи нарсаларни тасаввуримга сиғдира оляпман, агар пул масаласидаги муаммо бўлмаганда. Менинг бирдан-бир муаммоим шундаки, шунча йиллар мобайни мен пул учунгина ишлаб юрган эканман. Ўзимнинг бизнесимни ривожлантириш менга яхши бўлиши ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман, - тан олди Женис. – Мана бир мисол: ўтган хафта мен иккита йиғилишга бормокчи бўлгандим, иккиси ҳам бир кунга белгиланганиги учун танлаш керак бўлиб қолди. У ердаги учрашувда чакана савдо соҳасида фаолият юритадиганлар бор эди. Иккинчиси эса унча катта бўлмаган презентация бўлиб, мен у ерда бирор нарса сотишим мумкин эди.

- Хўш, қайсинисини танладинг? – қизиқиб сўрадим.
- Қарор қабул қилишдан олдин мен ўз бизнесимни келажакда ривожлантириш ҳақида ўйламадим, - деди ачиниб Женис. – Мени дарров олинадиган даромад қизиқтириб, презентанцияга бордим.
- Хўш, кейин-чи?
- Мен шунчаки вақтимни бекорга совурдим. Ҳеч нарса сотолмадим, чунки у ерга йиғилганлар менинг мижозларим эмас экан. Энди нариги семинарда қатнашган дўстларим айтишларича эса, йиғилиш уларда яхши таассуротлар қолдирибди. Борганимда иккита бизнес соҳамдаги таникли инсонлар билан учрашган бўлар эканман, афсус. Мен ўз соҳам

бўйича кўп нарсаларни билиб олган бўлардим, аммо яна ўша тез кўлимга келиб тушадиган пул ортидан кетдим.

– Ўрганиб қўйса, зарап қилмайдиган дарс, - дедим унинг хатосига шама қилиб.

– Мен бир нарсани тушундимки, агар бир кунлик пул кетидан кувмасам, хаётим канчалар яхши томонга ўзгариши мумкин экан. Кеча яна бир учрашувдан бош тортдим, у аёл мен икки йилдан сўнг машғул бўлмоқчи бўлган иш билан шуғулланарди. Нима учун учрашувга бормадим, биласанми? Ўзимда ишлайдиган асосий учта сотувчи билан ўтган ойда нега савдо тушуми озайиб кетганини билиб олиш учун мажлис ўтказдим. Тўғри, бу мажлис ҳам зарур эди, аммо уни кейинроқ ёки эртасига ўтказсам ҳам бўларди. Бизнесимнинг юриб кетишига ёрдам берадиган ўша аёл билан эса энди умуман учраша олмасам керак. Жуда ахмоқона иш бўлди.

– Келажакда нима қилмоқчисан? – сўрадим мен.

– Мен хозирда тушунганим - молиявий мустақилликка эришиш йўлидаги биринчи қадамни нимадан бошлишимни биламан. Мен бизнес билан иштиёқ ила шуғулланмоқчиман, унинг ёрдамида ўқиб-ўрганиб ўсмокчиман, мен билан бирга эса мен билан ишлатётган ёнимдагилар ҳам ўз мақсадларига эришишларини истайман. Мана шулар менга чинакам баҳт келтиради, - дугонам бу сўзларни айтганда унинг кўзларида чинакам эхтирос ва шиҷоатни кўрдим.

– Ишончли сабаб, - дедим.

Кейин мен Женисга Лесли билан ўртамиизда бўлган сухбатимизни айтиб бердим, унинг ўзининг ақлий имкониятига ишончи йўқлиги ва молиявий “жаргон”ларни унчалик тушунмаслиги ҳақида гаплашдик. Биз у билан молиячи ва сармоядорларнинг жаргонларини ўрганиш ҳақида ҳам сухбатлашдик.

– Бу чиндан жуда керакли, - рози бўлди Женис, - чунки бу тушунарсиз сўзларни эшитиб, мен сухбатга бўлган қизиқишимни йўқотиб ҳам қўяман.

Тушликнинг охиригача биз у билан молиявий мустақиллик ва пул оқимининг заруратлари борасида гаплашдик.

Кейинги қадам

– Энди мен нима қиласай? Кейинги қадам қандай? - сўраб қолди Женис.

– Ёдингда бўлса, молиявий мустақилликдан асосий мақсад - ишламай туриб ҳар ой ўзингга керакли бўлган пулни олиб туриш...

– Ёдимда ва бу ғоя менга жуда ёқади, - деди у. – Яна сен айтгандингки, молиявий озодликка катта пул керак бўлмайди, деб. Мен эса унинг аксини ўйлаб юрардим.

– Ҳаммаси тўғри. Роберт орқали билиб олган бой отанинг формуласига қараганда, молиявий озодлик учун ҳар кимга турлича миқдорда пул керак бўлади. Ҳар кимга турлича миқдорда!

Мен Женисга 1994 йилда биз Роберт билан қандай молиявий мустақилликка эриштанимизни айтиб бердим.

– Бизга беш йил керак бўлди. Эсингдами, мен сизларга 1989 йилдаги ижара бериш ҳукуқи бор бўлган икки хонали ҳапхонаси билан илк бор олган уйимиз ҳакида гапириб бергандим. Ана шу асосий кўчмас мулк бўлган сармоямиз беш йилдан кейин ҳар ойга 10 минг доллардан пул келтира бошлади. Миқдор унчалик катта эмасдир, лекин ўшанда бизнинг харажатларимиз бир ойга 3 минг доллар эди. Бу эса керагидан ортиқ дегани. Шу йўл билан биз ўша пайтда озодликка эришдик. Бизнинг энди пул учун ишларди ва ҳар ой ҳамёнимизга пул оқиб келарди.

– Демак, мен ҳозирда бир ойлик харажатимни ҳисоблаб чиқишим керак, -деб тахмин қилди Женис.

– Ҳаммаси тўғри! Агар истасанг, ҳозирнинг ўзида бу ишни қил.

– Албатта! – ишонч билан столга мушлади Женис.

Бойликнинг мавқесини белгилаш

– Кел, қанчалар бойлигингни белгилаб олайлик.

– Буни қандай белгиламоқчисан? – сўради Женис.

— Яхши савол, - дедим мен. – Шу тушунчанинг ўзида ҳам анчагина аниқликлар бор. Мен кўп йиллар олдин танишган бир нарсани айтай, бу ажойиб фикр файласуф Бак Минетур Фултурга тегишли. “Бойликнинг кўрсатгичи бу - вақт, яъни инсон ишламай ўтказадиган вақти”.

Бошқачароқ қилиб айтганда, бойлик вақтнинг давомийлиги билан, яъни пул учун ишламай, яшалган кун билан ўлчанади. Калит сўз – “ишламасдан”. Агар сен ишламай кўйсанг, қанчадир маош олсанг, ўша пуллар қанча пайтгacha этиши мумкин?

- Буни қандай аниқлаш мумкин? – сўради Женис.
- Бу жуда оддий, - дедим мен. – Олдинига бир ойлик ҳамма харажатларни ҳисоблайсан. Бир ойга сенга харажатларинг учун қанча пул керак, сен ишламаётган бўлсанг, маош олмаётган бўлсанг, бизнесинг даромад келтирмаётган бўлса?
- Сен ойлик яшаш харажатларимнинг энг пастини айтмоқчисан-да?! Мен бемалол уйда овқатланишим мумкин, ресторонга боришим шартмас, дўконларга ҳам камроқ борсам бўлади, - деди Женис.
- Жуда яхши, бу саволни бериб тўғри қилдинг. Биз бугунги кунингдан келиб чиқиб, бу ишни амалга оширишимиз керак. Гап сал оддийроқ уйга кўчиб ўтиш ҳақида ёки машинани сотиш ва жамоат транспортида юриш тўғрисида кетаётгани йўқ. Мен бундай ортиқча тежамкор тарафдори ҳам эмасман. Молиявий мустақилликнинг нима кераги бор, агар унга эришаман, деб ҳаётнинг лаззатларидан кечиш керак бўлса?! Молиявий озодлик - ўз хоҳишларинг бўйича яшашни бериши керак. Бугунги кунда сенинг ҳаётингда аниқ ўзгариш бўляпти ва биз шу ҳаётингга мос харажатни белгилаб, ҳисоблаб чиқишимиз керак. Бу босқични эса кейинчалик юкорига кўтаришимиз мумкин.

Сиз қанчалар бойсиз? Биринчи қадам

Женис хурсанд бўлиб кетди.

Демак, менинг ҳамма харажатларимни ҳисоблаб чиқсан, у тахминан куйидагича кўринишда бўлади.

У рўйхатни ташлади:

Кўйилмалар бўйича тўлов	2500 доллар
Кўчмас мулк солиғи	300 доллар
Уй суғуртаси	150 доллар

Коммунал тўловлар, телефон:

Кабел телевиденияси	350 доллар
Машина учун тўлов	550 доллар
Ёқилғи (бензин)	150 доллар
Емиш ва кўнгилхушлик	500 доллар

Турли нарсаларни сотиб олиш:

Кийим-кечаклар	500 доллар
Журнал, газета, китоблар	50 доллар
Саёҳат, таътил	250 доллар

Рўйхатни тузишда қуидагиларга аҳамият қаратинг:

- Кўйилмалар бўйича тўлов (ипотека кредит бўйича)
- Кўчмас мулк бўйича буюм учун солик
- Уй учун суғурта
- Коммунал тўловлар, телефон, кабел телевидения
- Рента
- Машина учун тўлов
- Машина харажатлари
- Ёқилғи (бензин)
- Транспорт харажатлари (поезд, автобус, такси)
- Уйда овқатланиш
- Бошқа жойда овқатланиш
- Кўнгилхушлик (концерт, спорт ўйинлари...)
- Сотиб олиш (кийим-кечак, китоблар, уй жиҳозлари, косметик буюмлар...)
- Газета ва журналларга обуна бўлиш
- Саёҳат, дам олиш
- Болалар учун
- Энага
- Билим олиш
- Спорт секцияларига қатнаш
- Тиббиёт суғуртаси
- Уй ҳайвонларига харажатлар

– Яна бошка транспорт харажатлари (кема, мотоцикл, “ғилдиракли уй”)

– Тұхташ жойлари (парковка)

– Бошка турли түловлар

Жениснинг рўйхатини ўрганиб чиқиб, ундан сўрадим:

– Жами қанча чикяпти?

– Тўрт минг тўққиз юз доллар, - деди у.

– Бу ерда ҳаммаси ҳақиқатми?

– Умуман олганда шундай, менимча, кийимга ва кўнгилхушликка кўпроқ харажат қиласман, шекилли. Ўлашимча, бу суммага яна қўшишимиз керак. “Захира” ёки “Яна турли кутилмаган харажатлар”ни қўшсак, яхши бўларди.

– Яхши фикр, - мақтадим мен. – Бу вазифага қанчалар чин юракдан ёндашсанг, мақсадга эришиш осонроқ бўлади. Бир пайтлар биз Роберт иккимизда хеч нарсамиз бўлмаган, бизга энг кийини бир ойда икки марта ҳисобчимиз билан учрашиш эди. Ёқимсиз нарса шунда эдики, ҳар сафар нега биз оз пул оламиз ва кўп харажат қиласмиз, деб суриштиришимиш эди. Аммо ҳаммасини очик-ойдин қилганимиз, ёлғон аралаштирганимиз учун мақсадимизга етишда жуда кўл келган ва қарзларимиздан қутулишимиз осон бўлган. Агар биз ўзимизни ўзимиз алдаганимизда ҳалигача ҳақдорлардан кутилмаган бўлардик, - қўшиб қўйдим мен.

– Мен тушундим, - жавоб берди Женис.

У ўзининг рўйхатидаги баъзи нарсаларга тузатиш киритиб:

– Бир ойлик харажатларим 5,3 минг доллар экан, - деди.

– Қойил, - дедим унинг ҳақгўйлигини назарда тутиб. –

Бу биринчи қадам эди, иккинчи қадамга тайёрмисан?

– Албатта!

Сиз қанчалар бойсиз? Иккинчи қадам

– Кейинги қадам ҳозирда сен қандай имкониятларга эгалигингни аниқлаб беради, бунга маош ва ишлаб топилаётган пуллар кирмайди. Бошқача қилиб айтганда, қанча йиғган пуллинг бор (депозитли сертификатлар ва акцияларда)? Албат-

та, уларни нақд пулга айлантириб, сенинг активинг ортидан қанча пул оқими келишини аниқлад беради.

– Онамнинг тилла тақинчоқлари ва бувимнинг кумуш ошхона қошиқлари бунга кирадими? – сўраб қолди Женис.

– Мен бу рўйхатга ундаи буюмларни қўшмаган бўлардим, - тушунтиридим мен. – Биринчидан, сен уларни сота оласанми-йўқми, сотсанг ҳам, сен айтган пулни беришмайди. Иккинчидан, биз ҳозирги ахволингдан келиб чиқиб бу ишга ёндашишимиз керак. Агар бирор нарсани сотишни истасанг, бу уларнинг нархи тушиб кетишини белгилайди.

– Тўғри айтасан, - деди Женис, - ҳозир мен рўйхат тузаман.

Рўйхат унчалик узун эмас экан:

Жамғарилган пул 18.000 доллар

Акциялар 6.000 доллар

Шу менинг рўйхатим, - деди Женис. – Айтдим-ку, бу кўп вақт олмайди. Менинг ихтиёrimda ҳосил бўлган сумма 24.000 минг долларни ташкил қиласкан.

Сиз қанчалар бойсиз? Учинчи қадам

– Яхши, энди у суммани ойлик харажатга бўлиб чик. Хўш, натижа қандай?

Женис сумкасидан ҳисоблагични олиб:

– Тўрт ярим, - деди у. – Бу нима дегани?

– Бу дегани сенинг бойлик кўрсатгичинг 4,5. Агар сен ҳозир ишламай кўйсанг, сенинг маблагинг 4,5 ойга етар экан.

Жениснинг боши қотиб қолганди, у бироз жимиб колиб, кейин деди:

– Бу ҳеч қанча эмас-ку. Мен ҳеч қачон ахволни бундай йўл билан кўриб чиқмагандим.

– Бу вазиятда муддат узунми, қисқами - бунинг фарки йўқ, - дедим мен. – Бу шунчаки қўзғалиш нуқтаси, холос. Кўпчилик одамлар бирданига ишламай кўйиб, ҳеч нарсасиз қолишган.

– Демак, йигилган суммани олиб, уни ойлик харажатга бўлиш керак экан-да, - аниқлаштириди Женис.

– Ҳа, тахминан шундай. Яна бир ҳолат бор, лекин у ҳақда бир-икки дақиқадан сўнг гаплашамиз, - жавоб бердим мен. – Айтайлик, одам ҳар ой 2,5 минг доллар харажат қилади, унинг йигған пули эса 5 минг доллар. Кўриниб турибдики, бу маблағ билан одам икки ойгина яшаси мумкин. Энди етмаётган муқобилликка келсак. Бутунлигича у қўйидаги кўринишга эга.

Мен салфеткани олиб, унга ёздим:

Йиғилган пул (ёки мавжуд нақд пул) + ишга боғлиқ бўлмаган маблағ, даромад = бойлик кўрсатгичи.

– Менинг ишлашимдан келадиган ҳеч қандай даромадим йўқ. Айнан шу етмаётган нарса, шундайми? – аниқлаштириди Женис. – Хўш, мақсад нима? Умрбодга етгулик бойлик ортириш керакми? Ахир, бу жуда катта пул бўлиши керак-ку!

Мақсад нимадан иборат

– Ҳа, бу жуда кўп пул бўлади, дегани, - деб унга қўшилдим. – Сен ҳақсан: молиявий мустақилликка эришиш учун бойлик тугалмас бўлиши керак.

– Тугалмас? – ҳайрон бўлди Женис.

– Ўзинг ўйлаб кўр, - бошладим мен, – молиявий озодлик ва мустақиллик шуни англатадики, сен ҳеч қачон пул учун ишламайсан, сармоя ҳар ой нақд пул олиб келади, бу эса сенинг ҳар қандай харажатингни қоплайди. Бундан айтиш мумкинки, бойлик тугалмас ва ҳеч қачон тугамайди.

– Агар менга ҳаётимнинг охирги кунлари учун миллион керак бўлиб қолса, терлаб-пишиб ишлашим керак экан-да. Бунинг учун анчагини вақт керак бўлади, менимча, бу мақсадимга ҳечам ета олмаган бўлардим. Етган тақдиримда ҳам ўша миллион тезда тугаган бўларди ва ёшим ўтиб қолган пайтда менинг муаммоларим бошланади.

– Айнан шу ҳақда гапиряпман, - дедим мен.

– Менга керакли пул оқими миқдори харажатлар миқдори билан ўлчанар экан-да. Агар мен бир ойга қанча харажат қилишимни билсам, сармоям қанча пул келтириши керакли-

гини аниқлаб ҳам оларканман, - деди Женис хаёлига келган сўзларни тилига чиқариб.

– Мана сен тушуниб олдинг! – жилмайдим мен. - Мана шу пул оқимиdir. Келадиган пуллар, сармоядан келиб тушаётган пуллар пассив даромад дейилади – чунки сен бу пулларни ишламай топасан.

Женис ҳаяжон билан:

– Демак, мен ҳар ой ишлайманми-йўқми, 5,3 минг доллар пул туширишим керак экан, - деди.

– Ёки ундан ҳам кўпроқ, - тасдиқладим мен.

– Ҳа, ундан ҳам кўпроқ.

– Энди муаммо – қандай буни уддалаш керак?

– Мен шуни сўрамоқчи бўлиб тургандим! – кулди Женис. - Лекин сен, менинча, буни ўз сармоя формуланг ҳақида гапириб ўтдинг, шекилли. Сен айтдингки, сотиб оламан ёки актив ташкил қиласман. Актив – бу сармоялар, сенинг чўнталингга пул ташлайди. Демак, менинг кейинги қадамим – қайси активлар менга доимий даромад келтиришини аниқлаш, - кувонч билан деди Женис ва қўшимча қилди, – охирги савол қолди. Менда ортиқча пул унчалик кўп эмас. Ўзинг кўриб турибсан менда қанча борлигини. Менга пул қилишим учун пул керак эмасми? Сармоялаш учун маблағ керак эмасми?

– Ажойиб савол, - жавоб бердим мен. – Биз ҳозир иккимиз ҳам анча ушланиб қолдик, бу ҳақда телефонда гаплашсак.

Ресторандан чиқар эканмиз, мен Женисга:

– Сенинг пул масаласидаги саволингга жавобим: сармоялашни бошлашда ўша пулнинг йўқлиги – бу яхши. Бу ҳақда тез кунда гаплашамиз! Учрашгунча!

ЎН ИККИНЧИ БОБ

“МЕНДА ПУЛ ЙЎҚ”

Пуллар баҳт келтирмайди, аммо улар билан баҳтсиз бўлиши ёқимли.

Клер Буг Льюис

Мен Нью-Йоркка бормоқчи бўлдим ва ваъдамнинг устидан чиқиши борасида Лесли билан учрашиш учун қўнғироқ қилдим.

- Алло, - деди у гўшакни олиб.
- Салом, Лесли! Мен Ким бўламан, икки дақиқанг борми?
- Албатта! – жавоб берди у.
- Эшит, икки ҳафтадан кейин Нью-Йоркда бўламан, учрашишни истармидинг?
- Фақат иккимиз тушлик қилсак, албатта! – кулди у.
- Мен ҳам кулдим:
- Бу, менимча, иккимиз билан яхши амалга ошади. Бир неча кун олдин Женис келганди ва биз учрашдик – тушлик устида, албатта.

Биз бир неча дақиқа гаплашдик ва учрашувни ташкиллаштиришни муҳокама қилдик.

- Сен жойни танлайсан, - таклиф қилдим мен.
- Мен севган бир жой бор. Бўшлигини билиб, сенга хабар бераман, - жавоб берди у ва биз хайрлашдик.

Дугоналар билан яна бир марта тушлик

Фақат мусаввир шундай ўхшалий йўқ ресторанни танлаши мумкин, деб ўйлардим учрашувга кетар эканман.

Мен у жойнинг қаердалигини билмаганим учун Леслига қўнғироқ қилдим.

- Салом, Лесли! Мен кўприқдан ўтятпман. Қайси томонга юрай, ўнгтами чапгами? – сўрадим мен.
- Ўнгга бурил ва йўлақдан юриб келавер, бизни кўрасан. Бугун ажойиб кун, тўғрими!? – жавоб берди у.

Мен кулдим. Чиндан ҳам об-ҳаво яхши эди: осмон булутсиз, унчалик иссиқ ҳам эмас, мен енгил свитер кийиб олгандим. Бурилишга келганимда чиндан ҳам Леслига қўзим тушди. У парк ўртасига ўрнатилган сомонли ёпқич тагида, шундоқ майсалар устига солинган очиқ қизил духоба устида ўтиради ва қувонч билан жилмайиб турарди.

Мен унга қўлларимни силкитдим ва у томон одимладим, унинг ёнида бир аёл ҳам ўтирганди.

Яқинроқ борганимдагина унинг кимлигини билдим.

– Трейси! Сен бу ерда қандай пайдо бўлдинг? – ҳайрон бўлиб қичқирганча уни бағримга босдим.

– Мен олдинги учрашувда қатнаша олмаганимдан жуда хафа бўлгандим, сенинг келишингни Леслидан эшитибок хурсанд бўлиб кетдим, шунинг учун бу ёқса шошдим.

Биз бир соатча бир-биrimiz билан янгиликларни ўртоқлашдик. Лесли олиб келган тушликни ҳам унутмадик. Трейси ўзининг Чикагодаги енгил бўлмаган ҳаёти ҳакида гапириб берди.

– Бу ҳаёт эмас, бу қанақадир қўрқинчли туш, - чуқур нафас олди Трейси. – Мен аристондек ишлайман, кирим йўқ. Кетма-кет маошимни оширишади, аммо мен ўрнимда туравераман. Эримнинг ҳам меҳнатдан боши чиқмайди. Иккита фарзандимиз бор: биттаси коллежда, иккинчиси еттинчи синфда ўқиди. Мен қўлимдан келганча ҳаракат қилияпман, аммо ҳеч қандай юксалишни кўрмаяпман. Жойимда қолиш учун жон-жаҳдим билан ишлаб юрибман. Хуллас, бирор нарсани ўзгартиришнинг вақти келган кўринади. Мени энг кўп қўрқитадиган нарса бир неча ой олдин эрим ишлаб турган фирма сотилди, янги бошқарувчilar эски иш ўринда гиларни янгиламоқчи бўлишди, сал бўлса, эрим ишдан бўшаши мумкин эди, баҳтимизга ўз иш ўрнида қолди, агар у бўшаганда бу биз учун жуда оғир кечинма бўларди. Аммо мен шундан сўнг бир нарсани тушундим, бизнинг молиявий ахволимиз жуда мўрт экан.

– Мен Трейсига сен билан пул ҳакида, молиявий озодлик тўғрисида мулоҳаза юритганимизни айтиб бердим, менимча, бу мавзу унинг тирик жойидан олди, шекилли, - деб гапга қўшилди Лесли.

– Ҳозирча ҳолатим шуни тақозо қиласди, – деди Трейси.

Биз анчагача гаплашдик. Трейси иш билан оилани бир хилда олиб бориш қанчалар қийин вазифа экани ҳакида гапириб берди. Мен суҳбатни сал ҳазилга йўйишини истаб,

«Ms.Magazine» журналининг асосчиси Глори Стейнемнинг сўзларини ёдга олдим: “Менга ҳалигача бирорта эркак каръера билан оилани кўшиш ҳақида гапирмаган”.

Биз ҳаммамиз кулиб юбордик ва бирозга бу сўзларда қанчалар ҳақиқат борлигини тушуниб жимиб, хаёлга чўмиб қолдик.

Кейин Трейси яна давом эттириди:

Менимча, мендаги вақт йўқлиги ҳақидаги фикр ҳаётимга ўз таъсирини ўтказса керак. Кимдир менга бирор нарсани таклиф қилса, агар унга бирор дақиқа ажратишм керак бўлса, ўша сўз дарров миямда айланади. Лесли менга сизнинг пул ва сармоялаш ҳақидаги сухбатингизни айтиши билан калламга келган бирин сўз ҳам ўша бўлди. Лекин мен ўз шасий ҳаётимнинг назоратини йўқотиб қўйганимни сезиб турибман, уни ўзгартирмасам бўлмайди. Бу ерга келганимнинг ҳам сабабларидан бири шу.

Таниш савол

Мен аста Трейсининг ўзини сармоядорлик билан шуғулланишга мажбур қила олишини тушуниб бораётгандим. Биз сизларнинг хабарингиз бўлган асосий ҳолатлар ҳақида тез гаплашиб олдик. Кейин Трейси таниш саволни берди.

– Сармоядорликка маблағ керак эмасми? Пул топиш учун пул керак эмасми, ахир?

Мен жилмайдим:

– Женисга кўнфироқ қилишимиз керак, у ҳам шу саволни берганди, биз бу масалани кейинроқ мулоҳаза қилишга келишиб олгандик.

– Тан олиш уятли, биз эрим билан шу ўтган йиллар мобайнида кўзга кўринарли пул тўплай олмадик. Бизда нафақат ҳисоб рақамларимиз бор ва қанчадир акциялар ҳам, ҳа, яна болалар билим олишлари учун кичикроқ ҳисоб рақамимиз ҳам бор, аммо асосан топганимизни ишлатиб юборяпмиз, - деди Трейси.

– Агар шу гапим сени хотиржам қилса, айтай, менинг ҳам ишларим яхши эмас, - деди Лесли.

— Хўп, майли, пул қилишда ростдан ҳам пулнинг кераги йўқми? – саволни қайтарди Трейси.

— Мен Женисга айтганларимни қайтараман, шахсан мен сармоядорлик билан шуғулланишни бошлаганимда пулимнинг йўқлиги менга қўл келган.

Дугоналарим менинг сўзларимни тушунмай қараб қолишиди.

— Қанақасига? – ҳайрон бўлиб сўради Лесли. - Мен Трейси каби сармоялашга пул керак, деб ўйлагандим.

— Нима, улар қидиришни бошлаш учун керакми? – дедим.

— Тушунмадим, - деди Трейси.

— Сизлар бирор марта ўзингизга: “Менда пул бўлганда уни ёки буни қиласман” ё бўлмаса “Менда вақт бўлса, уни ё буни қиласман”, деганмисиз? Таниш сўзлар, тўғрими?

— Айнан ўша сўзлар! Айниқса, вақт борасида. Хўш, нима бўлибди? – деди Трейси.

— Сенда ўзи бирор марта бўш вақтнинг ўзи бўлганми? – қизиқдим мен.

Трейси бироз ўйланиб қолди.

— Умуман олганда, ҳеч қачон бўлмаган экан.

Лесли қўшимча қилди:

— Мен кўпинча гапираман “Менда пул бўлганда...” деб. Биласизларми, нима? Мен ҳеч қачон айтган нарсамни қўлимга пул тушганда қилмайман ва бошқа бирор нарсаларга ишлатиб юбораман. Бу сўзни гапирап эканмиз, биз ўша ишни ҳеч қачон қилмаслигимизни шу пайтнинг ўзида тан оламиз.

— Ҳамма гап шунда-да, - дедим мен. – Агар одам: “Мен сармоядорлик билан пулим бўлганида шуғулланаман”, дедими, юз фоиз кафолат бераман, бу ишни ўша одам ҳеч қачон қилмайди. Инсон ўзининг ҳаракатсизлигини шу йўл билан оқламоқчи бўлади. Бу ҳеч нарса қилмаслик учун яхши баҳона.

— Ахир, менда чиндан ҳам пул оз бўлса, унда нима қилиш керак? – ўринли савол берди Трейси.

Шу саволга мен қандай жавоб топганимни билишни истайсизларми? – сўрадим мен.

Улар бош чайқашди.

“Бизда пул йўқ”

– Биз Роберт билан Орегонада яшаб юрганимизда мен сармоядорлик билан эндиға шуғулланишни бошлагандим, лекин йиғиб қўйган пулимиз бўлмаган. Пулимиз умуман оз эди. Ҳисоб рақамларни тўлаш учун мўъжиза яратишимишга тўғри келарди. Биз Австралияга иш юзасидан командировкага бориб, беш ҳафтадан сўнг қайтиб келдик. Биз ҳали қўлларимизда чамадонлар билан турганимизда кўнғироқ бўлиб қолди. У кўчмас мулк бўйича брокеримиз эди. Сотувга қўйилган ўн икки хонадонли уйни кўриб келишимизга бизда бир соат борлигини айтиб қолди. У кўнғироқ қилган биринчи одамлари биз эдик. Агар биз бир соат ичидаги кўнғироқ қилмасак, бошқа сармоядорга кўнғироқ қилишини айтди. Бир кунлик йўл азобидан бизда мадор йўқ эди. Роберт: “Мен бориб кўриб келаман”, деди. Ҳозиргача ёдимда, у машинага ўтираётганда “Сотиб олма!” деб қичқирганман. Албатта, Роберт аксини қилган ва остонаяда турганча менга “Сотиб олдим!” деди. “Нима? Кулоқларимга ишонмайман, ахир бизда пул йўқ-ку!” “Пул топа олмасак, сотиб олмаймиз, – деб жавоб берди у. – Кел, яхшиси, пулни қаердан топишни ўйлайлик. Мен шартномага имзо кўйдим, унга кўра бизда уйни кўриб чиқишига ва молиявий масалаларни ечишига икки ҳафта бор. Агар бизга бирор нарса ёқмаса, битимдан воз кечишимиз мумкин. Шу билан бирга пул топишимиш учун ихтиёризмизда икки ҳафта бор”.

Тан оламан, ўша пайтда мен қўркиб кетгандим.

Биз брокердан ҳамма молиявий масалаларни аниқлаштириб олдик ва Канададаги дўстимиз Дьюга қўнғироқ қилдик, у анчадан бери кўчмас мулкни сармоялаш билан муваффакиятли шуғулланиб келарди. Ва у биздан рақамларни факс орқали жўнатишимишни сўради.

Уй 330 минг доллар баҳоланган, бошланғич тўлов 50 минг доллар. Бир соатлардан сўнг Дью қўнғироқ қилиб: “Менга уй жуда ёқди. Жуда фойдали битим. Мен шерикман: истасангиз, харажат ва фойдани тенг ўргада қилишни таклиф қи-

ламан”, деб қолди. У 25 минг доллар тўлашга тайёр эди. Биз энди 25 минг топсак бўлди эди.

“Зўр-ку! – деб Роберт қичқириб юборди. – Эртага мен аникрок ахборотни бераман”.

Дъюнинг қўнғироғи йўлдалигимизда жиринглаганди. Мен шерикман, деганда калламга қувонли бир фикр келди. Мен Робертга қараб: “Агар кўчмас мулк билан шунча йилдан бери шуғулланиб юрган Дъюга битим ёқсан экан, демак, яхши битим бўлибида!” дедим. У менга қўшилди.

Шунда мен кулиб унга: “Кел, битимни ўзимиз амалга ошириб қўяқолайлик, 100 фоиз тўловни ўзимиз қиласмиш!” дедим.

Роберт машинани четга олиб тўхтатди. “Сен тўғри тушун, агар биз ҳамма тўловни ўзимиз қиласак, қийналиб қоламиш”. Иккаламиз ҳам ўйланиб қолдик. Иккимиз ҳам ўзимизча хаёл сурардик. Кейин Роберт менга қараб: “Майли, мен розиман!” деди.

Бизнинг бу ишимизни кўпчилик тентакликка йўйиши мумкин эди, бундай фикр ўзимизда ҳам пайдо бўлди. Биз яхши таклифдан бош тортиб, ҳеч нарсасиз қолишимиш ҳам мумкин эди. Картага ҳаммаси тикилганди.

Шундай қилиб, биз яна бошлаган жойимизга қайтдик: 50 минг доллар топишимиз керак эди. Биз у банқдан бу банкка қатнадик, лекин ҳаммаси бир рад жавобини беришди. Биз танишларимиздан яхшигина фоизга пул ҳам сўрадик, аммо бўлмади. Ўз ҳамёнимизни титкилаб, арзимаган пул топгандик. Ўз бизнесимиз устида ишлаб, икки ҳафта ичида қўшимча даромад олишни ишлаб чиқдик. Хуллас, ҳаммаси бўлиб бизда 25 минг доллар пайдо бўлди.

Биз енгилмадик. Шартномага уч кун вақт қолганди. Охирги умид билан ўзимизнинг банкимизга бордик, тўғриси, бу банк бизга пул беришини хаёлимизга ҳам келтира олмагандик. Чунки ўша пайтда бу банк янги очилган ва ҳисоб рақамимизда 3,5 минг доллар пулимиз бор эди, холос. Банкка кириб бориб, менежеримиз Жемсни чақириб беришларини сўрадик. Банк катта эмасди. Жемс ҳам биз каби

яқиндагина бу шаҳарга келганди. Биз унга мақсадимизни тушунтиридик. Пулни қандай қайтариш бўйича пул оқими ҳақида гапирдик. Жемс бизни эшишиб ўтириб, хотиржамлик билан деди: “Қарасам, сиз болалар жуда довюракка ўхшайсизлар. Биринчидан, мен сизларнинг бизнинг банкимизда қанча пул сақлаётганингизни жуда яхши биламан. Иккинчидан, бизнинг мижозга айланганингизга ҳеч қанча бўлмади ҳам”. Биз бизни бирор яхшилик кутмаётганини тушуниб бораётгандик. Жемс давом этиб: “Агар бир дақиқага сизларнинг қарз олишингизга ишонган бўлсанм, биринчи қиладиган ишим мана шу қофозларга имзо қўйиб беришингларни сўраган бўлардим. Нега энди сизлар шуни қилмаслигингиж керак? – таклиф қилди у.

Биз ўзимизча у бизни ранжитмаслик йўлини қидириб, аста “йўқ” демоқчи деб ўйлаб ўтиргандик. Биз қофозларга имзо қўйдик ва уларни Жемсга узатдик. У қофозларни папкасига эҳтиётилик билан солиб, жилмайганча шундай деди: “Табриклайман! Сизлар ҳозиргина пулга эга бўлдинглар!”

Биз карахт ҳолга тушиб қолгандик. “Ростданми?! Сиз бизга пул берасизми?” ишонқирамай сўрадим мен. “Битим жуда фойдали, – жавоб берди у. – Бундан ташқари, биз борйўғи икки марта учрашган бўлсак-да, сизларга қараб сезиб турибман, ўз ишингизга вафодор кўриняпсизлар, бундан кейин маблағ қўйишингизга ҳам эътибор билан қарашингизга ишонаман. Сизларга омад!”

Биз банқдан ўз баҳтимизга ишонмаган ҳолда чиқиб келдик ва брокеримизга қўнгироқ қилдик ҳамда уйнинг бошланғич тўловини 100 фоиз қилиб тўладик.

Агар тушунсангиз, аслида банк менежерининг бизга қарз бермаслигига тўла ҳаққи ҳам бор эди. Биз тушундикки, у бизга имконият бермоқчи бўлганди. Баъзан пул кутмаган жойингиздан униб қолиши мумкин. Асосийси бизда ўша уйни сотиб олиш истаги жуда кучли эди, агар шундай кучли хоҳиш бўлмаганда ва брокеримиз қаттиқ муддат қўймаганида биз пул топа олмаган ҳам, уйнинг эгасига айланмаган ҳам бўлардик, – деб тушунтиридим мен.

Пул йўқми? Муаммо эмас

– Бу мен доим тўғри деб юрган нарсамнинг акси, - деди Лесли ичидагини ташқарига чиқариб. – Пул топишдан олдин, аввало, сармоялаш имкониятларини қидиришни маслаҳат беряпсанми? Мен сени тўғри тушундимми?

– Тўппа-тўғри, - қўшилдим мен. – Одамлар одатда айтишади: “Олдин мен пул топаман, кейин у пулларни бирор ишга ташлайман”. Мен бошқа нарсани гапиришга ўргангандикан: “Олдинига мен пулни нимага тикишни ўйлаб топаман, кейин уларни қидиришни бошлайман”.

– Кейин-чи, кейин нима? – иккиланди Лесли.

– Ҳаммаси жуда осон, - давом этдим мен. – Олдинига нимага пул тикишни топинг. Ноъмалум имконият реал ҳаётга айланиши мумкин. Топган нарсанг ўзингники бўлишига ўзингда кучли истак ўйғот. Мисол учун агар уй ижара хукуқили бўлса, бориб кўринг, унинг атрофини айланинг, деворларини ва буюмларни ушлаб кўринг. У қанча даромад бериши ҳақида ўйланг. Ўша пулларни қўлимда ушлаб турибман, деб тасаввур қилинг. Бу ҳақда овоз чиқариб гапиринг. Ўшанда бу ғоялигича қолмайди ва чинга айланади. Сиз дарров ўйлашни бошлайсиз ва мўъжизакорлик билан уни сотиб олиш йўлларини кашф этасиз. Бизнесни сармоялашда ҳам ёки қиммат қоғозларда ҳам шундай йўл тутиш мумкин. Менинг учун энг яххиси – ташланган маблағдан келадиган пул оқими.

– Демак, олдин сармоялаш учун жой топиш керак ва кейин пул, – қайтарди Лесли. – Мен ҳозироқ бошлишим ҳам мумкин. Ростини айтсам, мен доим каердан пул топишни ўйлаганман, холос. Қанчалар кўп ишлаб пул топиш фикридан бошқа фикр калламга келмаган. Мен бу фикрдан чарчаб ҳам кетганман, чунки бирор марта ҳам сармоялаш билан шуғулланиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган.

– Сен айтмоқчисанки, мен сармоялаш учун яхши жой топсам, пул мўъжизавий тарзда ўз-ўзидан топилади, шундайми? – сўради Трейси.

– Кўлингни қовуштириб ўтиранг, топилмайди, албатта, - жавоб бердим мен. – Ҳаракат қилиш ва қидириш керак. Агар сенда кўзлаган жойинг бўлса, бу сенга иккита ютуқни беради. Биринчидан, сен нима учун пул қидириб юрганингни, қанчалигини аниқ ўзинг биласан, шунда бошқа сенга пул берадиган кредитор сармоядорлар билан гаплашишинг осон кечади. Иккинчидан, сен қандайдир муддат билан чегараланган бўласан, сен ўша пулни шу муддат ичида топишинг керак. Тезроқ бўлиш сенга “Бу ишни кейинроқ қиласан”, дейишингга йўл қўймайди. Сен тезда ишга киришасан. Сен қанчалик кўп, потенциал кредиторлар ва сармоядорлар билан учрашсанг, қидирувни шунчалар тезкор равишда кўрасан, сен қанчалар тезкор бўлсанг, олдингда шунчалар кўп имкониятлар очилиб бораверади. Ана шунда биз Роберт иккимиз билан юз берган мўъжиза юз беради.

– Сен ҳар сафар ҳам пул топа оласанми? Бирор марта уддасидан чиқа олмай қолган кунинг бўлганми? – сўради Лесли.

– Албатта, доим ҳам кафолат йўқ, аммо сен ҳеч бўлмаса, ўйинга қўшиласан, қандайдир ҳаракатни амалда қиласан. Сен ўзингга айтишинг мумкин: “Менда пул йўқ. Мен буни ўзимга эп кўрмайман”, бу холатда ҳали ўйин бошланмай, ундан воз кечган бўласан. Агар шижаот билан пулни қидиришга киришсанг, уни топиш имконияти 50 фоиздан 100 фоизгача ошади. Агар бундай қилмасанг, ўша савдо нолга тенг.

Пулнинг йўқлиги – бир томондан яхши

– Нима учун олдин сармоялаш жойини олдин топиш кераклигини тушундим. Лекин бир нарсани тушунмай турибман, пулнинг йўқлиги ютуқ бўлиши ҳам мумкин. Менимча, уни топиш сизларга осон бўлмаган бўлса керак, - деди Трейси.

– Тўғри, пул топиш учун биз оз-мунча куч, вақт сарфламадик, албатта, кейинги битимларда ҳам, - жавоб бердим мен. – Умуман олганда, бизнинг қўлимизда бошланғич тўлов учун керакли пул бўлмасди. Олдинига аслида пул бўлмаган,

кейин эа пулларимиз бирор нарсага айланма маблағ сифатида ташланган бўларди.

– Хўп, ўша пулнинг йўқлиги нима учун сенга қўл келади? – сўради Трейси.

– Чунки унинг йўқлиги ўйлашга мажбур қилади, кашфиётга ундейди. Ҳозир менда биргина маблағ қўйишни билишдан ташқари, турлича жуда кўп усуслар бор. Шунинг учун агар менга ҳозир яхши сармоялаш битими чиқиб қолса, уни амалга оширишимда пулнинг йўқлиги халақит қилмайди, - дедим мен. - Робертнинг бой отаси қуийдаги сўзни ҳеч қачон гапирмасликка ўргатган: “Мен буни уddeлай олмайман!”. Сен “Мен буни қила олмайман”, дейишинг билан фикрлаш жараёни ўша пайтда тўхтайди. Бунинг ўрнига одам ўзидан сўраши керак: “Нима қилсан, буни уddeлай оламан?”. Бу савол мияни ишлашга ва иложини топишга мажбур қилади.

Пулни қаердан олиш мумкин

Кўпинча одамлар одатда биринчи навбатда банкдан ссуда олишга ошикишади. Рад жавобини олиб, улар дарров “Мен кредит ололмайман”, деган сўз билан таслим бўлишади. Яна ўша сўз – “...қила олмайман”. Улар бир нарсани тушунишмайди: улар учраган банк шунчаки кўчмас мулк учун ёки улар танлаган бизнес тури учун ссуда бермайди, холос. Турли банклар бор, турли сармоя асбоблари учун пул беришади. Бундан ташқари, сармоялаш лойиҳаларини маблағ билан таъминлайдиган алоҳида бошқа ўзаклар ҳам бор. Булар ҳақида аста малакангиз ошгандан сўнг билиб оласиз. Қуийда биз улардан баъзилари ҳақида гаплашамиз.

- Сотувчи томонидан маблағлаштириш. Кўчмас мулкни сармоялашда бу ҳолатда банкнинг ролини ўша жойни со-таётган сотувчи ўйнаши мумкин. Сиз у билан ссуда ҳақида шартнома имзолайсиз, яъни у айтган нарх устидан фоиз ҳисобида пул тўлайсиз ва муддат оласиз.

- Пул оқимидан тўлов. Масалан, сиз бизнесни сотиб оласиз, сотувчи, кредитор ёки сармоядор билан келишув битимини имзолайсиз, яъни ўша бизнесдан тушадиган асо-

сий пул устидан пул оқими орқали кредиторга ёрдам сифатида белгиланган суммани тұлайсиз. Кредиторлар турлича бўлишади. Бу ҳолатда таниш бўлган кўчмас мулк бўйича брокерингиз бўлгани яхши. Улар қайси кредиторлар қайси сармоялашларга пул беришларини билишади. Хизмати учун брокерга кредитор ўзи тўлайди.

- Ипотекани ўтказиш. Баъзан кўчмас мулк кредити билан сотувга қўйилади, бунда харидор ҳамма қарзларни тўлашни ўз зиммасига олади.

- Бошқа сармоядорлар. Баъзи одамларнинг пуллари кўп, аммо сармоядорлик билан шуғулланишга иштиёқлари йўқ ёки билимлари етишмайди. Агар уларга сиз қилмоқчи бўлган иш фойдали эканини тушунтира олсангиз, у сизни керакли маблағ билан таъминлайди.

- Қариндошлар ва дўстлар. Уларга шерикчиликни таклиф қилишингиз мумкин. Сиз ўз кучингизни ва вақтингизни таклиф қиласиз, улар эса сизга пулни беришади. Бу ҳолатда иккита нарсага эътибор бериш лозим. Биринчидан, уларга сизни севувчи қариндош ёки дўст сифатида эмас, сармоядор сифатида қаранг. Уларга пулларини қайтариб олишларини ва, албатта, яхшигина фойда билан қайтаришингизни исботланг. Яхшироғи, ёзма келишув қилганингиз ҳам маъқул. Иккинчидан, энг яхши боғланган одамларингиз билан пул борасида алоқа қилмаганингиз маъқул. Бирор лойиҳани деб орангизга совукчилик тушиб қолиши мумкин. Ҳар қандай сармоялашга бизнесга карагандай эътиборли бўлинг, чунки бу чиндан ҳам шундай килинади.

“Пулни ҳамиша топиш мумкин”

Мен дугоналаримга дедим:

Ўтган ҳафта менга брокер навбатдаги лойиҳага пул қўйишмни айтди. Бир-икки мунозаралардан кейин менинг таклифим қабул қилинди. Мен учта жойдан биринчи тўлов учун пул олишимни брокер кўриб турибди. Тан оламан, мени бу ишни уddaрай олмайди, деб ўйлаб у бир оз асабий-

лашди ҳам. Шартномани имзолаганимиздан сўнг унга мен: “Яхши битим учун сизга катта раҳмат. Яна бирорта шундай иш чиқиб қолса, кўнғироқ қилинг. Хоҳласангиз, эртагаёк!” дедим. У ҳайрон назар билан менга қараб: “Эртага?! Нима сизда пул борми? Мен охирги ишимиизда ҳамма маблағингизни ишлатиб бўлдингиз, деб ўйлагандим”, деди. Мен ишонч билан унга қараб жилмайиб: “Яхши битим бўлса, ҳамиша мен пул топа оламан”, дедим.

Энди мен сизларга биз Роберт билан кўп йиллардан бери қўллаб келаётган охирги маслаҳатимни бераман. У сизга ҳаёт тарзингизни ўзгартирган ҳолда, ҳар куни пул топа олишингизга ёрдам беради.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ЯНА БИРОЗ ПУЛ ҲАҚИДА

*Яхши мақсад – қийин машқقا ўхшайди:
ҳамма қучингизни ишлатишингизга тўгри келади.*

Мери Кэй Эш

- Хўш, қандай маслаҳат экан? – сўради Трейси.
- Бир воқеани эшитинг бўлмаса, - бошладим мен. – Ёдингизда бўлса, мен сизларга биз Роберт билан Орегонага келганимизда йиғтан пулимиз у ёқда турсин, ҳисобларни тўлашга ҳам пулимиз йўқ эди, деб айтгандим?

Дугоналарим бош чайқашди.

- Айнан ўша пайтда биз ҳаётимизда бирор ўзгариш қиласак бўлмаслигини тушундик, агар бундай қиласак, ҳеч қачон молиявий муаммолардан бошимиз чикмасди ҳам.
- Нима қилдинглар? – қизиқиш билдириди Лесли.
- Биринчи навбатда биз ҳисобчи ёлладик, - жавоб бердим мен.

– Нимага ҳисобчи?! - ҳайрон бўлди у. – Сен ахир пулимиш йўқ эди, дегандинг-ку. Ҳисоблашга ҳеч нарса бўлмаса, ҳисобчининг нима кераги бор?!

– Биласанми, ўз молиявий аҳволинг борасида ўзингни алдаш жуда осон, шундаймасми? – сўрадим мен. – Мен ўшанда қанакадир моддий муаммоларимиз ўз-ўзидан ечилади, деб ўйлагандим. Мен асли оптимистман, аммо муаммоларга қарагим келмасди. “Мен улар ҳақида ўйламасам, улар шунчаки ўзи йўқолади”, деб бир сеҳрли сўзлардек шуни қайтариб юрадим.

– Нима, сен фикрларни ўқий оласанми?! Мен ҳам шундай қиласман, - кулиб юборди Лесли.

– Ишон, ҳақиқатни бўйинга олгандан кўра шу осон, - жавоб бердим мен. – Шунинг учун мен энг қийинини қилдим: ҳисобчи ёлладим ва у билан ойда икки марта учрашиб турдим. Ҳар икки ҳафтада Бетти менга молиявий аҳволимиз ҳақида унчалик кўнгилни кўтартмайдиган ҳақиқатни етказиб туради. Бетти ҳар учрашганимизда ҳар бир ҳисоб рақами ва ҳар доллар ҳақида яхшилаб аниқлик киритиб олмагунимизча мени қўйиб юбормасди. Бу ҳолат ёқимли эмасди. Мен ҳар учрашувга ҳадик билан борардим.

– Бу ҳикоянгда бирор арзигулик нарса борми ўзи? – ҳазиллашди Трейси.

Мен жилмайдим.

– Яхши томони шундаки, мен ўз молиявий аҳволимизни аниқ билардим. Мен ҳаммаси яхши, деб юрмасдим ва ҳаммаси ўзидан ўзи ўрнига тушади, деб ҳам ўйламасдим. Мен қанча даромадимиз ва қанча харажатимиз борлигидан воқиф эдим. Биз аҳволимизни яхши тушунардик, қаерга боришмизни, қандай қарор қабул қилишни ва нима қилишни биллиб турадик. Бетти йўклигида туюқушдек бошимни қумга тиқсанча яшардим. Бу ресторонга қўнғироқ қилиб, ўзингнинг қаердалигинги айтмай, унга қандай боришни сўрашдек гап. Агар одам ўзининг қаердалигини билмаса, қаёқка боришини қаердан билсин? Шунинг учун сиз агар молиявий мақсадларингизни аниқлаштириб олишни истасангиз, авва-

ло ҳозирги пайтда қандай ахволдалигингиизни билишингиз лозим.

Зарурий маслаҳат

Ҳисобчи билан учрашувимиздан сўнг Роберт иккимиз тушундикки, энди ҳеч нарсани кейинга қолдирмаймиз. Ҳар бир ишлаб топган тийинимиз ҳисобларга тўлашга кетарди. Биз олдин ўзимизга, кейин кредиторларга тўлашшимиз керак, деб қарор килдик. Мен тушунаман, “биринчи ўзингга тўлаш” тушунчасини ҳамма турлича тушунади ва маъно киритади. Биз уни ўзимизнинг режамизга асосан амалга оширдик.

Бизга келиб тушган долларлардан, қаердан келишининг аҳамияти йўқ, 30 фоизини ўзимизда қолдиришга, яъни ҳар 100 доллардан 30 долларни, ҳар бир доллардан 30 центини ўзимизга олиб қолишга қарор килдик.

Кейин биз у пулларни учта ҳисобга тарқатдик:

1. Сармоядорликка (10 фоиз)
2. Жамғармага (10 фоиз)
3. Хайрия учун (10 фоиз)

Қолган пуллар харажат ҳисоб рақамларига кетди. Бу билан биз олдин ўзимизга тўлов қилиб, 30 фоиз даромадимизни ўз молиявий келажагимиз учун ажратдик.

Бу режанинг қийин томони бунга ҳеч иккиланмай амал килиш эди. “Бу ойга ўзимга тўламай тураман, келаси ойга икки ойликни қўяман”, деб бўлмасди. Агар шундай қилсангиз, келаси ойга аниқ бу ишни қилмайсиз. Асосийси – интизом, бу қоидани ҳамма даромадли ишларга қўллаш лозим. Қанча пул қўйишингизнинг аҳамияти йўқ, аҳамиятлиси бу одатни канда қилмаслик. Шундагина бу қоида одатий ҳолга айланади.

Фоиз миқдорини ҳар қанча қўйиш мумкин. Биз ўттиз қўйганимизга сабаб ўшанда молиявий ахволимиз шуни тақозо қиласди. Агар сиз озроқ фоиз ажратишни истасангиз, бу ёмон эмас. Фақат ҳаддан зиёд озайтириб юбормасангиз бўлгани.

Биринчидан, фоиз оз бўлса, кўзланган мақсадга кечрок эришилади. Иккинчидан, кўп вақтгача натижани кўрмасангиз, қизиқиш ҳам, одат ҳам йўқолади. Бу ишни қилинг ва ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз ўшандада, ҳисобингиз тезда тўлади.

Асосийси ана шу 30 фоиз бизнинг келажагимиз эканини тушундик. Агар биз ўша пайтда бунга тайёргарликни бошлимаганимизда бугунги келажагимиз бўлмаган бўларди.

– Ахир, бирингиз бирингизга етмай туриб, қандай қилиб ҳисобларни тўлардингиз? – сўради Трейси.

Мен қулиб юбордим:

– Айнан шу савонни Бетти ҳам берганди! Бизнинг ўртамизда қуидагича сухбат бўлганди: мен унга: “Бетти, ҳар бир кириб келаётган даромаддан 30 фоизини ўзимиз учун йифмоқчимиз. Биз уларни учта банк ҳисоб рақамига бўламиз ва фақат сармоялашга, хайрия ишларига ишлатамиз. Жамғарма ҳисоб рақамига тушган пул кутилмаган ишлар учун”, дедим. “Аммо сизлар бундай қила олмайсизлар! Сизнинг тўлов ҳисоб рақамларингиз кўп. Уларни қандай қилиб тўламоқчисизлар?” деди Бетти. “Биз ҳар ой кредиторларга оз-оздан тўлаб борамиз. Баъзан озроқ тўласак ҳам бўлади. Агар керак бўлса, ўзим уларга кўнгироқ қилиб айтаман ва тушунираман, биз қарзларни тўлаймиз, фақат кечрок”, дедим мен. “Менда ундан яхшироқ фоя бор, - деди Бетти. – Келинг, ҳамма ҳисобларни олдин тўланг, кейин эса қолганини йиғаверасиз”. “Шундай деб ҳамма айтади, - дедим мен рад этиб. – Муаммо шундаки, ҳеч қачон охирида бирор нарса қолмайди. Келинг, яхшиси, бизнинг режамиз бўйича ҳаракат қилайлик, кредиторларни мен ўз зиммамга оламан”.

Беттига бу ёқмаган бўлса-да, рози бўлишдан бошқа иложатопа олмади.

– Кредиторлар сизларни қисташмадими? – сўради Лесли.
– Адолатли савол, - жавоб бердим мен. – Мен ҳисобларни тўламанг, деб маслаҳат бермайман. Бизнинг мамлакатда банкротлик фоизи бошқа малакатларга қараганда жуда катта ва кўпинча бу одамлар шунчаки молиявий жавобгарликдан қочишиади. Биз доим ҳисоб рақамларимизни тўлаб, албатта,

уларнинг пулларини беришимизга ишонтириб, кредиторлар билан доимий алоқада бўлиб турганмиз. Бу ҳолатда сизларга бир нарсани кўрсатмоқчиман, молиявий муаммоларни ечишнинг турли йўллари мавжуд. Тасаввурни ишга солиш лозим. Ўзингизга ўзингиз имконият яратинг. Ўзингиздан сўранг: “Агар мен ўзимга биринчи тўлашни истасам, буни қандай амалга ошираман?”; “Ҳаётимда нимани ўзгартиришм керак?” Қандайдир пулларни йигишдан маъно шуки, бу билан молиявий келажагингиз барпо бўлади. Яна бир нарсани айтишим керак, ҳисобларга қўйган пулларимиз миқдори биз ўйлагандан-да тез кўпайди.

— Яна бир бор тушунтир-чи, бу ҳисоб рамларининг нима кераги бор? - сўради Лесли.

Мен салфеткани олиб, унга қуйидагиларни чиздим:

Сармоялаш	Хайрия	Жамғарма
-----------	--------	----------

Биринчидан, биз сармоялаш билан шуғулланишга қарор қилдик ва бунинг учун сармоядорлик ҳисоб рақами ташкил этдик. Иккинчидан, биз бирор нарсани олиш учун олдин бериш кераклигига ишонамиз, шунинг учун хайрия ҳисоби пайдо бўлди. Ниҳоят, биз жамғарма ҳисоб рақами очдик, бу кутилмаган харажатлар ёки алоҳида имкониятлар учун.

— Демак, бундан чиқдики, “биринчи ўзига тўлов қилиш” – бу ўзига қандайдир янги туфли сотиб олиш ёки қаергадир саёҳатга бориш эмас. Ундан мақсад шуки, молиявий келажак учун қайғуриш, - деди ўйчан Лесли.

— Айнан шундай, - дедим мен. – Ва сен энг керакли мавзуга кўл урдинг, чунки бაъзи одамлар бу борада нотўғри тушунчага эгалар, тер тўкиб, қон ютиб топган пулларини бехудага сарфлашади ва оқибатда ночор аҳволга тушиб қолишади. Ҳа, айтгандай, мен ўша илк бор сотиб олган икки ҳапхонали уйни сармоя ҳисобимдаги пулга сотиб олганман.

— Мен даромадимдан 30 фоизни йигиб, қолган 70 фоизга яшай олишимни тасаввур қила олмасам керак, - деб арз килиб қолди Лесли.

- Агар бу шунчалар осон бўлганда ҳамма шундай қилган бўларди, - дедим мен. – Кашфиёт қил. Буни қандай қилишни ўйлаб кўр. Яхшиси, ўтган йили қанча даромад қилганингни ҳисоблаб чиқ.
- Ҳисобладим, - деди Лесли.
- Энди ўшандан 30 фоизни айир ва тасаввур қил: ҳозир ҳисобингда қанча пул бўлган бўларди?

Лесли тасаввур килди ва ўз фикрлари билан жилмайди.

- Шу ҳақда ўйла. Сен йигсанг, қанча бўлишини фикрла, бунинг учун нималардан кечишинг ҳақида умуман ўйлама, - деб таклиф қилдим.

- Сизларда ҳалиям шу 30 фоиз пул қўйиш одати сақлануб қолганми? – сўради Трейси.

- Ҳа. Факат ҳозир у 30 фоиз эмас, анчагина кўп. Фарки шундаки, бизнинг пулларимизнинг кўпи сармоялашга кетяпти.

Биз яна анча суҳбатлашдик, Лесли танлаган ресторандан завқ олдик. Биз ўзимизни бўш қўйиб юбориб, атроф-муҳитдан баҳраманд бўлдик ҳам, шунда Леслининг телефони жиринглаб қолди.

Машғулот

1. Охириги йиллик даромадингиз қанчани ташкил қилди?

Агар сиз шу пайтгача даромадингиздан 30 фоизини йиғиб келганингизда қанча бўлган бўларди?

Йиллик даромад $\times 0,3 = ?$

2. Бир ойлик даромадингиз қанча?

Чиқкан рақамни 12 га кўпайтиринг.

Қанча кўшимча маблағ олишингиз мумкин: совға, сармоядан даромад, кўшимча маош?

Умумий даромадни ёзинг.

Агар сиз келгуси йилдан даромадингиздан 30 фоиздан пулни ўзингиз учун тўплаган бўлганингизда қанча тўплаган бўлардингиз?

Умумий даромад $\times 0,3 = ?$

ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ

«МЕНИНГ ЭРИМГА БУНИНГ ҚИЗИГИ ЙҮҚ!»

- Алло! – жавоб берди Лесли.
- Салом, Лесли. Бу Пэт, - деган овоз чиқди гүшакдан.
- Пэт! – хурсанд бўлиб кетди Лесли. – Менинг кўнглим сезганди. Қандай яхши, бизнинг тушликка қўшилар экансан-да, аслида-ку ҳамма нарсани еб бўлдик, бир дақиқа, ҳозир, - у телефоннинг овозини кўтарди. – Ким ва Трейсилар билан саломлаш.
- Салом! Яхши бўлибди, Трейси, бу сафар келганингдан хурсандман. Гапир, нималар ҳақида гаплашиб ўтирдинглар?
- Афсус, сен бизнинг орамиздамассан, - деб гапга қўшилди Трейси. – Кўнғироқ қилганинг учун раҳмат. Ким ва Лесли олдинги сафарги сухбатларинг ҳақида гапириб беришди. Биз Лесли билан пул ва сармоялаш ҳақидаги сухбатларингни муҳокама қилдик. Бу ҳақда яхшироқ билишни истаб, бугунги учрашувга келгандим. Биз яхши ўтирибмиз, сенинг ўрнинг билингапти!
- Мен ҳам сизлар билан ўтиришни жуда истардим, - жавоб берди Пэт. – Ишларим кўпайиб кетди-да! Биласизларми, мен ўша сухбатимизни эrimга айтгандим. У: “Биз ўзимизга етарли пул топяпмиз. Таваккалчиликка қўл уриб, сармоялаш билан шуғулланишимиз шартмас. Ҳаммаси яхши бўлади”, деди. Хуллас, эrimга бунинг қизиги йўқ. Менинг ҳаракатларим зое кетди. Уйда асосий одам қизиқиш билдирамаса, бирор янги ишни бошлаш қийин экан. Яна, айниқса, ҳамма пулни у уйга олиб келса... Нима қилишни ҳам билмай қолдим.

Биз жимгина уни эшитардик.

- Мен бир нарсани ўйладим: “Гап миллион устида. Шеригинг ёки эринг сармоялаш билан қизиқмаса, нима қилиш керак? Нимадан бошлаш керак? Унинг қўллаши керакмикан? У билан сенга яхши бўлармиди? Сармоялашга кетадиган пул ҳақида қандай гаплашиш мумкин? Гап бу ерда

фақат сармоялашда эмас, балки муносабатларда ҳам. Рухшунос иштирокисиз бирор нарса қилиш қийинга ўхшайди.

Лесли ва Трейси гўё бирор ечим айтишимни кутгандай менга қараб ўтиришади. “Сен нима дейсан? Нима қилсин?” дейишмоқчидай туюлди менга.

Мен нима деб жавоб беришга ҳайрон эдим. Менда ҳеч қачон бундай муаммо бўлмаганди. Аксинча, эрим мени кўпроқ ўқиб-ўрганишга ва сармоялашга ундейди. Аммо бундай саволни кўп бор бошқа аёллардан эшитгандим. Шундай қилиб, бу ёруғ дунёда бундай муаммоли аёл ёлғиз Пэт эмас эди.

– Пэт, бу саволингга менда жавоб йўқ. Қанийди захирамда бирор сехрли жавоб бўлса-ку, аммо сенинг саволинг энг қийин савол. Гап фақат иш ёки пулда эмас, гап оиласвий муносабатлар ҳақида ҳам. Кел, яхшиси, мен бир ўйлаб, одамлар билан гаплашиб кўрай, агар жавоб топсам, албатта, сенга кўнғироқ қиласман. Яхшими? – дея олдим, холос.

– Яхши, - деди Пэт. – Катта раҳмат.

Пэт билан хайрлашиб, яна бир оз гаплашиб ўтирдик. Биз яна қачон учрашишимизни билмасдик, лекин бир-биrimиз билан кўришиб туришимизни тушунардик.

Кенг тарқалган муҳит

Мен доим Пэтнинг муаммоси ҳақида фикрлардим. Сармоялаш билан шуғулланмоқчисан-ку, аммо бунга эрингда қизиқиш йўқ...

Бу вазиятда аёллар эркаклардан кўра яқинлари томонда туриб фикрлаб, ўз ҳаётларини ўзgartирадиган қарорларни қабул қилишади. Балки шунинг учун ҳам сармоялаш ҳақида гап кетганда уларнинг хаёлларига келадиган биринчи савол юқоридагидай бўлса керак.

Менинг бир дугонам шундай ишни амалга оширди. У мендан сўраб қолди: “Сен ўғил болалар бассейн олдида ўзларини қандай тутишларига аҳамият берганмисан? Агар уларга бассейн бўйига унга сакраш учун сафланиш айтилса, улар олдинига сафланишади ва ҳар бирлари ўзларича ҳамма-

дан ажралиб туришни исташади: биттаси сувга сакрар экан, шовқин күтаришни истаса, иккинчиси ҳаммадан олдин сакрамоқчи бўлади, учинчиси сувга қорни билан ташлаб, ҳаммадан кўпроқ сувни чайқатади, тўртинчиси барчадан кўпроқ сув остида қолишни истайди. Буни қизларда кузатсанг-чи, улар айтганингни қилиб, бир чизикқа терилиб, кўлларини ушлашиб, биргаликда “уч” деганингда тенг сакрашади”.

Мен рақобатга қарши эмасман. Мен, албатта, у томондаман. Айтмоқчиманки, аёллар эркакларга қараганда ўз яқинларининг фикрлари ва ҳиссиётлари билан азалдан ҳисоблашишади. Мана шунинг учун ҳам уларда қуидагича саволлар пайдо бўлади: “Эримни сармоялаш қизиқтирумаса, нима қилай?” Мен буни кўп эшитганман. (Статистика учун эслатиб кўйишим керак, бу саволлар эркакларда ҳам учраб туради.) Лекин бу саволга менда ҳеч қачон жўяли жавоб бўлмаган. Бу борада менга баҳт кулиб боққан, Роберт сармоялашда ҳам ва бошқа соҳаларда ҳам мени ўқиб-ўрганишга, кўпроқ билимга эга бўлишга даъват қиласди. У имкониятларимни кенгайтиришимга мажбур қиласди. Шунинг учун ҳам менда бундай муаммолар бўйича малакам йўқ, афсуски, кўпчилик аёллар ва баъзи ҳолларда эркаклар ҳам шундай вазиятга тушиб колишади.

Тўртта имкон

Сармоялаш билан шуғулланишни бошламоқчи бўлган аёлларнинг олдиларида тўртта имконият бор.

1. Сармоялаш билан эрлари билан биргаликда шуғулланиши.
2. Сармоялаш билан ўзи шуғулланиши, эрининг ёрдами билан.
3. Сармоялаш билан ўзи шуғулланиши, эрининг ёрдами-сиз.
4. Сармоялаш билан шуғулланмаслик.

Биринчи имкон. Айтилади-ку, битта калла битта, иккиси

таси яхшироқ. Сармоядор турли истеъдод эгаси бўлиши керак – яхши битимларни топиши ва келишув битимларининг ҳамма қирраларини билиши лозим. Эр-хотинлар биргаликдаги фаолиятлари давомида ўзларидаги имкониятларни очиб боришади ва уни ўз сармоядорлик стратегияларида муваффақиятли қўллашади. Бундан ташқари, улар биргаликда ўқиб-ўрганишар экан, уларнинг қизиқишилари бир хилда бўлади ва сухбатга янгидан-янги мавзулар топилади. Бу ажойиб ҳолат нафақат ишларида, балки оиласвий муносабатларда ҳам ўзининг ижобий томонларини кўрсатади. Жасмин исмли аёл ёзади: “*Биз эрим билан шундай қимматли вақтимизни асабий ҳолатдаги меҳнат билан бегона компанияда ўтказиш адолатдан эмаслигини сеза бошладик. Биз биргаликда китоб ўқишини бошладик ва бу кўп нарсани ўзгартириди, иккимизнинг ҳам дунёқарашибиз ўзгара бошлади. Бизга китобларни бирга ўқишибиз ва улар ҳақида мулоҳаза қилишибиз, янги гояларни кўриб чиқишибиз, сармоядорлик, кўчмас мулк билан шугуллансанак, ўз вазифаларимизни қандай бўлиб олишибиз ҳақидаги сухбатлар қизиқарли туюла бошлади. Менга аёл сифатида мени қўллаб-қувватлашлари жуда ёқади. Мени қўллашлари мен учун жуда керак ҳам*”.

Иккинчи имкон. Биринчисига ўхшаб бу ҳам яхши. Эрнинг қўллаши бу фронтда ўзингизни ҳимоя қилишдан озод қиласди. У сиз томонда ва, менимча, у сизга муваффақият тилайди. Мен бундай ҳолатда иш бошлаган кўп сармоядорларни кўрганман, уларга эрлари: “Ҳаракат қил! Мен сени қўллаб-кувватлайман, лекин ўзим қатнашмайман”, дейишади.

Кўп вазиятларда сиз бошлашингиз билан эркак киши келаётган пулни кўрса, четда қолиши истамайди. Унда қизиқиши ортиб, жараёнга яқинлашиб бораверади. Мен қайсиdir семинарда ўртага савол ташлаб: “Агар аёлнинг эри сармоядорликка қизиқмаётган бўлса, нима қилиши керак?” деганимда қатнашчилар ичидан бир овоз янгради: “Унга пулни кўрсатинг!”

Бу борада эркакнинг қарашларини билишингизни сизларга таклиф қилмоқчиман. Шунинг учун бир мактубни қўшя-

пман, менимча, баъзан аёлларнинг ўзлари эрларининг ҳаётларида иштироклари қандай кераклигини билишмаса керак.

“Мен сармоядорликни ўзим бошладим, аёлим эса бунга унчалик иштиёқ билан қарамади. Мен икки жойда ишлардим, ишдан келиб, шошилганча овқатланиб, биринчи ижсара-га берииш ҳуқуқили кўчмас мулкимни қидиришга жўнардим.

Кўп рад жавобларидан сўнг барибир ҳар ой менга 350 доллар даромад келтирадиган битта кўчмас мулкни топдим. Ишонинг, ўша омадсиз келган кунлар ичida бу ишимни ташлашга неча бор отландим, аммо ўзимнинг қизиқишим ва охиригача боришига тиришиқоқлигим туфайли мақсадимга эришдим. Мени кўпроқ бир нарса, у ҳам бўлса, бу корхонамга бир кун келиб хотинимни ҳам жалб қиласман, деган истак ушибу ишини охирига етказишга ундарди.

Шу аҳволда бир йилча ўтди. Мен уйимга оғир меҳнат қилиб, чарчаган ҳолда келардим ва ярим тунгача ўзимнинг сармоялаш лойиҳам устида ишлардим. Бу вазиятда хотинимнинг қўллаши, албатта, халақит бермаган бўларди.

Бир оз муддатдан сўнг уни қилаётган ишим қизиқтиргандай бўлди. Аёлим мендаги ўз ишимга бўлган шикжоатимишни ва корхонамнинг муваффақиятга эришишига ишончимни ва, албатта, топаётган пулимни кўрди.

Уй ишлари, икки фарзанд тарбияси ва қирқта хонадонли уй билан овора бўлиш - бу осон иши эмас. Менинг аёлим – ажойиб инсон. Мен унинг ютуқларидан фахранаман. Биз ўзимизни такомиллаштириши йўлини узоқ босиб ўтдик. Биз биламиз, доимо ўсишини давом эттиришимиз ва ҳамиша ўқиб-урганишимиз керак. Мен муносабатларимиз бунчалар ижсабий, ҳавас қиласиган даражада бўлиб кетишини масаввур қила олмаган ҳам бўлардим. Ҳамма муаммоларни биргаликда ечишдек ажойиб нарса йўқ”.

Учинчи имкон. Мураккаб вазият. Сиз нафақат сиз учун янги бўлган ҳаётга қадам қўясим, буни ҳаётингиздаги энг яқин кишингизсиз амалга оширасиз. Шунинг учун мен алдамайман ва бу осон ҳам демайман. Аммо шундай ҳам бўлиши мумкинки, эрингиз сизни зришган ютуқларингизни

кўриб, бир кун келиб қизиқиши уйғониб, ёнингизга ўтиши ҳам мумкин. Бундай вазиятдаги аёлларга атрофдагиларнинг, асосан бошқа сармоядорларнинг ёрдами керак.

Тўртингчи имкон. Бунга имкон деб ҳам қараш шарт эмас-дир, аммо кўпчилик аёллар, афсуски, шу йўлни танлашади: сармоялаш билан шуғулланмаслиқ. Бир аёл қачондир айтганди: “Агар эрим мени қўлламаса, бизнинг никоҳимизга путур етади, аммо мен ишонаман, қачондир у ўз нуқтаи на-зарини ўзгариради”.

Афсуски, бу муаммони ечадиган яхлит ечим йўқ, лекин кўп ҳолларда аёллар қизиқишиз эрларини ўз томонларига оғдиришни уddeлашади.

Сармоялашга эрларни қандай чорлаш мумкин

Мен бу саволни аёлларга берганимда турлича ўйлаб то-пилган ечимларни эшитганман. Куйида улардан бир нечтаси келтирилади.

Меган

Меган сармоялаш билан шуғулланишни хоҳлашини аниқ билганди. У биринчи қадамни босищдан олдин икки йил шу соҳага оид ахборотларни йиғиб, ўрганиб юрган. Меган ўзининг режалари ҳақида эрига айтади ва шерикчиликни таклиф қиласди.

Эри жавоб беради: “Менда бунга вақт йўқ. Менинг ишларим кўп. Қарасам, бу сенга жуда керак, майли ҳаракат қил, фақат жараёндан мени хабардор қилиб тур”.

Меган унинг бу ишидан жуда хафа бўлади, лекин “Майли, ҳаракат қиласвер, ишларингдан хабардор қилиб тур”, дегани сал бўлса-да, унинг кўнглини кўтаради.

Биринчи навбатда Меган кўчмас мулк билан қизиқади. У тўрут ой турли соҳалар ва бозорлар билан танишиб, ўзи учун маъкул келган кўчмас мулкда тўхталади ва уй сотиб олади. Уй ёнида йўлакда туриб, унинг хаёлига қандай қилиб бу ишига эрини кўшиб олиш фикри келади.

Кейинги якшанба куни эрини ресторандардан бирига ноңуштага таклиф килади. Бахтига у ресторан олган уйидан олтита уй нарирокда эди. Жеффи графикалы дизайннерлик билан шуғулланарди ва у бу ишнинг жуда яхши устаси эди. Ресторанг ўтиб кетатуриб сотиб олган уйи олдига келганды Меган машинани тұхтатиб, унга:

– Жеффи, айт-чи, мана шу сеники бўлганида ундағи ни-
мани ўзгартирган бўлардинг? - деб сўрайди.

– Биринчи навбатда ҳовлини тозалаш керак. Йўлакларга тош ётқизса бўлади ва улар орасига майса экиш лозим. Том-
ни эпақага келтириб, деворлари бўялса, уй жуда жозибали
кўринади. Ва мен кўча эшикни ҳам алмаштирган бўлардим,
- дейди Жеффи.

– Бу ишларни мен билан биргаликда қиласанми? – деб
жилмаяди Меган.

– Нима тўғрисида гапиряпсан? - ҳайрон бўлиб сўрай-
ди эри ва тушуниб қолиб: - Сен сотиб олмоқчи бўлган уй
шуми? – дейди.

Ўша кундан Жеффи ва Меган иш юзасидан ҳамкор бўли-
шади. Меган эрининг истеъодидан фойдаланиб, жуда уста-
корлик билан ўзига шерик қилиб олади. У битим ва брокер-
лар, рақамлар ҳақида гапирганида эри учун бу ишлар қизик
туюлмаганди. Аммо эри бу уйга рассом кўзи билан қарага-
нида эса унда дарров қизиқиш уйғонди.

Мен бу воқеани бошқа бир аёлга айтиб берганимда у хур-
санд бўлганидан қичкириб юборди: “Жуда зўр! Менинг эрим
том, орқа боғда ишлашни яхши кўради. У атрофимиздаги
ҳамма боғларни ўзича хаёлан, ўзи истагандай яратиб бўлган.
Энди унга буни амалда кўрсатиши имконияти бўлади!”

* * *

*Энг қизгин тортишувлар иккита мавзу сабабли юзага
келади, яъни муносабат ва пул иккиси уйғунлаштирилса,
ҳамма нарса бўлиши мумкин.*

Эдвин

Эдвин ёзяпти: “Мен болаларим ва аёлимни жараёнга қўшидим. Биз доим “Пул оқими - 101” ўйинини ўйнардик, шунинг учун ҳам болалар биз билан бирга ўрганишарди. Дам олиш кунлари биз машинамизга ўтириб, сармоялаш учун ўзимизга мос тушадиган кўчмас мулкни қидирадик. Кейинчалик биз “Тўғри нарх” номли ўйин ҳам ўйлаб топдик: ўзимизча бинонинг майдонини, яшаши жойини ва ваннахоналарнинг сонини, баҳосини айтардик, кейин эса рекламадаги кўрсатилган маълумотларга фаразларимизни солиштирадик, кимнинг фарази ҳақиқатга тўғрирогини билиш учун. Бошқача қилиб айтганда, биз жараённи ўйинга айлантириб роҳатланганимиз”.

Лея

Леяning ихтироchanлиги мақтовга арзиди: “Отам менга “Ёш ва бой ҳолатда ишилашдан фориг бўлиш” номли китобни совга қўлганида уни ўқиб сув қилиб ичиб юбордим. Молиявий озодлик – мен айнан шуни бир умр хоҳлагандим. Ҳар оқшом эримга баъзи бир кичик-кичик сатрларни айтиб берардим (у ўқишини ёқтирумасди), аммо ҳеч қизиқиши билдирумасди.

Бу муаммони дўстим билан муҳокама қилдим. Келаси ҳафта узокроқ жойга сафарга чиқишимизни эшиштган дўстим менга ўша “Ёш ва бой ҳолатда ишилашдан фориг бўлиш” китобининг аудио-дискини берди. Олти соатли машинада юриши давомида эрим ўша дискни эшишишга мажбур бўлди.

Мўъжиза юз берди – эримнинг кўзлари очилди! Бирданига ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Йўл бўйи биз турли гояларни муҳокама қилиб, келаҗсак учун янги режсалар туздик. Биз биргаликда сармоялаш билан шугуллана бошладик ва яқиндагина ижарага бериш учун биринчи уйни сотиб олдик”.

Андрэа

Андрэа энг охирги имкониятни кўллади. Мана у нима деб ёзади: “Биз Малайзиянинг Куала-Лампур шаҳрида яшардик,

эрим мұваффақиятты биржаса маклерларидан әди. 1998 йылғы Осиёнинг молиявий инқизоридан сүнг у ўз бизнесини йўқотди ва айтарли йигган-терганларимизнинг ярми фонд биржасида куйиб кетди.

Биз АҚШга кўчиб ўтдик. Эрим яна молиявий хизмат соҳасида ишлашни бошлиди ва ҳамма пулларимизни қиммат қозозларга ташлади. (Яна!) Мен уйда бошқара оладиган кичик иши очдим. 2000 йилда қиммат қозозларимиз 60 фоизга ўсди ва мен эримни уларни сотишга ундардим. Албатта, у мени эшишини ҳам истамади. Бу узоқ муддатли сармоялаши эмиши. Яхши хотин бўлиб мен эримга қарши чиқмадим. Икки ҳафтадан сўнг биржса бозорида емирилиш бўлди. Яна бизнинг йигланларимиз йўқолди. Кейин 11 сентябр 2001 йил фојжеаси бўлди ва иккимизнинг бизнесимизнинг ҳам тагига сув кетди. Ортимизда каттагина қарз, пуллимиз умуман йўқ ва, албатта, танлов ҳам мавжуд эмас әди. Энди бизнинг уйда қандай муҳит ҳукмронлик қилаётганини хаёлингиздан ўтказиб кўринг-чи. Доимий асабий ҳолат ўзимизга ҳам, болаларга ҳам салбий таъсирини кўрсатарди.

Ниҳоят, қўрқув, жаҳл ва тушунмовчилик ўз ишини қилди. Кўпчилик аёллар каби мен ҳам эрим асосий боқувчи бўлиши учун ҳамма кучимни бердим. Лекин бора-бора ҳолат чираб бўлмас даражага етганда ундан ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам, менинг қаторига қўшиб, ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида шериклар сифатида гаплашишини, менинг ҳам гапларимни эшишишини, гап нул ҳақида кетганда гояларим устидан кулемслигини сўрадим. Мен эримнинг олдига иккита йўл қўйдим: биз биргаликда ишлаймиз ёки ажрашамиз. Гапиришга гапирдим-у, қўрқиб ҳам кетдим. Бу қалтисроқ муомалам оиласизга, асосан болаларимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин әди.

Худога шукрки, биз бир жамоага айландик ва оиласиз равнақи учун бирга ишлашни бошладик. Энди мен “одмигина хотин” эмас, тенг ҳукуқли ҳамкор эдим. Ўшандан бери бизнинг ҳаётимиз ўзгариб кетди. Ҳозирда биз олтида хона-донни ижарага берамиз ва иккита кўчмас мулк соҳасида сар-

моядорлик лойиҳасини амалга оширдик. Йкки йилдан сўнг эса молиявий жиҳатдан озод бўлмоқчимиз”.

Мен тушунаман, эрингиз сиз тарафда бўлмаса, молиявий озодликка чиқиш жуда қийин, мен умид қиласман, сиз эрингизнинг кўзини очиш учун уни ажралиш билан қўрқитмайсиз.

ЭСЛАТМА УЧУН ФИКР

Ҳамма одамларнинг бу муаммо ҳақидаги фикрларини эшитиб, иккита маслаҳатга аҳамият қаратдим. Биринчиси, имконият даражасида эрингизни сармоялашга қизиқтиринг. Буни аста-секинлик билан қилинг. Олдинига қайсиdir газетадаги мақолани кўрсатинг ёки бирор кишининг кўчмас мулк бозоридаги муносабатини муҳокама қилинг. Бу ҳақда қанчалар кўп гаплашсангиз, шунча яхши.

Кейин эса хотин биринчи қадамни қўйиши керак. “Мен билардим, олдин ўзим бошлишим керак эди ва, албатта, эrim оптимдан эргашарди ҳам. Шундай бўлди ҳам. Мен қандайин иштиёқ ва қизиқиш или сармоядорлик билан шуғулланаётганимни кўрган эримда қизиқиш уйғонди. Пулни кўргандан сўнг эса ортига қайтмади!” дейди бир аёл.

Оилада пулга бўлган муносабат

Шунинг учун ҳам бир савол туғилади, бунга, менимча, ҳамма эр-хотин - оилалар жавоб беришлари керак: “*Оилангизда пулга муносабат қандай йўлга қўйилган?*”

Бошқача сўзлар билан айтганда, молиявий ахволингизни очик-ойдин муҳокама қиласизми? Ҳамма молиявий масалаларни биргаликда кўриб чиқасизми ёки биттангиз шуғулласиз, холосми? Балки пул мавзуси камдан-кам ҳолатларда кўтарилар?

Менимча, энг қизғин тортишувлар икки мавзу туфайли пайдо бўлади: муносабат ва пул. Агар улар бирлаштирилса, кўп нарса бўлиши мумкин. Сиз нима десангиз - деяверинг, аммо ҳамма оиласи келишмовчиликларнинг илдизи – пул!

“Сен бой бўлишни истайсанми?”

Учрашувларимиздан бирида Роберт мендан сўраб қолди:

– Бой бўлишга сен қандай қарайсан?

Мен бир оз ўйланиб қолдим: “Қандай ғалати савол?! Би-
пор киши бормикан бой бўлишни истамаган?”

Овозимни чиқарип эса:

– Жуда ижобий. Нега буни сўраяпсан? – дедим.

– Ишонмайсан, кўпчилик аёллар бунга ҳақорат деб қа-
рашади, бой бўлиш мақсадини иккинчи даражали деб ўйла-
шади. Кўпчилик одамлар эса пул очик-оидин муҳокама қи-
линадиган нарса эмас, деб таъкидлашади. Бу гаройиб, чунки
пул ҳар кунлик муомаламиизда учраб турадиган восита-ку. Бу
ҳақда гапириш қачондан бери ман қилиб қўйилди? Мен бун-
дай тушунчани ўзимга сифтира олмайман. Бой отам айтарди:
“Балки пул ҳаётда энг зарурий нарса эмасдир, лекин унинг
сенга керакли бўлган ҳамма нарсага таъсири бор”. Давола-
нишда, билим олишда, овқат ва бошпана учун – буларнинг
ҳаммаси учун пул керак. Мен одамларнинг пул ҳақида му-
лоҳаза юритмасликларига таажжубланаман. Мен жуда бой
бўлишни истайман, шунинг учун ҳам сенга бу саволни бер-
дим, сенинг фикрингни билмоқчи эдим.

Ўшандан бери биз пул борасида кўпроқ гаплашишни
бошладик. Биз бир-биrimизга қандай ҳаётни орзу қилиши-
мизни айтардик. Болалигимизда бизнинг оиласаримизда пул
мавзусида гаплашилганмиди-йўқми, шуларни ёдга олардик.
Ёшлигимизда кўпинча ҳаммаси - пул ҳам, оила куриш ҳам
бизга гапирилмасди. Пул ҳақида бизга ота-оналаримиз ни-
маларни айтишган? Пул биз учун нимани англатган?

Ўша пайтгача биз у билан бу мавзуда гаплашмагандик,
баъзи муаммолар ҳақида умуман ўйлаб ҳам кўрмагандим.
Бизнинг сұхбатимиз кўп нарсаларга бошқача назар билан
карашга ўргатди ва, албатта, кўп саволлар туғдирди.

Энг асосийси, бир-биrimизнинг пулга бўлган қарапла-
римизни аниқлаштириб олдик. Бу билан биз пул борасида,
ҳамма нарсада очик-оидин гаплаша оладиган ва тушунмов-
чиликлардан холи бўлдик.

Пул ҳақида қандай гап очиш керак

Агар оилангизда пул ҳақида гапириш одат тусига кирмаган бўлса, унда эрингиз билан бу мавзуда алоҳида гаплашинг. Олдинига қуидаги саволларни муҳокама қилишингиз мумкин:

- Ота-онангиз пул ҳақида нима дейишганди?
- Эрингизнинг фикридан сизнинг фикрингиз ажралиб турадими?
- Сиз учун пул қандай аҳамиятга эга?
- Жуда бой бўлиш сиз учун нимани англатади?
- Бой одамлар ҳақида қандай фикрдасиз?

Бу саволларни муҳокама қилаётганингизда эрингизда қандайдир салбий ўзгаришларни сезсангиз, шошилманг ва мулойим бўлинг. Жавобни олиш учун турли томонлардан ёндашишга харакат қилинг. Биринчи қадам сиз томон қўйилиши билан у ёғи осон кечади.

Пэтга қайтамиз

Мен Пэтга қўнғироқ қилиб, охирги суҳбатимизга қайтишини айтдим. Ундан пул борасидаги масалалар билан асосан ким шуғулланишини сўраб билдимки, бу мавзуда улар кам мунозара қилишар экан. Эр ишлаб пул топади, хотин тўлов қоғозларини тўлайди. Шу билан муаммо ечилган. Улар катта харажатларни биргаликда муҳокама қилишади, мисол учун машина сотиб олиш, уй, татилларда қаёққа сафарга бориш, лекин сармоялаш билан факат эрининг ўзи шуғулланади.

— Журналистлик истеъдодимни ишлатиш вақти келди ва эрим билан пул борасида очиқ гаплашаман, - деди Пэт. — Бу ишни нозик дипломатик руҳда қилишим керак, албатта, лекин ҳар холда иш бошланади-ку.

Мен унга баъзи мактублардан қисқача қилиб ўқиб бердим. Хатларни ўқияпман-у, у жимгина эшишиб турибди ва сезяпманки, унинг калласида бир нарсалар харакатга келяпти.

— Ҳаммаси учун раҳмат, нималардир ўз ўрнига тушаётгандай бўляпти. Бундай муаммоли одам биргина мен эмас-

лигимни эшитиш мен учун жуда ёқимли. Мен олдин бир тузокқа тушгандай ўзимни ҳис қиласардим. Энди бўлса, бу вазиятдан чиқишининг йўли борлигига ишониб боряпман. Менинг кўрккан жойим никоҳимизга путур етиши эди. Бошқа аёлларнинг ҳикояларини эшитиб, бу кўрқинчим йўқолиб боряпти, ҳозирданоқ бу ишга киришаман, эримнинг менга қизиқиш билдириб ўтиришини ҳам кутмайман. Аслида эрим менга кўшилгани яхши эди, ахир бу оиласиз учун-ку. Лекин рад қилса ҳам, энди мени тўхтата олмайди. Вазият ҳақида сенга етказиб тураман! – деди иштиёқ билан Пэт.

Унинг овозида сергаклик сезилиб турарди.

– Муваффакият тилайман! – дедим мен. – Мен сени яхши биламан, Пэт, агар сен бирор нарсани хоҳласанг, ал-затта, эришасан! Хайр.

Гўшакни қўяр эканман, ундан энди кўнглим хотиржам бўлади, деган фикрга келдим. У ҳаммасини уddyалайди. Аммо барибир унинг эридан хавотирим бор эди. Чунки уларнинг оиласиб ҳаётида катта ўзгаришлар бўлиши кутиляпти.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

НИМАГА АЁЛЛАР ЯХШИ САРМОЯДОР БЎЛА ОЛИШАДИ

Биз аёллар қўлимиизда пулни ушлаб турар эканмиз, пулда ўзимизнинг юзимизни кўришга интилмаймиз.

Айви Бейкер Прист,
АҚШ ғазначиси, 1954 й.

Эски талқинларни тамомила бузиб ташлаш вақти келди. Сармоялаш ва аёл - тушунарсиз амалиёт, деган афсона қурбони бўлманг. Биз ўзимизни унчалик ақлли эмасдек кўрса-тишимиз мумкин. Гап пул ҳақида кетганда ҳеч нарсани ту-

шунмайдиган аҳмоқдек тутармиз. Ўзимизни эркак ортига яширинган аёл сифатида тутсак бўлади. Аммо бу амалларга қарши аёллар асрлар мобайнида курашиб келишган. Аслида эса биз ақллимиз, кўрсатаётгандаримиздан-да кўпроғини биламиз ҳам. Бундан ташқари, биз ҳавас қилгудек соғлом фикрга, бебаҳо узокни кўра билиш ҳиссиётига ҳам эгамиз. Аёллар пул, молия ва сармоялашлар билан шуғулланишмаган, деган гап ҳеч нарсани англатмайди.

Замон ўзгарди, ўзгаряпти ва бундан кейин ҳам ўзгараверади.

Олдинлари “Мен пул ишлари билан шуғулланишни билмайман” ёки “Сармоялашда ҳеч нарсани тушунмайман”, деб айтиб юриладиган сўзлар эскириб қолди. Ўтмишнинг аҳамияти йўқ. Асосийси – сизнинг бугунги қиладиган танловингиз.

Танлаш ўз қўлингизда

Мен иккита йўлни кўряпман: сизга сармоялаш соҳасида ўрин йўқ ва оилавий ҳисоб-китобларни қилиб, тўловларни амалга ошириш, афсонага ишониб юравериш ёки молиявий ҳаётингизни ўз назоратингизга олиш. Сизнинг молиявий келажагингиз ўзингизга боғлик. Пул билан муомала қилишни ўрганиш... тайёрланиш... чора кўриш... ва натижага эришиш...

Ҳозир қарор қилишнинг айни вақти. (Кўпчилигиниз бундай қилиб ҳам бўлдингиз, шекилли.) Бу ҳақда кўп нарсаларни гапириш, ўйлаш мумкин. Ушбу саволни ҳар томонлама ўрганиб чиқса бўлади. Ва охир-оқибат тушунган ҳолда танловни амалга ошириш лозим. Бу фурсат, менимча, ҳозир.

Куйидагича қарор қилинг: молиявий муваффакиятингиз учун ҳамма керакли нарсаларни қила оласизми? Агар “йўқ” десангиз, тушунишингиз керакки, бу билан сиз ўз молиявий аҳволингиз жавобгарлигини бошқа бирорвга топшириб, кузатувчи бўлиб қолаверасиз. Агар “ҳа” десангиз, ҳамма салбий гапларни ёддан чиқариб, ишга шўнгишингиз лозим. Шундайин оддий танлов! Бу ечимни ўзингиз ечинг.

Келажак сари қадам

Шунчагача биз аёлларнинг сармоялашдаги тўсиқлари ва тушунмовчиликлар ҳақида гапирдик. Энди келажакка боқиш пайти келди. Муваффакиятли сармоядор қандай бўлади? Агар сиз янги бўлсангиз, биринчи қадамингиз қандай бўлиши керак? Кўйида шу ҳақда гаплашамиз.

ЯХШИ ЯНГИЛИК

Яхши янгиликдан бошлаймиз: аёллар ажойиб сармоядор бўла олишади. Буни статистика ва бутун дунё бўйлаб юзлаб аёл танишларим ҳам тасдиқлашлари мумкин. Уларнинг сафи кундан-кунга янада кенгайиб бормоқда.

Статистика яна ва яна таъкидлайдики, аёллар тугма сармоядордирлар. Кўйида фактларни келтириб ўтамиз.

- 2002 йили АҚШ Халқаро сармоядорлар ассоциацияси клубининг маълумотига қараганда, 1951 йилга қараганда аёллар сармоядорлик клубининг йиллик даромади 32 фоизга ўсган, эркакларники эса 23 фоизни кўрсатяпти.

- Сармоядорларни кузатиб, Калифорния университети профессори Тернэнс Один аниқладики, аёллар эркакларга қараганда 1,4 фоизга кўп даромад олишар экан.

- «Merrill Lynch» компанияси сармоялаш менежерлари тадқиқод ўtkазишганда қўйидаги кўrsatgichlar аниқланди:

	Аёллар	Эркаклар
Фойдасиз сармояларни кўп сақлаб туриш	35%	47%
Фойдали сармояларни жуда кеч сотиш	28%	43%
Ўрганиб чиқилмаган сармояларни таваккал килиб сотиб олиш	13%	24%
Сармоялашдаги хатоларни яна қайтариш	47%	63%

Хулоса: аёллар пул билан муомала қилишни билишади.

АЁЛЛАР ЭРКАКЛАРГА ҚАРШИ

Ким сармоялаш билан яхши шуғулдана олиши ҳақида юзлаб мақолалар ёзилган: аёлларми ёки эркаклар? Шахсан мен қайсиdir жинс бири-биридан устун деб ҳисобламайман. Гап жинсда эмас. Ахир яхши ашулачилар ва ёмонлари бор, иқтидорли ошпазлар ва ёмон ошпазлар мавжуд, омадли ва омадсиз тадбиркорлар бўлади. Шунга ўхшаб сармоядорларнинг ҳам яххиси ва ёмони учрайди. Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Бутун олам бўйича сармоялашдаги муваффақият қобилиятга, билимга ва малакага боғлиқ.

Бироқ шу билан бирга аёлларда алоҳида устунликлар бор. Кўп нарсалар аёлларнинг яхши сармоядор бўлишларига ёрдам беради. Тушунаман, ҳамма аёллар ҳам бундай сифатларга эга эмаслар, лекин ишонаманки, уни улар ўзларида топа оладилар.

АЁЛЛАРНИНГ АЖОЙИБ САРМОЯДОР БЎЛИШЛАРИГА ИЗН БЕРАДИГАН САККИЗТА УСТУНЛИК

1. Биз “Мен билмайман!” дейишни билмаймиз.

Мен буни сармоялаш нуқтаи назаридан асосий устунлик деб ҳисобламаган бўлардим. Биз чин дилдан савол бера оламиз ва бирор нарсани тушунмасак, очик-ойдин тушунмаганимизни айта оламиз. Кимда-ким билмаган нарсасини билишни истаса-да, бўйни ёл бермай сўрамаса, у ўзига қийин киласди. У юксалмайди, билимга эга бўла олмайди. Ахмок бўлиб кўринишини истаманган одамнинг ўзи ахмок. Сўраб-сўраб олим бўласиз.

Менинг бир дўстим бор, унинг ёши саксон бешда. Исми Фрэнк. У энг зўр бизнесмен ва сармоядор. У ажойиб феъли билан ажралиб туради – худди етти ёшли боладай қизиқувчан. Уни ҳамма нарса қизиқтиради ва доим саволлар бераверади. Бир куни у билан менга ўттиз беш ёшлардаги бир йигитни таништиришди.

Фрэнк ундан сўради: “Нима билан шуғулланасиз?”

У жавоб берди: “Мен Уолл-стритдаги ўз акцияларини оммага чиқаришга ҳаракат қилаётган компаниялар билан ишлайман”.

“Бу жуда қизиқ бўлса керак! Тушунарли қилиб айтиб беринг”, деди Фрэнк. Йигирма дақиқа давомида у йигит Фрэнкка ўзининг шуғулланадиган иши ҳақида гапириб берди. У йигитнинг сўзини бўлмай, тинчгина, кўзларида қизиқиш билан эшитиб ўтирди. Йигит кетганидан сўнг Фрэнк: “Жуда қизиқ!” деб қўйди.

Қизиқарлиси шунда эдики, Уолл-стритда Фрэнк йигирма йилдан бери ишларди ва шу йигирма йил ичидаги кўп компанияларнинг акцияларини олиб чиқсан, бу иш билан ҳозиргача шуғулланади ҳам. Фрэнк ушбу соҳада бой тажрибага эга бўлса-да, унга янги одамнинг гапини эшитиш қизиқ эди. Фрэнк ўрнак олса бўладиган инсон. У ҳеч қачон ҳамма нарсани биладигандай ўзини кўрсатмайди, шунинг учун ҳам кўп нарсани билади.

Аёлнинг “Мен билмайман”, дея олиши унга кўп нарсани билиб олишига имконият беради. Суҳбатдошингиздан сухбат давомида сўрашдан уялманг: “Буни тушунтириб бера олмайсизми? Бу мавзуни унчалик билмайман”. Соҳангизга оид мақола ўқийсизми ёки телевизорда бирор кўрсатув кўрасизми, тушунмаган жойингиз бўлса, интернетга киринг ёки кутубхонага боринг. Мен бу илмни аёлнинг билим олишдаги энг керакли асбоби деб ҳисоблайман. “Мен билмайман”ни ғурур билан тан олишни ўрганинг. Бу сизга кўп янги нарсаларни ўрганишингизга ёрдам беради.

2. *Биз ёрдам сўрашига тайёрмиз.*

Биринчи устунликдан кейин иккинчиси вужудга келади: аёллар эркаклардан кўра бемалол ёрдам сўрашади.

Бир куни мен дўстларим Мэри ва Карлларни кига меҳмонга бордим. Карл меҳмонлар учун ажратилган ваннахонада ёнига ҳамма керакли асбларни кўйиб олиб, унитазни тузатарди. Унинг олдига Мэри кириб сўради: “Балки бирор устага қўнғироқ қиласиз, у муаммоимизни ечиб берар?!?”

“Керак эмас, - жавоб берди Карл. – Мен ўзим ҳаммасини қила оламан!”

Бир соатлардан сўнг ҳорғин ҳолда Карл ёнимизга тушиб: “Уста чақирмасак бўлмайди, шекилли, муаммо биз ўйлагандан мураккаброққа ўхшайди”, деди Мэрига қараб.

Натижада унитазни бутунлай алмаштиришга тўғри келди. Карл ўз ўрнида, албатта, вазиятни изоҳлади: “Кўрдингми, мен айтдим-ку, муаммо мураккаб, деб”. Кейинроқ бошқа иш билан қўшниникига келган уста Мэрининг қўшнисига уларнинг унитазига агар эри кўлини теккизмай, олдинроқ устани чақирганида битта кичкина матахини алмаштиrsa, тузалган бўларди, деб айтибди.

Мэрининг биринчи уста чақириш кераклиги ҳақидаги фикри тўғри бўлиб чиқди. Бу ҳолатда бир таникли вазият эсга тушади, эр-хотин кўчаларнинг бирида адашиб қолишади, хотин тўхтаб бирор кишидан сўраб олишни таклиф қиласди, эр унга жавобан: “Мен ўзим биламан!” дейди. Агар сармоялаш ҳақида гап кетса, аёл тўхтаб йўлини сўрайди. У атрофдан ёрдам кутади. Бу унга иккита устунликни беради: биринчидан, у бирор янгиликни билиб олади; иккинчидан, адашиб сарсон бўлиб, вақтини йўқотмайди.

3. Аёллар дўконларни хотиржам айланишини билишади.

Кўпчилик аёллар – профессионал харидорлардир. Бу нимага зарур? Чунки улар фойдали битимни қаердан топишни билишади. Фойдали сармоялаш бошқа бир олди-сотидан фарқ қилмайди: арzon мол топ ва сотиб ол.

Ёзувчи, иқтисод бўйича муаллима Рут Хейден айтади: “Агар биз аёллар сармоялашини супермаркетда савдо қилаётганимиздай яхшилаб кўриб чиққанимизда эди, биз бой бўлардик. Нархи тушиб кетаётгган акцияларни сотиб олиш – арzonлаштирилган учта шортини биттасининг нархига олган билан баробар”.

Сармоялаш оламида ҳам айнан шундай. Агар сиз бирор компаниининг акциясини яхши билсангиз ёки кўчмас мулк бўйича бирор ҳудуднинг шароитини яхши ўрганган бўл-

сангиз, бу сиз учун фойдали битим бўлади. Лекин маҳсулот ҳақида билмасангиз ва нархлардан хабарингиз бўлмаса, сармоялашнинг асили нархини ҳам била олмайсиз. Сифатли, арзон маҳсулот топ ва уни сотиб ол. Бу ҳаммасидан осон.

4. Аёллар доим харид учун олдиндан тайёргарлик кўришади.

Аёллар одатда харид учун астойдил тайёргарлик кўришади. Улар кам ҳолларда “тўғри маслаҳат” билан сотиб олишади. Аёллар эркаклардан кўра сармоялашдан олдин жойни яхшилаб ўрганиб чиқишади. Бу одатлари уларни нотўғри хариддан ҳимоя қиласди. Ушбу одатнинг эркакларда йўқлиги кўпинча уларни сармоя портфелларининг ёмонлашишига олиб келади.

Аёллар харид килаётганларида қўшимча маҳсулот сотиб олишга иштиёқлари бўлмайди. Улар айни ўзларига керакли нарсани олишади, холос.

5. Аёллар камроқ таваккал қилишади.

Тўртинчи устунликдан бешинчисига ҳеч қанча эмас: тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар унчалик таваккалчи эмаслар. Баъзилар бу хусусият муваффакиятга халақит беради, деб ўйлашади. Лекин таваккалчиликка истак бўлмаса, бунинг нимаси ёмон?

Шахсан мен бундай таваккал қилишга тўғри келган пайдада ёки нотаниш сармоядорликка дуч келсам, пул тикишдан олдин уни жуда яхшилаб текшириб кўраман. Агар аёл таваккалчиликдан кочар экан, у сармоя асбобини яхшилаб текшириб, ўрганиб чиқади, бу нарса унга келгусида катта муваффакият гаровини беради, буни статистика исбот қилиб турибди.

Бироқ жуда узок ўйланиб қолиш ва ўта эҳтиёткорлик ҳам ярамайди. Бундай ҳолат одатда “тафтишдаги фалажлик” деб аталади. Бу харакатсизликка олиб келади. Таваккалчиликни ўз фойдангиз учун қилинг. У сизни фалаж қилиб қўйишига йўл қўйманг.

6. Аёлларда иккиланиши камроқ.

Эркаклар бу фикримга нима дейишларини билиб туриб-

ман. Аёллар эркаклардан кўра камроқ ўз иккиланишларининг қурбонига айланишади. Улар сармоялашга фойда олиш илинжида омилкорона ёндашадилар. Сир эмас, эркаклар ўз сармояларининг жозибаси билан мағтанишни яхши кўришади. Аёллар эса ўз навбатида унинг даромадига қизиқишади.

«Global Investment Institute» компаниясидан Мика Гамильтон ёзади: “Одамларни фонд биржаларида савдо қилишга ўргатиш компаниясида ишлаш жараёнимда кўз олдимда қанчадан-қанча аёллар ва эркаклар сармоядорликнинг турли соҳалари бўйича ўз йўлларини танладилар. Тахминан 80 фоиз мижозларимиз эркакларни ташкил қилади. Аммо гаров ўйнашим мумкин, 80 фоиз уддабурон сармоядорлар – аёллар ҳисобланишади.

Аёллар эркакларга қараганда сармоялашда нега яхшиrok эканликлари менга қизик туюлди. Мен бу ҳакда кўп ўйладим ва фактларга аҳамият карата олмасдан бошқа илож топа олмадим. Аёллар чиндан ҳам сармоялашда илғорлар.

Аммо нима учун? Ўлашимча, жавоб оддий – тақдири азал. Эркакларга эса ўзларини яхши кўришлари халақит беради. Бу ҳиссиёт уларни қарор қабул қилишларида бошқаради. Улар ўйламасдан харидлар қилиб, катта имкониятларни кўлдан бой беришади. Эркаклар савол беришдан уялишади ёки кўрқканларида ёрдам сўраб аҳмок кўринишдан қочишади.

Бошқача қилиб айтганда, эркаклар кучли, билимдон ва омилкор кўринишга интилишади. Улар пулларини фойда учун эмас, атрофдагиларга яхши кўриниш (ёки ёмон кўринимаслик учун) бирор ишга сармоялашади.

Аёллар ўз навбатида завқ билан савол беришади, ҳаммасини аниқлаштиришга интилишади, уларни таассурот эмас, кўпроқ мақсад қизиқтиради.

Кўпчилигимизда сармоялаш таваккалчиликдек қабул қилинади. Лекин охиригача тушунмаймизки, қайси ҳиссиёт назари билан қараганимизда вазият биз учун маъқул бўлади? Аёлларда бу сифат жуда кучли ривожланган.

Айнан ҳиссиётлар tengлиги яхши сармоядор бўлишга ёрдам беради. Аёллар ютуқ учун эмас, даромад учун пул қўйи-

шади. Уларнинг қарорлари хафаликлари ёки қувончларига ё бўлмаса ҳақ бўлиш ё ноҳақ бўлмасликка интилишга боғлик бўлмайди.

7. Аёллар эътиборли ва куюнчак бўлишиади.

Аёллар ўз сармояларига куюнчаклик билан карашади. Яқинда бир аёл ижарага берадиган кўпхонали уйи ҳакида гапириб берди. У шунчалар жонкуярлик билан қилган таъмиглаш ишлари тўғрисида ғуурланиб гапирарди. Унда яшаётган ижарачилар ҳам ундан мамнунлар. Ижарачилар шунчалар ундан хурсандликлари учун бошқаларга ҳам шу уйни ижарага олишларини даъват қилишар экан. Ҳатто унда ҳозир навбат дафтарчаси ҳам бор. Аёл ижарачилар учун кайғуради ва оқибатда уйнинг бирорта бўш хонадони йўқ, бўшагандан сўнг ҳам кўп бўш қолиб кетмайди. Керакли рентани ҳам олиб даромад қиляпти. Бунинг оқибатида кўчмас мулкининг нархи ҳам ошиб боряпти.

8. Аёллар бошқа аёллардан ўрганишиади.

Шунинг учун ҳам аёллар сармоялаш клубларининг оммавийлашуви ўсиб боряпти. Улар дунё бўйлаб пайдо бўляпти ва сармоялаш оламини яқиндан танишга, у ҳакида кўп нарсаларни билиб олишга имконият яратяпти.

Аёллар бир-биридан билан билимларини ўртоқлашишади. Агар улар сармоялашда бирор омадли ҳаракатларни ёки имкониятларни сезишса, у ҳакда дарров дугоналарига айтишга шошилишади. Менимча, шу ҳам эркаклар клубидан кўра аёллар клубининг кўрсатгичи баландлигидан дарак берса керак. Аёллар одатдагидай дўстларига муваффакият тилашади.

Аммо бир-биридан ўрганишнинг салбий томонлари ҳам бор, баъзан аёллар малакасиз одамларни ҳам эшитишлири мумкин. Сабаби ўша маслаҳат бераётган одам дугонаси бўлади (унга ишонади-да). Шуни айтиб қўйишим жоизки, у яқин дугонангиз бўлса ҳам, сиз шуғулланмоқчи бўлган ёки истаётган нарсангизни у ҳам чин дилдан хоҳлаётганини олдин аниқлаштириб олинг. Агар акси бўлса, бефойда вақт кетказиб ўтиранг.

БИЗ БУНИ УДДАЛАЙ ОЛАМИЗ ВА ҲОЗИРДА ҚИЛЯПМИЗ ҲАМ

Пул қўйишининг ҳеч қандай кийин жойи йўқ. Бу сармоялаш жараёнининг энг оддий қисми. Кўпчилик аёллар ўз фикрларини ўзгартиришлари кийинроқ. Одам ўзига “Мен қила олмайман” ёки “Мен билмайман”, дейиш ўрнига “Мен нафақат сармоядор бўла оламан, балки бу соҳада катта муваффақиятларга эришаман!” деб ўйлаши керак.

Кичик бир сир билан ўртоқлашмоқчиман: бошлаш керак, холос ва бу ўйин ўзига жалб қилиб олади. “Билмадим, мен нимадан бунчалар кўрқкан эканман?! Менга шундай ёқяпти, асти қўяверинг!”; “Пул олиш қанчалар ёқимли!”; “Келгуси битимни интизорлик билан кутаман!”; “Мен шунчалар кўп нарсани билиб олдимки, бу нақадар яхши!” – шу ва шунга ўхшаш ибораларни мен кўп сармоядор аёллардан эшитганман. Энди тушунгандирсиз?! Аёл энг яхши сармоядор бўла олади! Ҳозирги кунда бу ажойиб жинс вакилалари сармоялашни бошлашяпти ва уддалашларини исбот ҳам қилишяпти, бу жуда қизиқарли ва қувончли. Пул олиш ажойиб! Ўқиб-ўрганиш қизиқ. Ўзиди ишончни ҳис қилиш ёқимли. Ва яна энг асосийси – ўз ҳаётингни ўзинг назоратда ушлаб турганингни ҳис қилиш олдингда янги имкониятларни очади. Бундай тушунчалар озодлик ҳиссиётларини англатади.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

“МЕН ТАЙЁРМАН!”

Фикрлар - бу қувват; ажойиб ҳаётни тасаввурда яратиши мумкин ва уни бузии ҳам.

Сьюзан Тейлер

Ягона “Гавайи клуби” мизнинг вакиласи Марта билан учраша олмагандим. Мен унга кўнғироқ қилиб, аҳволидан ҳабар олишга жазм қилдим.

- Алло, эшитаман, - у гўшакни олиб жавоб берди.
- Салом, Марта, мен дугонанг Ким бўламан, ўтмиш Гавайидан салом!

— Вой, жуда хурсандман, Ким! Учрашувга бора олмаганимдан афсусдаман. Мен Пэт ва Лесли билан гаплашгандим. Бу ерда ишларим жуда кўпки... Тушлик қилиб ўтирганингларда қўнғироқ қилмоқчи эдим, аммо иложини қила олмадим, - кечирим сўради у.

- Ҳечкиси йўқ, - хотиржам қилдим мен. — Бир дақиқа ажратса оласанми?

Бироз дудукланиб жавоб берди у:

- Албатта! Айни пайтда бўшман.
- Сен билан учраша олмадик, шунчаки ишларинг ҳақида билмоқчи эдим, анчадан бери кўришмадик ҳам, - гап бошладим мен.

Жавоб: жимлик.

- Марта... Сен мени эшитяпсанми?
- Майли, тан оламан, - деди у. — Мен сизлар билан учрашишни жуда истардим, ҳозирда ахволим қийинлашган пайти. Тўғрисини айтсам, ҳаётим Гавайида ўйлаб юрганларимдек бўлмади. Пэтдан нима ҳақида гаплашгандарингни эшитдим ва ўз ахволимдан уялиб кетдим. Эсингдами, мен таниқли океаншунос бўламан, дегандим?
- Албатта, эсимда, - жавоб бердим мен.
- Мен ишни бошлаганимга бир-икки йил бўлганда отам қўнғироқ қилиб ёнига чакирди. Унинг яхши ходими ишдан бўшаганди, унга менинг ёрдамим керак бўлиб қолибди. У олдинига бир-икки ойга янги одам топилгунча, деганди. Оилавий бизнесимиз ўсиб борди, чунки мен унинг кирралари ни яхши билардим, аммо бу соҳага хеч қандай қизиқишим йўқ эди. Истамаган ҳолда Гавайидаги ишимдан бўшаб, уйга бордим, бир-икки ой эса бир йилга ва, ниҳоят, уч йилга чўзилди, оқибатда эса ҳалиям шу ердаман. Бир неча йил олдин отам бизнесини сотди, лекин сезиларли фойдага эмас. Ота-онам яхши яшашарди, кейинроқ эса отам бетоб бўлиб қолди, сотувдан тушган пулнинг бир қисми уни даволашга

кетди. Аммо барибир у оламдан ўтди. Энди бўлса, мен иккита ишда ишлашимга тўғри келяпти.

– Пэтнинг айтишига қараганда, онанг касал эмиш, ҳозир яхшими?

– Ҳа, анча тузук. Отамнинг вафотидан кейин онам ёлғизланиб қолди ва у менинг уйимга кўчиб ўтди, ахир мен унинг ягона фарзандиман. Шунинг учун ҳам иккита жойда ишлашимга тўғри келяпти. Лекин соғлиги унчалик яхшимас. Хуллас, аҳволимиз ҳозирда ҳавас қилгудай эмас.

Шуниси ажабланарлики, мен олдинига ҳаётимдан мамнун эдим! Сан-Диегога кўчиб ўтганимда ҳаммаси оддий эди. Туар жой учун пул тўлаш катта куч талаб қилмасди. Бизнес пул келтириб туарди. Менинг соҳилга яқин жойда машинам, квартирам бор эди. Истаганимча серфинг билан шуғулланишим мумкин эди. Менга жуда қулай эди. Шунинг учун ҳам қолгандирман. Ҳаётим барча қийинчиликлардан холи эди-да.

Аммо бу узокқа бормади. Биринчидан, мен доим ўзимга савол бераман, агар мен ўша океанишуносликда қолганимда нима бўларди?! Кўнглимда ўқинч бор. Иккинчидан, енгил ҳаёт бирдан оғирлашиб қолди. Мен доим биргина кўнглим учун яшардим: пулни турли кўнгилхушликка сарфлардим. Булар энди ортда қолди: энди келажакка боқиш керак, келажакда эса тугалмас курашлар, мен олдинда ҳеч нарсани кўрмаяпман.

Шунинг учун ҳам мен сизлар билан учраша олмадим. Менга ҳозир жуда қийин, қолаверса, мен билан мулоқотингиз сизларга қувонч ҳам бағишламайди.

– Мен сени жуда яхши тушуниб турибман, лекин дўстлар шундай оғир кунларда керак, – дедим мен.

– Раҳмат, – миннатдорчилик билдириди у. – Мен шунчаки энди нима қилишни билмайман.

Унинг овозида тушкунлик бор эди, шунинг учун мен таваккал қилдим.

– Айт-чи, бу тушкунликдан чиқиш учун сен бирор нарсани ўзgartиришга тайёрмисан?

— Албатта! Бирор нарсани ўзгартиришим керак. Бўлмаса, мен тунелнинг охирида чироқни кўрмаяпман.

— Агар мен сенга китоб жўнатсам, уни ўқийсанми? — сўрадим мен.

— Албатта!

— Майли, китобни жўнатаман, ўқиб бўлишинг билан менга хабарини берасан, - давом этдим. — Мен ҳамма муаммоларингни ечишга ваъда бераман, агар бу сени қизиқтириб қолса, шу биринчи қадаминг бўлади.

Шу билан биз хайрлашдик.

Мен унга “Бой ота, камбағал ота” китобидан жўнатдим ва унинг қўнғирогини кутиб қолишимни айтдим.

“МЕН ТАЙЁРМАН!”

Орадан бир ойча вақт ўтди, Мартадан дарак бўлмади. Мен қўнғироқ қилмоқчи бўлдим-ку, аммо ўйланиб қолдим, ахир у ўз ҳаётини ўзи ўзгартириши керак ва биринчи қадамини ўзи қўйиши керак, унинг ҳаётига аралашибимга ҳаққим йўқ. Мен унинг учун қарор қила олмайман.

Вашу пайт телефон жиринглаб қолди. Бу Лесли эди.

— Мен тайёрман! — шижаот билан қичқирди у.

— Тайёрсан?! Нима учун тайёрсан? — тушуна олмадим мен.

— Ўқиб-ўрганишга ва умрбодга молиявий мустақил бўлишга! - деди у. — Биримни биримга улаб яшашдан зериқдим. Мен тўйдим! Мен ҳаракат қилишга тайёрман. Ва бу шунчаки куруқ гап эмас. Мен жиддий айтяпман!

— Кўряпман, - дедим мен. — Бундай тасодифий истакнинг сабаби нима?

— Бир неча ой олдин, - бошлади Лесли, - мен Вермонтега икки кунга мусаввирилик дарсига ёзилдим. Шу икки кунни очик ҳавода мусаввирилик билан шуғулланиб ўтказишимиз керак эди, сен биласан, бу менинг яхши кўрган машғулотим. Мен ҳаммасини режалаштириб, куз кунларини танладим. Мен бу сафарни жуда кутгандим. Шу пайтда менга бослиғим қўнғироқ қилиб, бошқа иш чиқиб қолганини айтди,

агар рад қилсам, ишдан бўшашимни сўзининг ичидаги қистириб ўтди.

— Сен нима қилдинг? – сўрадим мен.

— У давом этди:

— Менда танлов йўқ эди. Бошлиғимнинг айтганини қилдим ва Вермонтга бормадим. Тўғри, ҳаётда баъзи вазиятлар орзулалинг амалга ошишига халақит беради, аммо ўша вактнинг ўзида тушундимки, мен ўз ҳаётим устидан ҳоким эмас эканман. Ҳаммасига эса пул сабабчи. Менинг кўзим очилди, энди бундай яшамоқчи эмасман. Мен олдинга бормоқчиман.

— О, зўр-ку, мен сен учун хурсандман! – дедим мен. – Менимча, сафарга бормаганинг сенинг фойдангга бўлган кўринади. У сени ўрнингдан силжишингга мажбур қилибди.

— Ҳа, ўйлашимча, сен ҳақсан! – ўйланиб жавоб берди Лесли.

— Энди нима қилмоқчисан? – сўрадим мен.

У дарров жавоб қайтарди:

— Мана мен нимани ўйладим. Мени эшиш, ўйлаб кўр ва айт, сен розимисан?..

— Сенинг ғоянг менга ёкишига ишонасанми? – ҳар эхтимолга қарши сўрадим мен.

— Умид қиласман. Демак, гап бундай, - ҳаяжон билан гап бошлади у, - иккимиз бирор кунни белгилаймиз ва ҳамма “Гавайи клуби”даги дугоналаримизни йиғиб, Финиксда сенинида учрашамиз. Сен бизга сармоялашни қандай бошлashingиз кераклигини айтиб берасан. Хўш, нима дейсан?

Бу сафар мен жавоб беришга шошилмадим.

— Кулок сол, мен ўзим доим ўқиб-ўрганишдаман. Менда ҳамма саволларга жавоб йўқ ва мен кўпчилик молиявий “экспертлар” тавсия қиладиган одатий сармоялаш стратегияларини қўлламайман. Мен ажойиб инсонлар қўлида ўқиб-ўрганганман ва ҳозирда ҳам улардан ўрганишни давом эттириб келяпман...

— Мен ҳаммасини тушунаман, - сўзимни бўлди Лесли. – Мени сенинг стратегиянг қизиқтиради ва сендан ўрганмоқчиман. Бундан ташқари, ҳозиргача сендан эшигтанларим

менга мос тушади. Ҳозирда сенга ёрдам берәётган бошқа одамларга келсак, улар сен биринчи қадамни қўйганингда ёнингда бўлишмаган-ку. Ахир, сен ҳам йўқдан бошлагансан-ку. Мен ҳозир шундай ҳолатдаман. Сен ўз малакангни биз билан ўртоқлашишинг мумкин. Сен аёллар бир-бирларидан ўрганишади, деб айтгандинг, шунинг учун биз тўплансак, биргаликда кўп нарсани ўрганишимиз мумкин. Қолаверса, бундай вазиятда менинг савол беришим ҳам осон бўлади. Мен кўп ўқув дарсларида бўлганман, у ерда асосан ўзларини ақллироқ деб билганлар савол беришарди. Бу ерда эса биз бир-биримиздан ўрганармидик?!

Мен кулиб юбордим:

- Яна сен олди-сотдини билмайман, деб ҳам қўясан. Гапинг жуда ишончли чиқди.
- Хўш, розимисан? – чекинмади у.
- Розиман, фақат иккита шартим бор, - аниқлаштиридим мен. – Биринчидан, учрашувга фақат ўрганишни истаганлар келиши керак. Шунчаки дугоналарча валаклашиб ўтиришни хоҳлаганлар, яхиси, келмасин. Ўқишга иштиёқ юракдан бўлиши лозим. Ҳеч кимни мажбурлаб қўндириб бўлмайди.
- Яхши огоҳлантириш! Мен таклифнома жўнатаман ва кўрамиз: ким келади? Иккинчи шарт-чи?
- Иккинчи шартим шуки, билиб қўйганларинг яхши, менда сизларни икки кун ичиди омилкор сармоядор қилиб қўядиган ҳеч қандай сирим йўқ. Сармоядорлик – бу жараён, шунинг учун кўп нарсани ўқиб-ўрганиш ва малака ошириш керак бўлади. Мен бирор бирор мўъжизани кутиб келишини истамасдим. Сен уларга тушунтирасанми?

Келишдик. Кел, учрашув вақтини белгилайлик, - деди Лесли.

Мен жилмайиб:

- Яхши, қўндиридинг, - дедим.
- Мен Марта билан бўлган сухбатимиз ҳақида гапириб, уни ҳам таклиф қилишини айтдим.
 - Яхши бўлди, мен у ҳақида жуда ўйлаб тургандим, унга бир ой олдин китоб жўнатгандим, ундан эса ҳалиям дарак йўқ, - дедим.

ҮН ЕТТИНЧИ БОБ

МУВАФФАҚИЯТНИНГ 90 ФОИЗИ КЕРАКЛИ ЖОЙДА БҮЛИШНИ БИЛИШГА БОҒЛИҚ

*Кучлироқ бўлиши учун бирор нарсани қилишда уриниб кўришига жазм қилиши керак.

*Хар қандай ўзига баҳо бериш ҳаракатни талаб қиласди.

Жой Брауни

Вуди Аллен айтганди: “Муваффакиятнинг тўқсон фоизи керакли жойда бўлишни билишга боғлик”. Менимча, бу сўзда жон бор. Кўпчилик озишни орзу қиласди, спорт залга эса ким боради? Кўпчилик ўз ҳаётини ўзгартиришни истайди, ким чиндан бунга ҳаракатни бошлади?

Шунинг учун ҳам учрашувга ким келиши менга қизиқ эди. Лесли ҳаммани жума куни кундузи соат роппа-роса 10.00 га бизнигига йиғилишга таклиф килди.

- Ҳаммалари келадиган бўлишди, - деди у.
- Кўрамиз, ким келаркан?! - дедим мен.

ЖУМА, СОАТ ЭРТАЛАБКИ ТЎҚҚИЗ

Кофе тайёр эди. Лесли қўлида мева, булочка ва пирожнийларни кўтариб 8:30 да кириб келди.

– Мен ҳеч кимни қистаганим йўқ, - деди у. - Шунчаки нима қилмоқчилигимизни айтдим. Сеникига қандай келишини тушунтирдим ва менга қайта телефон қилишлари шарт эмаслигини айтдим: сизларга керак бўлса, келинглар, деб тайинладим.

- Ва сен ҳаммаларидан қатъий жавоб олдинг... – сўрадим мен.
- Ҳа. Ҳатто Мартадан ҳам. Ҳаммалари иштирок этишни хоҳлашларини айтишибди.

Биз ўзимизга кофедан қуйиб, кутишни бошладик. Тўққиз

бўлишига озгина колганда эшик қўнғироғи чалинди. Биз ҳа-
яжон билан эшикни очдик.

— Салом, Лесли, сен жуда яхши тушунтирибсан бу ерга
қандай келишни. Таксичи дарров тушунди. Мен сизларни
кўрганимдан хурсандман! – деди кира солиб Трейси.

— Трейси, келганинг яхши бўлди! – дедим қичқириб мен.

— Сен мени қўраман, деб ўйламаган бўлсанг керак, - деди
у. – Мени келмайди, деганмидинг? Ўтган ҳафтадаги воқеа-
дан кейин мен келишга мисқолча ҳам иккиланганим йўқ.

Биз ошхонага ўтдик.

— Нима бўлди? – сўрадим мен.

— Ёнингиздами, эримни компанияни сотгандан кейин
ишдан бўшатишлари мумкинлигидан хавотирдалигимни ай-
тгандим? – сўради Трейси.

Биз бош чайқадик.

— Ўтган жума шуни билиб қолдимки, мен ишлаётган
компания ҳам сотилар экан ва жиддий ўзгаришлар бўлиши
кутиляпти, - гап бошлади у. – Бир йилдан бери компаниямиз-
ни бошқа бир компанияга кўшиш ҳақида музокаралар олиб
борилаётганди, кейин эса режалар пучга чиққани ҳақида
миш-миш тарқалди. Бир ҳафта олдин бош директор ҳамма
ходимларни йиғиб, компания сотилганини билдириди. У кат-
та ўзгаришлар бўлишини ҳақиқатда ҳам айтди, аммо ишдан
бўшатишлар бўлмайди, деб ҳам кўшиб кўйди. Аммо бу сўз-
лардан кейин қандай хотиржам бўласан киши?

— Нима деб ўйлайсан, энди нима бўлади? - сўради Лес-
ли.

— Билмайман, лекин бу ҳафта ичи ишхона гўё ўликхо-
нага ўхшайди. Албатта, ишдан бўшатишлар бўлади. Компа-
нияни сотиш бусиз бўлмайди. Ишни йўқотишдан ҳаммамиз
ҳадикдамиз. Ҳаммасидан ёмони бирор киши бирор нарса ки-
лишга ҳаракат қилмаяпти ҳам, чунки уларни келажакда нима
кутаётганини билишмайди. Бу чираб бўлмас ҳолат. Мен ҳам
нима қилишни ҳали билмайман, лекин бугунги учрашуви-
миз мен учун жуда керак. Эндиликда вақтимдан фойдалана
оламан, аммо карьерам назоратимдан чиқди ҳисоб.

- Мана сенга огоҳлантирувчи қўнғироқ! – деди Лесли.
Биз шунчалар гапга берилиб кетибмизки, эшикни тақиллатишганини ҳам эшитмай қолибмиз.
- Хўш, навбатдаги ким экан, қарайлик-чи?! - деб жилмайдим мен.
Биз кираверишга чиқдик, кимлигини ўзимизча топишга ҳаракат қилдик. Мен эшикни очдим.
- Ишонгим келмайди, ўн дақиқага кеч қолибман! Мен ҳаммасини шунчалар яхши режалаштиргандим, ахир мен ҳеч қачон кеч қолмасдим, - кечирим сўрашга тушди Пэт.
- Киравер, Пэт! – таклиф қилдим мен.
Кучоқ очиб кўришиб, ҳаммамиз ошхонага қайтдик.
Кофени пирожний билан ичиб, яна ярим соатча гаплашиб ўтириб, энди бошқа кишини кутмасликка қарор қилдик.

МАРТА БИЛАН НИМА БЎЛДИ

Кейинроқ Мартага нима бўлганини суриштириб билдим. Ёдингизда бўлса, у ҳаётини ўзгартириш учун ҳамма нарса қилишга тайёр эди. У китобни ҳам ўқиб чиқишига ваъда берганди. Леслининг айтишига қараганда, айнан у ишонч билан учрашувга келишини қаттиқ тайинлаганлар ичida ягонаси эди. Аммо Марта ҳатто китобни очиб ҳам кўрмаган. У аҳволини яхшилаш учун бирор нарса ҳам қилмаган. Мен ишонаманки, у биз билан учрашмоқчи ҳам бўлмаган. Курук гап. Марта ўзгаришни хоҳламаган. Шунинг учун ҳам менга мен айтган нарсаларни ўзи ичидан хоҳлаган ва ўрганишни юракдан истаган одамлар керак. Бўлмаса, бундайлар учун куйидагича гап бор: “Чўчқани ашула айтишга ўргатаман, деб ҳаракат қилиш бефойда. Вактингизни бехудага кетказиб, чўчқанинг ҳам жаҳлини чиқарасиз”.

Кўпчилик одамлар Марта сингари ҳаётларини ўзгартиришни исташади, аммо унинг учун ҳеч қандай ҳаракат қилишмайди. Шунинг учун ҳам олдин ўзингиздан сўранг: керакли нарсаларни қилиб, истагингизга эришишга *тайёрмисиз ўзи?* Мен ҳам кўп бор шунга ўхшаш саволларни

ўзимга берганман. Мисол учун шу китоб ҳақидағи ғоя пайдо бўлганда мен камида уч йил сармоялашда аёлларнинг ўрни ҳақида китоб ёзмоқчиман, деб гапириб юрганман. Гапиришга гапирдим-ку, аммо амалда қилмадим. Ишим кўплигини баҳона қилиб ҳам юрдим. Нихоят, икки дугонамнинг қўпол сўзлари мени ёзишга ундали. “Сен бирор нарса ёзишга орқангни кўтарасанми-йўқми?” сергаклантириди бири. “Гап, гап, гап... Қани натижа?” кўшиб қўйди иккинчиси.

КЭРОЛ

Ҳаракат қилмаслик борасида яна бир мисол бу – Кэрол. У Роберт иккимизнинг ҳисобот ишларимиз билан маълум бир вақтгача шуғулланиб турганди ва биз дўстлашгандик ҳам. Ҳар ойда икки марта учрашиб, молиявий аҳволимизни муҳокама қиласардик. Биз Роберт билан кўчмас мулк сотиб олаётганимизни ва бошқа пул қўйилмаларини амалга ошираётганимизни ўз кўзи билан кўриб турарди, ҳар учрашувимизда у бу хақда сўраб-сuriштиради. Бу икки йил давом этди.

Ва бир куни учрашув пайтида у:

– Сармоялаш ҳақида сенга саволим бор, - деб қолди.

Мен уни гапиришга қўймадим:

– Энди ҳеч қандай саволга ўрин йўқ! Икки йилдан бери саволларинг билан мени қийнайсан, нима учун? Қандай сармоялашларни амалга оширдинг?

– Ҳеч қандай, - жавоб берди у.

– Бўлмаса, менга савол берма, - дедим мен. – Сен астойдил ҳаракатни бошламас экансан, мен сармоялаш ҳақида сен билан гаплашмайман. Сармоялашни бошласанг, ўшандагу сұхбатлашамиз.

Кейинги учрашувимизда Кэрол кўкрак кериб сотиб олган акцияларининг хужжатларини кўрсатди.

– Мен бу акцияларни яна сармоялаш ҳақида сен билан гаплашишимиз учунгина сотиб олдим. Аслида мен кўчмас мулкка пул қўймоқчиман. Ваъда бераман, биринчи кўчмас мулкни сотиб олмагунимча бошқа савол бермайман.

Кэрол сўзида турди. У бир ойдан сўнг ижарага бериш ҳуқуқи билан кичикроқ уй сотиб олди. Ўзининг маблағи бўлмагани учун у иш юзасидан таклиф билан таниш сармоядорга мурожаат қилди. Таниши унинг таклифини қабул қилди ва у уйнинг ярмига эгалик қила бошлади. Ҳозирда эса у кўчмас мулк бўйича жуда омилкор сармоядор, у билан гаплашадиган гапларимиз ҳам етарли.

Кейинроқ Кэрол ўзи менга ёрилди. У саволларни бериб ҳаракатни бошладим, деб ўйлаб юрар экан. Бу хатосини у икки йил ўтгандан кейингина тушунганди, натижа эса йўқ. Саволларни кетма-кет бериб, у ўзини ўйиндан, деб юрганди. Аслида эса у ўзининг ҳаракатсизлигини баҳоналар билан беркитиб, икки йилни ўтказиб юборганди.

Мантиқ: гапириш ўз йўлига – ҳаракат қилиш ўз йўлига. Бир тўхтамга келиш ҳам – бир ҳаракат.

ЖЕНИСНИНГ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ

Биз ошонадан чиқишига ҳам улгурмагандик, телефон жиринглади. Бу Женис эди. Мен телефоннинг овозини кўтариб қўйдим, уни ҳамма эшитиши керак эди.

– Мен айтмоқчи эдимки, учрашувни унугтаним йўқ! – деди у. – Биламан, ҳозир сизлар билан бўлишим керак эди, аммо менда ажойиб янгилик бор!

– Қандай янгилик? – қизиқди Лесли.

– Эсингизда бўлса, мен эркаклар билан кўп бирга бўла олмаслигимни айтгандим. Мен адашганга ўхшайман. Мен зўр эркакни учратдим! Унинг исми Грег. Биз унчалик яхши таниш эмасмиз, бу жуда тез содир бўлди. Буни айтаётганимга ишона олмайман-ку, лекин мен севиб қолганга ўхшайман! – жавоб берди у.

Пэт ўтирган стулидан йиқилиб тушишига оз қолди:

– Сен?! Қайсар ва эркинликни ёқладиган одам! Севиб қолдингми? Бу гапларни сендан эшигтаман, деб ҳеч ўйламагандим. Жуда қизик, у ҳақда гапириб бер. Уни қанчадан бери биласан?

– Уч ҳафта бўлди, - жавоб берди Женис. – Биламан, бу оз муддат, лекин, менимча, биз бир-биримиз учун яратилганимиз. Биз кафеда танишдик, кўзларимиз кўзларимизга тушди, кўп бир-биримизга қараб қолдик, кейин у олдимга келди ва биз гаплашишни бошладик.

– Ким ўзи у, нима билан шуғулланади? – сурошиб қолди Трейси.

– Бу ҳақда кам гаплашдик. Унинг бизнес борасида қандайдир муаммолари борга ўхшайди ва бу ҳақда ҳозир гаплашишни истамаяпти. Биламан, у бир неча компанияларда савдо соҳасида ишлаган. Ҳозирги кунда унда ўтиш даври. У келажакда нима билан шуғулланиш ҳақида ўйлаяпти. У жуда ақли, унинг бошида қанча ғоялар бор-ку. Унинг мияси жуда тез ишляяпти. У менинг бизнесим билан ҳам қизиқиб қолди, балки шерик бўлармиз, менга анчадан бери ёрдамчи ҳам керак эди. Мен учрашувга бора олмаганимга сабаб биз бугун Сан-Францискога романтик уик-эндга учяпмиз, - тушунтириди у. – Бу фоя ундан чиқди. У уч ой олдин буюртма бериб қўйиладиган меҳмонхонага хона ва италиян ресторанига стол буюртиб қўйди. У ҳаммасини ташкиллаштириди.

– Сенинг айтишингга қараганда, унда ҳозир ўтиш даври бўлса... Бу нимаси? – ўзини тутиб тура олмади Трейси.

– Бугунгача билганларим шуки, охирги ишлаган корхонасида у омадсизликка учраган. У консалтинг фирмасини очган, лекин бир йилдан сўнг шериги билан келишмовчиликлар пайдо бўлган. Икки ойча олдин у бизнесдан чиқкан, ҳозирда у нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб юрибди. Ҳаммамиизда омадсизликлар бўлади-ку. Мен маълум бир вақтгача унга ёрдам бера оламан.

Лесли аста қизиқиб сўради:

– Сафарингиз учун ким тўлайди?

– Мен, - тан олди у. - У оёққа туриб олгунча ҳамма харжатларини ўз зиммамга оламан. У жуда ақли кўринади. Менда ўз бизнесимни ўртоқлашишга имконият туғилди.

– Сен жинни бўлиб қолибсан! – ҳаммамиз teng қичкириб юбордик.

— Майли, биламан, мен бир томондан қувонсам, иккинчи томондан ҳаяжондаман! — деди Женис. — Бўлди, мен кетишим керак, самолётта кечикяпман. Вақтингизни чоғ ўтказинг! Кўришгунча!

Мен гўшакни кўйдим, биз ҳаммамиз эшитганларимиздан оғзимизни очиб қолгандик.

Биринчи бўлиб Трейси гап очди:

— Мен тўғри эшитдимми? Женис ҳеч вақоси йўқ йигитга ҳаммаси учун тўлар эканми? Йигит уникига кўчиб ҳам ўтар эканми? Женис ўзи билмаган инсон билан шерик бўлмоқчими? Сен адашяпсан, деб айтинглар, эшитганларинг ёлғон, денглар!

— Мен ҳам эшитганларингни эшитдим, - тасдиқлади Лесли.

— У нима ҳақда ўйлаяпти? Кўр бўлиб қолмадимикан? – тушункирамай деди Трейси.

— Айтишларича, севгининг кўзи кўр бўлади. Мана сизга зўр намуна! - дедим мен ҳам ҳайрон ҳолда.

— Ўйлашимча, вақт кўрсатади, - мулоҳаза қилди Пэт.

Ҳаммамизга Женисни тушунишимиз қийин бўлди.

— Кўшумчасига бизни эркак кишига алмашди! – бақириб юборди Трейси. – Аёллар шундай килишса, чидамай кетаман. Бу тентаклик-ку!

Пэт пичирлади:

— Балки у ростдан ҳам чиройлидир?
— Балки у ёш бўлса керак? – қўшиб қўйди Лесли.
— Ёки бирор миллионернинг меросхўридир, - қўшилдим мен.

Энди кўриниш равшанлашяпти, - деди Трейси.

— Биз ўзимизча Жениснинг танловини тасаввур қилиб кулардик, холос. Аммо бу кулгимизнинг ортида Женисга нисбатан ҳаммамизнинг кўнглимизда хавотир бор эди.

ҮН САККИЗИНЧИ БОБ

БОШЛАЙМИЗ

Хар доим бирор нарсаны ўрганши мумкин, агар янги ўрганувчи бўлишга тайёр бўлсангиз. Янги ўрганувчи бўлишини чин дилдан ўргансангиз, унда олдингизда борлик ўзини намоён қиласди.

Барбара Шер

Биз кўчага чиқиб, меҳмонлар учун ажратилган иккита уй оғисимиз жойлашган уйга қараб йўналдик. Биз шу ерда икки кунни ўтказмоқчи бўлдик. Биз айланана стол атрофига ўтиридик, стол устида блокнотчалар ва қаламлар бор эди.

– Расмий кўринишдаги ҳолат, – изоҳлади Пэт. – Хўш, ни-мадан бошлаймиз?

I. САБАБ

– Сизларни бу ерга келишга мажбур қилган сабаблар мунозарасидан бошлаймиз, умуман молиявий озодлик ҳакида ўйлашиб кўрамиз.

– Мен келиб, ўз сабабим ҳақида гапиргандим, – гап бошлади Трейси. – Айтишим мумкин, компаниянинг сотилиши менга фойдали бўлди, менга у ўз ҳаётим ва асосан пул ҳамда ишм устидан назоратим бўлмаганилигини англацди. Сотув эълон қилинганидан сўнг менинг тақдирим умуман бегоналар қўлига ўтиб қолди. Мен шунчаки бир исм эканман, рўйхатдан осонгина исталган пайтда ўчириб ташласа бўладиган. Менинг бу ердалигимга сабаб - энди бундай вазијатга тушиб қолмаслик. Бу - менинг ҳаётим, унинг келажакда қандай бўлишини ўзим ҳал қиласман. Биринчи қадам – молиявий аҳволимни назоратимга олиш. Энди мен тушунаман, маошдан маошгача ишлаб, пулни назорат қилишни ўрнига пулга қарам бўлиб қолган эканман.

Кейин Лесли сўз олди:

— Мен Кимга ўз мuloҳазамни тушунтиридим. Сабаб оддий: мен чизишни истайман. Чизув доскаси олдида қўлимда мўйқалам билан турсам, ўзимни баҳтли, тирик сезаман. Менда ишонч уйғонади, қўнглим яйрайди. Ишим туфайли эса менда севган машғулотим учун умуман вақт етишмайди. Шунинг учун бу ердаман.

Биз Пэтга ўтирилдик. Менда уни эшишишга иштиёқ бор эди, чунки уни бу ерда кўришимга унчалик ишонмагандим.

— Охирги учрашувимиздан сўнг кўп ўйладим ва кўнглимни титкиладим, - деб хотиржам гап бошлади Пэт. – Сухбатимиздан сўнг тушундимки, мен бутун ўтган умрим мобайнида ўзганинг мақсади ва орзулари билан шуғулланган эканман. Мен доим эримни ва болаларимни қўллаб, шахсий ҳаётимни орқа ўринга қўйиб келибман. Нью-Йоркдаги учрашувимиздан сўнг ҳаммасини ўзгартиришга қарор қилиб, ўзимдан сўрашни бошладим: мен аслида нимани хоҳлайман? Жавоб эса мени ҳайрон қолдирди. Сармоялаш ҳақидаги сухбатимиз менда қизиқиш уйғотибди, биласиз, мен изланишни ва фактларни ковлаштиришни яхши кўраман. Мен интернетга кирдим ва сармоялаш бўйича ахборот тўплай бошладим, сўнг киришиб кетдим. Натижада акциялар, опционлар, кўчмас мулқ, бизнесни пул билан таъминлаш, қимматбаҳо металлар ва бошқа нарсалар ҳақида билиб олдим. Соатлаб манитор олдида ўтириб, янгидан-янги фактларни ўргана бошладим. Тўғри, мен буни ўзим, ҳеч ким билан фикр алмашмай қилдим, ҳатто эримга ҳам айтмадим. Кейин энг қийин пайт келди. Олдин ҳам айтганимдек, оиласизда ҳамма молиявий ва бошқа масалалар эримнинг қарори орқали амалга оширилади, шунинг учун унга бу ҳақда гапиришдан чўчирдим, у мени жиддий қабул қилмайди ва биз тортишувни бoshлаймиз, албатта.

Шунинг учун ҳам бор гапни қандай бўлса, шундайлигича эримга айтишга қарор қилдим: мен бошқалар учун қайфуришдан чарчадим ва ўзим учун бирор нарса қилмоқчиман, ўзимни биринчи навбатга қўймоқчиман. Кейин унга бу шунчаки ишқибозлик эмаслигини, мен бу билан жиддий шуғул-

ланмоқчилигимни тушунтирдим. Мен ҳали кўп нарсани ўрганишим кераклигини, бунда унинг “кўллаб-куватлаши” халакит бермаслигини ҳам қўшиб қўйдим. Ҳаммасини айтуб, ундан қандай садо чиқишини кутиб турдим.

– У сени кўлладими? – сўрадим мен.

– Қанийди, ҳаммаси шунчалар осон бўлса! – жавоб берди Пэт. – Йўқ, мен у томондан бутқул кўллашни ҳис қилмаган бўлсам-да, аммо, ишонаман, бир кун келиб, у фикрини ўзгартиради. Менга шу ишончнинг ўзи ҳам етади, унинг оқ фотиҳасининг кераги йўқ. Эримга амалда кўрсатиш керак, у кўрганидан кейин эса, албатта, менга қўшилади. У ўз ишига шундай боғланиб қолганки, бошқа нарсани кўзи кўрмайди. Унга иши ёқади, деб айта олмайман, лекин бошқа ишни билмайди-да. Қанча кўп ишласа, шунча оз кувонади. Мен унга дунёда бошқа ишлар ҳам борлигини кўрсатмоқчиман. Шунинг учун ҳам мен буни нафақат ўзим учун, балки эрим учун ҳам қиласман. Ишонаман, охир-оқибатда биргалиқда сармоялаш билан шуғуланиб, никоҳимизни мустаҳкамлаймиз ва бу биз учун зўр мукофот бўлади.

– Мен сен учун жуда хурсандман! – мақтади уни Лесли.

– Табриклайман! Бизда чиндан ҳам кескин сабаблар борга ўхшайди, - деди Трейси.

– Айнан шундай ҳам, - қўшилдим мен. – Ва сабаблар жиддий ҳам бўлиши керак, бу нарса режаларингиз бузилиш арафасида ёки иккиланишлар пайдо бўлганда ёхуд атрофда-гиларга ҳақлигингизни исботлашга тўғри келганда жуда аскотади. Енгилиш жуда осон. Аммо ҳар биримизда олдинга бориш учун кескин сабаблар бор. Баракалла!

II. ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНГИЗ

– Ўз мақсадингизга интилишдан олдин ҳозирда қандай ҳолатда эканингизни билиб олишингиз керак, - дедим мен. – Тасаввур қилинг: сиз таксига ўтирасиз, лекин қаёқка боришни билмайсиз. Бу вазиятда сиз умуман ҳеч қаерга бормайсиз ёки кун бўйи шаҳарни айланаверасиз. Шунинг учун навбатдаги қадамингиз – ҳозирги молиявий аҳволингизни аниқлааб

олиш. Бу кийин эмас, биз бу масалани Женис билан гаплашдик. Олдинига сиз қанчалар бойсиз, шуни аниқлаш лозим.

— Тўхта, мени қўрқув босяпти, - деди Лесли. – “Бой” сўзининг ўзини менга қарата ишлатишнинг ўзи кулгили.

Мен кулиб юбордим:

— Менинг бойликка нисбатан қарашларим одатий эмас. Айт-чи, сен ҳозир ишламай қўйсанг, йиғған маблағинг билан неча кун яшашинг мумкин? Бошқача қилиб айтганда, мен бойликни вақт билан ўлчайман.

Ҳар бир дугонам ўн биринчи бобда сизга маълум бўлган амалиётни бажаришди. Пэт, Трейси ва Лесли қуидагиларни қилишди:

1. Ойлик харажатларини санаб ўтишди.

2. Бугунги кунда қанча маблағлари борлигини, йиғғанлари, депозит сертификатлари ва тез сота оладиган акциялар-у сармоя даромадларини ҳисоблаб чиқишли.

3. Даромад миқдоридан харажат миқдорини айириб, бойлик кўрсатгичини аниқлашди.

Ва шу ерда арзлар бошланди.

— Билмадим, бу рақамлар нимани англатади-ку, лекин яхши эмасга ўхшайди, - мингиллади Лесли.

— Менда 7,2 чиқди, - деди Трейси. – Бу нима?

— Бу дегани сен агар ишламай қўйсанг, маблағинг 7,2 ойга етишини кўрсатади. Кейин эса янги даромад олиш ўзагини қидиришингга тўғри келади.

— Ахир, бу узоққа чўзилиши мумкин бўлган таътил-ку! – деди у.

— Мен сенинг ўрнингда бўлсам, нолимаган бўлардим, - деди Лесли. – Менда 0,6 чиқди. Бу мен бир ойгина яшай оламан, дегани! Менимча, мен тестдан йиқилдим.

Мен жилмайдим:

— - Бу ерда тўғри ёки нотўғри ҳисоб-китоблар йўқ, ҳар ким шунчаки ўзининг натижасини олади. Бу машқдан максад – ҳозирги аҳволингизни аниқлаш. Энди сизлар аҳволингиз ҳақида хабардорсиз.

— Мен ҳисобларимни унчалик аниқ билмайман, чунки бизда қанча маблағ борлигидан хабарим йўқ, аммо тахми-

иан ўн ойга бориб қолса керак, - гапга қўшилди Пэт. – Мен эндиғина тушундимки, эримнинг ишига шундай бўлиши керак-да, деб қараб келган эканман. Агар у бирор сабаб билан ишлай олмай қолса-чи? Унда бир йил ҳам ўтмай, мен иш қидиришимга тўғри келар экан. Агар журналистика бўйича иш бошласам, олдинги ҳаётимиздагидек кун кечира олмаслигимиз аниқ, чунки мен ўн етти йилдан бери бу соҳага яқинлашганим ҳам йўқ!

III. РЕЖА: НИМАГА ИНТИЛЯПСИЗ ВА УНГА ҚАНДАЙ ЭРИШМОҚЧИСИЗ

- Энди нимадан бошлашни биласиз, – дедим мен. – Навбатдаги қадам - нимага интиляпсиз? Буни билиш учун иккита саволга жавоб бериш лозим.
- Қандай саволлар экан? – сўради Пэт.

Биринчи савол

– Биринчидан, қандай мақсад билан пул қўймоқчисиз: маблағли даромад учунми ёки пул оқими учунми? – гап бошладим мен. – Ёдингиздами, биз буни муҳокама қилгандик? Агар сиз акциялар учун пул тиккан бўлсангиз, кўп ҳолларда сизнинг мақсадингиз бу – маблағли даромад. Олдинги нархдан қимматроқ сотиш учун акцияларнинг баҳоси кўтарилиши керак. Агар уй сотиб олиб, уни таъмирлаб, яна қимматроқ сотсангиз ҳам, маблағли даромад оласиз. Мабодо уйни сотмай, ижарага берсангиз, уй сизга пул оқимини олиб киради, бу ҳам акция улушига ўхшаган нарса.

Пул оқими - шахсан мен бу икки сўзни жуда ёқтираман. Пул ўз-ўзидан оқиб келар экан, менинг ишлашимнинг ҳожати йўқ, мен озодман! Мен шунчаки активларни сотиб оламан ёки ташкил қиласман, улар менга ҳар ойнинг охирида муқобил даромад келтираверади. Менинг тизимим шундай.

– Мен қолган умрим мобайнида ишлашни истамаганлигимни яхши биламан. Жуда бўлмаса, ҳозирги ишимни қилишни хоҳламайман. Тушунишимча, мен пул қўйсам, у мен-

га ҳар ой даромад келтиради ва сармоямни кўпайтиришим мумкин, пул оқими эса ўсади. Ишламаслигим ҳам мумкин, чунки менинг қўйган маблағим ҳар ой мени даромад билан таъминлади.

Агар мен пулни маблағли даромад учун қўйсам, активни сотишимга тўғри келади, шундан даромад оламан. Бу билан мен даромадимни ошириш учун доим олди-сотди билан шуғуланишим керак. Оқибатда қанчадир олди-сотдидан қолган пул даромадим хисобланиб, унга умримнинг охиригача яшашим мумкин. Кўриниб турибдики, бу икки хил турдаги стратегия, - тушунчасини айтди Трейси.

– Сен ҳақсан, – қўшилдим мен. – Мен уларни бир-биридан яхши, деб айта олмайман. Шахсан мен пул оқими тизимидан фойдаланаман. Сармоялашни мен 1989 йилдан бошлаганман. Беш йилдан сўнг биз Роберт билан пул оқими туфайли молиявий озодликка эришдик. Гап қандайдир пул микдорини кўпайтириш ҳақида кетаётгани йўқ, гап пул учун ишламаслик ва севган ишингиз билан машғул бўлиш тўғрисидадир.

Яна бир нарса, мен биринчи навбатда пулни кўчмас мулкка тикаман. Нимага? Чунки менга баҳолаш, ўрганиб чиқиш ва уларни нималар учун ишлатса, яхши бўлишини белгилаш ёқади. Шунингдек, яна менга пул оқими жуда ёқади. Ҳар бирингиз кўнглингиздаги сармоялашни топишингиз керак, бўлмаса, муваффақиятга эришишингиз қийин.

Бир йилга яқин бир дугонамни кўчмас мулкни сармоялашга даъват қилиб келдим, ҳеч биринчи қадамни қўя олмасди. Бир куни савдо фондлари опционлари бўйича бўлган семинарда қатнашиб, унда қизиқиши уйғонади ва кўнгилдан ўша соҳани танлайди. Ҳозирда у опционлар билан омилкорона шуғулланиб юрибди. Унга қилаётган иши ёққанидан ишида муваффақиятларга эришяпти. Шунинг учун ҳам ўзингизга мос тушадиган маблағ қўйиш соҳасини танланг.

Иккинчи савол

– Демак, биринчи савол: маблағ даромади ёки пул оқими? – давом этдим мен. – Иккинчи савол: мақсадингиз нима?

— Мен умуман озод бўлмоқчиман! – деди Лесли. – Менга ҳашаматли уй ёки қимматбаҳо автомобил керак эмас. Мен шунчаки доимий пул етишмовчилиги тугашини, менга кимдир нима қилишим кераклигини кўрсатмаслигини хоҳлайман, қачон ишга келиб, қачон кетишим лозимлигини айтишини истамайман, холос. Мен ҳаётим таъминланганига ишонч ҳосил қилсан, ишламай ҳам қўяверишимни хоҳлайман. Мен пул оқими учун пул тикаман, мен бунга қарор қилдим. Мен ҳар ойлик харажатимга пул тушиб туришини истайман. Харажатларим бир ойга 5,2 минг доллар, шуни қопладиган сармоялашдан тушадиган пул менга етади. Менинг асл мақсадим шу.

— Ҳаммаси аниқ тушунарли, – деди Пэт. – Мен тушунаман, балки ўзимга ўхшамаётгандирман, лекин бу ерга аниқ мақсадсиз келгандим. Мен шунчаки аста сармоялашни бошлиб, маблағ тўплайман, деб ўйлагандим. Энди машғулотни ўтиб, эрим билан тўплаганларимиз бир йилга етишини аниқлаб, ҳозирда турган ўрнимни қайта кўриб чиқишим кераклигини билдим. Келажак бизга нима олиб келишини ким ҳам биларди? Мен кутилмаган ҳолатларга тайёр эмасман. Менинча, мақсадим борасида жиддийроқ ўйлашимга тўғри келади, шекилли.

НИЯТГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ

— Менинг мақсадим бор, уни қандай амалга оширишим мумкин? – сабрсизлик билан деди Лесли.

— Бунинг устида ишлаш керак, – дедим мен. – Ўйланган мақсаднинг режаси бўлиши лозим. Сиз истагингизга қандай етишингизни аниқлаб олишингиз даркор. Сармоялашнинг механизми ва асблолари шунчалар турли-туманки, биринчи навбатда ўзингизга қулайини танлашингиз керак. Қизифи бўлмаган нарсани ўрганиб чиқишдан зерикарли нарса йўқ. Мактабда ўқиб юрганимда тригонометрия дарси бўларди, уни ҳеч ким тушунмасди, унинг ҳаётда нима кераги бор экан, ҳозиргача билмайман.

- Шунинг учун ҳам мен биология дарсига қатнашмасдим, - тан олди Трейси. – Қурбақалар олами мен учун эмас.
- Кулишингиз мумкин, охирги ойлар мобайнида сармоялашнинг турли механизмини ўрганиб чиқиб, рўйхатимни туздим ва уни Кимга жўнатдим. У рўйхатга яна бир-икки иловаларни киритди. Мен ундан бир неча кўчирмаларни олдим, - деди Пэт.
- Биз кулмаймиз, Пэт. Аксинча, сенга катта раҳмат айтамиз!

Куйида сиз Пэтнинг рўйхатини кўряпсиз.

Сармоялаш асбоблари

Кўчмас мулк: бир хонали хонадон, икки ва қўп хонали уйлар,офис учун бинолар, савдо маркази, дўконлар, омбор учун бинолар, сақлаш камералар.

Қимматбаҳо қофозлар: акциялар, фонд опционлари, облигациялар, манфаат фондлари, казначейлик векселлари, хеджинг фондлари, сармоя фондлари.

Бизнес: хусусий бизнес (сиз компания фаолиятида қатнашишингиз ёки унга шунчаки пул тикишингиз мумкин), франшизинг, тармоқ маркетинги (сиз бизнес ташкил қиласиз ва пассив даромадни тарқатувчиларнинг фаолиятидан оласиз).

Хом ашё: қимматбаҳо металлар, бензин, нефть, буғдой, шакар, чорва.

Чет эл валютаси: солиқ кўйилма сертификатлари, интеллектуал инновация хусусий мулки, ҳаво ва сув йўлларида ҳаракатланиш ҳукуқи.

– Пэт сармоялашнинг учта асосий турини кўрсатди: кўчмас мулк, қиммат қофозлар ва бизнес, - аниқлик киритдим мен. – Бундан ташқари, иккинчи даражалилари ҳам кўп. Келажаги бор спортчиларни ҳам маблағ билан таъминлаш мумкин. Кўпчилик спортчиларда пул бўлмайди, шунинг учун уларга сармоядор керак бўлади. Агар спортчи танилиб, профессионал бўлиб кетса, сармоядор унинг даромадининг бир қисмига эга бўлиши мумкин.

– Шундай тасаввур уйғоняптики, умуман ҳамма нарсага пул қўйиш мумкин экан, - таъкидлари Трейси. – Айтайлик, сармоялаш механизмини аниқлаштириб ҳам олдик. Режа қандай кўринишида бўлиши керак?

– Яхши савол, чунки қўпчилик “режа тузиш” тушунчалини мураккаблаштириб юборади, - деб тушунтириб, бунинг учун яна учта саволга жавоб топиш кераклигини айтдим.

– 1. Сармоядорликнинг асосий механизми қандай бўлади? Турли комбинацияларни қўллаб кўриш мумкин, аммо мен шуни айта оламанки, энг самарали стратегия бу – ҳамма кучни ва вақтни ягона нарсага қаратиш.

– 2. Қайси соҳа ичидан танлаган туриңгизга бор эътиборингизни қаратасиз? Мисол учун агар сиз акцияга пул ташламоқчи бўлсангиз, хўш, қайси турига? Қайси соҳада эксперт бўлмоқчисиз? Агар мен юкори технология соҳаси бўйича шуғулланадиган компания акциясини танлаган бўлганимда мен муваффақият козона олмасдим, чунки менга бунинг қизиги йўқ, бундай нарсаларга ақлим етмайди. Акция олишим керак бўлса, мен кўчмас мулк компанияларининг акцияси га қизиқкан бўлардим. Кўчмас мулкни сармоялашда турли мулкларни сармоялаш мумкин. Янги бошлаган одам ягона ҳудудга эътиборини қаратгани яхши, иш юриб кетгандан сўнг бошқа соҳаларга ўтса бўлади.

– 3. Мақсадга қачон етмоқчисиз? Оралиқдаги вазифалар қачон бажарилади?

– Ҳаммаси шу, истакка етиш учун шулар керак, - дедим мен. – Албатта, тизимни узун режалар тузиб мураккаблаштиришингиз мумкин. Уни ишлаб чиқишга кўп вақт кетади, амалга оширишга эса сиз улгурмаслигингиз мумкин.

– Сен бошлишингдан олдин режанг қандай эди? – сўради Лесли.

Мен жилмайдим ва дедим:

– Биз Роберт билан молиявий озодликка эришиш режасини мукаммал ишлаб чиқдик. Ўн йил ичida ҳар йили ижарага бериш учун иккита уй сотиб олишга эътиборимизни қаратдик. Диққатимизни бир хонали хонадонларга жамлаб, ўн

йилдан сўнг бизда йигирмата бино бўлишини кўриб чиқдик ва пул оқими сарф қилганларимизни қоплашини билардик ҳам. Мана шу режамиз эди.

- У амалга ошдими? – сўради Трейси.
- Ҳа, – жавоб бердим мен, - фақат муддатлар ўйлаганимиздек бўлмади.

Дугоналаримнинг чехраларида салгина ажабланиш уйғонди. Мен сўзимда давом этдим:

– Мен икки ҳобхонали кичик уйчамни сотиб олганимдан сўнг биз иккинчисини, кейин учинчисини сотиб олдик. Сўнг тушуниб қолдик, кўп хонали уйни сотиб олиш ҳам кийин эмас экан. Шунинг учун ўн йил ичида йигирмата бир хонали уйга эга бўлгандан кўра бир яrim йилда хонадонлари кўп бўлган бутун бошли уйга эга чиқиб қўя қолдик. Биз асл мақсадимизни ва молиявий ҳолатимизни кўриб чиқиб, эътиборимизни мақсадга қаратдик, режа биз ўйлаганимиздан кўра тезроқ амалга оша бошлади.

Куннинг қолган қисмларини ўқиб-урганишга, ёзув-чизувларга, телефон кўнғироқларига ва интернет ресурсларидан фойдаланишга сарфладик.

Оқшомга якин Лесли, Пэт, Трейси ёзув билан ўз мақсадларини жадваллаштиришди ва режа тузишни бошлашди. Улар натижалардан хурсанд эдилар. Лесли соатга қаради ва кичқириб юборди:

- Воажаб! Соат еттига якинлашибди! Шундай берилиб кетибмизки, ҳамма нарсани унутиб юборибмиз!
- Кечки овкатта тобинглар қалай? – деди Пэт.

РЕЖА ТУЗИШ УЧУН

1. Мақсадни белгилаш.
2. Ўзингизга учта савол беринг:
 - Сармоялашда менинг қандай асосий асбобим бўлади?
 - Қайси турларда бу бўлим асбобларига эътиборимни қаратаман?
 - Қўйилган мақсадга қачон етаман?

ҮН ТҮКҚИЗИНЧИ БОБ

УЧ ТУРДАГИ ЭРКАКЛАР/ УЧ ТУРДАГИ САРМОЯДОРЛИК

*Ҳаммаси охир-оқибат айтганимдек чиқса,
мен жуда сабриман.*

Маргарет Тэтчер

Ресторандаги кечки овқатдан сүнг билиндики, энг оғир ва узун кун ортда қолғанди. Суҳбат кутилмаганда эркаклар томонга ўтиб кетиб, ўзгача бурилиш ҳосил бўлди.

Дугонам Шери билан бир куни эркакларни муҳокама ила бошладик, - деб гап бошладим мен. - Одатда эркаклар ёnlаридан ўтиб кетган аёлларни ўн баллик баҳо билан баҳолашлари сингари биз ҳам уларнинг қандай тоифага мансубликларини кўчада туриб ажратишни бошладик. “Биласанми, - деди Шери, - оламда уч тоифадаги эркаклар бор”. “Учта? – хайрон бўлдим мен. – Менимча, уларнинг турлари кўп”. “Мен сенга учта тоифасини айтаман, кейин сен бошқаларини топишга ҳаракат қилиб кўрасан”, таклиф киритди дугонам. “Розиман”, дедим мен.

Шери тушунтира бошлади: “Ер юзидағи эркаклар эркатойлар, ёқимтой болалар ва лоқайдларга бўлинишади. Эркатойлар – уларга сен билан учрашишга ота-оналари қўйишмайди, - жилмайди у. – Улар қизиқарли, эътиборга лойик ва чиройли бўлишади. Улар билан яшаш осон эмас, доим хушёр бўлиб туриш керак. Улар билан зерикмайсан. Аёллар уларни ҳеч қачон унтишмайди. Улар кўп бор юракларни ўрташлари мумкин. Қаерда кучли эхтирос ёки ёндирадиган рашк бўлса, ўша ерда улардан бирини кўришинг мумкин.

Навбатдаги тур – ёқимтой болалар. Ҳаммамизда бундай танишлар бор. Булар қаторига ҳар куни гаплашиб турадиган, муаммоларни муҳокама қилса бўладиган эркак дўстларимиз киришади. Улар билан бироз ноқулай ва тортишиб ҳам бўлмайди, чунки улар вазият назоратдан чиқиб кетмасидан ол-

дин мавзууни ёпиб қўйишади. Уларга ишонса бўлади ва бош оғриқ қилишмайди.

Лоқайдлар – ўта зерикарли! Уларнинг ҳаётида ҳаяжонли воеалар бўлмайди. Лоқайдлар билан биринчи учрашув кинотеатрдан чиққанингиздан кейинок тугайди. Улардан бирор қизиқарли нарсани кутиш, мисол учун шам шулалари ёргулигида кечки овқат илинжида бўлиш бефойда. Улар ҳайрон колдира олмайди ва буюкликни ҳам кутиб бўлмайди. Бундай одамлар ҳеч қачон таваккал қилишмайди. Уларга ҳаммаси яхши ва мувозанатда бўлса бўлгани. Умуман олганда улар учун ҳамма нарса таваккалчилик. Қисқа килиб айтилганда, улар шунчаки яралиб қолишган”.

“Ўта аниқ изоҳлаш, – тан олишга мажбур бўлдим мен. – Сен айтмоқчисанки, ер юзидағи ҳар бир эркак шундай тоифаларда бўлиши мумкин, шундайми?” “Ўзинг синааб кўр, – таклиф қилди у. – Бирор танишингни ўша турларга мослай оласанми?” “Ҳа”, тан олдим мен. “Қайсиниси?” қизиқди Шери. “Эркатой”, жавоб бердим мен. “Мана кўрдингми, ҳаммаси тўғри келяпти, – кулиб юборди у. – Кел, шу кунгача сен таниган эркакларни эслаб кўрамиз. Ишонаманки, уларнинг ҳар бири шу бирор учта турга тааллуқли бўлишлари аниқ”. “Сен ютдинг, – енгилдим мен. – Тўртинчи ёки бешинчи турни ўйлаб топиш шарт ҳам эмас экан. Сен уларни аниқ табакаларга бўлиб қўйдинг”.

ЭРКАТОЙЛАР, ЁҚИМТОЙ БОЛАЛАР ВА ЛОҚАЙДЛАР

Пэт, Лесли ва Трейси кулиб юборишли. Менимча, улар хозирнинг ўзида таниш эркакларини ўша тоифаларга қўя бошлашганди.

– Мен колледжа танишган йигитим аниқ эркатойлар тоифасига киради! – деди Лесли. – Аммо мен ёқимтой болага турмушга чиқдим. Балки шунинг учун ҳам бизнинг никоҳимиз узоқка бормади. Назаримда, менга эркатой керак бўлганга ўхшайди.

– Агар эркатой сенга биринчи учрашувда гул жўнатса, унда шодлик билан режаларни тузабошлайсан. Агар гулни

бөфарқдан олсанг, күнглингда хавотирли фикрлар уйғона болпайды: муносабатларингиздан у сендан күра күпроқ нарсани кутмаяптимикан? – деди гапга қўшилиб Трейси.

– Ёқимтой болалар сени жамоа ичида олиб юради, кўлларини югуртиришмайди. Эркатойлар фикри ожиз нарсаларни одеял тагида амалга ошириб юборишади! – деб хиринглади Пэт.

– Мактабдаги битирув кечасига боришга ҳеч кимни топа олмай, лоқайд билан боргандим. Чунки у доим ёнимда эди. У жуда ёқимтой эди, бошқа ҳамма “ўзларича зўр” кизлар эса эркатой йигитлар билан учрашишарди. Аммо мен ҳам эркатой йигит билан дўстлашганимдан сўнг “ўзимча зўр” кизга айлангандим, – деди Лесли ҳам гапга қўшилиб.

– Ўйлашимча, ҳамма гап муносабатда, – таъкидлади Пэт.
– Эркатой, новча ва қора сочли, чиройли бўлиши шарт эмас.

– Кизиқ, нега аксарият аёлларга эркатойлар ёқаркан? – дедим мен. – Бир дугонам доим ёқимтой болалар билан учрашиди, аммо муносабатлари ҳеч қачон узокқа чўзилмаган. Лекин у беш-олти йил олдин учрашган эркатойларини унута олмайди.

– Эркатойларда қандайдир мавхумлик бор, – деди Трейси. – Улар таваккалчи бўлишади, шунинг учун ҳам уларда ютуқ кўп. Менинг эрим ёқимтой йигит. Мен никоҳимиздан кейин бизнинг ҳаётимиз оддий ўлчовли равишда шаҳарга яқин жойда ўтишини билгандим. Ортимга боқар эканман, карьерам ва оиласам ҳакида фикрлаб, мен айнан шундай ҳаётни истаганимни англайман – мувозанатли ҳамда ишончли.

Лесли гапга қўшилиб:

– Менимча эса, эркатойлар билан бўладиган келишмовчиликлар бошқалар билан ҳам бўлади, аммо бошқалари билан эркатойларчалик яхши бўлмайди. Доимий бекарорлик, лекин имкониятлар чегара билмайди, – деди.

– Кимни эркатойларга қўшган бўлардинглар? – сўради Пэт.
– Мик Жаггер – у айнан эркатой, – дедим мен.
– Жон Макэнрой, Эминема, Чарли Шиа, – қўшди Трейси. – Ва, албатта, Рэмбо.

- Ёкимтойларга-чи? – сўрадим мен.
- “Флинстоунлардан” Барни Рабл, - таклиф қилди Лесли. - У аниқ ёкимтой йигит.

Биз ҳаммамиз кулиб юбордик.

Бефарқларга келсак, бунга Гомер Симпсон ва “Болали ва уйланганлар” сериалидаги Эл Банди мисол бўла олади, - деб Пэт ҳам куларди.

САРМОЯДОРЛИКНИНГ УЧТА ТУРИ

Биз ер юзидаги ҳамма эркаклар ҳақида бутун тун гапириб чиқишимиз мумкин эди, аммо бунинг учун йиғилмаганимиз ёдимизга тушиб қолди.

- Биласизларми, - деб гапни асосий мавзуга бурдим, – эркакларга ўхшаб сармоялашни ҳам уч тоифага бўлса бўлади: эркатой, ёкимтой ва лоқайдга.
- Ҳеч нимани тушунмадим, қанақасига? - деди Лесли.
- Агар сармоялашнинг турли асбобларига баҳо берсак, уларнинг қайсилари эркатой, қайсиниси ёкимтой ва қай бирлари лоқайд? – сўрадим мен.
- Мен тушунганга ўхшайман, - жавоб берди Пэт. – Мисол учун эркатой сармоялашда ўта таваккалчилик қилиш ва доим ҳушёр туриш лозим.
- Тўғри, - тасдиқладим мен. – Улар билан доим тайёр туриш даркор. Уларни унутмаслик керак, бўлмаса, кўз очиб-юмгунингча йўқ бўлиб қолиши мумкин. Уларга кўп вакт ажратиш керак. Эркатойлар кўп меҳнатни талаб қиласди, бирок улар билан муомалани тўғри қилсанг, кўп фойда олиб келиши мумкин.
- Ёкимтой болалар эса ҳеч қачон хафа қилишмайди, ҳеч бўлмаса, қаттиқ хафа қилишмайди, - деди Трейси.
- Уларга унчалик эътибор керак эмас, аммо уннутиб ҳам қўймаслик лозим. Улар билан алоқада бўлиб туриш ва улар ҳақида қайгуриш керак. Улар хатоларга эркатойлардан кўра чидамлирок. Йўқотиш унчалик улкан эмас ва таваккалчилик ҳам анча оз, - қўшиб қўйдим мен. – Лоқайдлар ҳақида нима айта оласиз?

— Лоқайдлар билан зерикарли! Улар ҳеч нима қилишмайди! – деди Лесли.

— Жуда зўр! – дедим мен. – Улар ҳакида унутишимиз ҳам мумкин, бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Уларга эътибор қаратиш шартмас, улар буни хоҳлашмайди ҳам, чунки улар лоқайдлар. Таваккалчилик ҳам, даромад ҳам йўқ.

— Қандайин ажойиб! – деди Лесли. – Сармоялаш қанчалар эркакларга ўхшаш! Улар эркаклардан яхшироқ, ёш, ташлаб ҳам кетишмайди.

— Сиз билан тортишишмайди ҳам! – ҳазиллашди Трейси.

— Туни билан қаерда эканликларини ўйлаб хавотирланишга ҳожат йўқ! – кўшилди Пэт.

Биз шунчалар қаттиқ кулдикки, қўшни столдагилар ҳам анграйиб қарашарди.

Трейсининг берган саволи бизни тинчлантириди:

— — Хўш, қайси сармоялашлар бу тоифаларга киради? Қайсинаси эркатой, қайсинаси ёқимтой ва қайсинаси лоқайд?”

Мен бир варақ қофозни олиб ёздим:

“Эркатойлар Ёқимтойлар Лоқайдлар”

Келинг, баъзи сармоялаш асбобларини тоифаларга бўлишга ҳаракат қилиб кўрамиз, - таклиф киритдим мен. – Мана мисол учун акциялар.

— Агар мен акцияларни кўп муҳлатга ушлаб туришга олсам, улар ёқимтой йигитча, - деди Пэт. – Чунки мен уларнинг доимий равища котировкаларини текшириб, компаниянинг муваффақиятларидан хабар олиб турман.

— Агар сен дей-трейдинг билан шуғуллансанг-чи? – сўрадим мен. – Унда акцияни оласан-да, ўша куни сотасан. Сотувгача уларни икки соатча ушлаб туриш мумкин.

— Бу ҳолатда у эркатой бўлади, - жавоб берди Трейси, - чунки уларни кун бўйи кузатиб туриш керак. Улар жуда кўп эътиборни талаб қиласди.

— Чиройли изоҳ, - қўшилдим мен. – Унда мен узоқ муддатли акцияларни “Ёқимтойлар” устунига, бир кунлик акцияларни эса “Эркатойлар” устунига ёзаман. Опционлар хақида нима дейсиз?

— Мен бу борада тўла маълумотга эгаман, менимча, бу ерда йўланиш бор. Агар опцион олти ойдан ошиқ муддатли бўлса, унда сизнинг ихтиёрингизда олишга ёки сотишга ярим йил муддат бўлади, унда бу “ёқимтой”. Сиз унинг ортидан доим кузатиб турасиз, аммо учалик шижаот кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Агар сиз опционларни ўша куннинг ўзида сотиб олиб, шу куни сотсангиз, унда бу опционлар “эркатой” тоифасига киради, чунки ҳар дакиқада котировкаларни текшириб туриш лозим. Тан оламан, бундай “эркатой” бироз асабийлашишга ҳам сабаб бўлади, - жавоб берди Пэт.

— Кўчмас мулк сармояси ҳам турлича бўлади, - аҳамият қаратди Трейси. – Тўғри, агар мен ижара хукуқили мулкни сотиб олишга дугонамга пул қарз берсам ва у билан ҳар ойда тўланадиган фоизлари кўрсатилган қарз хужжатини тўлдирсак, пулнинг ҳаммасини қайтармагунча бу сармоялаш тоифаси “ёқимтой” тоифасига кириши мумкин. Агар у мулкдан нотўғри фойдаланиб, менга фоизларни тўлай олмаса, бир оз таваккалчилик бўлади. Агар у билимдон сармоядор бўлиб, ўз ишини билса, унда таваккалчилик оз бўлади.

— Агар у қарз хужжати бўйича тўловни бермай тўхтатса, “ёқимтой йигитча” ёқимсиз эркатойга айланади! – деб кулди Лесли. – Сенинг маблағлаштиришинг катта эътиборни талаб кила бошлиди.

– Эллик хонадонли ижара хукуқили катта уй, у тўкилиб боряпти, ярмида одам истиқомат қилмаяпти, бунга нима дейсизлар? – сўрадим мен.

– Эркатой! – баралла жавоб беришди дугоналарим.

– Нимага?

– Агар у таъмирталаб ва йиқилиш арафасида бўлса, яна ярми бўш бўлса, уни даромад берадиган ҳолатга келтириш учун кўп куч ва вақт ажратиш керак, - деди Пэт. – О-хо..! Энди мен тушуняпманки, нимага дугонамнинг ўз эри билан

муносабатлари унчалик яхшимаслигига: у эркатойга турмушга чиқкан экан-да. Уйнинг ҳолати яхшилангандан кейин у “эркатой”дан “ёқимтой”га айланиши мумкин. Унга яна ўшандай эътибор қаратиш керак, аммо бир мунча озрок.

– Яхши! – дедим мен Леслининг мулоҳазасига қойил қолиб.

– Манфаат фондлари-чи? – сўради Лесли.

Трейси жилмайиб деди:

– Уларни “лоқайд” деган бўлардим. Мен уларга бирор яхшиликни кутиб пул қўяман. Натижа йўқ, лекин улар доимий равишда комисионларини олиб туришади.

– Кўшиламан, - жавоб бердим мен. - Бунга нафака реваси - 401(к)ни ҳам қўшса бўлади. Сен пулни қўясан, вакт ўтяпти, аммо ҳеч нарсадан дарак йўқ.

– Мен ер майдонларини “ёқимтой” деган бўлардим, - деди Трейси. – Ишончли маблағлаштириш... Алоҳида эътиборга муҳтоҷ ҳам эмас, баъзан атрофга назар ташлаб қўйилса, бўлгани. Дўкон ёки офис учун бино қуришга ер сотиб олсанг, унга катта куч ва вакт сарфлашингга, нималардир ўқиб-ўрганишингга тўғри келади, бу маблағлаштириш осонликча эркатойга айланиши мумкин.

– Яна нималарни “лоқайд”га киритишимиз мумкин? – сўради Пэт.

– Ўзинг нима деб ўйлайсан? – унга мурожаат килдим.

– Омонат ҳисоб рақами маблағлаштиришга кирадими? – сўради у. – Ахир, у ерда ҳеч нарса содир бўлмайди-ку. Пулни қандай қўйган бўлсанг, ўшандай ҳаракатсиз ётаверади. Та ваккалчилик нол.

– Ажойиб намуна, - қўшилдим мен.

– Депозит сертификалари ҳам “лоқайдлар”.

– Олтин ва кумуш-чи? – деди Трейси.

– Агар мен олтин ва кумуш сотиб олсан, уларни “ёқимли болалар” деб атаган бўлардим, - дедим мен. – Мен нархларни кузатиб турардим, бунда менинг сармоям ҳеч қаёққа кетиб қолмайди, худди “эркатой” сингари.

Пэт хулоса чиқарди:

- “Эркатой” сармоялаш омадсизликка айланиши мумкин, агар сен нима қилаётганингни тушунмасанг. Шунин учун ҳам бу ерга йигилганмизки, куйиб қолмаслик учун нима қилишимиз керак?
- Жуда тўғри, айтишим керакки, ҳеч ким муваффакиятсизликдан суғурталанмаган, - аниқлик киритиб дедим.
- Қанча кўп ўқиб-ўргансанг, шунча оз хатоларнинг зарапи тегади.
- Яна бир нарса, - деди Лесли. – Биз бизнесни сармоялаш ҳақида гаплашмадик.
- Гап бегона ёки ўзинг шуғулланаётган бизнесингни сармоялаш ҳақида кетяптими? - аниқлаштиридим мен.
- Айтайлик, олдиндан бўлган бизнесга шерикчилик нуктаи назаридан пул қўйяпман, у ишларда ўзим ҳам қатнашаман, - жавоб берди Лесли.
- Мен бундай саволга олдин дуч келмаган эканман, - деди Трейси. – Ўилашимча, бизнесни сармоялашнинг бир неча услублари бор. Мисол учун акам дўстининг бизнесига пул тиккан, лекин у ишларда ўзи қатнашмайди. У шунчаки бошланғич маблағни берган ва қанақадир даромад олмоқчи. Мен бундай сармоялашни “ёқимтой” деган бўлардим. Бизнес билан шуғулланаётган одам ўз ишини билиши керак, деб ўйлайман.
- Агар унда малака бўлмаса, керакли билим йўқ бўлса, мен бу маблағлаштиришни “Эркатой” деб айтган бўлардим, - дедим мен.
- Агар пулларни ўз ишингиз учун тиксангиз-чи, унда нима? – деди Лесли.
- “Эркатой”, - деди Трейси. – Кўп эътибор, вақт ва куч талаб қиласди. Мен буни “эркатойлар” рўйхатига ёзган бўлардим!

ФАОЛ ВА СУСТ САРМОЯДОРЛАР

- Биз энг керакли масалага келдик, - гап бошладим мен.
- Икки турдаги сармоядорлар бор: фаол ва суст. Агар сиз

сармоядорлик молиявий озодлик билан таъминлашини истасангиз, фаол бўлишингиз керак. Менда манфаат фондларига ва нафақа режаларига қарши бирор нарса йўқ, аммо молиявий мустақиллик кўп нарсани талаб килади.

– Қайси сармоялаш фаолроқ ва қайсиниси сустрок эканини қандай аниқлаш мумкин? - сўради Пэт.

– Агар пулларингизни бошқа бировга сиз учун кўйиши учун берсангиз ва у ишда ўзингиз иштирок этмасангиз, бу суст маблағлаштиришга киради. Пулни бердингиз... ва учрашгунча хайр! Фаол сармоядор эса ўз маблағини ўзи қўяди ва жараённи кузатиб туради, - деб тушунтирдим.

– Ижара ҳуқуқили кўчмас мулкни сотиб олиб, у билан шуғулланган одам фаол сармоядор бўлади, - деди Трейси.

– Тўғри, - дедим мен.

– Тасаввур уйғоняптики, ҳамма “эркатой” сармоялашлар – фаоллар, - деди Лесли. – Аслида ҳам ҳамма эркатой эркаклар ўта фаолликлари билан ажralиб туришади.

– Кўпгина сармоялашлар – “ёқимтой”лар ҳам фаол бўлишади, фақат бир озгини камрок, - кўшиб қўйди Трейси.

– “Локайд”лар умуман юз фоиз суст бўлишади, - деди Пэт.

– Манфаат фондлари ва нафақа режаларини суст сармоялашлар деб атаган бўлардим, - деди Лесли. - Биз шунчаки пул қўямиз ва ўзимиз ҳеч нарса қилмаймиз.

– Менимча, баъзи акцияларни ҳам суст сармоялаш қаторига қўшсак бўлади. Кўп танишларим пулларини акция сотиб олиши учун биржа маклерига ишонишади ва у қандай акцияларни сотиб олиш ҳамда сотишни маслаҳат беради. Сармоядор ўзи жараёнда фаоллик кўрсатмайди. У акция котировкаларини кузатиб туриши мумкин, лекин компанияда нима бўлаётганидан хабари бўлмайди.

– Агар сиз дўйконнинг оддий ғазначиси маслаҳати билан акция сотиб олсангиз, бу суст маблағлаштириш бўлади, - дедим мен.

– Кўп йиллар олдин биз сугурта полиси сотиб олгандик, агент уни сармоялаш, деди. Аммо у суст сармоялаш, чунки

биз ҳеч нарса қилмаяпмиз. Түғрисини айтсам, мен бу полис ҳақида ҳеч нарсаны тушунмайман, - тан олди Трейси.

Пэт хулоса қилди:

– Демак, сен бирор нарсаны сотиб олиб, шкафга беркитсанг ва сотишингга қадар у ҳақда унутсанг, бу - суст сармоялаш. Биржа маклеримиз эримга құнғирок қилиб, пулнинг қанчадир қисмини биз билмаган қайсиdir акцияни сотиб олиш учун түлов қилишига маслаҳат берса, биз суст сармоядор бўламиз. Кимнингдир бизнесига пул ташласак ва шунчаки фоиз олиб юрсак ҳам, шундай.

– Тушунарли, - деди Лесли. - Энг яхши сармоядорлик бу - кўчмас мулк. Агар уйни сотиб олиб, уни таъмиirlаб, ижарага берсам, мен фаол сармоядор бўламан. Агар савдо марказини сотиб олиб, савдо жойларини ижарага берсам, мен ўзимни ўта фаол тутган бўламан, - деб қўшиб ҳам қўйди.

– Аммо агар сен ипотека сармоядорлик трас акцияларини сотиб олсанг (бу манфаат фондига ўхшайди, факат кўчмас мулкка тааллуқли) ва ўз улушингни сотиб юборишга аҳд қилмагунингча уни унутсанг, унда ҳам суст сармоядор бўласан, - дедим мен.

Пэт сўраб қолди:

– Агар мен акциялар олди-сотдисини ҳар куни амалга оширмай, компаниянинг ишлари билан астойдил қизиксам ва пулга олаётган қиммат қофозларнинг баҳоси билан доим танишсам, хамиша улар ҳақида билиб, хабардор бўлиб турсам, фаол сармоядор бўламанми?

– Ўилашимча, фаолликка яқин бўласан, - жавоб берди Трейси. – Агар сен доим уларга аралашиб юрсанг, бу ҳолатда ахборот тўпласанг, сени фаол сармоядор деса бўлади. Ҳа, байзи бир дангасалар сингари улар учун бошқалар қарор қабул қилишларига изн берганларга караганда сен, албатта, фаол сармоядор хисобланасан.

– Яхши мулоҳаза, - мақтадим мен. – Шахсан мен билмаган нарсангизга пул тикмаслигингизни маслаҳат бераман. Шунинг учун ҳам фаол сармоядор бўлиш керак, пулнинг сиз учун ишлашига эришишингиз лозим, токи у кўпроқ даромад келтирсин.

– Тушунишимча, мен бизнесни сармоялаш ҳақидаги саволимга жавоб олдим, - деди Лесли. - Мен бизнесга эгалик килиб, уни бошқарып, фаол сармоядор бўла оламан. Биронинг бизнесига пул тикиб, унинг фаолиятида қатнашиб ҳам фаол бўламан. Аммо бунда мен компанияда ишлашим ёки унинг фаолиятини четдан кузатиб тура олганим учун камроқ фаоллик кўрсата оламан. Ниҳоят, мен бегона бизнесга пул тикиб, унга ҳеч қандай бошқа дахлийигим бўлмаса, демак, бу суст сармоялаш.

ХУЛОСА ҚИЛАМИЗ

– Мана мен нимани тушуниб етдим, - деди Трейси, - уч турдаги эркаклар ва уч турдаги сармоялаш бўлади: эркатой, ёқимтой ва локайдлар. Агар сиз жараёнга пулнинг ўзини берган бўлсангиз, суст сармоядорлик бўлиши мумкин. Агар жараёнга катта куч ва кўп вақт ажратсангиз, сармоядорлик фаол бўлади. Асосийси фаол ва суст бўладиган нарса сармоядорлик эмас, сармоядорнинг ўзи!

– Тўғри хulosा, - мақтадим мен. – Кўшимча қилмоқчи-ман: мен сармоядорликнинг у ё бу механизми яхши ёки ёмон демайман. Сармоядорликда муваффакиятга эришиш учун ундаги ҳамма устунлик ва камчиликларни билиш лозим. Ўзингиздан сўраб кўринг: “Менинг сармоялашимда қандай таваккалчилик ва қанча даромад бор? Нафақага чиққандан сўнг манфаат фондлари ҳисобига яшашни кутиб ўтиранг. У бунинг учун ташкил қилинмаган. Ўз навбатида кўчмас мулк ижарасини ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Режаларингизга мос келадиган сармоялашларни танланг. Ва унутманг: агар молиявий мустакил бўлмоқчи бўлсангиз, сиз нафақат сармоядор бўлишингиз, балки фаол сармоядор бўлишингиз керак.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

МУВАФФАҚИЯТЛИ САРМОЯДОРНИНГ ИЛК ТҮРПТА ҚОИДАСИ

Эркакни ўргатиб, битта одамни ўргата сиз; аёлни ўргатсангиз, бутун ошлани ўргатган бўйасиз.

Раби Маникаи

Кейинги куни эрталаб ҳаммамиз яна кабинетда тўпландик. Дугоналарим ўтириб олганидан кейин мен гап бошладим:

– Режаларингизни тузишга ҳаракатни бошлашингиздан олдин мен сизларга шунча ўтган йиллар давомида биз Роберт билан ўзимиз учун очган сармоядорликнинг бир неча сирларини айтиб бермоқчиман. Баъзиларини мен ўзимнинг аччиқ малакамда англашиб етдим.

– Агар сенинг хатоларингдан хато килмаслик учун фойдалана олсак, мен астойдил сени эшиштаман! – деди Лесли.
– Ишонаманки, бу хатоларнинг баъзилари сенга қимматга тушган.

– Сен ҳаксан, – дедим мен. – Улар менга фақат пул борасида қимматга тушмаган, ўз хатоларим туфайли мен анча вақт йўқотдим ва улкан имкониятларни қўлдан бой бердим.

Биз эшишишга тайёрмиз, – деди ишонч билан Пэт.

БИРИНЧИ ҚОИДА

Мен ҳикояга киришдим:

– Биринчи қоида билан сизлар танишсизлар. Сармоялаш билан шуғулланишдан олдин БИЛИМ БИЛАН ҚУРОЛЛАНИНГ!

Ўқиб-ўрганиш кўп нарсанинг ечимини топади. Билим қанча кўп бўлса, якуний натижа шунча юқори бўлади. Пул тикишдан олдин сармоялаш ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат

қилинг. Фойдали ахборот ўзаклари жуда кўп. Билим сизни жиддий йўқотишлардан асрайди ва кўп пул ишлаб топишингизга ёрдам беради.

Сиз бассейннинг энг чукур жойига сувда туришни билмаган ҳолда калла ташламайсиз-ку, ахир чўкиб кетишингиз мумкин. Сизнинг умуман хабарингиз бўлмаган сармоялаш ҳудудига киришингиз ҳам шунга ўхшайди: сиз энг тубига борасиз.

Менга тармоқ маркетингининг ёқишига сабаб чиндан ҳам асл компаниялар ўзларининг савдо вакилларини ўқитишиади. Уларни нафақат ўқитибгина қолмай, молиявий масалалар билан шуғулланишга ва ўзларини кашф қилишга ўргатишиади. Жиддий фирмалар профессионал сотувчиларни тайёрлаш билан чегараланиб қолмай, одамларнинг ҳамма соҳалар бўйича муваффақият қозонишларига ёрдам беришади.

«Rich Dad» компанияси молия соҳасини ўргагади. Биз сармоялаш асбобларининг ҳеч қанақасини сотмаймиз ҳам, тавсия ҳам қилмаймиз. Бизнинг маҳсулот - ўқитиш. Мижозлар ўзларига яраша маблағлаштириш имкониятларини қидириб, танлаб олишади.

“Бой ота” туркум китобидан ташқари, биз сармоядорлик билан жиддий шуғулланмоқчи бўлганлар учун, албатта, ўйнашлари лозим бўлган “Пул оқими-101” стол ўйинини таклиф қиласиз.

Биз Роберт билан 1994 йил ишлашдан фориғ бўлганимиздан сўнг (менинг ёшим ўттиз еттида, у эса қирқ етти ёшда эди) кўпчилик биздан: “Буни қандай уддаладинглар?” деб сўрашарди. Бу саволларга жавоб беришимизга ўйинга бўлган меҳримиз ёрдам берган. Ҳаммамиз болалигимизда бирор ўйинни дилдан яхши кўрганимиз. Ёшлигимда мен доим спорт билан шуғулланганман ва ҳозиргача турли ўйинларни яхши кўраман.

1995 йили Робертда бизнинг молиявий мустақилликка эришишдаги йўлимизни қадамма-қадам акс эттирган стол ўйинини ташкил қилиш ғояси туғилди. Ўрганиш қониқиши ҳосил қилиши керак, худди сармоялаш жараёни ва даро-

мад олишдек. Биз “Пул оқими-101”ни ишлаб чиқдик, чунки одамлар пул күйишни қизиқиб ва қониқиб ўқиб-ўрганишлари керак. Бу ўйин Роберт иккимизнинг сармоядорликка бўлган қарапаримизни акс эттиради. Биз одамлардан кўп мактублар оламиз, улар шу ўйинни ўйнаб сармоядорликда муваффақиятларга эришишганини ёзишади. Ўйин уларни ҳаракат қилишга чорлайди. Одамлар фаолиятлари ортидан ўрганишади, шунинг учун ҳам биз сармоялашни ўргатувчи стол ўйинини яратдик – бу айни вазиятнинг модели. Шунинг учун ўқиш жараёнига “Пул оқими” ўйинини қўшишни тавсия қиласман.

– Келинглар, бугун оқшом ўйинни ўйнаймиз! – таклиф киритди Трейси.

– Бу бизнинг икки кунлик семинаримизнинг ажойиб якуни бўлган бўларди, - қўшилди Лесли.

“Пул оқими” ўйинидан ташқари “Бой ота” туркумидаги китобларда ҳам бошқа кўп ахборот ўзаклари келтирилган: китоблар, дисклар, фильмлар, семинарлар, газета-журналлар, интернет сайtlари ва сармоялаш ташкилотлари. Факат ҳамма услубларни кўриб чиқиб, ўзингизга мосини танлашингиз керак.

Яхши муаллим – бу ҳақиқий вазиятга маҳорат билан баҳо бериш, шунинг учун бошлашдан олдин кўп йиллар ўқиш керак экан, деб хавотирланманг.

ИККИНЧИ ҚОИДА

– Иккинчи қоида сармоялашдан олдинги қўрқинчдан холи бўлишга ёрдам беради: *КИЧИГИДАН БОШЛАНГ!*

Сармоялашнинг қайси асбобини танламанг, доим кичигидан бошланг ва хатоларга тайёр туриш. Хатолар, албатта, бўлади. Адашишдан қўрқадиган аёлларга доим айтиб келаман: “Хатодан қўрқмаслигингиз керак, чунки сиз барибир хато қиласиз. Буни мен сизга кафолат бера оламан. Буни олдиндан билсангиз, қўрқувни енга оласиз”. Кўчмас мулк ижрасида йўл кўйган биринчи хатоимни ҳеч қачон унутмайман. Биринчи ижарачи олти ойдан сўнг чиқиб кетди. “Оҳо! – ўй-

ланиб қолдим мен. – Рентани ойига 25 долларга күтариш имконияти туғилибди". Сармоялашдан тушадиган ойлик даромадим 50 долларни ташкил қилишини ҳисобга олганда, у 50 фоизга күпайиши керак эди. Калламга келган фикрим учун ўзимни мақтаб күйдим.

Хатоим шунда эдики, мен бу ҳудудда яшаш жойининг асл нархи қанчалигини билмасдим. Мен кўп сўраб юборгандим. Оқибатда уй уч ой бўш ётди. "Омадли" ғоя менга 75 доллар кўшимча даромад келтириш ўрнига 1,5 минг доллар зарар келтирди. Бу мени кўп нарсага ўргатди.

Шунинг учун ҳам кўп пул устидан таваккалчилик қилманг. Олдин сармоялашнинг қирраларини ўрганинг. Агар акцияни сармоялашни истаган бўлсангиз, охирги кўйлагингизгача пул тикманг. Олдинига бир неча дона сотиб олинг. Агар кўчмас мулк билан шуғулланмокчи бўлсангиз, бошига бир ёки тўтта оила учун уй сотиб олинг. Биринчи битимдаёқ катта ўлжага учманг. Ёдингизда бўлсин, муваффақият билим ва малака ортидан келади. Биринчи қадамни кўйинг, дарсларни ўзлаштиринг ва олдинга боринг.

Кўп йиллар олдин менга бир дугонам солиқ кўйилма сертификатлари ҳақидаги китобни ўқиб чиқишимни маслаҳат берди. Бу нарса хусусий кўчмас мулк эгаси солиқ тўламаганида ташкил қилинади. Сиз буни унинг учун қиласиз ва агар у қарзларини ёпа олмаса, солиқ сифатида тўлаган пулларингиз эвазига кўчмас мулк сизники бўлади. Агар қарзларини тўласа, сизга фоизи билан пулингиз қайтади.

Мен китобдан икки нусха сотиб олдим: бири ўзимга, иккинчиси Роберт учун. Китобда ёзилган билимлар билан куролланиб, биз округ пойтахтига сертификатларни сотиб олиш учун йўл олдик. Биз сертификат учун 500 доллар кўйишга қарор қилдик. Пул миқдори кўп эмас, аммо биз бу сармоядорлик асбобини ўзимизда синаб кўришга аҳд қилгандик. Мен кўп одамларни биламан, яхши маблағлаштириш соҳасини қидира-қидира ўша ернинг ўзида ўралашиб, ҳеч нарса қила олмай юришади. Қайси сармоялаш механизми қанча даромад келтиришини ҳеч ким билмайди. Якунсиз қи-

дириш мумкин, ахир. Агар кичигидан бошласангиз, буни ўз бошиңгиздан ўтказасиз ва қайсинаси билан шуғулланишга қарор қабул қилишингиз осон бўлади.

УЧИНЧИ ҚОИДА

Солик қўйилма сертификатлари билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, биз Роберт билан юрган йўлимиздан юринг: *ОЗРОҚ ПУЛ ҚЎЙИНГ!*

Бу келгуси муваффақият учун учта сабабга кўра жуда керак.

Биринчиси очик-оидин: пул қўймай, ўйинга кира олмайсиз. Билим ва теория ўз йўлига, аммо ҳақиқий сармоядор бўлиш учун ҳаракат қилиш керак. Нега мен сармоялашни “ўйин” дейман? Чунки биз баъзан ютамиз, баъзан эса ҳеч вақосиз қолишимиз мумкин. Сармоядор – бирор нарсага пул тиккан одам. Пул тикмаган одам сармоядор ҳисобланмайди.

Иккинчи сабаб қуидагича: пул қанча оз бўлса, таваккалчилик ўшанча оз бўлади. Сармоядорликнинг асбобларини текшириб қўриб, ўзимдаги билимлар ва малакамнинг озлигини ҳисобга олиб бораман. Мен хато қилиб қўйишимни ва бу менга қимматга тушишини англаб бораман. Шунинг учун оз пул қўяман: шунда ҳам мен ўргана оламан ва, албатта, оз таваккалчилик билан.

Учинчи сабаб энг заруридир. Сиз агар иш пулларингиз устида бўлганда қизиқишнинг ошишини ҳеч ҳис қилганмисиз? Яқинда менинг қўшним “Лексус” кабриолет сотиб олди. Шу пайтгача у автомобилларга қизиқиб кўрмаганди, уни сотиб олганидан сўнг эса автомобил бўйича округда энг зўр экспертга айланди. Сотиб олишдан олдин эса бу соҳа бўйича бор ахборотни йиғди. Чунки бунга ўз пулларини тиккан-да.

Ёки бошқа бир мисол – ўн ёшли Бен бизнинг дўстимизнинг ўғли. У тасодифан отасининг кумуш ҳақидаги сухбатини эшитиб қолади ва қизиқиб қолиб, у ҳақда суриштиришни бошлайди. Метал ҳақида, уни нима учун сотиб олиш тўғрисида кенг доирада сўраб ўрганишни канда қилмайди.

Бир кун ўша дўстимиз қўнғироқ килиб: “Менинг ўғлим сен билан маслаҳатлашмоқчи”, деб қолди.

Бола гўшакни олиб: “Ким, мен чўнтак пулларимга ўнта кумуш танга сотиб олдим! Ҳар бирига 7 доллар 60 центдан тўладим, жами 76 доллар бўлди! Нима деб ўйлайсан, уни уйда сақлайми ёки банк сейфидами? Аслида-ку, чўнтағимда олиб юришни ёқтираман, аммо отам ишончли жойга қўйиб қўйган яхши, деяпти”.

Ҳар куни Бен кумушнинг нархини кузатиб боради. У бу сирини ўқитувчисига айтади, ўқитувчи эса ўзининг сармоялашини бутун синф болаларига айтиб беришини илтимос қилади. Ўша қунда кумушнинг бир унцияси 8 доллар 50 цент бўлиб турганди ва Бен синфдошларига ўзининг қанча фойда олганини ҳисоблаб чиқишларини ҳам айтади. Ҳозир у бошқа металлар билан ҳам қизиқиб қолган. Ахир, у эндиғина ўн ёшга кирган!

Шуни айтиш керакки, Бен бошқа дарслардан унчалик яхши улгурмасди. У ўқиши амалиёт билан бир хилда олиб бормоқчи. Текширишлар шуни кўрсатадики, 20 фоизгина ўқувчилар одатий ўқитилиш ортидан тўлик ахборотга эга бўлишади. Кумушга бўлган қизиқиши туфайли интернетга кириши ҳамда яхши ўқиши керак, кумушнинг нархини билиб, уни ҳисоб-китоб қилиши учун математика шарт ва Бен бу дарсликларни яхши ўзлаштира бошлаган. Сабаби ҳаётий билим олаётгани учун ҳаммасига улгуряпти.

Мантиқ: агар сиз янги сармоялаш асбоби ҳақида билишни истасангиз, унга пул тикинг, аммо озрок.

ТЎРТИНЧИ ҚОИДА

– Шундай ибора бор: “Деворнинг нариги томонида майсалар кўм-кўкрок”. Сармоялаш нуқтаи назаридан қаралгандага бу шуни кўрсатадики, одамлар маблағлаштириш учун “қаерлардандир” фойдали имкониятларни кидиришади, гўё кўчмас мулк бозори минглаб километрлар нарида, навбатдаги юқори технологияли компаниялар акцияларга берилиб кетишади ёки ҳамма пул қўйишга ошиқаётган бирор янги удум

бўлган бизнесни қидиришади. Яна ўша ибора: уйдагидан кўра бошқа жойда майсалар яшил бўлади.

Демак, тўртинчи қоида: **УЙИНГИЗГА ЯҚИНРОҚ БҮЛЛИНГ!**

Мен бу маслаҳатни янгиларга ҳам, малакалиларга ҳам бермоқчиман. Бу нима дегани? Бу дегани ўзингизга якин, таниш бўлган нарсани қилинг, бироннинг “иссиқ” йўналишини танламанг.

Мисол қилиб юқори технологияли компания бозорининг “совун пуфаги”дай ҳолатини олсак бўлади. Бу технология хақида ҳеч нарсани билмай, унинг акцияларини сотиб олишга ҳамма ташланди. Умуман қиммат қоғозлар билан шуғулланмаган одамлар бу уларнинг имкониятлари эканини тасдиқлашди ҳам. Оқибатда эса пуфаклар ёрилди ва миллиондан ортиқ одамлар қўйган пулларидан айрилишди.

Афсонавий манфаат фонди – «Fidelity Magellan Fund»нинг олдинги бошқарувчиси ва “Пул ишлаб топишни ўрганинг” китобининг муаллифи Питер Линч айтганди: “*Ҳар сафар дўконга кириб, гамбургер ёки кўз ойнак сотиб олганингизда қимматли аҳборот оласиз. Атрофга боқиб нима яхии сотиляпти, нима сотилямаяпти - бишиб олишингиз мумкин. Дўстларингизга қараб уларнинг қандай компютерлар сотиб олишаётгани, қандай ичимликлар ишишаётгани, қандай кинолар кўришаётгани, қандай туфлиларни яхши кўришларини аниқлаб олса бўлади. Бу жуда қулай имконият, шуларни кузатиб туриб, қаерга маблаг қўйишни билиб олиш мумкин.*

Бундай кўп, майдо-чуйда деб ўйлаган керакли нарсаларни қўлдан бой беришимишни тасаввур ҳам қила олмаймиз. Миллионлаб одамлар кўз олдилиаридағи ўзлари учун фойдалари бўлган имкониятлардан фойдаланишмайди. Врачлар қайси фармацевтика компанияси яхши дориларни ишлаб чиқаришни билишиса-да, уларнинг акцияларини сотиб олишимайди. Банкирлар бошқа бир банкларнинг яхши имкониятларини билишиади, аммо уларнинг акцияларини харид қилишимайди. Дўкон ва савдо марказлари деректорлари ойлик савдо ҳисоб-китобларига эга, қайси сотувчиларнинг моллари яхши кетаётганини би-

лишади. Бирок уларнинг қайси бири чакана савдо акциялари орқали бойиб кетишган?"

Бу имкониятлар уйингиз ёнида эмас, улар бурнингиз остидадир!

Бир пайтлар Сингапурда битта аёл менга мурожаат қилиб қолди: "Мен Сингапурда яшайман, эшишишмча, Калифорниянинг Орландосида кўчмас мулк сармоядорлиги бозорида шуғуланиш фойдали эмиш. Мен унга пул тиксам бўладими?"

Биринчидан, Орландодаги бозордан хабарим йўқ эди. Иккинчидан, бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди, чунки у аёл ҳеч қачон кўчмас мулк сармоядорлиги билан шуғулланмаганди. Мен ундан сўрадим: "Сиз олдин Орландода бўлганмисиз ёки энди бормоқчимисиз?"

"Йўқ, - жавоб берди у. – Мен кўчмас мулкни интернет орқали сотиб олса бўлади, деб ўйлагандим".

Умуман бундай аниқ вазиятларда мен бирор маслаҳат бермасдим, лекин бу ҳолат бошқача эди. Шунинг учун унга: "Интернет орқали кўчмас мулк сотиб олманг. Агар бу соҳада янги бўлсангиз, бўлмаган жойингиздан кўчмас мулкка эгалик қилишни унтунинг. Уйингизга яқинроқ жойдан кидиринг. Ва энг асосийси – сармоялашнинг бу асбобини яхшилаб ўрганиб чиқинг", дедим. Мен инсоннинг хато қилишига қарши эмасман, аммо очиқ-ойдин тентаклик қилмаслик керак. Бу аёл ўзи учун қимматга тушадиган хатони қилишга чоғланганди.

УЙГА ЯҚИН ЖОЙДА БЎЛИШНИНГ УЧТА САБАБИ

Кўчмас мулк сармоядорлигининг тўртинчи қоидасини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, аввало сиз қаердан кўчмас мулк сотиб олсангиз, ўша худудда нима бўлаётгани ҳақида билиб туришингиз: тенденцияларнинг ошишига ёки ижара баҳоларининг тушишига, худудда пайдо бўлаётган янгиофислар ёки дўконлар, турар жойнинг нархлари кабилардан боҳабар бўлиб туришингиз лозим. Бунинг ортидан эса агар бу жойда янги кўчмас мулк пайдо бўлиб, у савдога кўйилса, сиз бу ху-

дуд бўйича эксперт бўласиз ва бу таклиф қанчалар фойдали эканини аниқ била оласиз.

Иккинчидан, агар сизнинг кўчмас мулкингиз билан боғлиқ муаммо туғилса, сиз уни ечиш учун самолётга ўтирумайсиз, ижарага машина олмайсиз. Яна қайтишни ҳисобласангиз, сиз анчагина пул ва вақт йўқотасиз.

Учинчидан, агар мен бошқа шаҳарларда кўчмас мулк борасида яхши битимлар бўлишини билганимда доим дунё бўйлаб кезган бўлардим. Шунинг учун ҳам мен яқин атрофдаги худудларга эътиборимни қаратаман, буни қарангки, доим ўзим учун фойдали битимни топа оламан.

МЕНИНГ ЭНГ КАТТА ХАТОИМ

Нима учун мен бу қоидага риоя қилишни таъкидлайман? Чунки сармоялашдаги ҳаётимда катта хатога ўз маслаҳатимга қулоқ тутмаганим учун йўл қўйганман.

Бир пайтлар биз Роберт билан Майамида бўлганимизда битта имкониятга тўқнаш келдик: бу комерсия учун мўлжалланган, катта соғломлаштириш маркази ижарага олган 4000 метр квадратли бино эди. Биз нархини келишдик.

Олдин мен бундай турдаги кўчмас мулк билан шуғулланмагандим ва Флорида штати бозори ҳақида тушунчага эга эмасдим, номимдан эса шартнома тузишга ишончли вакил килиб кўчмас мулкни тушунадиган одамни жўнатгандим. Бироқ, биринчидан, афсуски, у ҳам Аризонада яшагани учун Флорида қонун-қоидаларини билмасди. Иккинчидан, сотувчи ва ишончли вакилим билан ўрталарида келишмовчилик чиқиб, тортишув икки томоннинг мусобақасига айланиб кетган. Менинг хатоим - ўзимни бу соҳада унчалик билимли билмай, бегона одамни жўнатгандман, қолаверса, кўчмас мулк бошқа шаҳарда бўлган. Ундан ташқари, ишончли вакилнинг кўчмас мулк борасидаги масалаларни мухокама қилиш билан шуғулланиши керак эмасди. Унинг вазифаси савол бериш ва муаммоли вазиятлар чиқса, менга айтиш, мен эса уларни ўзим ечишим керак эди.

Кисқасини айтганда, иш беш ойга чўзилиб кетди. Менинг тажрибасизлигим туфайли у баттар чигаллашиб борарди. Шунча ўтган вақт ичиде эса биз бошланғич шартларни мухокама қиласырдик, холос.

Оқибатда Роберт иккимиз сотувчи билан юзма-юз гаплашиш учун Майамига учеб бордик. Саноқли дақиқаларда биз тортишувли муаммони ҳал қилиб, уйга қайтдик. Иккинчи куни келишув шартномаси столимиз устида ётарди, аммо ишончли вакил келишувга ўзгартириш киритганди, асл сотувчи эса чет элга учеб кетганди. Шунча вақт, меҳнат, пул – ҳаммаси ҳавога учди. Сотувчига қўнғироқ килгандим, битим бузилганини айтди.

Ярим тун эди. Менинг фифоним фалакда, ўта жаҳлим чиқарди, сотувчи ёки ишончли вакилни айбламасдим, ҳаммасига ўзим айборлигимни билиб, ўзимни сўкардим. Ҳаммаси ўзимнинг бу соҳада омилкор билмаганимдан бошланганди. Муаммо ўзимга ишончнинг йўклигига эди. Мен билимим оз, деб ўйлаб, бирор ножӯя иш қилиб қўйишдан кўрқардим. Кўрқувга устимдан хукмронлик қилишига изн бериб қўйгандим ва айнан шу ҳиссиёт битимни йўқقا чиқарди. Ҳозирга келиб тушундимки, ҳеч қандай қийинчилик йўқ экан, мен шунчаки ахборот тўплашим ва оз-моз уни ўрганишм керак эди, холос. Бу мен учун энг яхши дарс бўлди.

Тунги соат биргача ўзимни сўкиб ўтиредим. “Мен шунча вақтни йўқотдим, энди ўрнига бошқа бир битимни топишим шарт!” деб қарор қилдим.

Компьютер ёнида брокер жўнатган қоғозлар ётарди, унда қийматлари кўрсатилга турли бинолар, ундан тушадиган даромадлар ва уларни молиялаш ҳақидаги тахминлар ёзилганди. Майами битимиға берилиб кетиб, бу таклифлар билан ишми бўлмай қўйганди ва энди хатони тўғрилашнинг вақти бўлганди.

Тахминан бир соатлардан сўнг бир неча ойлар олдин келган битта таклифни кўлимга олдим. Қанчалар кўп уни ўрганиб чиққаним сайин у менга ёқиб борарди. “Кизик, ишқилиб бино сотилмаганимкин?” хаёлимдан ўтказдим мен.

Эрталаб соат еттида олдиндан билган ва ишонган брокеримга қўнғироқ қилдим:

- - Крейг, ёдингда бўлса, бир неча ой олдин сенинг официнг рўпарасидаги бино ҳақида гаплашгандик. Ўша ҳали сотилмадими?
- - Мулк эгаси уни умумий каталогка киритмаган, - деди Крейг. - У жиддий харидорни қидириб юрганди. Мен унинг брокерига қўнғироқ қилиб билиб бераман.

Ярим соат ўтиб, у қўнғироқ қилди ва бино сотилмаганини айтди.

- - Қанча сўрашяпти? – сўрадим мен.
- - Ҳамма қийматини, - жавоб берди Крейг.
- - Шунга арзийдими?
- - Арзийди!
- - Оламан! - дедим мен.

Бу бино Майамидаги бино билан бир хилда эди. Бу сафар ҳудудни яхши билганим ва кўчмас мулкнинг бу тури менга таниш бўлгани учун битимни ижобий ҳал қилишга беш кун вақт кетди. Ва жараён мобайнида мен кўчмас мулк бўйича энг яхши ишончли вакил билан ҳам танишдим, у одам ўша соҳада ишлайдиганларга бўлган ишончимни яна қайтарди.

Шундай бўлиб чиқдикни, бу кўчмас мулк пул оқими, қиймати ва жойлашган ўрни нуқтаи назаридан караганда менинг ҳаётимдаги энг зўр кашфиёт бўлганди. Оқибатда менинг улкан хатоим энг катта ютуғимга айланди. Мен билимга ва даромадга ҳам эга бўлдим.

Биласизми, бу воқеада энг қизиги нимада? Сотиб олган биноим уйимдан икки квартал нарида эди.

Шунинг учун ҳам барча сармоядорларга уйларига яқинроқ бўлишларини маслаҳат бераман.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

МУВАФФАҚИЯТЛИ САРМОЯДОРНИНГ НАВБАТДАГИ БЕШТА ҚОИДАСИ

Мен доим мустақилликни ер юзидағи энг улкан неъмат деб ҳисоблаганман, у ҳар қандай меҳр-оқибатнинг ўзаги.

Мэри Уолстонкрафт

— Сен ўзингга ишонишни ўрганибсан! Бу жуда зўр дарс!
— деди Трейси.

— Менимча, бу ҳар бир аёл учун керак, айниқса, гап пул ва сармоялашда кетганда, чунки кўпчилигимиз учун бу соҳа янги, - кўшилди Пэт. – Бу воқеадан кейин бирор нарса ўзгардими?

— Мен айта оламанки, ўша тун мендаги сармоялашга боғлиқ қўрқинчнинг кўпи йўқолди, - жавоб бердим мен. – Мен ўз маблағ кўйилмаларим бўйича хотиржамликни ҳис қила бошлаб, уларга ҳиссиёт билан карай бошладим ва, тушундимки, ҳамма муаммо ўзимда. Мен сармоялаш лойиҳаларимдан ўзимни олиб қоча олишни, уларга очик онг билан қарай олишни ўргандим. Энди мен қандайдир таклифни ўрганиб чиқмоқчи бўлсам, одатда - ҳар доим ҳам эмас - уни аниқ баҳолай оламан, ҳиссиётларга берилмайман ва улар қарор қилишимга халақит бермайди.

— Сенинг маслаҳатларинг кўп нарсани беради, - деди Трейси. - Яна нималарни ўргандинг шу ўтган йиллар давомида?

— Менимча, навбатдаги бешта қоиданинг сизларга фойдаси тегиши мумкин, - жавоб бердим мен.

— Сўзлаб бер, - талаб қијди Трейси.

БЕШИНЧИ ҚОИДА

Бу олдинги тўртта қоиданинг давоми, - деб гап бошладим мен. - *ҒАЛАБАГА ТАЙЁРЛАНИНГ!*

Ичимизда қайсинимиз мұваффақиятга эришишни истамаймиз? Ғалаба кимга керак эмас? Биз сармоялаш үйинига ундан ғолиб бўлиб чиқиш учун киришяпмиз.

Малакасиз сармоядорга озгина бўлса ҳам, мұваффақият билан бошлаш яхши. Олдин айтиб ўтилган тўртта қоидага амал қилиш ғалабага бўлган имкониятни беради. Биринчи маблағлаштириш омадли бўлиши лозим. Нимага? Бунга учта сабаб бор.

Биринчидан, биринчи мұваффақият ишончни уйғотади. У омадсиз чиқса, иккиланишлар пайдо бўлади: “Балки бу машғулот менинг учун эмасдир”, “Энди пулни йўқотишини истамайман”, “Кимни алдамоқчи бўляпман, бундан ҳеч нарса чиқмайди!” ва шунга ўхшаган. Биринчи қадам мұваффақиятли бўлса, иккинчиси қизиқарли ва осон бўлади.

Кўпчилик кичик бўлса-да, аҳамиятлisisини кўйиб, дарров катта битимни мўлжалга олади. Икки оиласа мўлжалланган коттеж ўрнига улар юз хонадонли уйни олишади. Бу борада малакалари йўклигидан хато қилишни бошлашади. Норози бўлган ижарапчилар кета бошлайди, харажатлар камайиб, у аста таъмирталаб ҳолатга келиб қолади, оқибада уни сотишда ҳам қийинчиликлар пайдо бўлади. Озига кўникмай, каттани истаган одам ҳар ой пул йўқотади ва кейин гапириб юради: “Кўрдингизми, мен билгандим! Кўчмас мулкка пул тикиш фойдали эмас”.

200 та фонд опционларини донасини 5 доллардан сотиб олиб 1000 доллар қўйган одам 200 та опционни 30 доллардан 6 минг долларга улгурчи сотиб олган одамдан ақллироқ саналади.

Ўзига бўлган ишонч – сармоялашдаги мұваффақиятнинг яхши самараларидан бири. Шу билан бирга, молиявий мустақилликка етакловчи ҳал қилувчи амал ҳам ҳисобланади. Олдинги мұваффақият самараси ўлароқ, одамнинг ўзига бўлган ишончининг ошиши келгуси қарорларни қабул қилишда жуда кўл келади. Ўзингизга қанчалар кўп ишонсангиз, шунчалар сиздаги қўрқув чекинади. Биринчи омадли юришингиз чексиз мұваффақиятга пойдевор бўлади.

Иккинчидан, атрофингиздаги баъзилар сизга сармоялашнинг таваккалчилик эканини уқтиришга уринишади. Бундай одамлар газетадаги мақолани қирқиб олиб, сизга кўрсатишади, унда фонд биржаларига ёки кўчмас мулк бозорига маблағларини қўйиб куйиб қолган одамлар ҳақида ёзилган бўлади. Улар ўзларининг ҳақликларини исбот қилмоқчи бўлишади: “Биз айтгандик-ку!” деб ҳам кўйишади. Аниқ биламан, сизнинг орангизда ҳам шундай бир-иккита сизга “мехрибонлик” кўрсатадиганлар топилади. Улар сизнинг биринчи омадсизлигингизни кутиб яшашади ва биринчилардан бўлиб сизнинг кўнглингизни кўтаришни кутиб туришади, яъни: “Мен айтгандим-ку, азизим, бу жуда таваккалчилик, деб, сен бўлса синаб кўрмоқчи бўлдинг”, дегандай. Улар учун бу ҳақиқий байрам! Сиз эса уларга парво қилманг, акъли бўлинг, ўзингизга байрам ташкил қилинг. Улар ноҳақ бўлганликларини исботланг! Муваффақият – энг яхши қасос.

Учинчидан, сиз пул ишлаб топишингиз керак. Ўйиннинг моҳияти ҳам шунда. Сиз уринишларингизнинг илк яхши натижасини кўришингиз захоти ишингиз юриб кетади ва қизиқарли тус олади. Бу ўйинлигини унутманг, бунда ғалаба ҳам, мағлубият ҳам бор. Лекин ўйин ҳам қизиқарли ва қоникиш хосил қилиши керак. Пул олишдан бошқа ёқимлироқ нарса ҳам бормикан!

ТАВАККАЛЧИ САРМОЯДОР

– Биз таваккалчилик ҳақида сиз билан олдин ҳам гаплашдик. Кўпинча одамлар сармоялаш – таваккалчилик машғулоти деб ўлашади. Ундей эмас! Менинг маблағларим кичик таваккалчилик ҳосили. Сармоялашни таваккалчилик дейдиган одамлар бу билан умуман шуғулланишмаган ёки нима билан шуғулланаётганларини билмай, ўз пулларини тикишган.

Мисол учун Сингапурдаги аёлни олайлик, у интернет орқали Флоридадан кўчмас мулк сотиб олмоқчи бўлганди.

Бу нафақат таваккалчилик, тентаклик ҳамдир. У Флоридадаги кўчмас мулк бозорининг аҳволи ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмай, яна қолаверса, минглаб километр узоқда туриб сармоялашни амалга оширмоқчи эди. Бу ҳолатда, ахир, омадсизлик яққол кўриниб турибди-ку. Агар у айтганини қилиб буни амалга оширганда куйиб қоларди ва ўша сармоялаш таваккалчилик деб юрганлар қаторига қўшилиб: “Мен сармоялаш таваккалчилик эканини билардим”, деган бўларди.

Аслида сармоялаш таваккалчилик эмас, ўша аёлнинг ўзини тутишиши, қилмоқчи бўлган ҳаракати - таваккалчилик. У ҳеч нарсадан бехабар бойиб кетмоқчи бўлаётганди. Таваккалчилик сармоялашга эмас, балки сармоядорнинг ўзига йўналгандир.

Сиз бирор кишининг маслаҳати билан акция сотиб олганимисиз? Бундай ҳаракатлар кўп қузатилади. Кимdir сенга акциянинг яқин кунларда кўтарилиб кетишига тааллукли сирни айтади, сен эса у компания ҳақида ва унинг маҳсулотини суриштириб ўтирумай, дарров шошилиб акцияларни сотиб оласан. Бу машғулот борлиғи билан таваккалчилик.

Менинг бир дугонам ўзининг ҳисоблаши бўйича рад қилинмайдиган сармоялаш стратегиясини ўйлаб топди. Унинг эрталаб қиладиган иши молиявий янгиликларни қўради. Телевизорда бирор акция ҳақида гап кетиб, уни мақташдими, у уларни дарров сотиб олган, ўйлаганки, акцияни телевизорда гапиришдими, демак, бошқалар ҳам харид қилишни бошлашади, кечга бориб уларни сотган. Олдинига бу стратегия унга даромад келтирган. Ўша пайтда акция бозорида курсларнинг кўтарилишида мувозанат кузатилган, шунинг учун у хавотирланмаган ва катировкаларни кузатишига хожат бўлмаган. Кейин эса ҳолат ўзгарган ва катировкалар пастлай бошлган. Режаси барибир иш беришини ўйлаган ҳолда дугонам йўлидан қайтмаган. “Мен ишонаман, йўқотган пулларимни, албатта, қайтариб оламан”, тасдиқлаган у. Оқибатда эса 10 минг доллар йўқотибгина, дугонам ўзини босиб олди. Унинг стратегияси сармоялашнинг бирор асосига тўғри келмасди –

у телевизор бошловчиларининг фикрлари эди, холос. Бу ҳам таваккалчилик.

Бирор кўчмас мулкка пул қўйишидан олдин уни обдон ўрганиб чиқинг, катта битимларни четга суреб, кичикларини назоратингизга олинг ва уйингизга якинроқда фаолият кўрсатинг. Биринчи муваффақият учун бор имкониятингизни ишга солинг. Ўзингиздаги ишончни такомиллаштиринг. Хатосиз бўлмайди, лекин сиз қанча кўп хато қилсангиз, шунча кўп билим оласиз. Билимларимиз қанчалар кўп бўлса, таваккалчилик шунчага камаяди ва муваффақиятга кафолат бўлади. Шунинг учун ҳам бошланишидаёқ ғалабага тайёрланинг.

ОЛТИНЧИ ҚОИДА

— Бу қоидага асосий эътиборингизни қаратинг: *АҚЛ БИЛАН АТРОФИНГИЗГА ОДАМЛАРНИ ТАНЛАНГ!*

“Атрофдагилар” – бу қоида бўйича уларни турли жамоаларга бўлса бўладиган атрофингиздаги одамлар: оила, ишдаги ва бизнесдаги ҳамкаслар, дугоналар, дўстлар. Агар сиз бирор спорт билан ёки бошқа бир нарса билан шуғуллансангиз, албатта, ўша ерда ҳам одамлар орасида бўласиз.

Сармоялаш томондан ёндашилганда ҳам атрофдагилар ҳақида гапирса бўлади. Бундай одамлар тоифасига сармоялашда сизга яқиндан ёрдам берадиган, сармоялашдаги юксалиш ва мақсадларингизда қатнашадиганлар киради. Гап дўстлар, етакчилар ва аёллар сармоялаш жамоалари ҳақида кетяпти.

Биринчидан, эҳтиёткорлик билан дўстларни танланг. Бир неча йил олдин дугонам Жейн бир ақлли маслаҳат берганди. Мен унга компаниямизнинг келажак режалари ҳақида гапириб бергандим. Роберт билан менинг самарадорли ўйлаб кўйган режаларимиз бор ва мен уларни атрофдагилар билан бўлишишни, бу билан уларни ҳеч бўлмаса фикран ҳақиқатга яқинлаштиришни хоҳлагандим. Менга қанча кўп одам бу ҳақда билса, уни ҳақиқатга айлантириш осон бўладигандай туюлганди.

Жейн мени эшитиб деди: “Бошқалар билан мақсадларингни бўлишиш баъзан фойдали, аммо кимга айтаётганингни бил. Ҳамма ҳам сенинг мақсадингга етишингни истайвермайди”.

Нега бундай? Мен бунга ишона олмайман – ўзи оптимистман, одамлар ҳақида фақат яхши нарсаларни ўйлашга ўрганганман. Бироқ бирдан менга ҳаммага ҳам ўз мақсадларимни айтавермаслигимни айтишди.

Кейинроқ малакамдан келиб чиқиб эса, дугонам Жейн нима демоқчи бўлганини ва у қанчалар ҳақлигини билиб олдим.

Бу бир кичик базмда бўлганди. Биз тўртта танишлар келажак мақсадларимиз ҳақида гаплашиб ўтиргандик. Олдимизга яна бир дугонамиз келиб ўтириб, ўзининг ўйлаганлари ҳақида гапира бошлади. “Бу йил менда муаммолар бошланди, ҳатто касалхонада ҳам ётиб чиқдим. Чунки мен ҳеч қачон соғлигим ҳақида ўйламагандим. Шунинг учун бу йил мен 15 килога озиш учун курашаман. Мен мураббий ҳам топиб кўйдим ва ҳафтада уч марта у билан шуғулланмоқчиман. Била-ман, мен буни уddaрайман!” деди у.

Биз унинг мақсадига етишига тилак билдиридик. Лекин у даврамиздан кетиши билан орамиздаги аёллардан бири гап бошлади: “У буни қила олмайди, бунга у олдин ҳам уриниб кўрган, бўлмаган, уddaлашга у куч топа олмайди ҳам”. Негадир унинг дугонаси унга ғараз кўзи билан қараганди. Хуллас, биз нимагадир интилаётганимизда бизга ўзгаларнинг бемаъни фикрлари ортиқча, чунки бирор янги нарсага қўл урганимизда ўзимизда турли иккиланишлар ўз-ўзидан пайдо бўлади, биз шуларни енгиги олсак ҳам, катта гап. Сизни ортга тортадиган бундай қўштироқ ичидаги “мехрибон”ларнинг сизга нима кераги бор?

Баъзан эса сизнинг муваффақиятингиз кимгадир халақит бериши мумкин. Бир дугонам Маргерет ўзининг ҳаётини телевиденияга бағишилаган, у бир пайтлар айтганди: “Мелодрама сериалларининг оммаболлигига сабаб уни кўрувчи-ларнинг истаклари билан боғлиқлигига, одамлар ўзларидан

ёмон яшаётганларни кўришни исташади. Бу уларни хотиржамлилка чорлайди ва яхши йўлга тушмаган ҳаётларини оқлайди”. Шундай одамлар борки, ёнингизда доим кулиб турди, сизга муваффакият тилайди, табриклайди, аслида эса сизга ҳеч қандай илиқликни хис қилмайди.

Тан олишим керак, мен мусобақалашишга руҳан мойил бўлганман ва ғалабани ёқтираман. Менда ҳам ҳасад хиссиётни баъзан уйғонади, менимча, бу ҳар бир одамда туғма бўлса керак. Бирорнинг ютуғи менинг ҳеч нарса қилмаётганимни эсимга солади. Бундай пайтларда мен ҳасадни юксалиш ва такомиллашибга даъват деб тушунаман.

Шунинг учун ҳам сармоялаш доирасида атрофингизга ўз режаларингизни муҳокама қила оладиган ва ёрдам берадиган одамларни эътибор билан танланг. Уларда ҳам сизнинг режангиз каби режалар бўлсин, фикрингиз бир жойдан чиксин. Билимга чанқоқ, шижаотли, бегараз одамларни атрофингизга тўпланг, балки янги дўстларга эга бўларсиз. Улар билан сухбатлашиб сизга қувонч бағишиласин. Ахир, умр абадий эмас. Мен бундай қилишибга анча йиллар олдин киришганман.

Иккинчидан, ўзингизга бир ёки икки нафар етакчини топинг, у одамлар сиз шуғулланмоқчи бўлган машғулот билан шуғулланиб юрган бўлишсин. Сиз ҳаётингизнинг ҳар бир йўналишида ундей одамларни топишингиз мумкин: бизнес учун, сармоялаш, спорт ва ҳатто шахсий ҳаётингизда ҳам. Менинг сармоялашдаги етакчиларимдан бири - бу Кен. У кўчмас мулк бўйича мамлакатнинг жанубий ҳудудида энг катта компания эгаси. Унга сармоялашнинг ҳар бир қирраси яққол кўриниб турди. Мен у билан тез-тез учрашиб турман, ҳар бир учрашувимиздан сўнг мен кўп билмаган нарсаларимни ўрганиб қайтаман.

Кўпчилик етакчини қандай топишни сўрашади. Менда бу саволга тайёр жавоб йўқ. Кўп етакчиларим билан мен тасодифан учрашганман. Шундай ибора бор: “Агар ўкувчи ўқишига тайёр бўлса, ўқитувчи ўз-ўзидан пайдо бўлади”. Менимча, бу тўғри айтилган сўз. Агар сен ўз ишингни сидки-

дилдан ўрганишни истасанг, албатта, иш юзасидан маслаҳат берувчи топилади.

Учинчидан, сармоялаш бўйича аёллар клубини танланг. Олдин ҳам айтганимдек, аёллар бир-бирларидан ўрганишади, шунинг учун уларнинг жамоа ташкил қилишларига маслаҳат бераман. Мен яна қайтараман, бундай жамоалар пул тўплаб ўртага ташлаб, биргаликда бирор нарсани сармоялаш учун эмас, фақат ўрганиш учунгина тўпланиши керак. Сармоялашга шерикларни ақл билан танлаш керак.

Агар сиз сармоялаш жамоасини ташкил қилмоқчи бўлсангиз, ўз молиявий келажагига ва билим олишга ҳаракатчан, янги ғояларга ва имкониятларга жиддий ёндашадиган аёлларни таклиф қилинг.

Йигилиш касбкорлик даражасида ташкил қилинган бўлиши керак, чунки ўз пулларини бошқариш ҳам – КАСБ. Ўз вақтида бошланг ва вактида тутатинг. Мен бундай кўп жамоаларни биламан, улар қатнашчилар олдига жиддий талаблар кўйишади ва бунинг оргидан муваффақияларга эришишган.

Хуллас, мазмун-моҳият шуки, ҳаётда ўз атрофингизга вижданан сизни қўллайдиган, рухлантирадиган, мақсадингиз сари туртки берадиган, молиявий томондан кучли одамларни тўпланг.

ЕТТИНЧИ ҚОИДА

Сармоялашни бошлаётган кўпчилик одамлар малакали маслаҳатни ва мағлубиятсиз йўналишни олишни исташади. Уларда белгиланган пул бўлади, уни бирор нарсага қўйиб, дарров катта даромад олишни ўйлашади. Аммо омилкор сармоядор бўлиш учун унутмаслик керакки, *САРМОЯЛАШ - БУ ЖАРАЁН*.

Молиявий мустақилликка эришиш учун вакт керак бўлади. Бу худди чет тилини ўрганишга ўхшайди, бегона тилни бир кунда ўрганиб чиқиб бўлмайди. Олдинига бир-иккита сўзни ўрганиш керак ва аста-секин сўз бойлиги орттириб борилади, янги атамаларга тил ўргатилади ва кўпроқ сухбат

курилади. Албатта, бу жараёнда хатолар ҳам содир бўлади. Ва узоқ амалиётдан сўнггина сиз равон гапириши ўрганасиз.

Ҳар бир хато сизни ақлли килиб боради. Мен учун сармоялаш жараёни ҳеч қачон тугамайди. Ҳар куни мен бирор янги нарсани ўрганаман. Хато килиш менга ёқадими? Йўқ, албатта, улар мени хафа қиласди, аммо мен уларни қилишим кераклигини биламан, чунки улар мени ниятим сари олиб боради. Агар менинг 1989 йилдаги биринчи сармоялашим, яъни офис учун мўлжалланган бинони сотиб олишим муваффакиятли бўлганида икки карра яхши бўлган бўларди. Биринчидан, мен ўзимча ўзимни ақлли ва сармоялашни биламан, деб ҳисоблаган бўлардим, аслида-чи, шунчаки омадим келган бўларди. Иккинчидан, иккинчи бор ҳам шундай йўл тутган ва ўзимни малакалиман, деб ўйлаган бўлардим, оқибатда ҳеч вақосиз қолардим. Чунки мен олдинги илк муваффакиятимга қандай эришганимни билмай қолган ва ўз-ўзидан олдинги ҳаракатларимни қайтармаган бўлардим. Ўқиб-ўрганиб, қадамма-қадам сиз аклли бўлиб бораверасиз, сиз яна ва яна муваффакиятларингизни такрорлайверасиз ҳам.

Таниқли актриса Элизабет Тейлор жараённинг моҳиятини тушуниб шундай деганди: “Ҳамма гап эга бўлишда эмас, қабул қилишда!”

САККИЗИНЧИ ҚОИДА

Шахс сифатида юксалиш ва сармоя маблағини кўпайтириш учун ЎҚИБ-ЎРГАНИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ!

Бу муваффакият учун жуда керакли масаллик. Унинг ўрнини ҳеч нарса босмайди. Бозор ўзгариб туради ва ўйин қидалари ҳам. Омилкор сармоядор бўлиш учун доим бозор шароитларига мослашиб туриш керак. Бунинг учун эса доим ўкиш шарт. Сизда учта илож бор: ўгаришларга улгуриш, уларни қувиб ўтиш ёки ортда қолиш.

Дугонамнинг бир таниши у билан биргалиқда кўчмас мулкни сармоялаш ҳақидаги семинарга боришни таклиф ки-

лади, унинг таниши жуда таникли омилкор сармоядор эди. Унинг бу таклифига дугонам ҳайрон бўлган. “Сенга бу семинарнинг нима кераги бор? Сен шундоқ ҳам ҳар куни кўчмас мулк билан шуғулланасан. Муваффақиятга эришгансан. Сени у ерда яна нимага ҳам ўқитишарди?” деб ундан сўраган дугонам. Карен - унинг исми шундай эди - дугонамга куйидагича жавоб беради: “Балки шунинг учун ҳам мен ўртача сармоядордан кўра катта ютуқларга эришгандирман. Мен доим янги билим, янги ахборот қидираман, ҳеч қачон ўқиб-ўрганишни тўхтатмайман”.

Дугонам семинарга бормади. У ҳам кўчмас мулк билан шуғулланади, лекин у ўтган уч йил ичида бирор нарса сотиб ҳам олмади, сотмади ҳам, чунки унинг олдинги тизими натижа бермай қўйганди, бунга жавоб излашни эса бу аёл истамайди. У бошқа ўқимасликка қарор қилган.

Менинг яна бир танишим бор, исми Френқ, ёши саксондан ўтган. Менимча, у “ўлмайди”, чунки ҳалиям ўқишда давом этиб келяпти. Ҳар ҳафта у менга иқтисод ва сармоялаш ҳақидаги мақолаларни жўнатади. Бир ҳафта Хитойда оммабоп акция чиқараётган бўлса, иккинчи ҳафта у Канадада мусаввирик таълим мини олаётган бўлади. Френк мени Роберт билан шахсий семинарига таклиф қилди, у ҳам кўп бор бизнинг дарсларимизга келиб туради. У компьютер технологиясини жуда яхши тушунади ва уни муваффақият билан ўз бизнесининг самараси учун кўллаб келади. У доим янгиликка интилади ва ўрганади. Менинг у билан бирга ўқишим - мен учун баҳт!

Бироқ ҳаммасига белгиланган идрок ва шароит керак. Марафонда югуришни интернет орқали берилиган кўрсатмалар бўйича ўрганиб бўлмайди. Бу билимларни амалиётда кўллаш ҳам керак: мураббий топиш, қисқа масофаларга югуриб кўриш, аста масофани узайтириш лозим, натижада ўн километрга дам олмай югуришга ўрганиш мумкин бўлади. Бунга нафақат жисмоний куч, мустаҳкам ирода керак бўлади. Танани ўзинигина эмас, балки онгни ҳам машқ қилдириш лозим.

Шунинг учун ҳам мустаҳкам саломатлик ва молиявий мувваффақият учун ўқиб-ўрганишни давом эттиринг.

ТҮҚҚИЗИНЧИ ҚОИДА

- Бу қоидани ҳамиша ёдда сақлаш лозим. Бу энг асосийси бўлса керак. Менга ваъда беринг, доим буни ўзингизга эслатиб турасиз. Ваъда берасизларми? – сўрадим мен.
- Ваъда берамиз! – барадла жавоб беришди дугоналарим.

Хуллас, тўққизинчи қоида: *РОҲАТЛАНИНГ!*

Мен ҳар бир ютуғингизни байрам қилингизни маслаҳат бераман. Ўзингизни ҳар қандай ғалаба билан - у кичик бўлса ўам - табрикланг. Ютук - бу даромад олиш, бирор тўсикни енгиб ўтиш, кўркувдан холи бўлиш, пул масаласида хотиржамлик, ишончни ҳис қилиш ва ҳаётингизни назоратга олганингиз бўлиши мумкин. Муваффақиятлар оз бўлмайди, уларни байрамга айлантириш керак.

Потенциал битимларни ўрганиб чиқиши, бор маблағлаштиришларни кўриб чиқиши, уларнинг даромадини қандай кўтаришни ўйлаш, бирор янги нарсага ўқиш, келажакда муваффақиятга тегишли бўлган ҳамма нарсани қўллаш ҳамда энг асосийси пул олиш – бу ҳаммаси қизиқ ва ажойиб роҳат бағишлайди.

ХУЛОСА

- Мана шу омилкор сармоядорнинг тўққизта қоидаси, – дедим мен. – Саволлар борми?
- Ишонаман, юзлаб саволлар бўлади, – деди Лесли. – Менга охирги қоида ёқиб тушди.
- Ёдингда бўлсин, сен ваъда бердинг, – ҳазиллашдим мен.
- Ҳаммаси аста жойига тушяпти, – гапга қўшилди Трейси. – Мен бу жараён давомий эканини тушуниб боряпман. Мен сармоялаш билан шуғулланар эканман, бу жараён тўхтамайди ва ҳамиша бирор янги нарсани ўрганса бўлади.

– Мен ҳамма түккизта қоидани қисқача ёзиг бордим, бу ёзувларимни бойитсам, хурсанд бўлган бўлардим! – таклиф кирилди Пэт.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

РЕЖА ТУЗИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Аёл – чой қопчалариdek: қайноқ сувга туширсангиз, улар мустаҳкамлашади.

Элеонора Рузвельт

Оқшомгача турли ғояларни муҳокама қилдик, аниқ мақсадларни қолипга солдик ва уларни амалга ошириш йўллари ҳакида бош қотирдик.

Шу икки кун ичida кабинет ҳавоси кувватга ва шижаотга тўйингандек эди. Биз гўё жисмоний меҳнат қилгандай жуда чарчагандик, лекин бу ёқимли чарчоқ эди. Биз ниятимизга етгандик.

Дугоналаримнинг ҳар бирида келажак сари ҳаракатланиш режаси вужудга келди, шунинг учун ҳам улар режани амалга оширишга киришиш учун уйга шошилишарди.

Трейси, Пэт ва Лесли ўзларига молиявий мустақиллик кераклигини аниқ билиб олишганди. Ҳаммалари ўз билганилича мақсадларига етишни исташарди ва қисқача бўлса-да, ўз режаларини намоён қилишди. Бу икки кунлик жуда мураккаб бўлган семинаримизнинг холосаси бўлиши керак эди-да.

ЛЕСЛИНИНГ РЕЖАСИ

Биринчи навбатда Лесли гап бошлиди:

– Мен бу ерга келмасимдан олдин пул оқимини ташкил қилмоқчи бўлгандим, чунки қандайдир нарсалар ва яшаш учун ишлашдан холи бўлишнинг йўли шу. Мен пул борасида хавотирга боришни ёмон кўраман. Менга қачон ишлашимни

ва қай пайт ўз ишларим билан шуғулланишимни айтишларини истамайман. Мен ҳозир ишлаб турган жойимдан бўша-моқчимасман, аммо ҳар маошимдан 20 фоиздан сармоялаш учун пул тўплашни бошлайман. Тўгри, бу осон бўлмайди, лекин тезроқ керакли пулни йиғишга ҳаракат қиласман.

Мен кўчмас мулкка қизиқиб қолдим. Мен хаёлан уйни ижарага беряпман, малакали сармоядорлар билан алоқа қиляпман, ижаарачиларга қулай шароитлар яратяпман. Мен бир-иккита яқин ҳудудларни биламан, у ердан кўчмас мулк топиб, сотиб олса бўлади. Уйга қайтишим билан уларни ўрганиб чиқишини бошлайман. Ҳатто мен бир-иккита танишларим ҳақида ҳам ўйлаб кўйдим, улар бу ғоямга кўшилиб, шерик бўлишга рози бўлишлари аниқ. Улар эришган ютуқларига ўзларининг ҳаракатлари орқали етишган, ҳеч бўлмаса, улар билан гаплашиб, бирор янги нарсани ўргана-ман. Биламан, олдимда қилинадиган ишлар кўп, лекин мен ҳаракатланишни бошлайман.

ТРЕЙСИННИНГ РЕЖАСИ

Трейси бошқачароқ ёндашди:

— Ишлаб турган компаниямнинг сотилиши менинг кўз-ларимни каттароқ очишга ундинди. Олдин ўз ҳаётимнинг на-зорати ҳақида ўйлаб кўрмаган ва ишимга боғланиб қолганча юраверган эканман. Мен бизнес оламини яхши кўраман ва ўзим учун ишламоқчиман. Ҳозир айни пайти. Мени бўша-тишмаса ҳам, энди у ерда юксалишим амри маҳол, компанияда нимани қўлга киритган бўлсам, лом-мим демаган ҳолда ишлаганим ва қаттиқ меҳнатим ортидан эришганман. Ишга еттида бориб, у ердан кечки саккиз бўлмагунча бўшай ол-масдим. Ишда бўлмаган кунларимда ҳам ишим ҳақида ўй-лаб юраман. Шунинг учун ниманидир илдизи билан ўзгартиришим лозим.

Режам куйидагича: мен эrim билан маслаҳатлашиб, молиявий эҳтиёжларимизни қайта кўриб чиқмокчиман. Бирин-чидан, ўзим учун ишлашни бошлайман. Мен ҳатто эртагаёқ

учта лойиҳа устида ишлашга тайёрман! Менежерлик учун таклифлар ҳозирда менда бор, уларни қабул қилиш мумкин. Улар ҳамма вақтимни олмайди, лекин иш оз ҳам эмас. Ўйлашимча, оз ишлаб яхши топмайман. Иккинчидан, аста-секин сармоялаш билан шуғулланишни бошлаб, активларни оламан ва пул оқимини ташкил қиласман. Ҳозирча активларнинг қандайлитини билмасам-да, менимча, кўчмас мулк ва бошқарувда иштирок этмайдиган бизнесда фаолият олиб борсам керак. Эрим менга қўшилади, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммасини тушунтирасам; албатта, у қизиқиб қолади. Биз у билан биргаликда қандай жойларга пул тикишимизни белгилашимиз керак. Ваъда бераман, бу масалани келгуси ҳафтагача ижобий ҳал қиласман. Ҳозир асосийси - шу икки кун ичида тўпланган қувватни беҳудага сарф қиласлик. Яна энг асосийси мен кўп йиллардан бери энди ўз ҳаётимни ўзим назорат қилаётганимни хис қила бошладим.

ПЭТНИНГ РЕЖАСИ

— Шахсан мени фонд опционлари қизиқтиради, - гап бошлади Пэт. — Изланувчанлигим туфайли интернетда ўтириш менга қулай, опцион савдо олами мени ўзига жалб қиласми. Тан олишим керак, шу вақтгача тўплаган сармоялашга тааллукли ахборотларим ҳаммаси опцион ҳақида. Режам шундай: мен опционларнинг олди-сотдисини ўрганмоқчиман. Биласман, бу қийин, чунки бунинг учун мен энг яхши ахборот негизларини топишим, ўргатувчи дастурларни ва консультант ёллашим керак. Мен шошилмайман ва бошланишига озроқ пул қўяман. Бу ҳақда ўйлашим билан уни тезроқ амалга оширгим келяпти.

Турмушга чиққанимдан кейин ишламадим, аммо баъзида турли мақолаларни ёзиб, оз-моз пул тўплаганман. Бу пулларнинг бир қисмини ўқишига сарфлайман. Мен тушунаман, опциондан тушган пул - маблағ даромад ҳисобланади, лекин менга пул оқими керак. Шунинг учун бу пулларни сармоялаш ҳисоб рақамига ўтказиб бораман ва кейин уларга бир хил доимий даромад келтирадиган актив сотиб оламан.

Бу билан мен фонд опционлари савдоси орқали пул топаман ва уларни пул оқими ҳосил қилиш учун тўплайман. Бу режам эримга қарам бўлмай, сармоялаш соҳаси бўйича ишлашимга ёрдам беради. Агар у қўшилишни истаса, марҳамат, унда менинг ўйлаганларим тезроқ амалга ошади. Агар у қўшилмаса, барибир молиявий мустақилликка эришаман!

Яна бир нарса, - қўшиб қўйди Пэт, – мен уйимга қўнғироқ қилдим ва сармоялаш жамоасини ташкил қилишга қўшиладиган иккита аёлни ҳам топиб қўйдим. Улар билан учрашиб, ниятлари қанчалар жиддий эканини текшириб кўраман. Ўйлайманки, доимий қувватлаш менга халақит бермайди. Қолаверса, менда ажойиб ғоя пайдо бўлди. Китоб сотувидан тушадиган гонарлар – бу ажойиб пассив даромад негизи. Мен доим роман ёзмоқчи бўлиб юрадим, менда бошлаб қўйган баъзи нарсаларим ҳам бор. Аслида мен китобни пул оқими ёки пассив даромад ўчоги деб ҳечам ҳисобламаганман. Ҳамма шоирлар каби мен факат унинг босиб чиқарлишини истаганман. Аммо энди тушуняпманки, буни ҳам молиявий режамга тиркасам бўлар экан. Яна мен қўшимча маблағ олиш илинжида газета ва журналлар учун моқолалар ёзмоқчиман. Асосийси, Трейси айтганидек, шу икки кун ичида тўпланган қувват ва шижоатнинг бехудага ҳавога учшини истамасдим.

БАЖАРИШ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИШ

– Бу чиндан ҳам жуда керак, – деди Лесли. – Биз кўп нарса қилишимиз лозим, бу ердан кетиб ушбу йўналишимни йўқотишни истамайман. Асосийси ўша мақсад сари биргалиқда борадиган ёнингизда одамнинг бўлиши. Лекин ишнинг оғирлигидан қўл силтаб юборишнинг олдини қандай олса бўлади?

– Яхши савол, – жавоб бердим мен. – Нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб юраверсангиз, шижоат сўниб боради, чунки бу жуда оғир меҳнат талаб қиласди. Бир пайтлар мен ҳам шундай савол бериб, ажойиб жавоб олгандим.

БҮЛМОҚ – БАЖАРМОҚ – ЭГАЛИК ҚИЛМОҚ

Сизнинг кимлигингиз ва нима қилаёттанингиз нимага эга-лигингизни белгилайди. Мисол учун агар сиз фарзандли бўлмоқчи бўлсангиз, аввало она бўлишингиз керак, бунинг учун ҳомиладор бўлиш лозим. Кейин докторлар кўригидан ўтиб, соғлигингиз учун қайфуришингиз, боланинг тугилишига тай-ёргарлик кўришингиз керак бўлади ва кейингина тугасиз. Асо-сийси айнан ўзингиз нимага эга чиқмоқчисиз, шуни аниқлаб олишингиз даркор. Нима қилиш кераклиги эса иккинчи масала. Бир нарсага эга бўлиш истаги “Нима қилиш керак?” тушун-часидан устун туради. Айт-чи, Пэт, мана сен «Time» журналида мақолангни бостиришинг учун ким бўлишинг керак? – сўрадим мен.

- Энг зўр журналист, - жавоб берди у.
- Бунинг учун нима қилиш керак?
- Мен бу журналга қандай мақолалар кераклигини би-лишим лозим, кейин қанақадир маҳоратни ошириш курси-ни ўтишим керак, материалларни тўплаб, сўнг мақола ёзсан бўлади. Кейин мақолани ким қабул қилишини билиб, унга жўнатаман ва қўнғироқ қиласман. Агар мақоламни рад қи-лишса, уни қабул қилишмагунча жараённи қайтаравераман. Ҳаммасини олдиндан билиб бўлмайди. Агар мен нима қи-лишим кераклигини барчасини олдиндан билганимда балки бошламаган бўлармидим! - жавоб берди Пэт.
- Ҳамма гап мана шунда, - дедим мен. – Нимага эга бў-лишни истаёттанингизга эътиборингизни қаратинг, шундаги-на унинг учун қилишингиз керак бўлган ишларни осонликча бажарасиз. Ким бўлгансиз, ҳозирда кимсиз, ўтмишдаги ва бугун қилаётган ишларингиз меваси ҳозирда нимага эга бўл-сангиз - шулардир. Агар бирор нарсани ўзгартирмоқчи бўл-сангиз, олдин ўзингиз ўзгаринг ва бошқача ҳаракат қилинг. Бўлмаса, нимага ҳозирда эга бўлсангиз, шундайлигингизча қолаверасиз, аммо, тушунишмча, бу сизга ёқмайди. Мен ҳақманми?

Улар биргаликда бош силкишди.

– Қандай қилиб ўрганамиз? – сўради Трейси.

Мен жавоб бердим:

– Мисол қилиб Пэтни олайлик. Агар у мақоласини сотмокчи бўлса, энг зўр ёзувчи бўлиши керак. Ҳозирда эса малякасининг йўқлиги учун яхши ёзувчи эмас. Бунинг учун у ўзгариши керак. Ўзи айтганидек, қўшимча маълумот учун ўкув курсига қатнаши, мавзуни ва таҳририятни таҳлил қилиши лозим. Балки муҳаррир билан учрашув белгилаши ҳам керак бўлар. Рад жавобини мардонавор қабул қилиши ва яна турли мақолаларни ёзишда давом этиши лозим. Бу ҳаракатлар эвазига у ўзгариб боради ва оддий ёзувчидан мутахассисга айланади. Тушунарлими?

– Тушунарли, – жавоб берди Трейси. – Демак, мен мақсадимга етиш учун яхши компаниянинг эгаси ва маҳоратли сармоядор бўлишим керак. Бунга ҳали узоқ, албатта. Лекин ким бўлишимни белгилаш ва нима қилишим кераклигини билиш учун менда мақсад бор ёки нимага эга бўлиш истаги мавжуд.

– Тўғри, кўпчилик одамлар олдинига нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашади. Оқибатда уларга бу оғир кўринади ва ҳеч нарсага эга чиқа олишмайди, – қўшиб кўйдим мен.

– Мисол учун “Агар бу менга қанчага тушишини билганимда эди, бу нарсани рад қилган бўлардим!” дегандай, – деди ўйчан туриб Пэт.

– Ҳаммаси тўғри, – деди Лесли. – Агар мен нимага эга бўлишни истаётганимни аниқ билсам, ўшанда ким бўлишим ва нима қилишим кераклигини англай оламан.

ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

– Тушунаман, кеч кириб қолди, лекин менда яна бир савол туғилди, – деди Трейси. – Менга ишимда баъзан жiddий қарорларни қабул қилишимга тўғри келиб қолади, ҳамма фактлар кўриниб турган бўлса-да, ички туйгумга суюниб қоламан, яъни интуицияга. Бу нарсанинг сармоялашда ҳам ўрни борми? Менимча, аёлларнинг узоқни кўра билиш туйғулари бу вазиятда қўл келиши мумкин.

— Ўз малакам билан ўртоқлашишим мумкин. Биринчи ижарага бериш учун уйни сотиб олганимда мени иккиланиш қийнаганди: “Сотиб олишим керак! Йўқ, олмаслигим керак!” Бошим айланиб кетганди. Охир-оқибат ўзимга дедим: “Сен керакли ахборотларни кўлингдан келганча йиғдинг. Ҳозир сен ўзингга ишонишинг керак”. Ички туйғу мени муваффақият кутаётганини шипшидти. Эртасига уйни сотиб олдим ва бу сармоялаш им жуда омадли бўлди.

Бирок фақат ички туйғуга ёндашиш ҳам ярамайди. Ҳамма керакли томонларни кўриб, ўрганиб чиқиш ҳам зарур. Мен қанчалар кўп битимларни амалга оширсам, шунча малакам ҳам ошиб боради ва сезиш ҳиссиётим ўткирланиб боради. Баъзан савол берган кунларим ҳам бўлади: буни нима учун қиляпман? Баъзан айнан шундай савол музокаранинг ечими-ни топади.

Ўшанда эндиғина сармоялашни бошлагандим, мен манфаат фондлари бўйича маслаҳат берган брокердан «Coca-Cola» акцияларини сотиб олдим. Сотиб олдим ва унудим. Анчадан сўнг катировкаларни кузатсам, мен анчагина даромад қилибман. Мен брокерга қўнғироқ қилиб, акцияларни сотишимни айтдим. “Ҳозир сотиш керак эмас, - маслаҳат берди у. – Мен ишонаман, уларнинг нархи яна ошади. Мен мутахассисман ва сўзимга жавоб бераман”. Мен кўнмадим: “Нархи ошаверсин, майли. Менга шу даромад ҳам етади. Мен сотмоқчиман”. У ҳам сўзида туриб олиб, мени сотмасликка кўндириди. Орадан бир ҳафта ўтди, акция нархлари тушиб кетди ва охир-оқибат мен зааррга кирдим. Бу сафар мен ички туйғумга ва ўзимга ишонмагандим.

Айтишим керак, катта хатолар факат сармоялашда учрамайди, бу одатий ҳаётимизда ҳам бўлади, мен ўзимга ишонмаганим учун хато қилдим, ўзим рози бўлмаган нарсага ўзимни мажбур қилдим. Мана шундай вазиятларда ўзимга қиласидиган хиёнатим катта нохушликларни туғдирган.

Мен Трейсига қўшиламан. Ички туйғу сармоялашда асосий ролни ўйнайди. Мен доим унга қулоқ соламан, лекин тўла ёндашмайман ҳам. Мен ахборот йиғаман, фактларни

тахлил қиласан, кейин ички түйғуга қулоқ соламан. Агар қарыма-қаршилик бўлмаса, ҳаракатни бошлайман.

– Ички түйғу менга айтяптики, биз бошлаган ишимизда муваффакиятга эришамиз, - деб ҳазиллашди Лесли.

– Келинглар, бир оз танаффус қилсак-да, кейин мен охирги хикоямни айтиб бераман, - дедим мен.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ДУГОНАЛАР БИЛАН КЕЧКИ ОВҚАТ

Үн саккыз ёшгача аёлларга яхши ота-она керак, үн саккыздан ўттиз беш ёшгача – яхши ташқи күриниш, ўттиз беш ёшдан эллик беш ёшгача – яхши феъл-автор, эллик беш ёшдан кейин эса – яхши пуллар.

Софи Такер

Кечки овқатни хотиржам ҳолатда, тинч жойда емоқчи бўлдик. Биз машинага ўтириб, антика италиян ресторанига бордик. Машинани ресторон хизматчисига қолдириб, ичкарига кирдик. Кираверищда бизни бошқа хизматчи кутиб олиб:

– Дастурхон тайёр! Вақтни ёқимли ўтказишингизни истайман! – деди.

– Албаттга! – деди Лесли унга.

Олдимизга официант келди.

– Нима ичасиз?

– Менимча, биз энг яхши ичимлик ичишга лойиқмиз, – деди Пэт.

Биз ичимлик турини айтдик ва официант буюртмани ба-жаргани кетди.

– Бу икки кун менинг ҳаётимни умрбодга ўзгартиради, – деди Лесли. – Билганларимдан бошим айланиб кетяпти. Ҳаммангизга раҳмат!

Биз навбати билан семинаримиздан олган таассуротларимиз ва келажак режаларимиз ҳақида гапирдик. Треси хулоса чиқарди:

– Менинг ҳаётим энди олдингидай бўлмайди. Шу ўтган йиллар давомида биринчи бор яна ўз ҳаётимни назоратга олдим.

Бу пайтда официант буюрган нарсаларимизни олиб келганди.

– Менда қадаҳ сўзи бор, – деди Лесли.

Биз бакалларни кўтардик.

– Аввало ҳаммангизни табриклайман! Бир-биримизни құллаб, ёрдам бераётганимиздан жуда хурсандман. Олдимизга қўйган мақсадимизда ютуқларга эришишимизни тилайман. Агар мен олдимга қўйганларимни бажармасам, сизларнинг ҳар бирингизни шахсан уялтириб қўяман, шекилли. Шунинг ўзи мени олдинга боришга ундаиди. Мен бирлашмамизнинг бир қисми эканимдан хурсандман. Биз учун!

- Биз учун! – қўшилдик биз.
- Биз учун ва бизнинг молиявий мустақиллигимиз учун!
– қўшилди Трейси.

ОНГНИНГ ЎЗГАРИШИ

– Бугун эрталаб тақдиrimиздаги йигирма йил одинги тушлик тафти билан уйғондим. Биз карьерамизда күтарилишга интилиш бўйича сўзимиз бир жойдан чиққанди. Ажабланарли, қанча турли йўналишларга ўшанда биз тарқалдик. Ва мана йигирма йил ўтиб, яна чорраҳада турибмиз, бу сафар йўллар энди бошқа йўналишга олиб боради, сармоялашга! - деди Пэт.

– Бу менинг учун улкан алмашиниш, - деди Лесли. - Ажабланиб тан оламан, умрим бўйи санъат билан қизиқиб келиб, шу ўтган икки кун ичидаги қилганим - пул, сармоялаш, молиявий мустақиллик ҳақида гапирдим. Мен бир кун келиб шундай нарсалар билан шуғулланаман, деб ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Маблағ ва сармоялаш – бу менинг учун эмас, деб ўйлаб юарканман, аммо ҳозир тушундимки, бунга менинг кучим етар экан. Бундан мен жуда хурсандман!

- Мен эса ишсиз бўлиб қолишдан қўркишим оқибатида бирорвга менинг ҳаётим устидан назорат қилишига йўл бериб қўйганимни тушунмай келган эканман, - қўшилди Трейси.
- Мен ҳозир уйимга кетиб, бу қўрқинчдан тамомила халос бўламан. Буни олдинроқ англаб етмаганимга ўзимни кой-ийман. Майли, бўлар иш бўлди, айтишади-ку, ҳечдан кўра – кеч! Мен ҳатто ишонаман, мени барибир ишдан бўшатишади, бир томондан яхши ҳам бўлади, бошлайдиган янги

ишимга ҳамма кувватимни бағишлайман. Қаранг, қанчалар онгни ўзгартириш мүмкін экан!

— Сен энг оғриқли жойни мұлжални олдинг, Трейси, - дедім мен. – Ҳамма гап айнан онгнинг ўзгаришида. Эндилик да сен бир умр маошга яшайман, деб ўйламайсан, түғрими?

— Йўқ, - деді у. – Мен доим ўйлардымки, пул топишнинг фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса – маош ва менга қанча беришса, шунга кўниб келган эканман, у пул эса, албатта, чегараланган. Энди эса мен тушуняпманки, менинг имкониятларим чексиз экан. Энди ўзим қанча пул топишни ҳал қиласман. Бу факт мисолида айтиш мумкинки, ўтган икки кун из қолдирмай кетмади.

Лесли гапга кўшилиб деди:

— Бу суҳбатимизгача мен иккинчи ишни топсам, кўп пул топаман, деб ўйлаб юрадим. Лекин бу фикримдан ўзимни ёмон ҳис қилардим. Мен ҳам асосийси маош деб юрадим. Энди мен ҳозирги ишимга шунчаки мени мақсадимга олиб борувчи ва молиявий мустақил бўлишимга ёрдам берадиган бир асбобга қарагандай қарайман. Энди мен бунга бошқача назар ташлайман ва бошқа нарсаларга ҳам, чунки мен олдин тўлов ҳисобларини тўлашга жуда ҳаддан зиёд хавотир билан қараб, вактимни бекор кетказган эканман, қолаверса, севган ишимни четга суриб ҳам қўйибман. Мен ҳаётимда биринчи марта тунел тўрида ёруғликни кўряпман. Энди шунчаки ҳаракатни бошлишим керак!

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

— Ажойиб, ўзинг ўзгаришни бошласанг, атроф ҳам ўзгара бошлайди, - дедім мен.

— Ҳақиқатда, - қўшилди менга Лесли. – Мен янги оламимда ўз ишимни, бошлиқни ва ҳатто ҳисобларни кўряпман. Аммо ишм ҳам, бошлиқ ҳам, ҳисоб рақамлари ҳам бир томчиси ўзгармаган. Фақат мен ўзгарганман! Қизик, олдинги эримга ҳам бошқача қараймикан? Ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку.

Пэт кулиб юборди:

– Нима демоқчи бўлаётганингни тушунаман. Мен бу ерга келишимдан олдин эрим ўзгариб қолар, деб ўйлардим, энди билсам, ўзим ўзгаришм керак экан. Мен олдин усиз удалай олмайман, деб ўйлардим, энди билсам, ўзим биринчи қадамни қўйишим керак экан. Албатта, ҳозир ҳам у менга қўшилишини истайман, лекин усиз ҳам ўйлаганларимни бошлайвераман. Кўнглимдаги муз эригандай бўлди.

– Ким билади, балки янги қаравшларинг туфайли унда бирор ўзгаришни топарсан, - дедим мен.

Пэт бу фикрдан жилмайди.

– Мен бу йиғилишимиzinинг ташкилотчиси эканман, - деди Пэт, – бир таклифим бор. Биз шу икки кун ичida тўпланган кувватни бекорга сарф қилмайлик, деб келишдик. Менимча, бу жуда керак.

– Менимча, сен нимани таклиф қилмоқчилигингни биламан, - деди Лесли.

– Мен таклиф қилмоқчиманки, ҳар олти ойда бир соатлик телефон конференциясини амалга оширасак, - деди Пэт. – Трейси ва Лесли, эшитинглар, ушбу соҳада янги бўлганимиз учун бу бизга ёрдам беради. Агар Ким ўз ёрдамини аямаса, биз муваффақиятга эриша оламиз. Нима деб ўйлайсизлар?

Ҳаммамиз рози бўлиб, телефон қўнғироғи кунини ва вақтини белгилаб олдик.

Бу сафар бакални Трейси кўтариб, тантанали равишда қадаҳ сўзи айтди:

– Сизлар туфайли кўп йиллардан бери энди келажагим ўз қўлимдалигини ҳис қиляпман. Келинглар, ажойиб ҳаёт учун, соғлик учун, баҳт учун... ва орзу қилсагина бўладиган пул оқими учун ичамиз! Ура..!

ЭПИЛОГ

Үйга қайтганимиздан сўнг Пэт мобил телефон автожавобини ёқиб, Женисдан келган хабарни ёқди: “Нимани ўйлагандим?! – қичқиради у. – Мен ақлдан озибман! Ўша чиройли йигит узоқ муносабатларга интилмаган экан, у

шунчаки бекорга ўйнаб келмоқчи бўлган экан! Аблаҳ! Ишона олмайман, нега буни олдин билмадим. Яна у жуда чиройли ҳам эмас экан! Биламан, сизлар икки кунни жуда ажойиб ўтқазгансиз. Афсус, мен бормадим. Энди бармоқларимни тишлайпман, ўша аблаҳни келажагим деб ўйлабман. Бунинг ўрнига ўз келажагимни сизлар билан курсам бўлмасмиди?!"

ОХИРГИ ФИКР БИЛДИРИШ УЧУН

Кўпинча айтишадики, пул - ҳаётда асосийси эмас, деб. Балки шундайдир. Аммо уларнинг ҳар бир нарсага таъсирини ёддан чиқармаслик керак: соғликни саклаш, билим олиш, ҳаётий устунлик...

Баъзи ҳолларда пул одамни қул қилиши ҳам мумкин – иш бўйича қул, қарзлар ва баъзан муносабатларда ёки ўз танлови бўйича яшаш учун озодлик ҳам бериши мумкин.

Мен пулларни ҳаётимнинг асосий бир қисмига айлантириб, озодликка эришдим. Бу менга жуда зарур эди – чунки менга нима қилишим кераклигини айтишлари ҳеч қачон ёқмаган.

КИМ КИЙОСАКИ

Ким – ўрнак олса бўладиган аёллардан. У пул, маблағлаштириш ҳакида ҳеч нарсани билмаган ҳолда ўзининг сармоялаш империясини яратди. У ёшлигидан биларди: одатий америкаликтининг яшаш тарзи унга тўғри келмасди, у ўта мустақил, очиқ кўнгил ва унга нима қилишини кўрсатишларини ёқтирумайди.

У ишини реклама соҳасидаги фаолиятдан бошлади. Кейинроқ унда тадбиркорлик рухи уйғонди. 1984 йили ўзининг биринчи бизнесига асос солди. Ўшандан бери улар турмуш ўртоғи билан кўп муваффақиятли компанияларни ташкил қилишди. Улардан охиргиси бу - Шэрон Лектер билан шерикчиликда ташкил қилинган «Rich Dad» халқаро эътиборга тушди. Биринчи навбатда Роберт Кийосакининг “Бой ота, камбағал ота” бестселлер асарини тилга олиш зарур.

Сармоядор сифатидаги карьерасини Ким 1989 йилда бошлади. Биринчи маблағлаштиришидан сўнг у тушуниб етдики, сармоялаш – бу унинг молиявий мустақил бўлиши учун йўли ва у ишонч билан ўз мақсадлари сари олдинга юрди. Бугунги кунда у кўп миллионли сармоялаган кўчмас мулкка ва бошқа маблағлаштирган жойларига эга.

Тадбиркор ва сармоядор Ким чин дилдан аёлларга сармоялашнинг заруратлари ҳакида гапириб, уларга ўз молиявий келажакларини назоратга олишларини айтиб келмоқда.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	8
БИРИНЧИ БОБ	19
ДУГОНАЛАР БИЛАН ТУШЛИК	19
ИККИНЧИ БОБ	23
ДУГОНАЛАР	23
УЧИНЧИ БОБ	29
МЕНИНГ ҲИКОЯМ	29
МЕНИНГ БИРИНЧИ ИШИМ	31
РОБЕРТ БИЛАН ИЛК УЧРАШУВИМ	32
БИР ҚЎРИШДАЁҚ... ҲАМКОРЛАР	33
1985 ЙИЛ - ДўЗАХ ТОМОН	35
БИР КЕЧАГА БОШПАНА	36
НАЗОРАТНИ ҚЎЛГА ОЛИШ ПАЙТИ КЕЛДИ	37
БИРИНЧИ МАБЛАҒ ҚЎЙИШИМ	38
«RICH DAD» КОМПАНИЯСИ	39
АЁЛЛАР УЧУН АЛОҲИДА ИЗОҲ	41
ТЎРТИНЧИ БОБ	42
ЙИГИРМА ЙИЛ ОЛДИН	42
МАРТАНИНГ ТАРИХИ	43
БИЗНИНГ КЕЛИШУВ	45
БЕШИНЧИ БОБ	47
ГАП ФАҚАТ ПУЛДА ЭМАС	47
АЁЛ НЕГА САРМОЯЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ ЕРАК	51
СТАТИСТИКА	52
БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИШ УЧУН ЯНА БИР НЕЧА РАҶАМЛАР	53
МУСТАҚИЛЛИК	54
“ОЙНАВАНД ШИФТ”НИНГ ЙЎҚЛИГИ	55
ЧЕГАРАЛАНМАГАН ДАРОМАД	56
ЎЗ БАҲОСИНИ ОШИРИШ	56
ВАҚТНИ БОШҚАРИШ	57
ХУЛОСА	57
ОЛТИНЧИ БОБ	58

“МЕНИНГ ВАҚТИМ ЙЎҚ”	58
АЁЛЛАРДАГИ АСОСИЙ БАҲОНАЛАР	60
САВОЛ ҚАНДАЙ ЭДИ	61
СИЗНИНГ ШАХСИЙ САБАБИНГИЗ	63
БАЪЗИ БИР САБАБЛАР	65
МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ БЎЛИШ УЧУН ЎЗИДАГИ САБАБНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН.....	68
ЕТТИНЧИ БОБ	69
МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК НИМА ЎЗИ	69
АКТИВ НИМА.....	71
ПУЛ ОҚИМИ НИМА	72
ПУЛ ОҚИМИ УЧУН САРМОЯЛАНМАСА, ЯНА НИМАГА САРМОЯЛАШ КЕРАК	72
ПУЛ ОҚИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН	73
МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН НЕГА ПУЛ ОҚИМИ ЗАРУР	73
АКТИВЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА ЯНА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК.....	75
САРМОЯЛАНГАН МАБЛАҒ ДАРОМАДИ НИМА	75
САРМОЯЛАНГАН МАБЛАҒНИНГ ДАРОМАДИНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ КЕРАК	75
ОГОҲ БЎЛИНГ	76
САККИЗИНЧИ БОБ	77
“МЕНИНГ АҚЛИМ ЕТМАЙДИ!”	77
БИЗГА ЎРГАТИШГАНИ	80
ЙЎЛНИНГ ЎЗИ - МУКОФОТ.....	85
ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ	86
ТЕЗРОҚ АҚЛЛИ БЎЛИШ	86
НИМАНИДИР ТУШУНМАЁТГАНИНГНИ ҚАНДАЙ ТУШУНИШ МУМКИН	89
КЎП НАРСАНИ ТУШУНИШ – ЯХШИ НАТИЖА	90
УЧТА ОДДИЙ ҚОИДА	90
ЎНИНЧИ БОБ	92
«МЕН ЎЛГУДЕК ҚЎРҚАМАН!»	92
ҚЎРҚУВНИНГ ФОЙДАСИ ВА ХАВФЛИСИ	92

ҚҮРҚУВ БАҲОНАГА ЎХШАЙДИ	94
ҚҮРҚУВ БЕБАҲОДАЙ.....	95
ОФРИҚНИНГ ИККИ ТУРИ	95
ЖАСУРЛИК ОНЛАРИ	96
ҚҮРҚУВНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ КЕРАК	97
ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН МАШҚ	98
ИЛК САРМОЯЛАШДАГИ ҚҮРҚУВНИ ЕНГИШ	99
БИР САРМОЯДОРНИНГ ТАРИХИ.....	101
ВАЙДАНИНГ ҲИКОЯСИ.....	101
ЎН БИРИНЧИ БОБ.....	102
СИЗ ҚАНЧАЛАР БОЙСИЗ	102
ЎН ИККИНЧИ БОБ.....	111
“МЕНДА ПУЛ ЙЎҚ”	111
ЎН УЧИНЧИ БОБ.....	123
ЯНА БИРОЗ ПУЛ ҲАҚИДА.....	123
ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ	129
«МЕНИНГ ЭРИМГА БУНИНГ ҚИЗИҒИ ЙЎҚ!»	129
ЭСЛАТМА УЧУН ФИКР	138
ЎН БЕШИНЧИ БОБ	141
НИМАГА АЁЛЛАР ЯХШИ САРМОЯДОР	
Бўла олишади	141
Яхши янгилик	143
Аёллар эрқакларга қарши	144
АЁЛЛАРНИНГ АЖОЙИБ САРМОЯДОР	
Бўлишларига изн берадиган саккизта	
Устунлик.....	144
БИЗ БУНИ УДДАЛАЙ ОЛАМИЗ ВА ҲОЗИРДА	
Қиляпмиз ҳам	150
Ўн олтинчи боб	150
“Мен тайёрман!”	150
“Мен тайёрман!”.....	153
Ўн еттинчи боб.....	156
МУВАФАҚИЯТНИНГ 90 ФОИЗИ КЕРАКЛИ	
Жойда бўлишни билишга боғлиқ	156
Жума, соат эрталабки тўқиз	156
Марта билан нима бўлди	158

КЭРОЛ	159
ЖЕНИСНИНГ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ	160
ҮН САККИЗИНЧИ БОБ	163
БОШЛАЙМИЗ	163
ҮН ТҮККИЗИНЧИ БОБ	173
УЧ ТУРДАГИ ЭРКАКЛАР/ УЧ ТУРДАГИ САРМОЯДОРЛИК	173
ЙИГИРМАНЧИ БОБ	184
МУВАФФАҚИЯТЛИ САРМОЯДОРНИНГ ИЛК ТҮРТТА ҚОИДАСИ	184
ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ	195
МУВАФФАҚИЯТЛИ САРМОЯДОРНИНГ НАВБАТДАГИ БЕШТА ҚОИДАСИ	195
ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ	206
РЕЖА ТУЗИШ ВАҚТИ КЕЛДИ	206
ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ	214
ДУГОНАЛАР БИЛАН КЕЧКИ ОВҚАТ	214
КИМ КИЙОСАКИ	219

табори тақомчыларинин тәнисшан

жарнамасының 1999-2000 жылдары

табори тақомчыларинин тәнисшан

жарнамасының 1999-2000 жылдары

табори тақомчыларинин тәнисшан

жарнамасының 1999-2000 жылдары

табори тақомчыларинин тәнисшан

КИМ КИЙОСАКИ

БОЙ АЕД

Сармоялашда
аёлларнинг
бошқаруви

Сармоялаш билан
қандай шугуланиши –
қандай изсараги
кўчмас мулкини сотиб
олиш, акцияларнинг
тандови, сармояланган
маблагдан қандай яхши
– даромад олиш мумкин
– бу саволларга эркак-
лар учун ҳам, аёллар
учун ҳам бир хилдаги
жавобни олиш мумкин.
Киммат қоғозлар ёки
кўчмас мулк бўладими,
сотиб, сотиб олиш,
эгалик қилишими ёхуд
уйни изсарага бериш-
ми, бу изсарабёнларни
амалга ошириш жинс
ташламайди.

Замонавий
аёллар
учун

ISBN 978-9943-4659-3-0



9 789943 465930